

Т. Х. ИКРОМОВ

ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими
вазирлиги фермерлар тайёрлаши ўрга
билим юртлари ўқувчилари учун
дарслик сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Дарсликда чорва моллари анатомияси, физиологияси, конституцияси ва экстеръери, генетика асослари, молларни урчитиш ва наслочлик ишлари, ем-хашак турлари, уларнинг тўйимлилиги, единришига тайёрлаш усуллари, ҳайвонларни меъёрида боқини масалалари баён этилган.

Дарсликнинг хусусий чорвачилик бўлимнада қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, йилкичиллик, туячиллик ва қуёнчилик каби тармоқлар ўз ифодасини тонган. Шунингдек, зоогигиена асослари, чорва молларининг асосий касалниклари ҳамда чорвачиликнинг иқтиесодий самарадорлигини ошириш тадбирлари баён этилган.

Дарслик фермерлар тайёрлаш ўрта билим юртлари ўқувчилари учун мулжалланган бўлиб, ундан чорвачилик фани ўқитиладиган барча ўрта ва олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда чорвачилик ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Тақричилар: қ/х ф. к., доц. Р. Ҳамроқулов, т.ф.к. доц. Б. Тожибоев, ЗБ-ХБЮ ўқув ишлаб-чиқарниш ишлари бўйича директор мувонии Х. Маймакова.

И $\frac{3705010000-89}{353 \text{ (04)} - 96}$ —95

© «Ўқитувчи», 1996

ISBN 5—645—02591—1

К и р и ш

Республикамиз мустақиллікка әришгандан бүен чорвачиликни ривожлантиришга, чорва маңсулотларини күпроқ етнитириш билан бирга уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арzonлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, моллар туёғини кўпайтириш, наслчилик ишларини яхшилаш, чорвачилик тармоғини жадаллаштириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, сутчиллик комплекслари ва чорвачилик фермаларини ташкил этиш муҳим вазифага айланган. Бинобарин, чорвачилик хўжаликларида малакали ишчи кадрлар етарли бўлиши, уларнинг билим доираси кениг бўлиб, меҳнат ва технологик жараёнларни тўғри тушунадиган ҳамда механизация, автоматика ва электр қуввати билан ишлайдиган асбоб-ускуналарни бошқара оладиган бўлишлари лозим.

Дастур асосида яратилган мазкур дарсликда чорва моллари анатомияси, физиологияси, чорвачилик маңсулотлари етнитириш технологияси, чорва молларини боқиши, сигирларнинг сут маңсулдорлиги, сутнинг таркиби, шунингдек озиқ турлари, уларга дастлабки ишлов берини, озиқ рацоноҳдари ва уларга бўлган талаблар, молларнинг ўсиш ва ривожланиши қонуниятлари, зотлари, зотдорлиги ва наслчилик ишлари баён этилган.

Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Чорвачилик қишлоқ хўжаликнинг ғоят муҳим тармоғи бўлиб, халқимизни озиқ-овқат маңсулотлари ҳисобланган гўшт ва гўшт маңсулотлари, сут маңсулотлари, тухум, шунингдек енгил саноатни турли хил хом ашё — жун, тери, мўйна, қоракўл тери, тивит ва бошқа маңсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, чорва моллари ва паррандаларни хилма-хил витаминалли озиқлар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаб туриш чорвачиликнинг асосий шарти ҳисобланади.

Галлачилик, мевачилик, сабзавотчилик, пахтачилик ва боғдорчилик каби соҳаларнинг ривожланиши ҳам чорвачиликнинг равнақ топиши учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки галлачиликда этиштириладиган дон маҳсулотлари, сомон ва похол чорва моллари учун қимматли озиқ ҳисобланади. Мевачилик ва сабзавотчилик чиқиндилари ҳам ҳар хил ҳайвонлар учун серсув ва витаминли озиқ сифатида ишлатилади. Пахтачиликдан чиқадиган чигит куликараси, шулха ва ғўзапоя кабилар чорза моллари учун тўйимли озиқ ҳисобланади ва ҳоказо.

Ҳозирги вактда чорвачилик энг сертармоқли соҳалардан биридир. Унинг асосий тармоқлари қорамолчилик, қўйчилик, энекичилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқачилик, туячилик, қуёнчилик, мўйначилик (норкачилик, нутриячилик ва ҳоказо), асаларичилик, инакчилик бўлса, кейинги йилларда у янги тармоқлар, яъни кўл балиқчилиги, беданачилик каби соҳалар билан бойниди.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан яна бирни уларни ихтиослаштириши, йириклаштириши ва марказлаштириши ҳамда жадаллаштиришдан иборат. Бунинг учун мустаҳкам ва барқарор ем-хашак базасини яратиш, ем-ханиакдан унумли фойдаланини, исерофгарчилликка йўл қўймаслик, уларнинг тўйимлилигини ошириши ва сифатини яхшилаш, айниқса таркибидаги оқсанларни миқдорини кўнайтириши, сунъий усуlda витаминалар, аминокислоталар, микрэлементлар, антибиотиклар ва ўстирувчи моддалар ишлаб чиқарин талаб қилинади. Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантиришида омикта ем, донадор ва брикет озиқ тайёрлаш ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачиликни жадаллаштириш кўп жиҳатдан чорва моллари ва паррандалар маҳсуддорлигига боғлиқ. Шунингдек, насачилик ва селекция ишларини такомиллантириш, янги сермаҳсул зот ва турӯҳлар яратиш, мәржуд зотларни яхшилаш, дурагайлаш ишларини кенайтириш, саноат асосида чатиштириши тадбирларини жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан фан янгиликлари, илғор тажриба, янги техника ва технологияни тезроқ жорий этишга ҳам боғлиқдир.

БИРИНЧИ БҮЛІМ

УМУМИЙ ЧОРВАЧИЛИК

1 бөб. ЧОРВА МОЛЛАРИНИҢ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (МОРФОЛОГИЯСЫ ВА ФИЗИОЛОГИЯСЫ)

Тирик организм яхлит бұлғани ҳолда унинг барча аъзолари ҳам шакли, ҳам вазифаси жиһатдан бир-бiri билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман барча организмлар ва аъзолар анатомияси (морфологияси), физиологияси ва биохимияси бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бұлғани учун үларни комплекс үрганиш мақсадда мұвофиқдир. Биообарын, ҳозирги заман биология фаны ҳар бир организмни үрганишда унинг тарихий ривожланиши ва ташқи мұхит таъсирінде күра ҳаракати, ўзгариши, мосланиши каби хусусиятларини комплекс ҳолла күзатын зарурлығини тақозо этади.

Анатомия — организм ва аъзоларнинг тузилиши, жойлашиши, бир-бiri га боғлиқтагы каби белгиларини оддий усулда үрганадиган фан.

Физиология — тирик организм ва аъзоларда содир бўладиган жараён ва ўзгаришларни, улар орасидаги муюносабатларни үрганадиган фан.

Биохимия — тирик организм ва аъзоларнинг кимёвий таркиби ва уларда содир бўладиган кимёвий жараёнларни үрганадиган фан.

Тирик организмларнинг асосий белгиси улар ҳужай-ралардан ташкил топганлиги, индивидуал ва тарихий ривожланишининг мавжудлигидир. Ҳаётнинг асосий бирлиги ҳужайра бұлғани ҳолда барча жараёнлар унинг ички қысмida содир бўлади. Организмларда ҳужайрадан ташқари, ҳужайрасиз элементлар — ҳужай-ралараро мөнда, жумладан, қон плазмаси, зардоби, тоғай ва сүякларнинг зич жойлашган асосий мөндаст ҳам бор. Эластик ва коллаген толалар ҳам ҳужайрасиз тузилинга эта. Шундай қилиб, ҳужайра тузилиши ва бажарадиган вазифасига кўра, тирик материянинг мурakkab, юксак даражада тузилган структура бирлиги ҳисобланади. Организмдаги ҳужайралар бажарадиган вазифаларнiga кўра турли шаклда ва йириклика бўлади.

Барча тирик ҳужайраларда турлича муҳим ҳаётий жараёнлар юз беради. Масалан, оқсил ва бошқа биологик моддаларнинг синтезланиши, моддалар ва энергия алмашинуви, таъсиrlаниш ва қўзғалиш (ёки таъсиrlа жавоб қайтариш) каби хусусиятлар шулар жумласидандир. Ташқи таъсиrlа ҳар хил ҳужайралар турлича жавоб қайтаради. Масалан, мускул ҳужайралари қисқаради, без ҳужайралари секрет ажратади ва ҳоказо. Бу эса бир тирик ҳужайранинг энг муҳим белги ва хусусияти ҳисобланади.

Ҳайвонлар танасининг таркиби. Тирик организмларнинг таркиби турли хилдаги кимёвий элементлардан ташкил топган. Академик В. И. Вернадский фикрича, ҳайвонлар танасида Менделеев даврий системасидаги барча элементлар учрайди. Лекин айримлари кўпроқ (мақроэлементлар), бошқалари озроқ миқдорда (микроэлементлар) бўлади.

Аниқланишича, ҳайвонлар танасининг деярли 96 фоизини тўрт хил элемент (углерод, водород, кислород ва азот) ташкил этади. Яна тўрт хил элемент (кальций, фосфор, калий ва олтингуругт) З фоизни ташкил қиласди. Темир, натрий ва хлор биргаликда ўртача 1 фоизга боради. Микроэлементлардан йод, магний, мис, марганец, кобальт, рух кабилар ниҳоятда оз миқдорда учрайди.

Ҳайвонлар танасида сувнинг роли ниҳоятда катта, у озқат ҳазм қилиш, сут ҳосил бўлиш, қон айланниш ва моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Сув ҳайвонлар танасининг 65—90 фоизини ташкил килади. Ёни ҳайвонлар танаси катта ёнидагилардагига қараганда сув кўпроқ бўлади.

Оқсиллар ҳайвонлар танасининг асосий қисмини ташкил этади. Оқсилларнинг кўп қисми мускуллар, қон, тери, жун ва сут таркибида бўлиши кузатилган. Кимёвий таркибига кўра, оқсиллар анча мураккаб тузилган бўлиб, бошқа органик бирикмалардан фарқ қиласди. Уларнинг молекуласи азот билан боғланган бўлиб, баъзан улар азот бирикмаларидан ташкил топган модда ҳисобланади.

Оқсиллар молекуласи аминокислоталардан иборат бўлиб, ҳозир улардан 30 тадан кўпроғи аниқланган. Ҳар бир аминокислота маълум ном билан аталади. Масалан, цистein, лизин, лейцин, валин, пролин, гуанин, тирозин, гистидин, серин, алонин ва ҳоказо.

Углеводлар асосан углерод, кислород ва водороддан ташкил топган. Таркибига кўра улар оддий — моносахаридлар ва мураккаб — полисахаридларга бўлинади. Углеводлар деярли ҳамма ўсимликларда ва ҳайвонлар организмида бўлади. Лекин, ўсимликлар дони ва мева-сида углеводлар кўпроқ учрайди. Моносахаридлар — глюкоза, фруктоза ва галактозалардан, полисахаридлар — крахмал, гликоген, целлюлозадан ташкил топган.


Ёглар ҳам углеводлар каби, организмда энергия манбани ҳисобланади. Ёглар оқсил ва углеводлар билан бирга турли хил чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт ва ҳоказолар) нинг асосий таркибини ташкил қиласди. Барча ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайрасида ёғлар маълум миқдорда учрайди, лекин уларнинг миқдори оқсилларга кўра камроқ бўлади. Ёглар организмда ҳимоя ва қурилиш материалы сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонлар ҳужайрасининг тузилиши ва вазифаси

Ҳужайра организмда маълум вазифани бажаришга мослашган элементар бирлиқdir. Бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали ҳар бир организмнинг ҳужайраси бир-бiringа чамбарчас боғланган цитоплазма ва ядродан ташкил топган яхлиттирик системадир.

Барча кўп ҳужайрали организмларнинг турли тўқима ва аъзоларининг ҳужайралари шакли, йириклиги ва вазифасига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Уларнинг бу хусусияти узоқ эволюцион йўлни босиб ўтганлигидан, шу туфайли муайян шаклга кирганлигидан ва маҳсус вазифани бажаришга мослашганлигидан дарак беради (1-расм).

Ҳайвонлар танасидаги энг майдага ҳужайралар — лимфоцитлар 6—8 микрон атрофида бўлади. Нерв ҳужайралари эса организм бўйлаб 1 м ва ундан ҳам узун толалардан ташкил топган. Айрим ҳужайралар, масалан, тухум ёки мой ҳужайралари шар шаклида бўлса, бошқалари юлдуз шаклида (бириктирувчи тўқима ҳужайралари), цилиндрсизмон, кубсизмон ва яссилашган (эпителий, копловчи тўқима ҳужайралари) шаклда, шунингдек киприкчалар билан таъминланган (киприкли ҳужайралар ёки думсизмон ўсимтага эга бўлган) сперматозоидлар ёки хивчинли (яшил эвгленалар) ва ҳоказо вакиллари учрайди.



1-расм. Ҳәйвон ҳужайрачариниң умумий күрініши:

*a, б, в, с — эпителілдік ҳужайраттар; д — ясек мұскул ҳужайра;
е — биректирувчы түқима ҳужайрасы; ж — әрітрецит; ғ — нерв ҳужайрасы; ғ — тоғай ҳужайрасы; к — сүяк ҳужайрасы.*

Ҳужайраларининг йирик-майдалығы, шакли ва бажарадиган вазифасидан қатын пазар, улар циталогик ва электрон-микроскопик түзилішинің жиһатидан деярли бир хил бўлади. Масалан, уларниң ҳар бирида ядро, цитоплазма, органеллалар, киритмалар, ҳужайра мембранаси ва бошқа турди хилдаги элементларнинг бўлиши аниқлаинган. Умуман ҳужайраларининг түзиліши, хилманиллігі, вазифаси, ҳасты, күпайини ва барча бошқа биологик хоссаларини маҳсус фан — цитология ўрганинади. Бинобарин, биз улар устида тўхталмаймиз.

Тўқималар. Түзиліши жиһатидан бир хил бўлган ва умумий моддалар алмашинуви тибига мансуб ҳужайралар гурӯҳи тўқимани ташкил этади. Бажарадиган вазифаси, шакли ва түзилішига кўра тўқималар эпителий (ёки қолловчи), биректирувчи (қон, лимфа, биректирувчи тўқиманин ўзи, тоғай ва сүяклар мисолида), мұскул ва нерв тўқималари гурӯҳига бўлинади. Бу тўқималарининг түзиліши ва барча белги хосса-

ларини гистология фани ўрганади. Булар устида ҳам тұхталмаймиз.

Аъзоларнинг тузилиши ва вазифаси

Хайвонларнинг ҳар бир аъзоси маҳсус вазифани бажаришга мослашған, шунга күра улар ҳар хил шаклға ва тузилишга эга. Маңлум вазифани бажаришга мослашған аъзолар битта ягона системани ташкил қылади. Масалан, скелет, мускулатура ва тери қатлами биргаликда ҳаракат вазифаларни системасини ташкил қылади. Бундай системалар организмда бир неча гуруұға бўлинади. Овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон ва лимфа айланishi, айриши, жиисий (ёки кўпайиш), сезги органлари, ички секреция безлари ва нерв системаси шулар жумласидандир.

Хайвонлар аъзоларининг шакли, тузилиши ва вазифаси турліча бўлса да, улар бир-бiri билан чамбарчас боғлиқдир. Бу боғланиши асосан нерв системаси ва гумерал йўл билан (қон орқали) амалга ошади. Бинобарин, организмдаги бирор аъзонинг ёки аъзолар системасининг ўзгарини ўз таъсирини, сўзсиз, бошқа қисмларга ҳам ўтказади. Организм ва аъзолар вазифасини нерв системаси бошқаради. Биз қўйнда аъзолар системаси устида қисқача тұхталамиз.

Ҳаракат аъзолари системаси

Скелет. Чорва молларининг скелети асосан уч қисмдан: калла, оёқ ва гавдадан иборат. Скелетда турли хил вазифа бажаришга мослашған узун *найсимон* суюклар (сон, елка, билак ва тирсак суюклари), турли шаклдаги лентасимон сербар ясси суюклар (кўкрак қафаси ва мия қутиси), *калта* (ҳар хил шаклдаги майдада суюклар) ва *аралаш* (шаклсиз суюклар, умуртқалар) суюклар учрайди.


Скелет таянч-ҳаракат ва ҳимоя вазифасини бажаради. Масалан, кўкрак суюклари (ковургалар), кўкрак қафасига жойлашған аъзолар (юрак, ўпка ва ҳоказолар) ни ташкил таъсиридан ҳимоя қиласа, бош мия қутиси мияни, умуртқа поғонаси эса орқа мияни муҳофаза қилиншига мослашған. Чорва молларининг скелети ва унинг барча қисмлари сигирлар скелети мисолида 2-расмда ўз ифодасини топган.

Калла суюги. Калла суюги иккى қисмдан; мия қутиси суюклари ва юз суюкларидан иборат. Мия қутисига бир

қанча (күриш, эшигин ва мувозанатни сақлаш) аъзолар туташган. Юз сүякларига эса ҳид билиш, таъм билиш аъзолари жойлашган бўлиб, унда бурун ва оғиз бўшлифи ўрин олган.

Гавда скелети. Гавда скелети умуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси сүякларидан иборат. Умуртқалар бир-биринга тоғайлар ёрдамида бирин-кетин сегментлар ҳосил қилиб бирикади. Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел, думгаза ва дум умуртқаларидан ташкил топган. Умуртқа тешиклари бирлашган ҳолда умуртқа поғонаси каналини ҳосил қиласди ва унинг ичидаги орқа мия жойлашган бўлади. Қорамоллар умуртқа поғонасининг бўйин қисмида 7 та, кўкрак қисмида 13 та умуртқа ўрнашган бўлади. Кўкрак умуртқалари, қовурғалар ва кўкрак сүяги бирлашиб, кўкрак қафасини ҳосил қиласди. Бел қисмида 6—7 та, думғазада 4—5 та бирлашиб кетган умуртқалар бўлади.

Думғазага тос сүяги ва 18—20 та умуртқадан ташкил топган дум бирлашган бўлади. Қовурғалар тоғай учига билан тўш сүяигига, орқа учига билан умуртқа поғонасига бирикади. Ҳақиқий қовурғалар 7—8 жуфтада бўлганни ҳолда, улар ўз тоғайни биктани бевосита тўш сүяигига



2-расм. Сигир скелетининг ён томонидан кўрининиши:


А — бўйин қисми; Б — кўкрак қисми; В — бел қисми; Г — Д — думғаза (дум) қисми; 1 — бурун сүяги; 2 — бурун устки сүяги; 3 — устки жиг; 4 — пешана сүяги; 5 — пастки жиг; 6 — атлант; 7 — эпифроз; 8 — курак сүяги; 9 — евака сүяги; 10 — елка олд сүяги; 11 — орталик сүяги; 12 — тирек сүяги; 13 — билак сүяги; 14 — кўкрак сүяги; 15 — тозгилардан ташкил топган қовурга ёйи; 16 — қозурга; 17 — тос сүяги; 18 — кўмик; 19 — сан сүяги; 20 — катта болдири сүяги; 21 — кинич ғоддири сүяги; 22 — тўнгак сүяги; 23 — товон сүяги.

бирикади. Түш суюгига бирикмаган бошқа қовурғалар етим қовурға ҳисобланади.

Оёқ скелети. Оёқ скелети гавданинг кўкрак ва тос қисмига бириккан. Кўкрак қисмидаги жойлашган бир жуфт оёқ чап ва ўнг кўкрак суюги ва мускуллар ёрдамила эркин ҳолда гавда билан туташган. Бир жуфт орқа оёқ гавданинг тос қисмига бириккан бўлади. Тос қисмидаги оёқлар скелети бир нечта (сон, тиззаза қопқоғи, болдири, кичик болдири, ошиқ ва туёқ) суюкдан ташкил топган.

Мускуллар. Барча турдаги чорва молларининг мускуллари (гавда, бўйин, бош ва оёқ мускуллари) бир неча хил бўлади. Жойлашишига кўра, улар юза ва чуқур ҳолда учрайди. Организмда жойлашиши ва шаклига кўра мускуллар ҳар хил вазифа бажаради (Зрасм).

Гавда мускуллари жойлашишига караб кўкрак қафаси, қорин ва елка мускулларига бўлинади. Кўкрак қафасидаги мускуллар юза ва чуқур мускуллардан иборат бўлиб, кўкрак қафасининг атрофига жойлашган.



3-расм. Сигирнинг юза жойлашган мускуллари:

1 — каш қайтариш мускули; 2 — бурун га юкори лабни ҳаракатга келтирувчи мускул; 3 — дум мускули; 4 — трапециясимон мускул; 5 — бўйинни ёгувчи мускул; 6 — елканинг кенгайган мускули; 7 — кўкракнинг чуқур мускул; 8 — қориннинг ташки қия мускули.

Қорин мұскуллари күкрак билан тос орасида жойлашынан бўлиб, толалари ҳар хил йўналган бўлади. Улар қорин қисмидаги аъзоларни турли ташки таъсиридан сақлайди ва нафас олиш жараёнида иштирок этади.

Елка мұскуллари бўйиннинг олдинги ва ён томонида бўлиб, калла билан гавда ўргасида жойлашынан. Бўйин мұскуллари: юза, бўйиннинг ён ва ости томонига жойлашынан чуқур ва бўйинни эгувчи мұскуллардан ташкил тонганди.

Боғи мұскуллари жойлашишинг кўра иккига: мия кутиси мұскуллари ва юз мұскулларига бўлинади. Мия кутиси мұскулларига пешана, энса, қулоқ мұскулларини киради. Юз мұскулларига чайнаш ва кавш қайтарини мұскуллари киради.

Оёқ мұскуллари олдинги ва орқа оёқ мұскулларидан иборат.

Олдинги оёқ мұскуллари вазифасига кўра бир неча гурухга бўлинади. Бу гуруҳдан бир елка курак бўғимнига киравчи мұскуллар (бўғимни ёзувчи, букувчи, обкларни узоқлаштирувчи ва яқинлаштирувчи мұскуллар) дир. Шу билан бирга бўғимни ёзувчи мұскуллар иккита мускул (ўқ олди ва елка коракоид) дан иборат. Шунингдек, букувчи мускул (дельтасимон, кичик юмалоқ, катта юмалоқ мускул)лардан; оёқларни узоқлаштирувчи ва яқинлаштирувчи мускул (курак ости ва ўқ орқаси мускул)лардан иборат.

Орқа оёқ мұскуллари ҳам, олдинги оёқ мұскулларига ўхшаб, бир неча гуруҳдан ташкил топган, бинобарни, улар кетинги оёқ бўғимларига ҳар хил таъсири этиши аниқланган. Жумладан, тос — сон бўғими мұскуллари учта мускул (сафрининг юза мускули, сафрининг чуқур мускули ва ноксимон мускул)га бўлинади. Сон суюгининг орқа қисми мұскуллари эса тўртта мускул (соннинг икки бошли мускули, ярим пай мускул, ярим парда мускул ва соннинг квадрат мускули) дан иборат.

Букувчи мұскуллар саккизта мускул (беллинг кичик мускул, бел-ёнбош мускули, беллинг катта мускули, ёнбош мускул, капсуляр мускул, тикувчи мускул, тароқсимон мускул)га бўлинади.


Тос-сон бўғимини яқинлаштирувчи мұскуллар учта мускул (иозик мускул, яқинлаштирувчи мускул ва сон канаиди мұскуллари) дан иборат. Үмуман барча мұскулларининг фаолияти, шунингдек, уларнинг қисқариши ва

ёзилишин марказий нерв системаси таъсири остида амалга олади.

Тери ва унинг тузилиши. Тери организмда энг муҳим ҳаёттй роль ўйнайди ва бир қанча вазифани ба жаради. Масалан, танини ташки мухит таъсиридан сақлайди, организм ҳароратини бир меъёрда сақлайди, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган баъзи моддаларнинг ташқарига чиқарилишида иштирок этади; организмга турли хил микроблар ва бактериялар киришига йўл қўймайди. Шунингдек, у организмни химиавий, физик, механик таъсиirlардан ҳам ҳимоя қиласиди.

Терида кўп миқдорда рецепторлар -- сезги анализаторлар жойлашган бўлиб, улар нерв учлари билан ташки мухитдаги босим, ҳарорат (иссанқ ва совук) каби таъсиirlарни сезиш ва организмга етказиб бериш хусусиятига эга (4-расм).

Чорва молларининг териси уч қаватдан; устки эпителий қават — эпидермисдан, ўрта қзват — бирюктирубчи тўқима ёки чин, ҳақиқий тери — дермадан ва ички



4-расм. Қоремлар теринининг гистологик тузилиши:

I — эпидермис; 2 — донадор қатлам; II — дерма ёки ҳақиқий тери; III — тери ости ёғ қзвати; 3 — тер сеззарни; 4 — тер безларининг канали; 5 — ёғ бози; 6, 7, 8 — жунийнинг вертикал кесиги; 9 — нерв; 10 — нерв учлари; 11 — артерия; 12 — вена; 13 — лимфа томири; 14 — ёғ тўқимаси.

қават — тери ости ёғ қаватидан тузилган. Ҳайвонларнинг туёфи, шохи, жуни, тер ва мой безлари, шунингдек, сут безлари тери маҳсулоти ҳисобланади.

Терининг қалинлиги ундаги биринчиувчи тўқимага боғлиқ бўлгани ҳолда, организмнинг ҳамма қисмида турли қалинликда бўлади. Масалан, елка ва тананинг юқори қисмида у қалинроқ, қорин ва оёқларнинг терисида юпқароқ бўлади. Шунингдек, катта ёшдага эркак ва гўштдор ҳайвонларнинг териси қалин бўлади ва аксинча, ёш, урғочи ва серсут ҳайвонларники юпқароқ бўлади.

Майнин жунли меринос қўйларни ҳисобга олмаганда барча турдаги ҳайвонларни танаси ҳар хил (дағал, оралиқ ва тивит) жун билан қопланган. Жуннинг қалинсийраклиги, калта ва ўсиқлиги, таркиби ва барча бошқа хоссалари йил фаслларига ва ҳайвонларнинг ёшига ҳамда боқишиш шаронтига қараб ўзгариб туради. Жуннинг ранги турлича бўлиб, у жун таркибидаги пигмент моддасининг миқдорига боғлиқ. Молларнинг жуни туллаш натижасида янгиланиб туриш хусусиятига эга. Улар йилига икки марта (баҳор ва куз ойларида) туллайди. Бузоқтар биринчи марта 5—7 ойлигидага туллайди.


Юрак-қон томир системаси

Юрак-қон томир системаси юрак, қон томирлари, лимфа системаси ва қон ҳосил қилувчи аъзолардан ташкил топган. Қон томир ва капиллярлар бўйлаб узулуксиз ҳаракатланиб, аъзоларни бир-бiri билан боғлайди. Қон орқали барча ички секреция безлари маҳсулоти (гармонлар) организм бўйлаб тарқалади.

Қон икки қисмга, суюқ — қон плазмасига ва қуюқ — қоннинг шаклли элементлари (қизил қон таначалари — эритроцитлар, оқ қон таначалари — лейкоцитлар ва қон пластинкалари — тромбоцитлар)га бўлинади.

Қоннинг муҳим хоссалари ҳайвонлар танасида терморегуляцияни амалга оширишдан, аъзо ва тўқималарни озиқ моддалар билан таъминлашдан ва қолдиқ моддаларни чиқариб ташлашдан; аъзоларни кислород билан бойитиб, карбонат ангидрид газидан холи қилишдан; организмнинг турли хил (иммун таначалар ва фагацитоз) ҳимояланиш хоссасини амалга оширишдан ҳамда тана ҳароратини бир хил бўлишини таъминлашдан иборатdir.

Хайвонларда тана ҳароратининг доимийлиги, биринчидан, организмда иссиқлик ҳосил бўлиши ҳисобига бўлса, иккинчидан тер, чиқарилган ҳаво, сийдик ва ахлати орқали вужудга келади. Бинобарни, турли хилдаги чорва моллари танасининг ҳарорати ҳар хил бўлади. Масалан, сигирларники $37,5-39,5^{\circ}$; чўчқаларники $38-40^{\circ}$; кўй ва эчкиларники $38-41^{\circ}$; отларники $37,5-38,5^{\circ}$; паррандаларники 41° атрофида бўлиши аниқланган. Хайвонларнинг тана ҳарорати тунда пастроқ, кундузи ва айниқса ҳаракатланганда юқорироқ бўлиши аниқланган.



5-расм. Юрак ва қон томирларининг анатомик тузилиши:

A — сигирининг юраги; *B* — от юрагининг узунасига кесиси (чапда); *C* — артерия; *D* — кавиляя; *E* — вена; *1* — юрак уст қисми; *2* — ўғи қоринча; *3* — томирлар билан таъминланган чап бўртма; *4* — вена бўртмачасидаги мой тўқима; *5* — юракни ўғи бўртмачаси; *6* — вена томир; *7* — бош сенкага йўналган томир; *8* — аорта; *9* — артериал боғлагич; *10* — чап тоқ вена; *11* — ўтика артерияси; *12* — ўнка венаси; *13* — юракни чап бўртмачаси; *14* — остиқ вена томир; *15* — чап қоринча; *16* — мускулли тўсикча; *17* — миокард; *18* — эпикард; *19* — атриовентикуляр тешникча; *20* — пай қисми; *21* — эндокард; *22* — учламчи клапан; *23* — ўғи бўлмача; *24* — ўтика артериясининг ярим ой клапани; *25* — сўргичсимон мускуллар; *26* — юрак қоринчалари ўртасидаги тўсик; *27* — эндотелия; *28* — нитима; *29* — медиа; *30* — адвентиция.

Қон юракдан йирик аорта қон томирлари орқали чиқарилади (5-расм). У майды томир ва капиллялар бүйлаб тарқалады. Улар аъзо, түқима ва ҳужайраларни ўз таркибидаги озиқ моддалар билан таъминлайды ва қолдиқ вена капилляларни, сўнг улар бирлашмасидан вужудга келган вена қон томирлари ёрдамида яна юракка қайтади. Ундан ўпкага ўтади, карбонат ангиридан тозаланади, кислородга бойниди ва шу туфайли мавжуд бўлган кичик ва катта донрадаги қон айланиш жараёни ўз фаолиятини давом эттиради.

Турли хилдаги чорва молларида ва паррандаларда юрак уриш тезлиги ҳар хил бўлгани холда, у кўпинча ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Масалан, отларда минутига 24—44, қорамолларда 25—35, қўй ва эчкиларда 60—80, қуёnda 140—160, товуқда 300, итларда 70—120 марта юрак уриши (пульс) аниқланган. Ҳайвонларда юрак уриш тезлиги худди нафас олиш каби, ҳайвонларни физиологик ҳолатига, маҳсулдорлигинга, ҳаво ҳароратига ва ҳаракатланишига боғлиқлиги кўплаб тажрибаларда синаб кўрилган.

Айриш аъзолари системаси


Айриш аъзолари асосан бир жуфт **буйрак**, **сийдик пуфаги** (қовук) ва **сийдик каналидан** ташкил топган. Организм учун заарарли ва кераксиз ҳисобланган суюқ қолдиқ ана шу аъзолар орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Буйрак оч жигарранг, қизил-тарғил рангли бўлиб, ўзига хос тузилишига эга. Унда ниҳоят мураккаб жараён — сийдикнинг ҳосил бўлиши ва уни ажратиб чиқиш жараёни юз беради.

Ўзининг морфологик тузилишига кўра юза қисми бир текис, силлиқ буйраклар (кўйларда, отларда, чўчқа ва итларда), юза қисми бир қанча бўртмалардан ташкил топган буйраклар (қорамолларда) учрайди.


Буйрак ҳайвонларнинг бел қисмига жойлашган бўлиб, унинг ҳар бири икки қават — пўст қавати ва **мағиз** қаватидан ташкил топган (6-расм).

Буйракнинг пўст қаватини **нефронлар** ташкил қиласди. Улар буйракнинг марбофункционал бирлиги ҳисобланади. Сийдикнинг ҳосил бўлишида барча жараёнлар нефронларда юз беради. Ҳар бир нефрон қўш деворли кичик капсуладан бошланади ва унинг ички қисмида



6-расм. Ҳайвон буйрактарининг анатомик түзилиши:

A — қорамолники; *B* — чўққаничи; *B* — отники; 1 — буйрак пирамидаси; 2 — буйрак бўртаси; 3 — сийдик ажратувчи қисми; 4 — чегара қисми; 5 — буйрак косачаси; 6 — ажратувчи қисми; 7 — буйрак бўлмачалари; 8 — сийдик йўналтирувчи қисми; 9—сийдик наий; 10—буйракнинг марказий бўшлиқ қисми; 11 — чечки сийдик йўлчалари; 12 — буйрак дарвозаси.



капиллярлар чигали, калаваси бўлади. Уни Мальпигий контокчаси деб аталади.

Нефронлар миқдори турли хил ҳайвонда турлаша бўлади. Масалан, қорамолларнинг ҳар иккала буйрагида 8 млн. га яқин нефрон бўлиб, уларнинг фаол юзаси $39,2 \text{ m}^2$ ни, чўққаларда 1 400 000 нефрон бўлиб, фаол юзаси $7,2 \text{ m}^2$ ни, қўйларда эса 1 000 000 нефрон бўлиб, фаол юзаси $3,5 \text{ m}^2$ ни ташкил қиласди.

Сийдик канали бир жуфт найсимон аъзо бўлиб, сийдик у орқали буйракдан сийдик пулфагига йўналтирилади.

Сийдик пулфаги ноксимон шаклга эга бўлган, сийдик тўпланадиган якка аъзо ҳисобланади. Сийдик пулфаги уч қисем (тана, юқори ва бўйинча) дан иборат бўлади.

Сийдикни ташқарига чиқариб юборувчи канал сийдик пүфаги бўйига қисмини давоми бўлиб, сийдик каналига бирлашган бўлади. Масалан, у сигирларда жинсий органини қин қисмигача давом этади. Буқаларда эса махсус сийдик чиқаруечи канал — уруғ (сперма) чиқарувчи каналга бирлашган ҳолда бўлади.


Ҳайвонларнинг тури ва ёшига кўра сийдикни ҳосил бўлинни ва ажралиб чиқиши ҳар хил бўлади. Масалан, био суткада у сигирларда 6—25 л, отларда ва чўчқаларда 5—6 л, қўй ва эчкиларда 1—2 л атрофида бўлиши аниқланган. Агар сийдик ажралиб чиқиши тўхтаб қолса, ҳайвон нобуд бўлади.

Нафас олиш аъзолари системаси

Хар бир тирик организм учун муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кислород нафас олиш органлари ёрдамида ташки мұҳитдан қабул қилинади. Кислород қонга ўтади ва қон орқали барча тўқима ва ҳужайраларга етиб боради. Ҳужайралардаги органик моддалар кислород ёрдамида парчаланади ва бунда ҳосил бўлган заҳарли моддалар заарсизлантирилади, карбонат ангидрид гази эса нафас олиш аъзолари ёрдамида организмдан ташқарига чиқариб юборилади.

Нафас олиши аъзоларига бурун, томоқ, ҳиқилдоқ, бронхлар, бронхиолалар ва ўпка киради. Бурун бўшлиғи суяқ ва тоғайлардан ташкил топган. Унинг ички юзаси шиллик қават билан қопланган. Бурун бўшлиғи тўсиқ ёрдамида иккига бўлинган. Буруннинг шиллик қавати кўп қон томирлар, кўп ядроли киприкли эпителий ҳужайралар билан қопланган ва ишилимшиқ модда ишлаб чиқарадиган безлар жойланган ҳолда ҳимоя вазифасини бажаради. Буруннинг шиллик қавати чаңг ва бактерияларни зарарсизлантиради, ўпкага борадиган ҳавони намлайди ва илитиб ўтказишда муҳим роль ўйнайди. Шиллик қаватининг юқори қисмида ҳид билиш анализаторининг рецепторлари жойлашган. Улар ёрдамида ҳайвонларда ҳид сезини вазифаси бажарилади.

Ўлка иккни: чаң ва ўнг қисмдан иборат бўлиб, кўкрак қафасига жойлашган (7-расм). Ҳар қайси ўпка махсусе сероз пардага ўралган бўлади. Ўпкадаги бронхлар тармоқланиб, диаметри таҳминан 1 мм келадиган бронхиолалар ҳосил қиласи ва уларнинг учи ҳаво пуфакчалари, яъни альвеолалар билан тугайди. Альвеолаларнинг дебори жуда юпқа бўлиб, эластик парда эпителийсидан



7-расм. Ҳайвон ўлқасининг анатомик тузилиши:

A — қорамол ўлқаси; *B* — чўчқавнинг ўлқаси; *C* — отнинг ўлқаси. *Г* — ўлқанинг узунасига кесиги: *1* — трахея; *2* — ўрта юза қисми; *3* — ёрта ясси қисми; *4* — қобирга туташ ўза қисми; *5* — устки қисми; *6* — ўрта бўлтаги; *7* — учли киррали қисми; *8* — остик бўлтаги; *9* — юрак диафрагмасига ёндош бўлтаги; *10* — трахеяли бронхлар; *11* — ург ва ҷон бронхлар; *12* — ўтика артериясининг уч қисми; *13* — бронхиола; *14* — ўтика алвеолалари; *15* — алвеоляр йўл; *16* — алвеоляр тўғунача; *17* — эпителий ҳужайралари (электрон микроскоонда кўрининиши).

тузилган кўп миқдордаги майдо капиллялар билан ўралган бўлади; бу деворда қон ва алвеоляр ҳаво орасида газлар алмашинуви содир бўлади.


Чорва молларининг нафас олиш тезлиги турлича. Масалан, қорамоллар минутига 10—30 марта нафас олса, қўйлар 12—20, чўчқалар 8—18, отлар 8—16, тяялар 5—12, қуёнлар 10—15, товуқлар 22—25, буғулар 8—16 марта нафас олади. Нафас олиш тезлиги ҳайвон-

ларнинг ёшига, жинсига, физиологик ҳолатига ва ташқи мұхыт шароитига бағытқылған.

Озиқ ҳазм қилиш аъзолари системаси

Озиқиң ҳазм бўлиши мураккаб физиологик жараён ҳисобланади. Қабул қилинган ем-хашиб оғизда майданиб, механик ва кимёвий жиҳатдан ўзгаради, сўнгра ошқозон ва ичакларда ҳазм бўлади.

Озиқ ҳазм қилиш аъзоларига: оғиз бўшлиғи ва ундаги аъзолар, томоқ-халқум, қизилўнгач, меъда, ичаклар, жигар, меъда ости бези ва озиқ ҳазм қилиши каналидаги бир қаница безлар киради (8-расм). Озиқининг ҳазм бўлишида озиқ ҳазм қилишга тааллуқли безлар (сўлак, ошқозон, ичак, ошқозон ости безлари) ва жигарниң роли бениҳоя каттадир. Чунки улар озиқ ҳазмларинида иштирок этадиган ферментлар ишлаб чиқарди. Бу ферментлар мураккаб органик моддалариниг парчаланишини жадаллашибиди, содда ҳолга келтиради ва шимилишини осонлашибиди. Бунда оқсил, ёғлар, углеводлар каби озиқ моддалар маълум ферментлар томонидан парчаланади. Шимилган озиқ моддалар қонга ўтади ва у орқали бутун организмга тарқалади. Аъзолар ана шу йўл билан озиқланади.



8-расм. Қоралот овқат ҳазм қилини органдар системасининг умумий схемаси.

1 — оғиз бўшлиғи; 2 — тил ости сулак бези; 3 — жаг ости сулак бези; 4 — кулак сини сулак бези; 5 — халқум; 6 — кизилўнгач найн; 7 — кийитлүнгач коринчеси; 8 — катга корин; 9 — тургент корин; 10 — қат корин; 11 — ширдон; 12 — ўн иккек бармоқ ичак; 13 — ингичка ичаклар; 14 — жигар; 15 — ўт пуфаги; 16 — ошқозон ости бези; 17 — кифричак.

Сзиқ оғизда тишлилар ёрдамида майдаланади, сұлак билан арапашади ва қызилүнгач орқали ошқозонга тушади. Ошқозон турлы чорва молларида турлича тузилған. Қавш қайтарувчиларда (қорамол, қүй, әчки ва тяяларда) у түрт бұлымдан, яғни **ката қорин** (ёки оддий қорин), **тұрқорин**, **қатқорин** ва **ширдондан** иборат. От ва чүчқаларнинг ошқозони бир камерали бұлғани үшүн озиқ бир жойда ошқозон шираси ферментлари ва ундаги бояңқа моддалар таъсирида парчаланиб, шиммилінші тайёр ҳолға келади. Ошқозондан озиқ ичакка ўтади, у ерда ошқозон ости бези ва жигардан ажралиб чиқадынган ўт суюқлиги билең арапашгани ҳолда унинг ҳазм бўлиши ва шиммилінши давом этади, ингичка ичакда шиммилмай колған моддалар ва айниқса сув йўғон ичакда шиммилади. Қолдиқ моддалар эса тўғри ичак орқали ташқарига чиқариб борилади.

Ошқозон күп камерали бұлған чорва моллари хашак ва серсув озиқларни яхши ўзлаштиради. Ҳайвонларга берилладиган ем ва серсув озиқларга дастлабки шилов берниш (майдалаш, буғлаш, намлаш ва ҳоказолар) уларнинг тез ва яхши ҳазм бўлишигага ёрдам беради.

Моддалар ва энергия алмашинуви

Ҳайвон организмида моддалар алмашинуви деганда, истемол қилинған см-хашакнинг ҳар томонлама ўзгараби, парчаланиши ва ҳазм бўлини ҳамда қолдиқ моддаларни чиқариб юборишигача юз берадиган барча жараёнлар туинуилади.

Моддалар алмашинуvida ассимиляция ва диссимиляция жараёни амалга ошади. *Ассимиляция* натижасида моддалар турлы ферментлар таъсирида химиявий жиҳатдан ўзгаради, ҳазм бўлиши учун қулай ҳолда келади, шнимилиб барча тўқима ва хужайраларга боради. *Диссимиляция* натижасида эса ҳазм бўлмаган, яғни организм учун кераксиз қолдиқ моддалар ташқарига чиқариб ташланади. Ассимиляция диссимиляциясиз бўлмайди ва аксинча. Бу жараёнлар турли ёшдаги ҳайвонлар организмидан турлича боради. Масалан, ўсадиган ёш организмларда ассимиляция жадал усуlda давом этади. Қари ва каттароқ ўшли, шунингдек, оч ҳайвонларда, аксинча, диссимиляция жадалроқ боради.

Ҳайвон организмни томонидан ўзлаштирилған озиқ моддалар унга энергия беради. Углеводлар, ёғлар ва оқсиллар энергия манбан ҳисобланади. Энергия ҳайвон

организмидә яиги ҳужайраларнинг вужудга келиши, уларнинг фаол фаолияти учун сарфланади. Аксинча мускулларнинг тинимсиз ҳаракати, жисмоний меҳнат ва соvuқ кунларда тана ҳароратининг бир меърда сақланиши кўп энергия талаб қиласди.

Битаминалар, минерал тузлар эритмалари ва сув энергия бермасада, углеводлар, ёғлар ва оқсилилар билан баробар аҳамиятга эга, чунки улар моддалар алмашинувида фаол иштирок этади.

Моддалар ва энергия алмашинуви ягона жараёндир. Бунда моддаларнинг химиявий ўзгариши натижасида вужудга келган энергия иссиқликка айланади, механик ва бошқа турдаги ўзгаришларга сарфланади. Бундай усулдаги энергия алмашинуви нормал даражада моддалар алмашинувининг асосий омили ҳисбланади.

Маълум вақт ичидә организм томонидан ажратиб чиқариладиган энергия *калория* билан ифодаланади. Кузатишлардан маълум бўлишича, маҳсулдор сигирларда моддалар алмашинуви анча жадал боради. Масалан, согин сигирларда моддалар алмашинуви согилмайдиган сигирлардагига қараганда 40—45 фоиз кўпроқ ва юқорироқ бўлади. Шунингдек, суткасига 12—14 л сут согиб олинидиган сигирларда соатига 754,1 ккал иссиқлик ажраса, 23—31 л сут берадиган сигирларда бу кўреатгич 1 139,9 ккал ни ташкил қиласди.

Сув алмашинуви ҳам ҳайвон организмидә муҳим рөль ўйнайди. Сувда турли органик ва анерганик тузлар эрийди. Сув организмда ҳаётни аҳамиятга эга. Бинобарин, унинг камайиб кетини натижасида ҳайвон касалланади ва нобуд бўлади.

Нерв системаси

Нерв системаси ҳайвон организмидә барча аъзоларнинг фаолиятини бошқарали ва уни ташқи муҳитга мослашибади. Нерв системаси нерв тўқимасидан ташкил топган. Унинг таркибда кўплаб нерв ҳужайралари ва негроглиялар бўлади. Нерв ҳужайраси барча ўсимталари билан бирга *нейрон* деб аталади.

Нейрон анатомик тузилишига ва физиологик хусусиятига кўра нерв системасининг тузилиш бирлигини ташкил қиласди. Нейроглия эса нерв ҳужайраларини озиқлантириш ва таянч вазифасини бажаради. Нейрон шакли ва тузилишига кўра тана ва бир нечта ўсимтадан ташкил топган. Унинг битта узун ўсимтаси *аксон*

ёки нейрит, бир неча калта ўсимталари дендритлар деб аталади.

Нейрит нерв ҳужайрасидан түқима ҳужайраларига боради. Дентритлар эса күп тармоқли бўлиб, таъсир улар орқали ҳужайра танасига етиб боради. Нерв толаларининг учки қисми ҳужайра ва түқималар ичидаги рецепторлар билан тугалланади. *Рецептор* нерв толасининг ҳар хил таъсири қабул қиласидаги учлари ҳисобланади. Баъзан уларнинг уни таёқча, чётка, колба ёки тутмача шаклида бўлиши аниқланган. Нейронлар нерв пластинкаси — синаислар ёрдамида бир-бири билан боғланади.

Марказий нерв системасига импульс ўтказувчи нерв толалари *марказга интилувчи ёки сезувчи* нерв деб аталади. Марказий нерв системасида вужудга келган таъсирини иш бажарувчи аъзоларга, түқималарга ўтказувчи нервлар эса *марказдан қочувчи нерв* деб аталади.

Бош мия билан орқа мия кулранг ва оқ моддадан тузилган бўлиб, кулранг модда нерв ҳужайралари танасидан тузилган бўлса, оқ модда нерв толалари бирлашмасидан ташкил топган. Ҳар бир ҳайвон нерв системаси ёрдамида ташки, ички муҳитдаги турли хил таъсирларни қабул қиласиди, шунингдек, улар организмидаги шу таъсирларга ишбатан жавоб реакцияси вужудга келади. Ҳар бир организм ташки муҳит билан шу усуlda боғланади ва ўз алоқадорлик ҳусусиятини давом эттиради.

Орқа мия. Орқа мия умуртқа каналига жойлашган бўлиб, уч қават пўст билан ўралган. Орқа мия энса суюгининг катта тешигидан бошланиб, 1—11 бел умуртқаларида конус шаклида якунланади. Орқа мия ҳар бир сегментининг олдинги тармоғидан бир нечта ҳарарат нервлари чиқади. Орқа мия кўйдалангига кесилса, иккى хил моддадан: ўртаси кулранг ва унинг атрофи оқ моддадан иборат эканлигини кўрни мумкин.

Бош мия. Бош мия — мия қутиси ичida жойлашган бўлиб, унинг вазни қорамолларда 410—550 г ни ташкил қиласиди. Тузилиши, вазифаси ва келиб чиқиншига кўра, бош мия 3 қисмдан: мия сопи, пўстлоқ ости ва катта ярим шарлар пўстлоғидан тузилган. Мия сопига узун-чоқ мия, орқа мия ба ўрта мия киради. Пўстлоқ ости қисмига оралиқ мия ва ярим шарларнинг ўтказувчи йўли киради. Катта ярим шарлар пўстлоғига мия ярим шарларининг кулранг қисми киради. Бош мия 5 бўлак-

ка, узунчоқ мия, олдинги мия, ўрта мия, оралиқ ва орқа мия (мияча)га бўлинади. Булар устида тўхтамаймиз.

Вегетатив нерв системаси. Вегетатив нерв системаси умумий нерв системанинг бир қисми ҳисобланади ва асосан нафас олиш, озиқланиш, кўпайиш, организмда суюқлик алмашинуви каби жараёнларни бошқаради.

Вегетатив нерв системаси иккига: симпатик ва парасимпатик қисмга бўлинади. Симпатик қисми асосан юрак-қон томирлар системасини, парасимпатик қисми эса мускуллар, ички аъзолар ва безлар фаолиятини бошқаради.

Ҳайвонларнинг барча ички аъзолари симпатик ва парасимпатик нерв толалари билан таъминланган бўлади. Симпатик ва парасимпатик нерв толалари бир-бiriiga боғлиқ ҳолда ички аъзолар фаолиятини бошқаради. Масалан, симпатик нерв таъсирида юракнинг қисқарини хусусияти тезлашса, парасимпатик нерв таъсирида секинлашади ва аксинча, агар парасимпатик нерв таъсирида секинлашса, симпатик нерв таъсирида тезлашади.

Ички секреция безлари

Чорва молларининг ҳаммасида мавжуд бўлган безлар ташқи ва ички секреция безларига бўлинади. Ташқи секреция безлари ишлаб чиқарган суюқлик тана бўшилиғига тушади ёки маҳсус каналлар ва йўллар билан ташадан ташқарига чиқиб кетади. Масалан, меъда безлари, ичак деворларицаги безлар, теридаги (тер, ёғ, сут) безлар, меъда ости бези, жигар, жинсий безлар ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга фаолиятига кўра жинсий безлар билан меъда ости бези арадан безлар гуруҳига киради.

Ички секреция безлари гармони ишлаб чиқаради ва уларни бевосита қонга қуяди. Гармонлар жуда мураккаб модда ҳисобланади ва организмнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳар томонлама нормал тараққий этишида муҳим роль ўйнайди. Ички секреция безларини вегетатив нерв системаси бошқаради. Организмдаги барча химиявий ўзгаришлар: моддаларнинг парчаланиши, синтезланиши, биологик катализаторлари ҳисобланган ферментлар интироқида амалга ошиади. Гармонларнинг ҳаммаси моддалар алмашинуви жараёнида қатнашади. Лекин айрим гармонлар ўзига хос, маҳсус хоссага эга бўлган ҳолда, организмда углеводлар алмашинувида

фаол иштирок этади ва ҳатто уни бошқаради. Масалан, ошқозон ости бези гармони — *инсулин* ва буйрак усти бези гармони — *адреалин* шулар жумласига киради.

Хозирги вақтда күплаб ички секреция безларининг фаолияти, маҳсулоти, уларнинг химиявий таркиби яхши урганилган. Бинобарин, бу безлардан тоза ҳолда гармон олиш ва ҳатто сунъий усулда гармон ишлаб чиқариши ишлари кенг ривожланган.

Ҳар бир ички секреция бези марфологик жиҳатдан ўзига хос тузилган. Таркибидаги күплаб майдаги қон томирлари ва каналчалар, шунингдек, биринчи ривожланган түқима бўлиб, ўз маҳсулотини осонгина қонга чиқаради. Бу безлар билан қисқача танишамиз.

Қалқонсимон без трахея билан ҳиқилдоқнинг олди ва ён томонида жойлашган. У таркибидаги 65 фоиз йоди бўлган тироксин гармони тайёрлади.

Қалқон олди безлари 1 см катталикда, ловия шаклида бўлади. Улар организмда кальций ва фосфор алмашувини бошқарувчи паратогормон ишлаб чиқаради.

Буйрак усти безлари 13—14 г бўлиб, уларнинг пўстлосқ қавати — кортикостерон, магнез қавати — *адреалин* гармони ишлаб чиқаради.

Гипофиз бези 3—4 г келади. У 20 хил дан ортиқ гармони ишлаб чиқаради ва организмда оқсили, ёғ, углеводлар алмашинувини бошқаради.

Эпифиз ёки ғуррасимон бези катталиги 1 см, вазни 0,5 г. Ўжинсий безлар фаолиятини бошқаради.

Айрисимон бези 25—30 г атрофида. Ўнинг гармони ёш хайвонларнинг ўсишини тезлаштиради.

Жинсий безлар факат кўпайишга хизмат қилмасдан, балки ички секреция безлари ҳам ҳисобланади. Урғочи ҳайвонларнинг жинсий гармони — **эстроген** жинсий аъзоларини ўсиши ва ривожланишини бошқаради. Сарнік танача гармони — **прогестерон** молларни қуюкка келишинида муҳим роль ўйнайди. Эркаги жинсий гармони — **андроген** уруғданда ҳосил бўлади ва жинсий аъзо фаолиятини бошқаради.


Ошқозон ости бези — икки хил вазифа бажаради. У биринчидан ўз суюқлигини ўн икки бармоқ ичакка чиқариди, озиқ ҳазм бўлишда иштирок этса, иккинчидан, қонга қўйиладиган фаол модда — инсулин гармони ишлаб чиқаради. Бу гармони организмда углеводлар алмашувини бошқаради. Умуман, холоса қилиб айтганда ҳайвонлар организмидаги барча ички секреция безлари

уларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигини юқори даражада бўлишида ниҳоят муҳим аҳамиятга эга.

Жинсий аъзолар системаси

Барча турдаги ургочи ҳайвонларнинг жинсий аъзоси тухум ҳужайралар етиладиган иккита тухумдан, тухум йўли (найн), бачадон ва қиндан иборат бўлади (9- расм).

Эркак ҳайвонларнинг жинсий аъзоси уруғ ҳужайра (сперматодонд) лар етиладиган иккита тухудондан, уруғ йўли (найн) ва қўшилини жинсий ўсимтасидан иборат (9- расм).



9-рагм. Бука ва сигир жинсий органларининг схематик тозишлиши:

А—бука жинсий аъзоларини олиб ошаришадиги схемаси; Б — сигир жинсий аъзоларини олиб ошаришадиги тозишлиши; В — сигир жинсий аъзоларини олиб ошаришадиги тозишлиши. Схемада: 1 — ургудон; 2 — ургудон бўртаси; 3 — қин ўбиги; 4 — ургудон ҳаттаси; 5 — ургу йўли; 6 — сийдик пуфоги; 7 — сийдик йўли; 8 — канал ампуласининг кенгайтан қисми; 9 — пулаксимон боз; 10 — простата бози; 11 — пойзчасимон жинсий боз; 12 — сийдик канали; 13 — қўшилиш жинсий ўсимтасининг букилаган қисми; 14 — қўшилиш аъзосининг баш қисми; 15 — пренупрадал ҳаттасининг очик холда кўриниш; 16 — сийдик каналининг мускули; 17 — говак мускулининг писэзасимон қисми; 18 — орқа чиқарув тешигидан кўшилиш аъзосига йўналган мускул; 19 — ургудон; 20 — ургу йўли; 21 — воронка; 22 — ички қисми эчиликмаган бачадонининг бир бўзали; 23 — очилган бачадон; 24 — бачадон танаси; 25 — бачадонининг қин қисми; 26 — қин; 27 — ризохастамаган қизтиш парда; 28 — қинни башлашадиги кимидаги йирик чап боз; 29 — клитор; 30 — жинсий лаб; 31 — шохи; 32 — сийдик пуфаги; 34 — тўғри ичак; 35 — сийдик пуфаги остидаги яксинлашган сүйк.

Янги организм (эмбрион) вужудга келиши учун тухум ҳужайра билан уруғ ҳужайра бир-бирига қўшилиши керак. Бу жараён уруғланиш деб аталади. Уруғланган тухум ҳужайрадан муртак (эмбрион) вужудга келади ва она организмни (бачадони) да ривожланади.

Чорва молларининг жинсий жиҳатдан етилиши турлича муддатларга тўғри келади. Масалан, биялар 12—18 ойлигига, гунажинлар 8—12, қўй ва эчкилар 7—8, чўчқалар 5—8 ойлигига жинсий жиҳатдан етилади. Лекин уларни куюккан вақтида қочириш яхши натижага беради.

Чорва молларининг куюкиш муддати бир қанча вақт: сигирларда 1,0—1,5; қўй ва эчкиларда 1—2; чўчқаларда 2—3; бияларда 5—7 кун давом этади. Агар улар шу вақтда қочирилмаса, маълум вақт ўтгач, яна қайтадан куюкади. Бия, сигир ва чўчқалар 14—28, қўй ва эчкилар 14—17 кун ўтгач қайта куюкади.

Чорва молларининг бўғозлик даври ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, бияларда 11 ой, сигирларда 285, қўй ва эчкиларда 150, чўчқаларда 114, туяларда 365, буйволларда 307, буғуларда 225 кун давом этади.

Парранда (говуқ, ўрдак, фоз ва курка)ларнинг тухумдонида жуда кўп миқдорда (3500 тагача) турли хил катталикдаги фолликула (тухум ҳужайраси бўлган ўсимта) лар бўлади. Фолликулаларда ҳар 24—28 соат ичидаги овуляция (ёрилиш, пўстлоғнинг очилиши) юз беради. Бунда фолликулалар ажрагалиб чиққан тухум ҳужайралар, тухум йўлига (найига) тунади ва ўша ерда уруғланади. Уруғланган тухум ҳужайраларнинг атрофи оқсил мозда билан ўралади ва улар бачадонга ўтади, ташқи томондан оҳаксимон пўстлоқ билан копланади ва қин орқали клоакага ва ундан ташқарига чиқарилади.

II бўб. ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Барча турдаги чорва моллари ва паррандаларни маълум мақсад асосида тўғри боқиш уларнинг жадал ўсиши ва яхши ривожланиш имконини беради, шу билан бирга маҳсулдорлигини кескин оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ем-хашакнинг химиявий таркибига кўра тўла қим-

матли ва тўйимли турлари билан боқиши ҳайвонларни тўғри озиқлантириш дейилади. Физиологик жиҳатидан тўла қимматли деганда, ҳайвонларнинг физиологик ҳолати (бўғозлиги, соғин даври, сутдан чиқарилганини, маълум мақсад асосида боқилиши ва ҳоказолар)га кўра ва уларнинг ёши, вазни, жинси, маҳсулдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда озиқ миқдорига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш тушунилади. Агар моллар сифатенз ем-хашак билан хотүғри боқилса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади, соғлиғи ёмонлашади, ёш моллар ўсниш ва ривожланишдан тўхтайди.

Тўла қимматли ем-хашаклар ҳайвон махсулдорлигини оширади, ўсниш ва ривожланишини тезлаштиради, серпуштилигини яхшилаиди ҳамда соғлом ва йирик насл олинни имконини беради.

Барча турдаги чорва моллари ва паррандаларга озиқлар рацион асосида берилшини мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвон организмининг озиқ моддаларга бўлган талабини қондирини учун сарфланадиган ем-хашак миқдори озиқ нормаси дейилади. Рацион озиқ нормаси асосида ҳайвонларга бир суткада бериладиган ем-хашак миқдоридир.

Рацион ҳайвон организмининг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган ва маҳсулдорлигини оширишга, физиологик ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Рацион тузишда ҳар хил ва биринчи галда арzon ем-хашакдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, рацион ҳайвонларнинг тури, ёши, наследорлигига, физиологик ҳолатига, маҳсулот йўналишига ва биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда тузилади. Булардан ташқари, ҳар бир хўжаликнинг табиий-иқтиносидий, ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳам ҳисобга олинниши керак. Рацион барча турдаги моллар ва паррандалар учун тузилади. Рацион 1 суткага, 10 кунга, 1 ойга ва бир фаслга мўлжаллаб тузилади. Бунда хўжаликларда етиширилаган ем-хашак турларидан кўнроқ ва унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳайвон ва паррандаларга бериладиган ем-хашак турлари озиқ бирлиги асосида белгиланади. Озиқ бирлиги деб 1 кг сулининг ҳайвон организмига берадиган қуввати – энергиясига айтилади.

Шундай қилиб, ҳайвон ва паррандаларга бериладиган ем-хашак уларнинг ўсиши, ривожланиши, урчиши ва кўпайиши ҳамда маҳсулдорлигини тобора оширишга қаратилган бўлиши керак.

Ем-хашакнинг кимёвий таркиби, биологик қиммати ва тўйимлилиги

Чорва моллари ва паррандаларни хилма-хил ем-хашак билан таъминлашда улар таркибидаги химиявий моддаларнинг миқдори, тўйимлилиги ва биологик қиммати муҳим аҳамият қасб этади. Бинобарин, бериладиган ем-хашакнинг таркиби турли хил фойдали химиявий элементларга бой, сифати ва ҳазм бўлиш хусусияти қанча юқори бўлса, унинг самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Сув ҳар бир ҳайвон ва ўсимлик организмida ниҳоят муҳим вазифа бажаради. У организмда озиқ моддаларни бир жойдан иккинчи жойга етказишда воситачи бўлиши бўлан бирга, озиқ ҳазм қилишда, тана ҳароратини бошқаришда, қолдиқ моддаларни ажратиб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Ем-хайнак таркибida сув қанча кўп бўлса, унинг қиммати шунча наст бўлади. Илдизмевалар, кўк ўт, сут маҳсулотлари, пиво заводи чикиндилари (барди) да сув кўп бўлади.

Куруқ моддалар асосан минерал (кул) ва органик бирикмалардан иборат. Минерал моддалар бирикмалари организмда муҳим вазифа бажаради. Масалан, улар ҳужайраларнинг озиқ моддалар шинмишида ва ўзлаштиришида, осмотик босимни сақлашда ҳам муҳим вазифа бажаради.

Минерал моддалар иккита катта гурӯҳни (макро ва микроэлементларни) ташкил этади. *Макроэлементлар* кальций, фосфор, натрий, хлор, калий каби моддалардан ташкил топган. *Микроэлементлар* темир, мис, марганец, кобальт, йод ва ҳоказолардан иборат. Бу моддалар ҳайвон организми учун жуда муҳим ҳисобланади.

Органик моддалар азотли ва азотсиз моддалардан ҳамда витаминлардан ташкил топган.

Азотли моддалар, яъни аралашмали протеин таркибida азот бўлган, оқсилсиз бирикмалардан иборат *амидолар* ҳисобланади. Ем-хашак таркибida протеин турли миқдорда бўлади. Масалан, дуккакли ўсимликлар

поясида 15 фоиз, дснида 25—30 фоиз, балиқ унидан 50—60 фоиз атрофида бўлиши аниқланган.

Оқсил ҳайвонлар организмида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ем-хашак таркибида турли миқдорда учрайди. Масалан, кунжара ва қуқун кунжарарада 30—45 фоиз, дуккакли ўсимликлар, донида 25—30 фоиз бўлиши аниқланган.

Азотсиз моддалар ёғлар ва углеводлардан ташкил топган. Ўсимликлар таркибида ёғлар оз (0,1—6 фоиз) миқдорда учрайди. Лекин таркибида ёғ моддаси бўлган ўсимликлар донида ва унинг чиқинилари (кунжара ва қуқун кунжара)да у кўпроқ бўлади. Ёғ ҳайвонлар организмида энергия манбаи ҳисобланади.

Углеводлар асосан клетчатка (целлюлоза) ва азотсиз экстрактив моддалардан ташкил топган. Уларнинг ичидаги энг қимматли қанд ва крахмал ҳисобланади. Углеводлар ҳайвонлар организмида ёғ, гликоген, қон шакарига айланади. Углеводларнинг химиявий ўзгариши натижасида иссиқлик энергияси ажралиб чиқади ва организмининг ҳаракати учун сарфланади.

Клегчатка ўсимлик хужайраларнинг пўсти ҳисобланади. Унинг ҳазм бўлиши ва организм томонидан ўзлаштирилиши анча мураккабдир. Бинобарин, ўсимликлар таркибида клетчатка қанча кўп бўлса, унинг озиқ қиймати шунча паст бўлади. Лекин барча турдаги ҳайвонлар (айниқса, кавш қайтарувчилар)нинг озиқ ҳазм қилиш жараёнида клетчатка салмоқли ўрин тулади. Қуруқ хашаклар таркибида клетчатка кўпроқ бўлади. Масалан, бошоқли ўсимликлар поясида 35—45 фоиз, пичанда 22—23 фоиз, донида 2—10 фоиз, илдизмеваларда 0,8—1,7 фоиз клетчатка бўлиши аниқланган.

Азотсиз экстрактив моддаларнинг юқори даражада озиқлик қимматига эга бўлган крахмал ва қанд ҳисобланади. Крахмал картошка ва бошоқли ўсимликлар донида кўпроқ бўлади. Уларнинг поясида ва баргида оз (2 фоиз) бўлади. Қанд лавлагида (24 фоиз), маккажӯхори ва оқжӯхори ҳамда полиз экинларида (қовун, қовоқ тарвуз ва ҳоказоларда) кўпроқ сутда камроқ 3—5 фоиз бўлади.

Витаминлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Улар етишмаса, ҳайвон ориклиайди, маҳсулдорлиги пасаяди ва турли касалликларга чалинади. Шунинг учун улар озигида витаминлар бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ем-хашакнинг озиқлик қиймати таркиби муҳим ҳаётгий элементларга бой бўлиши ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан белгиланади. Бунинг учун ем-хашак маҳсус химия лабораторияларида анализ қилинади.

Ем-хашакнинг айримлари тез ҳазм бўлса, бошқалари суст ҳазм бўлади. Бинобарни, уларнинг химиявий таркиби ҳазм бўлиши хусусияти ва барча моддаларнинг организмга тўла сингинини тўла асослаб бера олмайди. Шунинг учун ем-хашакнинг ҳазм бўлиши, ҳайвонлар организмида сингинин фоиз ҳисобида юритилади ва коэффициент даражасида белгиланади.

Ем-хашакнинг ҳазм бўлиш коэффициенти организм томонидан сингдирилган (ҳазм қилинган) озиқ қисмийнинг истеъмол қилинган ем-хашакнинг умумий миқдорига бўлган нисбатидир. Ем-хашак қанча яхши ҳазм бўлса, у шунча қимматли ҳисобланади. Шу билан бирга, бир турдаги ем-хашакни барча ҳайвонлар ва паррандалар ҳар хил изчилликда ҳазм қиласди. Ем-хашакнинг ҳазм бўлишига бир қанча омиллар таъсири этади. Масалан, ҳайвон ва паррандаларнинг ёши, тури, вазни ва маҳсулот йўналиши шулар жумласига киради.

Ем-хашак турлари ва уларнинг хусусиятлари

Ҳайвон ва паррандаларга бериладиган барча турдаги ем-хашаклар асосан уч гуруҳга, яъни ўсимликлардан тайёрланган, ҳайвон ва паррандалардан олинадиган ҳамда минерал қўшимчаларга бўлинади. Уларнинг асосий турлари: кўк ўт, хашак (пичан, сомон), сенаж, силос, илдизмевалар, тегирмон ва озиқ-овқат саноати чиқиндиларидан иборат.

Кўкат озиқлар. Табиий ва сунъий ҳолда ўстириладиган барча турдаги ўсимликлар кўкат озиқ ҳисобланади. Масалан, ҳар хил ўтлар, бўноқдош (арпа, сули, буғдој) ва дуккақдош ўсимликлар (беда, нўхат, ловия), илдизмеваларнинг пояси, барги шулар жумласидандир. Бу озиқ турлари асосан бадор, ёз ва куз ойларида чорва молларига кўпроқ берилади. Улар таркибида, сув, протеин, каротин, витаминалар (А, Д, Е, С) каби моддалар кўп бўлиши билан қимматлидир. Булар ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, семириши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсири кўрсатади.

Дағал озиқлар. Дағал озиқлар асосан: пичан, сомон, турли хилдаги ўсимликларнинг (маккажўхори, фўзапоя, оқжўхори, кунгабоқар ва ҳоказоларнинг) пояси, сўтаси

ва чаноқларидан иборатдир. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чорва молларини озиқлантиришда улардан кенг фойдаланилади.

Пичан барча турдаги дағал озиқлар ичидә күпроқ ишлатилади. Айниқса, беда пичани от, қўй ва қора-моллар учун муҳим озиқ ҳисобланади. Унинг химиявий таркиби бедани ўстириш жараёнида қўлланиладиган агротехника тадбирларига шоналаш (гуллаш) вақтида ўриб олиннишига, қуритиш ва сақлаш технологиясига боғлиқ бўлади. Бошқа турдаги барча ўсимликлар поясидан ҳам пичан тайёрланади.

Пичанинг химиявий таркиби унинг сифатига кўра турлича бўлади. Масалан, унинг таркиби 4—26 фоиз протенин, 3—7 фоиз ёғ, 20—35 фоиз клетчатка, 28—39 фоиз азотенз экстрактив моддалар (АЭМ), 3—11 фоиз кулдан иборат. 1 кг сифатли беда пичанида 0,5 кг гача озиқ бирлиги бўлиши мумкин.

Ўт (беда) уни кўк ўтлардан, кўпроқ беладан тайёрланади. Унинг 1 кг таркибида 170—200 г оқсили, 200—2500 мг каротин бўлади. Арадаш озиқ тайёрлашда у кўп ишлатилади.

Ўт уни одатда қофоз қопларда сақланади. У кўп жой эгалламайди. Лекин орадан 6—7 ой ўтгач, унинг таркибидаги каротин камая беради. Ўт уни чўчқа ва паррандалар учун қўшимча витамины озиқ сифатида хизмат қиласди. Бузоқларга емга қўшиб бериш яхши натижаларга олиб келади. Умуман, ўт унининг 1 кг ида 0,7—0,8 г озиқ бирлиги, 80—130 г ҳазм бўладиган оқсили, 250 мг каротин бўлиши аниқланган.

Сомон ўз хусусияти билан бошқа ўсимлик турларидан ажралиб туради. Масалан, кузги жавдар сомони таркибида 35—45 фоиз клетчатка, буғдой сомоннинг ҳар 100 кг ва 10—20 кг озиқ бирлиги ва 0,3 кг ҳазм бўладиган оқсили бўлиши аниқланилган.

Бошоқли ўсимликлар сомони таркибида 4—5 фоиз, дуккакли ўсимликлар сомонида 6—7 фоиз протеин бўлади. Унинг таркибида яна оз миқдорда каротин, кальций ва фосфор каби моддалар ҳам бўлади. Бино-барин, сомоннинг тўйимлилиги паст, ҳазм бўлиши ҳам ўйсбатан қийинроқ бўлади.

Ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган озиқлар сут ва сут чиқиндилари (сут зардоби, ёғи олинган сут) кушхона чиқитлари (қон уни, суяқ уни, гўшт уни) ва балиқ уни кабилардан ташкил топган. Улар юқори

түйимлилик даражасига эга бўлган озиқлар ҳисобланади.

Серсув озиқлар. Уларга асосан илдизмевалар, картошка, хашаки полиз ўсимликлари, силос, сенаж, лавлаги турпи, барди ва кўк ўтлар киради. Кўк ўтни ҳисобламаганда, серсув озиқлар таркибида оқсил ва минерал моддалар оз бўлади. Улар орасида энг түйимлилиги картошка тугунағи ҳисобланади. Чунки 1 кг картошка тугунағи ўртача 0,3 кг озиқ бирлигига тенг.

Кучайтирилган (концентрат) ем. Химиявий таркибига кўра кучайтирилган ем ниҳоят түйимли ва турли хил моддаларга бой бўлади. Ем таркибида сув ва клетчатка кам бўлади. Ўсимликлар дони ва донни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳам емга киради. 1 кг емнинг түйимлилиги 1 озиқ бирлигига тенг, баъзан ундан ҳам ортади.

Ўзбекистон шароитида қорамоллар учун арпа, маккажӯхори ва оқжӯхори емидан фойдаланилади. Емда фосфор кўп, кальций оз бўлади, шунингдек, 1 кг емда 78--80 г оқсил бўлади.

Кепак түйимлилигига кўра дон ва ундан кейинда турса-да, унинг таркибида оқсил ва фосфор кўп бўлади.

Кунжара ва қукун кунжара таркибида оқсил кўп (1 кг да 300—370 г) бўлганлиги ва түйимлилигига кўра моллар учун қимматидир. Кунжара молларни тўқ тутади, сигирлар сутининг серқаймоқлигини оширади. Лекин унинг таркибида жуда оз миқдорда госсипол деб номланган заҳарли модда бўлади. Шунинг учун кунжаранинг қуруқ ўзини молларга кўп миқдорда бериш заарлидир. Концентрат озиқлардан фойдаланганда уларни қорамолларга аралаш (омухта) ем сифатида бериш фойдали ҳисобланади.

Ем-хашакни дастлабки қайта ишлаш

Барча турдаги озиқларни молларга беришдан аввал қайта ишлаш талаб этилади. Серсув озиқларга ҳам алоҳида эътибор бериш, уларни молларга бериш олдидан қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қўлланиладиган энг асосий тадбирлар қўйидагилардан иборат: илдизмевалар ва картошка тугунаклари лойдан тозаланади, ювилади, чириган, сасиган қисмларидан холи қилинади, имкони бўлса, улар диаметрини кўп билан 3 см қилиб тўғралади. Акс ҳолда нишхўрд кўп чиқиши мумкин.

Тұғралған илдізмевалар ем ёки майдаланған хашак, пичан, похолға аралаштириб берилса, ҳайвонлар уни иштаха білан ейди.

Емни дастлабки ишлаш. Ҳайвонларга бериладиган ем (дон озиқлар) аввал маъдум даражада ишловдан ўтказылади. Чунки дон бутунлігіча берилса, қобиғи дағал бўлганлигидан яхши ҳазм бўлмайди. Шунинг учун уларни майдалаб, ёрма ҳолига келтириб ёки ун қилиб ториб сўнг молларга берини яхши натижага беради.

Турли донлардан (сули, маккажӯхори, арпа кабилярдан) тайёрланған ун ёки ёрма қилинған емни узоқ вақт сақлаб бўлмайди. Айниқса, ёз ойлари улар тез ачиб қолади, нам ерда сақланса, мотор босади. Шунинг учун уларни молларга беришдан бир неча кун илгари тайёрлаш керак. Молларга бериладиган ем, ун ва кепак майдаланған хашак ва серсув озиқлар билан аралаштирилиб берилса, уларнинг тўйимлилiği ва ҳазм бўлиши хусусияти ортади ҳамда моллар бундай озиқни иштаха билан ейди.

Фермаларда ғалла ўсимликларидан олинған кепак ва унни мёлларга беришдан олдин бир оз ачитилади ва хушбўйлиги оширилади. Бунинг учун катта ҳажмли тахта яшиклардан фойдаланилади.

Кунжарани чорва молларига майдалаб, кукун кунжарани эса шундайлигича ёки сувда ивитиб бериш тавсия этилади. Баъзан бошқа емларга аралаштирилиб, маҳсус агрегатлар — машиналарда буғлантириб бериш унинг тўйимлилигини ва хушхўрлигини оширади, организмда яхши ҳазм бўлади.

Аралаш (омихта) ем тайёр ҳолда заводдан келтирилади. Бинобарин, аралаш емдан фойдаланишда ҳам юқоридаги усулларни кўллаш ижобий натижаларга олиб келади.

Сомонни кимёвий қайта ишлаш. Бунда энг олдин сомон 3—4 см узунилкда майдаланади. Майдаланған массага бир оз шўр сув сепилади. Иложи бўлса унга дои ёрмаси, пиво заводларидан келтирилган барди ёки майдаланған илдизмева қўшилади. Сомонни буғлаш, маҳсус ўраларда намлаб силослаш усуллари ҳам қўлланилади. Яна бир усул сомоннинг тўйимлилигини ошириши мақсадида цементланған маҳсус ўра ёки траншеяларда у аммиакли сув билан ишланади. Бунда 1 ц сомонга 12 л аммиакли сув сарфланади. Сувдаги аммиак концентрацияси 25 фоиз бўлиши керак. Бундай ишлани-

ган сомонни 6—7 кундан (аммиак ҳиди кетгандан) кейин молларга бериш керак.

Сомон сўндирилмаган оҳак ёки ишқорлар билан ҳам қайта ишланади. Бунинг учун 100 л сувга 1 кг сўндирилмаган оҳак солиниб, 1 фоизли оҳак суви ҳосил қилинади ва унга майдаланган сомон (10—15 минут давомида) бўктириб қўйилади. 100 кг сомон учун 250—300 л оҳак суви етарли. Намланган сомоннинг суви чиқиб кетни учун у таҳтадан маҳсус ясалган майдончаларга олинади, унинг усти брезент ёки бошқа тур мато билан ёпилади. Орадан 2—3 кун ўтгач, у молларга бериш учун тайёр бўлади.

III боб. ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Молларни рациён асосида озиқлантириш

Молларнинг нормал ўсиши, ривожланиши, соғлом бўлиши ва улардан сифатли ҳамда кўп маҳсулот олиш учун улар организмнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши керак. Агар озиқ моддалар етарли даражала бўлмаса, организмдаги барча физиологик жараёнлар сусаяди, ҳайвон ўсишдан тўхтайди, секин ривожланади, маҳсулдорлиги кескин пасайиб кетади. Шу билан бирга уларга ҳаддан ташқари кўп ем-хашак берилса, озиқнинг бир қисми исроф бўлади. Уларнинг семириши ва олинадиган маҳсулоти қимматлашиб кетади. Бинобарин, олимлар ва мутахассислар ҳайвонларнинг ёши, жинси, ўсиш жадаллиги, ривожланиши, маҳсулдорлигининг ошиши ва индивидуал хусусиятларини ҳамда улар организмнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини хисобга олган ҳолда барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, паррандалар, шу жумладан, қорамоллар учун озиқ нормасини ишлаб чиққанлар.

Норма ва рацион. Ҳайвонларнинг физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги ва хўжаликда фойдаланиш хусусиятларига кўра, ҳайвон организмнинг озиқ моддалар миқдорига бўлган талаби озиқ нормаси деб аталади. Республикаамида ҳайвонларнинг тури, ёши, вазни, ориқ-семизлиги, олинадиган маҳсулот миқдори ва сифати, шунингдек, физиологик ҳолатига қараб ҳар хил озиқ нормалари ишлаб чиқилган. Озиқ нормалари молларни озиқлантириш кўрсаткичларига кўра ифодаланади. Ма-

салан, озиқ бирлиги ҳисобида энергия билан таъминланышга, ҳазм бўладиган протеин, каротин, кальций, фосфор ва ош тузи кабиларнинг етарли миқдорда бўлиши асос қилиб олинади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда, уларнинг сифатини яхшилаш ва таниархини арzonлаштиришда, шунингдек, рационни тўғри тузишда озиқ нормаси асос қилиб олинади. Шунга кўра, хўжаликларда молларнинг ёши, сони, таркиби, маҳсулдорлиги ва ҳоказоларга қараб уларга қанча озиқ (ем-хашак) талаб қилинишини режалаштириш мумкин.

Молларнинг озиқ нормасини белгилаш ва ишлаб чиқариш масалалари билан узоқ йиллар мобайнида шуғулланилган ва у ҳар томонлама асосланган ҳолда ўрганилган. Бинобарин, ҳозирги вақтда илмий жиҳатдан асосланган, илтор тажрибалар асосида тасдиқланган озиқ нормалари ишлаб чиқилган ва чорвачилик хўжаликларида амалда жорий этилган. Бунда бериладиган озиқ бирлигига, ҳазм бўладиган протеин, ош тузи, кальций, фосфор, каротин миқдорига, шунингдек, рациондаги микроэлементлар ҳамда қанд-протеин ва кислота — ишқорлар нисбатига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги йилларда молларнинг ёши, жинси, маҳсулдорлиги ва ҳоказоларга кўра уларнинг ем-хашакдан олинадиган энергиясига қараб норма белгилаш ишлари авж олган. Шунингдек, молларни аминокислоталарга, зарур ёғ кислоталарга, макро ва микроэлементларга ҳамда витаминларга бўлган талабига қараб норма белгилаши ишлари анчагина яхши ва тўғри йўлга кўйилган.

Шундай қилиб, озиқ нормасини тузишда ҳайвонларнинг бир сутка давомида озиқ моддаларга бўлган талаби ҳисобга олинса, рацион тузишда — нормада белгилangan кўрсаткичларга кўра молларнинг эҳтиёжини қондира оладиган ем-хашак тури ва миқдори олинади, яъни аввал норма белгиланиб, кейин рацион тузилади. Масалан, соғин сигирларга режалаштирилган рациондаги 1 озиқ бирлигига 100—110 г ҳазм бўладиган протеин, бўғоз сигирларницида 120 г ҳамда 6,5—7,0 ва 10—12 г кальций, 4,5 ва 6,0—7,0 г фосфор, 40—50 мг каротин ва 7,0—7,5 г ош тузи бўлиши керак.

Соғин сигирларнинг озиқ нормаларини белгилашда улар ўртача семисликда бўлиши назарда тутилади.

Лекин сигирлар ориқ бўлса, қўшимча равишида 1—2 озиқ бирлиги ва 110—120 г ҳазм бўладиган протеин бериш тавсия этилади. Соғин сигирлар ва барча турдаги моллар учун озиқ нормаларини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан бир қанча тавсиялар берилган. Улардан айримлари 1,2 ва 3- жадвалларда баён этилган.

1- жадвал

**Ҳар хил миқдорда серсув озиқ бериб боқиладиган
соғин сигирларга ҳашак бериш нормаси
(бир бошга сутка давомида)**

Серсув озиқ, кг	Сигирларнинг вазни, кг		
	400	500	600
10	5	6	7
25	4	5	6
40	3	4	5

2- жадвал

**Сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдорига кўра 1
суткада бериш тавсия этилган серсув озиқлар нормаси**

Олинадиган сут, кг	Серсув озиқ, кг
10—12	45—55
14—16	55—65
18—20	60—70

3- жадвал

**Сигирларнинг сут маҳсулдорлигига кўра ҳар суткада
бериш тавсия этилган ем (концентрат) нормаси**

1 суткада соғиб олинадиган сут, кг	Ҳар 1 кг сут ҳисобига бериладиган ем, кг
10—15	100—150
15—20	150—200
20—25	250—300
25—30	300—350

Шундай қилиб, озиқ нормасида моллар учун бир суткада талаб қилинадиган озиқ моддалар, озиқ ра-

ционида эса ҳайвонларнинг нормада кўрсатилган озиқ маддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қайси ем-хашакдан қанча миқдорда бериш кераклиги кўрсатилади. Аввал озиқ нормали, сўнгра озиқ рациони, яъни молларга бир сугкада берилиши керак бўлган ем-хашак жадвалини тузиш мумкин. Озиқ нормаси ўрта меъёрда бўлганда ҳайвонларнинг индивидуал кўрсаткичлари ва хусусиятлари ҳисобга олнимайди, лекин доим унга айrim қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб боради.

Рацион озиқ нормасида кўрсатилган озиқлар миқдорига, турига, уларнинг тўйимлилигига ва бир сутка мобайнида организм эҳтиёжини қондириш мақсадида талаб этиладиган умумий ем-хашак миқдорига асосланган ҳолда тузилади. Шундай қилиб, озиқ нормаси асосида, ўз таркибида барча озиқ маддалар старли бўлган ва ҳайвон организмининг суткалик эҳтиёжини қондира оладиган ем-хашак миқдори *рацион* дейилади. Рацион тузиш учун қўйидаги маълумотларга эга бўлиш керак: ҳайвонининг вазни, маҳсулдорлифи, ёши, физиологик ҳолати, ориқ-семизлиги, шунингдек, озиқнинг суткалик нормаси; ҳўжаликда мавжуд ем-хашак турлари ҳам ҳисобга олинади.

Рацион тузишда согин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги асосий диққат марказида бўлиши лозим. Акс ҳолда сигирларга норма асосида рацион тузилемаса, уларнинг сутни камайиб кетади. Серсут сигирларнинг озиқ маддаларга бўлган эҳтиёжи кам ёки ўртача сут берадиган сигирларникига қараганда юқори бўлади. Ўзбекистон Чорвачиллик илтмий-текшириш институти олимлари томонидан олиб борилган кузатишларга қараганда, суткасига 10 л сут согиб олинадиган сигирлар сути билан 330 г оқенди, 380 г ёғ, 475 г сут шакари, 14 г кальций, 11 г фосфор ва 5,5 г ош тузи чиқиб кетар экан. Шунингдек, вазни 500 кг ва суткалик сут миқдори 12—16 кг бўлган сигирлар суткасига 10,5—12,5 озиқ бирлиги, 1000—15000 г ҳазм бўладиган протеин, 70—100 г кальций, 55—30 г фосфор, 40—80 г ош тузи, 150—175 мг каротин олиши керак. Ҳар килограмм сути учун 25 мг қўшимча каротин бериш лозим.

Шундай қилиб, согин сигирлар учун рацион тузишда уларнинг нормал яшами ва маҳсулот ҳосил қилиши учун озиқ бирлиги ва барча озиқ маддаларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниши шарт (4- жадвал).

**Сөғин сигирларга бир суткада бериш зарур бўлган
озиқ моддалар
(В. М. Попова маълумоти)**

Сигирларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи	Сизи бирлиги, кг	Ҳазм бўлгани оқсил, г	Кальций, г	Фосфор, г
Нормал яшашни учун	4,0	230	20	10
Маҳсулот ҳосил қилиши учун	4,8	480	40	30
Жами	8,8	710	60	40

Жадвалдаги кўрсаткичлар вазни 400 кг, суткалик сут миқдори 10 кг ва сутидаги ёғ 3,8 фоиз бўлган сигирлар учун мисол тарзида берилган. Қорамоллар учун рацион тузишда аввал ҳашак, сўнгра серсув озиқлар киритилиб, сўнгра етишмай қолган озиқлар ем ҳисобига тўлдирилади.

Озиқ бирлиги. Ем-ҳашак ва турли ишларни озиқ моддаларнинг тўйимлилигини баҳолаш учун бир килограмм сулининг тўйимлилик даражаси, организмга берадиган қуввати ўлчов (озиқ) бирлиги қилиб қабул қилинган. Рацион тузишда бошқа турдаги ем-ҳашакларнинг тўйимлилиги шу бирликка таққосланган ҳелда олинади. Ем-ҳашаклар таркибида озиқ бирлиги ҳар хил миқдорда бўлади. Масалан, 1 кг арпада — 1,2; 1 кг кунжарда — 1,15; 1 кг похолда — 0,3; 1 кг қуруқ беда пичанида — 0,45—0,50; 1 кг ҳашакни лавлагида — 0,11—0,15 озиқ бирлиги бўлиши аниқланган.

Чорвачиликда қўлланиладиган барча турдаги ем-ҳашакларни озиқ бирликларига қараб баҳолаш уларнинг фақат умумий тўйимлилигини ифодалайди. Бино-барин, ҳар бир озиқ турининг таркибидаги энг муҳим минерал моддалар, протеин, каротин ва витаминлар миқдори эса умумий қўлланима-жадваллардан, спровоциклилардан олинади.

Шундай қилиб, озиқларнинг тўйимлилигини аниқлашда ўлчов бирлиги сифатида озиқ бирлиги қабул қилинган. Шуни айтиб ўтиш керакки, организмда ҳазм бўлган моддаларнинг ҳаммаси маҳсулот ҳосил бўлиши учун сарфланавермайди. Ҳосил бўлган энергиянинг бир қисми тана ҳароратининг доимийлигини сақлаб туришда, организмнинг ҳаракати учун, овқат ҳазм қилиш

учун ва ҳоказоларга сарфланади. Ҳазм бўлган озиқнинг фақат бир қисми организмда маҳсулот ҳосил қилиш учун сарфланади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилганидек бизнинг республикамиизда 1 кг сулининг тўйимлилиги озиқ бирлиги сифатида қабул қилинган. Шунингдек, бунда ўртача сифатли 1 кг сулини ҳўкизга (саломатлигини сақлаш учун бериладиган озиқ) асосий рациондан ташқари берилганда унинг танасида (сули ҳисобига) 150 г ёғ ҳосил бўлган. Шунга кўра, бошқа турдаги ем-хашакларнинг тўйимлилиги режалаштирилади. Масалан, ҳўкизларга асосий рациондаги ем-хашакларга қўшимча ҳолда 1 кг беда пичани берилганда 75 г ёғ ҳосил бўлган, яъни у сулига нисбатан 50 фоизни ташкил қилган ёки 0,5 озиқ бирлигини ташкил қилган .1 кг маккажўхори силоси 30 г ёғ ҳосил қилган, бошқача қилиб айтганда, у 0,2 озиқ бирлигига teng экан: Шунинг учун сулининг тўйимлилиги асосий озиқ бирлиги қилиб қабул қилинган.

Республикамиз чорвачилигига кенг фойдаланиладиган ем-хашак турларининг озиқ бирлиги ва таркибидаги кимёвий элементлар миқдори 5- жадвалда кўрсатилган.

Рацион тузиш. Рацион ҳайвонларга бериладиган суткалик ем-хашак миқдори бўлиб, озиқ нормаси асосида ва ҳайвонларнинг озиқ ҳазм қилиш физиологиясини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Улар қўйидагилар:

1. Рационга киритилган ем-хашакнинг тўйимлилиги ва сифати ҳайвоннинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган бўлиши керак. Бунда ҳайвоннинг маҳсулдорлиги, ёши, ориқ--семизлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади.

2. Рацион таркибидаги дагал озиқлар миқдори етарли даражада бўлиши керак. Шунингдек, улар таркибидаги асосий химиявий элементлар: протеин, углеводлар, макро- ва микроэлементлар, витаминлар етарли бўлиши керак.

3. Рационга ҳар хил ем-хашаклар киритилиши керак. Масалан, соғин сигирлар рационида серсув озиқлардан маккажўхори силоси, илдизмевалар, кўк ўт кабилар бўлиши, биринчидан, овқат ҳазм қилиш органдари фаолиятини яхшиласа, иккинчидан, сутини кўпайтиради. Шунингдек, дагал озиқлардан беда пичани, сифатли сомон, шулха ҳамда етарли миқдорда сифатли

1 кг ём-хашакнинг озиқ бирлиги ва таркибидаги айрим кимёвий моддаларнинг миқдори (ўртача)

Ём-хашак турлари	Озиқ бирлиги	Ҳазм бўла-диган про-tein, мг	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Сунъий яйлов ўтлари	0,21	18	1,9	0,7	45
Қўқ беда	0,22	41	6,4	0,6	50
Маккажӯхори поясни (думбулигидаги)	0,20	12	0,8	0,5	30
Нўхат палаги	0,16	28	3,1	0,5	60
Маккажӯхори силоси	0,20	14	1,5	0,5	15
Картошка	0,30	17	0,3	0,5	0
Хашаки сабзи	0,14	7	0,6	0,5	30
Хашаки лавлаги	0,12	9	0,4	0,4	0
Нимшириали лавлаги	0,15	14	0,5	0,3	0
Канд лавлаги	0,26	12	0,5	0,5	0
Ошқовоқ	0,13	7	0,3	0,4	15
Беда пичани	0,49	116	17,7	2,2	45
Сунн сомони	0,31	14	4,3	3,1	4
Беда уни	0,85	135	13,1	1,0	250
Буглой сомони	0,20	8	1,4	3,4	3
Нўхат сомони	0,23	31	11,5	3,3	3
Маккажӯхори доши	1,34	78	0,4	1,7	4
Жавдар	1,18	102	0,8	1,0	2
Арпа	1,21	81	1,2	0,8	0
Буглой ёрмаси	0,78	139	1,3	3,1	4
Арпа ёрмаси	0,70	169	1,2	9,7	1
Маккажӯхори ёрмаси	1,02	7,6	0,8	5,1	1
Чигит кунжараси	1,15	331	2,8	9,8	1
Сигир сути (ёғи 3,5 фоиз)	0,34	33	1,2	1,0	2
Ёни олиниган сут	0,13	31	1,2	1,0	1
Сут зардоби	0,13	9	0,4	0,4	0
Гўшт-суюк уни (30—40 фоиз кул)	0,79	292	143	74,0	—
Гўшт уни	1,06	407	35,7	19,2	—
Қон уни	1,06	758	5,8	4,9	—
Балик уни (стандарт)	0,83	535	67,2	31,8	—

концентрат озиқлар бўлиши керак. Ана шуларга амал килингандагина ҳайвонлар учун тузилган рацион тўғри ва самарали бўлади.

Қорамоллар учун рацион тузиш вақтида ем-хашак турларининг таркиби, хусусияти, ҳайвонлар томонидан истеъмол қилиниши, тўйимлилиги, хўжаликдаги миқдори, қиммати ва ҳоказолар ҳисобга олинниши керак. Ҳар бир ем-хашак турини рационга киритган вақтда унинг моллар томонидан тўла истеъмол қилиниши, иншхўрдга чиқарилмаслиги ва ҳайвоннинг соғлиғига фақат ижобий таъсир кўрсатишини назарда тутиш керак.

Бузоқлар учун рацион тузишда уларнинг ўсиши ва семириш тезлиги, тез стилувчанилиги ва семиришининг арzonига тушиши ҳисобга олинниши керак. Масалан, ёш бузоқларни боқинида маълум даражада сигир сутни сарфлаб, асосан кўкат, дагал, серсув озиқлар ва емдан унумни фойдаланиш уларнинг тез ва жадал ўсишини таъминлайди. Бундай бузоқларнинг сүяк-мускул тўқимаси тез ривожланади, овқат ҳазм қилиш аъзолари кўп миқдордаги ем-хашакни яхни ва тез ўзлаштиришга мослашади ҳамда улардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сингирлар стиштирилади.

Қорамоллар рационини ҳар бири учун алоҳида ёки бир гурӯҳ моллар учун умумий ҳолда тузиш мумкин. Лекин алоҳида ҳар бир мол учун рацион тузиш ва унга тўла риоя қилиш чорвачиллик фермаларида ва комплексларда жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Рационни «умумий» тузишда ҳайвоnlарининг барча кўрсаткичлари (маҳсуллорлиги, вазни, ёши, ориқ-семизлиги, физиологик ҳолати ва ҳоказолар) деярли бир хил ёки бир-бiriгiga яқин бўлиши керак. Шундагина тузилган «умумий» рацион ижобий натижа беради. Бундай соғин сингирларнинг суткалиқ сут миқдори бир-бiriнидан фақат 2—3 кг га фарқ қилиши мумкин, лекин молларнинг тирик вазни орасидаги фарқ 50 кг дан ошмаслиги керак. Бу фарқ катта бўлса, уларни маҳсус бир неча гурӯҳга ажратиб, ҳар қайсан гурӯҳ учун алоҳида рацион тузилади.

Молларни озиқлантириш типлари. Молларни йил бўйи тўйимли ва сифатли ем-хашак билан боқиши учун йиға фасллари давомида улардан тўғри фойдаланиш керак. Жумладан, кўп миқдорда сифатли сут

етиштиришда рационга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда озиқлантариш типлари муҳим роль ўйнайди. Булар: I дагал озиқлардан ташкил топган озиқлантариш типи; II серсув озиқлардан ташкил топган озиқлантариш типи; III кўк ўтлардан ташкил топган озиқлантариш типларидир. Бу учала озиқлантариш типидан фойдаланишда маълум миқдорда ем-концентрат озиқ ҳам ишлатилади. Булардан ташқари, *ем* — концентрат озиқлардан ташкил топган тип бўлиб, у хўжаликлар учун жуда қимматга тушади, чунки бунда соғиб олинадиган ҳар 1 л сут ҳисобига ўртacha 500 г дан ем (концентрат) сарфланади. Бу эса сутнииг таниархини жуда қимматлаштириб юборади.

Республикамиз шаронтида қорамоллар бошвоқсиз асралганда, уларни ёши, маҳсулдорлиги, вазни ва ҳоказоларга кўра гурӯҳларга ажратиб, силос ва дагал озиқлардан ташкил топган озиқлантариш типида бўқиши ҳар томонлама қулай бўлиб, иқтисодий афзалликка эга.

Софин сигирлар учун серсув, дагал ва кўк ўтлардан ташкил топган озиқлантариш типлари қулай эканлиги кўпгина кузатишларда аниқланган. Айниқса рацион таркибида силос, илдизмевалар, кўк ўт кабилар бўлиши фақат сут маҳсулдорлигини оширмасдан, балки озиқ ҳазм бўлишини ҳам яхшилайди ва соғин сигирлар сутини оширади. Лекин рационда серсув озиқлар билан бир қаторда дагал озиқлар — пичан ва сомон бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда дагал озиқ билан серсув озиқларнииг инебати ўзгариши мумкин, яъни рационда серсув озиқлар қанча кўп бўлса, дагал озиқ шунча кам бўлиши керак ва аксинча. Масалан, рационда серсув озиқлар миқдори сигирларнииг ҳар 100 кг вазни ҳисобига 3 кг дан, жами 8—10 кг гача бўлганда дагал озиқ миқдори 2,5 кг дан 1—1,5 кг гача камайтирилади. Бунда серсув озиқлар миқдори 50—70 фоиз, дагал озиқлар эса 50 фоиз бўлиши мумкин.

Софин сигирлар рациони таркибида ҳазм бўладиган протеин миқдори меъёрда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, уларнииг рационида 1 озиқ бирлиги ҳисобига ўртacha 105—120 г ҳазм бўладиган протеин бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ем (концентрат озиқлар) ҳам рацион таркибида ўз аксини топиши ва улар миқдори камайиб кетмаслиги керак, яъни соғиб олинадиган ҳар 1 кг сут учун 100 г

ем режалаштириш мүмкін. Шунингдек, 10 кг сут берадиган сигирларга ұар 1 кг суті учун суткасига 100—120 г; 10—15 кг сут берадиган сигирларға 100—150 г; 15—20 кг сут берадиганларға 150—200 г ва 25—30 кг ва ундан күп сут берадиганларға 250—300 г ем бериш мүмкін. Бунга асосий сабаб, серсүт сигирлар организмидан сут билан бирга жуда күп миқдорда оқсиллар, ёғлар, углеводлар ва минерал туз әрітмалари чиқиб кетади, уларнинг ўринли тұлдиришда ем (концентрат озиқлар) мүхим роль йүнайды. Шундай қилиб, қорамоллар қайси типдаги озиқ рацион бүйіча озиқлантирилишидан қатын назар, озиқ моддалар етарлы миқдорда ва маҳсулдорлик ҳамма вақт юқори бўлиши керак.

Софин сигирларни озиқлантириш

Софин сигирларни озиқлантириш нормаси уларнинг озиқ моддаларга бўлган суткалик талабини эътиборга олган ҳолда тузилади. Бунда уларнинг тирик вазни, ёши, сут маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Уртача миқдорда сут берадиган сигирларни озиқлантиришда улардан суткасига 2—3 кг, кўпроқ сут берадиганларни озиқлантиришда эса 3—5 кг қўшимча сут согиб олиш режалаштирилиши ва улар шу асосда ем-хашак билан таъминланиши керак. Масалан, туққанига 8—10 кун бўлган сигирларнинг сути 12 кг бўлса, улардан 14—15 кг, агар сути 20 кг бўлса, улардан 23—25 кг сут олиш режалаштирилади.

Софин сигирларни бокиша уларнинг сут маҳсулдорлиги максимал даражага етгунча рационининг сифатига ва таркибиغا алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, улар туққанидан кейин бунга жиддий эътибор бериш керак. Бунинг учун емдан самарали фойдаланиш керак. Сигирлар қанча серсүт бўлса, уларга шунча күп ем бериш зарур. Уларга бериладиган ем-хашак миқдорини оширишда дастлаб рациондаги серсүв озиқлар миқдори кўпайтирилиб борилади. Агар бунда 12 кун ичидә сут маҳсулдорлиги ошмаса, у ҳолда 1, 2, 3- жадваллар асосида рацион таркиби ўзгартирилади ва 6- жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади.

Республикамиз хўжаликларида серсүт сигирларни тўғри озиқлантириш ишлари тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бунда албатта табиий иқлим шароитини ҳисобга олиш, сигирларнинг физиологик ҳолатига

эътибор бериш зарур. Бу борада Ўзбекистон Чорвачилик илмий текшириши институти олимлари томонидан қўйгина ишлар қилинмоқда. Бинобарин, улар айрим тавсияларни таклиф этганлар. Масалац, согин сигир-

6- жадвал

Сутида ёғ миқдори 3,8—4,0 фоиз бўлган согин сигирлар учун озиқ нормаси

Суткалик суг миқдори, (кг)	Ҳар бош сигир учун бир суткада талаб этилади					
	озиқ бир- лиги, кг	ҳазм бў- ладиган протеин, г	кальций, г	фосфор. г	каротин, мг	ош тузи, г
Тирик вазни 300 кг бўлганда						
8	7,3	760	50	35	290	50
12	9,3	940	65	45	390	65
16	11,5	1250	80	60	420	80
20	14,0	1530	95	70	590	95
24	16,6	1840	110	85	690	110
26	17,9	2000	120	90	740	120
Тирик вазни 400 кг бўлганда						
8	8,0	840	50	35	320	50
10	9,0	960	60	40	370	60
14	11,0	1220	75	55	470	75
18	13,1	1500	90	70	570	90
20	14,2	1650	100	75	620	100
24	16,7	1960	115	85	720	115
28	19,3	2380	130	100	820	130
30	20,6	2440	140	105	870	140
Тирик вазни 500 кг бўлганда						
8	8,6	900	55	40	350	55
10	9,6	1020	65	45	400	65
14	11,6	1270	80	55	500	80
20	14,7	1680	105	75	650	105
24	17,1	1980	120	90	750	120
30	21,0	2460	145	105	900	145
34	23,6	2780	160	120	1000	160
40	27,5	3260	185	140	1150	185
Тирик вазни 600 кг бўлганда						
8	9,1	970	60	40	380	60
10	10,1	1090	70	45	430	70
12	11,1	1210	80	55	480	80
16	13,1	1470	95	65	580	95
20	15,1	1750	110	80	680	110
24	17,4	2050	125	90	780	125
30	21,2	2530	150	110	930	150
34	23,8	2850	165	125	1030	165
40	27,7	3330	190	145	1180	190

лар учун йил фасллари бўйича ем-хашак турлари ва уларнинг тўйимлилигига кўра тузилган рационлар шу-лар жумласидандир (7- жадвал).

Жадвал кўрсаткичларидан маълумки, республика-миз шаронтида айниқса қиши ойларида сигирларга сарфланадиган озиқ миқдори ВИЖ (собиқ Бутуниттифоқ Чорвачилик институти) тавсияларига кўра, юкорироқ бўлиши талаб этилган. Бундай тавсиялар кўплаб ферма ва хўжаликларда қўлланилиб келинмоқда.

Умуман соғин сигирларни озиқлантиришда уларнинг тирик вазини, бир суткада берадиган сут миқдори, сутнинг серёғлиги ҳисобга олинади. Масалан, тирик вазини 500 кг келадиган, суткасига 3,3 фоиз ёғли 12 кг сут берадиган сигирга суткасига ўртacha 10,6—11,6 озиқ бирлиги, 1140—1270 г ҳазм бўладиган протеин ва 70—80 г ош тузи берниш етарли ҳисобланади.

7- жадвал

**Тирик вазни 500 кг, йиллик сут миқдори ўртacha 4000 кг
ва сутнинг ёғдорлиги 3,6 фоиз бўлган сигирлар
учун қиши ойларига тузилган рацион**

Рацион:	Собиқ Бутуниттифоқ чорвачилик институти	Ўзбекистоннинг чорвачи- лик и. т. институти
Омихта ем, кг	4,23	5,30
Беда пичани, кг	1,91	2,38
Маккажӯхори салоси, кг	14,10	17,52
Сенаж, кг	7,17	8,89
Нимширии лавзаги, кг	12,97	16,09
Жами:	40,38	49,18
Рацион таркибида:		
Озиқ бирлиги, кг	12,50	15,60
Ҳазм бўладиган сўксил, г	1399	1443
Кальций, г	330,06	397,85
Фосфор, г	87,95	133,07
Каротин, мг	445	540

Бўғоз сигирларни озиқлантириш

Бўғоз сигирларни меъерида тўғри озиқлантириш, уларни сифатли ем-хашак билан етарли даражада таъминлаш уларни келажакда серсут бўлишининг асосий шартиди. Собиқ Бутуниттифоқ Чорвачилик илмий-текшириш институти тавсиясига кўра, вазни 500—550 кг келадиган бўғоз сигирларга суткасига ўрта ҳисобда 6—

8 кг сиғатлы беда пичани, 10—15 кг маккажұхори си-
лоси ёки сенаж, 7—8 кг хашаки лавлаги, 2—3 кг омих-
та ем, 100—150 г кальций ва 50—70 г ош тузи берни
керак. Лекин сигирларга бир вақтнан үзіда лавлаги
ва картошка беріш уларда озиқ ҳазм бўлиш жараёнини
бузади.

Бўғоз сигирларнинг вазинин ва улардан қанча сут-
олиш мүмкінligини ҳисобга олган ҳолда олимлар то-
монидан озиқлантириш месъёрлари ишлаб чиқилган (8-
жадвал).

Бўғоз сигирларни озиқлантириш масалалари бўйича
ҳам Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институ-
ти олимлари томонидан ВИЖ тавсияларига асосланиб
ва маҳаллий иқлим шаронтини ҳисобга олган ҳолда
махсус тавсиялар ишлаб чиқилган ва улар республи-
камизнинг кўплаб хўжаликларида амалда қўлланиб
келинмоқда (9 ва 10- жадваллар).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бў-

8- жадвал

Бўғоз сигирлар учун озиқ нормаси (ВИЖ маълумоти)

Сигирлар- нинг тирик вазини, кг	Ҳар бир бош сигир учун бир суткада талаб этилади:					
	озиқ бир- лиги, кг	ҳазм бўла- диган про- центи, г	ош тузи, г	кальций, г	фосфор, г	каротин, мг
Ийллик сути 300 кг гача бўлганда						
350	5,5	660	35	55	30	220
400	6,0	720	40	60	35	240
450	6,5	780	45	70	40	260
500	7,0	840	50	80	45	280
Ийллик сути 3000 дан 5000 кг гача бўлганда						
350	6,5	780	40	65	35	325
400	7,0	840	45	70	40	340
450	7,5	900	50	80	45	375
500	8,0	960	55	90	50	400
550	8,4	1010	60	95	55	420
600	8,7	1050	65	100	60	440
650	9,0	1080	70	110	65	450
Йиллик сути 5000 кг дан ортиқ бўлганда						
400	8,0	960	50	80	45	400
450	8,5	1020	55	90	50	425
500	9,0	1080	60	95	55	450
550	9,4	1130	65	105	60	470
600	9,7	1160	70	110	65	490
650	10—12	1200—1440	75—85	115—180	70—80	500—600

бұз сигирларни республикамыз шароитида озиқлантири-
ганды сарфланадиган озиқ моддаларнинг миқдори ВИЖ
тавсиясига қараганда салмоқлидір. Масалан, қиши ойи-
да вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 4000 кг ни таш-

9- жадвал

**Тирик вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 4000 кг атрофида
режалаштирилған бұз сигирлар учун қиши өйларига
тузилған озиқ рационы**

Рацион	Собиқ Бутуниттифоқ Чорвачилик и. т. институти нормаси	Ўзбекистон Чорва- чилик и. т. институти нормаси
Оміхта ем	1,88	2,28
Маккәжүхори силоси, кг	9,90	11,95
Беда пичани, кг	6,25	7,51
Нимшириң лавлаги, кг	6,96	8,42
Жами	24,99	30,16
Рацион таркибида:		
Озиқ бирлиги, кг	8,35	10,07
Хазм бұлалдиган протеин, г	1170	1396
Кальций, г	135,45	165,5
Фосфор, г	28,60	34,49
Каротин, мг	479	576

10- жадвал

**Тирик вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 4000 кг
атрофида режалаштирилған бұз сигирлар учун ёз
ойларига тузилған озиқ рационы**

Рацион	Собиқ Бутуниттифоқ Чорвачилик и. т. институти нормаси	Ўзбекистон Чорва- чилик илмий-текши- риш институти нормаси:
Оміхта ем, кг	2,12	2,51
Беда пичани, кг	2,13	2,51
Құқ беда, кг	30,36	35,63
Жами:	34,60	40,64
Рацион таркибида:		
Озиқ бирлиги	8,0	9,6
Хазм бұлалдиган протеин, г	96,0	1150
Кальций, г	194	232
Фосфор, г	81	87
Каротин, мг	840	1020

кил этадиган сиғирларга ВИЖ тавсиясига күра 8,35 кг озиқ бирлиги берилса, бизнинг шароитда эса бу күрсаткич 10,07 кг ни ташкил этади.

Бузоқларни озиқлантириш

Янги туғилган бузоқларнинг озиқ ҳазм қилиш аъзолари анча нозик, ҳали унча ривожланмаган бўлгани учун дағал озиқларни истеъмол қилолмайди. Бинобарин, улар ўсиб ривожланган сари фақат сутдан фойдаланмасдан, сут-кўкат, кейин ем-хашаклар билан озиқланишига ўтади ва шунга мослашади. Кузатишларга қараганда, бузоқлар ем-хашак билан озиқланишига қанча тез мослашса, уларнинг ошқозони ва ичаклари катта ва ҳажмли бўлади, бинобарин дағал озиқларни яхши ўзлаштира олади.

Ёш организмлар учун озиқ рационида етарли миқдорда оқсил, углевод ва ёғ моддалар бўлиши уларнинг жадал ўсишига ёрдам беради. Агар углеводлар етарли бўлмасдан, оқсил ва ёғлар кўпроқ бўлса у ҳолда уларнинг ўрни оқсил ва ёғлар ҳисобига қопланади. Лекин бундай қопланиш узоққа бормайди, бузоқ ориқлайди, унинг организмида моддалар алмашинув жараёни бузилади. Баъзан ўсишни тўхтатувчи заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Бинобарин, бузоқларни ўсиб ривожланиши уларга бериладиган ем-хашак таркибидаги углеводлар миқдорига ва уларнинг протеин билан ёғларга нисбатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун уларни онасидан ажратилгандан бошлаб тўла қимматли озиқлар билан боқиши керак. Бузоқлар учун озиқ меъёри уларнинг ёшини, жинсини, тирик вазни, суткалик ўртacha ўшишини, нима мақсадда боқилиши ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Бузоқларнинг ёшига қараб озиқ рациони тахминан қуийдагича бўлиши мумкин (11- жадвал). Насл учун қолдириладиган бузоқларга 5—15 фоиз кўпроқ ем-хашак берилади (12- жадвал).

Насл олиш мақсадида боқиладиган буқачаларга 6 ойлигидан 10—12 ойлигигача қиши ойларида 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,5—3 кг ем, 1,6—1,8 кг сифатли беда пичани, 0,5—1 кг донадор ёки брикет озиқ ҳамда 3—4 кг силос ёки илдизмева бериш зарур. Ёз ойларида эса пичан ва айрим серсув озиқлар тўйимлилигига қараб қисман кўкат озиқлар билан алмаштирилади. Бинобарин, насл олинадиган буқачалар шу ёшда кунига

11- жадвал

Бузоқларнинг 6 ой мобайнида бокши кўрсаткичлари (бунда бузоқлашни суткасига 650—700 г дан семириши ва бокуянинг охирида уларнинг вазинини 150 кг га етказиш режалаштирилган. ВИЖ маълумотидан)

Ёши, ой хисобида	Ой охи- ридан вазни, кг	Ҳар бош учун сутка давомида талаб қилинади					
		озиқ бирлиги, кг	ҳазм бу- ладиган оқсили, г	каль- ций, г	фосфор, г	каро- тин, мг	ош тузи, г
1	52	2,2	220	10	5	30	5
2	72	2,5	325	15	10	45	10
3	91	2,8	365	20	25	60	10
4	110	3,1	405	25	15	75	15
5	130	3,4	410	25	15	90	20
6	150	3,7	425	30	20	105	30

12- жадвал

Насл олиш мақсадида бокиладиган буқачалар учун озиқ рациони (бунда 16 ой ичидаги уларнинг вазинини 500 кг га етказиш мўлжалланган ва суткалик семириши 900—1000 г режалаштирилган, ВИЖ маълумотидан)

Ёши, ой хисобида	Ой охири- даги вазни, кг	Ҳар бош учун сутка давомида талаб қилинади					
		озиқ бир- лиги, кг	ҳам бу- ладиган оқсили, г	ош тузи, г	каль- ций, г	фосфор, г	каро- тин, мг
1	62	2,7	270	5	15	10	35
2	90	3,3	430	10	20	15	55
3	120	3,9	505	15	30	20	75
4	150	4,2	545	20	30	20	95
5	180	4,6	550	20	35	25	115
6	210	5,0	575	25	40	30	140
7—8	270	6,0	660	30	45	30	145
9—10	330	6,6	710	40	55	35	160
11—12	390	7,1	745	40	60	35	180
13—14	450	7,9	830	50	65	40	210
15—16	500	8,6	880	60	70	40	240

камидаги 70—80 мг каротин ва етарли миқдорда витаминлар (А витамин—80—90 МЕ, Д витамин—10—20 МЕ ва Е витамин—20—30 МЕ миқдорда) билан таъминланиши керак.

Новвосларнинг ўсиши ва ривожланишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, улар 10—12 ойлигидан бошлаб, зотининг хусусиятларига кўра, озиқ рационининг таркибига айрим ўзгаришлар киритилади. Масалан, буқалардан уруғ синига иккى сий қолганда, улар рационидан сидес ва лавлати чиқаруб ташланэди ҳамда улар ўринига 3,5—4 кг сифатли см-жонцентрат, 6—7 кг витаминли беда пичани, 1—1,5 кг донадор озиқ, шунингдек кунига 2—3 товуқ тухуми, 0,2—0,3 кг қуритилган (ёғи олинган) сут ёки сут ўринини босадиган ичимлик, 1—2 кг сабзи бериш тавсия этилади.

Насл учун боқиладиган новвослар 10—12 ойлигигача 5—6 тадан ва баъзан 20—25 тадан қилиб гуруҳ ҳолда боқилади ва парваришланади. Насл олинмайдиган новвослар профилакторий даври тугагач, махсус ихтинослаштирилган ферма ёки хўжаликларга юборилади. Сўқимга семиртириш муддати тугагач новвослар юқори семизлика күшхоналарга жўнатилади.

Бузоқларни тўғри боқиш ва парвариш қилиш қорамоллар подасини соғлом сермаҳсул сигирлар ва юқори кўрсаткичга эга бўлган бақувват наслдор буқалар билан тўлдиришда мұҳим аҳамиятга эга. Бузоқларни боқиш ва парваришлаш асосан уч хил усуlda амалга оширилади: 1) онасига эмизиб боқиш; 2) олдин эмизиб, сўнг соғиш усули; 3) онасидан ажратиб боқиш усули.

Онасига эмизиб боқиш асосан гўшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланилади. Бунда сути оз бўлганилиги учун сигирлар соғилмайди, у фақат бузоги билан боқилади. Бу усулда барча сигирлар ўз бузоқлари билан подада бўлади.

Гўшт йўналишидаги қорамолчиликда бузоқлар 7—8 ойлигигача онасини эмиб ўсади. Айрим ҳолларда сигир сути кўп бўлса, унга яна битта бузоқ биринтирилади. Бундай бузоқлар гўшт учун боқиладиган, сут-товар фермаларидан келтирилган бўлади. Бу бузоқни бегона сигир қабул қилиши учун унинг боши, елкаси, думининг танага биринкан қисмига шу сигирнинг сути ёки сигир туғаётганидаги йўлдош суюқлиги суркалади. Кейин шу сигир уни гўё ўзи түкқан боласидек яхши қабул қиласи ва эмизаверади.

Гўшт йўналишидаги қорамолчиликда бузоқлар онасидан сентябр ва октябр ойларида ажратилади. Бунда уларнинг ўртача вазни 170—220 кг атрофида бўли-

ши керак. Чунки уларнинг турилиши мавсумга қараб апрель — май ойларига тўғри келади.

Олдин эмизиб, кейин соғиш усули қадимги усул ҳисобланади. Бу усул асосан шахсий хўжалик ва хона-донларда қўлланилади. Бунда бузоқлар түғилганидан кейин онасидан ажратиб олинади ва фақат сигирларни согиш вақтида, согишдан олдин эмизилади. Шунингдек, соғиш жараёнида ҳам бир неча бор эмдириб олинади. Ниҳоят, согиш тугагач, бузоқ яна онасини бир неча минут эмади, кейин ажратиб олинади. Бу истиқболли усул ҳисобланмайди.

Онасидан ажратиб боқиши барча сут-товар фермаларида қўлланиладиган истиқболли усул ҳисобланади. Бунда янги түғилган бузоқларга 10—15 кун давомида онасининг сути берилади ва профилакторияда асралади, ветеринария ҳамда санитария тадбирлари қўлланилади. Масалан, ҳаво совуқ ёки салқин бўлганда, бузоқхоналарни электр лампалар ёрдамида 20—24°C гача иситиш, БУВ — 30 маркали лампалар ёрдамида бузоқларни ультрабинафа ва инфрақизил нурлар билан тъминлаш, уларни эмлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бузоқлар түғилганидан 40—60 минут кейин уларда биринчи марта эмиш рефлекси ҳосил бўлгач, онасининг оғиз сути билан эмдирилади. Агар онасининг елини мастит (яллиғланиш) ёки бошқа касаллик билан оғриган бўлса, унда бошқа соғлом сигирнинг оғиз сутидан фойдаланилади.

Бузоқлар профилакторияда бўлган даврда, яъни 10—15 кун давомида суткасига уч марта оғиз сути ва оддий сут билан бекўлади. Кейинчалик икки марта, баъзан уч марта сут билан тъминланади. 5—10 кунлик бузоқларга витаминын пичан берилади. Бузоқлар сутини ичib бўлгач, срадан 1 соат ўтгач, қайнатиб совитилиган сув бериш тавсия этилади.

10—15 кунлик бузоқлар профилакториялардан ихтинослаштирилган махсус хўжаликларга ёки комплексларга жўнатилилади. Улар махсус автомашинайларда ташилади. У ерда бузоқларни озиқлантириш ишлари махсус машинайлар ёки стационар воситалар ёрдамида бажарилади. Гўигни тозалаш ишлари ҳам машинайлар ёрдамида бажарилади.

15—20 кунлик бузоқларга оз-оздан сифатли ем-концентрат бериш мумкин. Бунда 50—100 г миқдорида

кунжара ёки бошқа ем билан боқиши яхши натижада беради. Шунингдек, 11 кунлигидан минерал қўшимчалар, жумладан, ош тузи ва бўр бериш фойдалидир. 30—40 кунлигидан бошлаб ёғи олинган сут бериш яхши натижада беради. /

Хўжаликларда сигир сутини тежаш мақсадида бузоқларни 11 кунлигидан бошлаб, 10 литр сигир сутини үрига 1,1 кг сунъий сут билан боқиши мумкин. Бунда ЗЦМ дан (сигир сутининг үриндоши) ҳам фойдаласа бўлади. У маҳсус рецепт асосида тайёрланилди. Бу озиқ химиявий таркиби кўра сигир сутидан қолишиб майди.

Лаборатория иши

Моллари турли системада боқиладиган ферманинг кун тартиби билан танишиш

Машғулотдан мақсад. Моллари турли системада боқиладиган ферманинг кун тартиби билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар. Сут қорамолчилигига сигирларни бир сменали ва икки сменали иш юритилиши, молларни боғлаб ва бошбоғсиз оғилхона — лагерларда, боғламасдан боксларда сақлашга доир материаллар, плакатлар, диафильмлар, справочниклар.

1- топшириқ. Сигирларни турли усулда сақлаш бизнинг ўлка шароитига мос бўлган кун тартибини аниқланг ва уни таққослаш усулида самарадорлигини тушунтиринг ҳамда асослаб беринг.

2- топшириқ. Бир сменада ёки икки сменада ишлатетган соғувчиларнинг кун тартиби қандай бўлишини кўрсатинг.

Амалий машғулот

Хўжаликларда молларни боқиш, асраш, сақлаш ва парваришлаш ишлари билан танишиш

Машғулотнинг мақсади. Бирор хўжалик шароитида молларни боқиш, асраш, сақлаш ва парвариш қилиш ишлари билан танишиш ва малака ҳосил қилиш.

Топшириқ. Ўқитувчи раҳбарлигига бирор илфор хўжалик фермасига саёҳат уюштирилди ва ўша ерда олиб бориладиган барча меҳнат жараёнлари билан танишилди, керакли маълумотлар ёзib олинади ва улар ўқитувчи иштирокида муҳокама қилинади.

Амалий машгулог

Молларни ёши, жинси, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига кўра озиқ рационини тузиш

Машғулотнинг мақсади. Молларни ёши, жинси, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига кўра озиқ рационини тузиш бўйича малака ҳосил қилиши.

Керакли жиҳозлар. Академик А. П. Қалашников таҳрири остида чоп этилган «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш нормалари ва рационлари» китоби. Москва, «Агропромиздат» 1985.

1-топшириқ. Вазни 500 кг, суткасига ёғдорлиги 3,8 фоиз бўлган 15 кг сут берадиган, ўртача семизликдаги сигиррга қишиш ва ёз ойлари учун рацион тузиш талаб этилади. Сигирни учинчи марта туғиши, сўнгги марта туққанига беш ой бўлган. Рацион тузишда хўжаликда фойдаланиладиган ем-хашак турларидан фойдаланинг.

2-топшириқ. Вазни 500 кг, лактация давомида 3500 кг сут олиш режалаштирилган, соғишдан чиқарилган сигиррга қишиш ва ёз ойлари учун озиқ рационини тузинг.

3-топшириқ. 18 ойлик бўлганида вазни камида 450 кг тош босадиган новвосни гўштга семиртириш даврлари бўйича рациои тузинг. Бунда хўжаликда фойдаланилаётган ем-хашак турларини асос қилиб олинг.

4-топшириқ. Согин сигирлар ва новвослар учун тизилган рационларнинг таркибига кўра тўйимлилигини аниқланг.

Молларни бўрдоқига боқиши

Республикамиздаги кўплаб қорамоячиллик фермаларида ва фермер хўжаликларида новвосларни жадал усулда бўрдоқига боқиши ишлари кенг авж олмоқда. Бундан асосий мақсад қисқа вақт ичидаги кўплаб сифатли мол гўшти етиштиришдан иборат. Бундай тадбирлар тўғри қўлланган хўжаликларда маҳсулот танинархи арzonлашади, маблағ кам сарфланади ва унумдорлик юқори бўлади.

Бўрдоқига боқиши учун мёллар анча қулай ҳисобланади. Чунки уларнинг организми тез ўсади, гўштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланади. Бўрдоқига боқилган молларнинг гўшти мазали ва тўйимлилик ху-

сусияти юқори бўлади. Бундан ташқари, агар ёш моллар бўрдоқига боқилса, уларнинг семириш бирлиги учун катта ёшдаги молларнига ииебатан кам озиқ сарфланади. Бунинг сабаби улар организмида сувнинг кўпроқ бўлиши ва қуруқ моддаларининг камроқ бўлиши дадир.

Олиб борилган тажрибаларда вазни 400 кг бўлган икки ярим ёшдаги буқанинг вазнини бир килограмм симириш учун ўрта ҳисобда 10—12 озиқ бирлиги сарфланган бўлса, 1,5 ёшдаги новвосларни жадал усуlda боқиб, вазнини 400 кг га етказилганда, ҳар бир килограмм семиритириш учун атиғи 7—8 озиқ бирлиги сарфланishi аниқланган.

Бўрдоқига боқиладиган қорамоллар учун рацион тузишда уларнинг суткасига камида 800—1000 г семиришини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, биринчи галда ҳар бир хўжаликда стиштирилладиган асосий ем-хашак турларидан рацион тузиш талаб этилади. Масълан, ҳашаки полиз экшилари, маккажўхори ёки ҳашаки лавлаги бўлса, шулар ҳисобига рацион тузиш фойдаланилар. Чунки бу озиқ турлари емга қараганда анча арzonга тушади, бинобарни, стиштирилладиган гўнитиниг таниархи ҳам арzon бўлади.

Узбекистоннинг кўпгина хўжаликларида қорамолларни бўрдоқига боқиша силос, лавлаги, барди, пичан, ёз ойларида эса кўк беда, маккажўхори поясни, судапўт каби ем-хашак турларидан фойдаланилади. Тоғли ва тороғли туман хўжаликларида асосан молларга пичан ва ем-концентрат бериб боқилади.

Боқиши усуllари. Бўрдоқига боқиши учун ажратилган барча бузоқлар эмизикли даврдан ўтгач, тўрт хил усулда жадал боқилади.

Биринчи усул — силос ва пичандан максимал фойдаланиб, қисман (30—45 фоиз) ем бериб боқиши.

Иккинчи усул — сенаж ва ем бериб боқиши. Бунда ем миқдори 35—50 фоизгача бўлиши мумкин. Ёз ойларида сенажни кўк ўтлар билан алмаштириш мумкин.

Учинчи усул — молларни силос, дағал озиқ, ем ва барди (пиво заводи чиқитлари) бериб боқиши.

Тўртинчи усул — аралаш озиқ, донадор ва брикат озиқлар, шунингдек, майдаланган маккажўхори сўтаси (40—60 фоиз) билан боқиши.

Моллар юқорида баён этилган усуллар асосида бо-

қилганда бериладиган ем миқдори уларни семиртириш жадаллигига ва боқиши муддатининг узоқ-яқинлигига қараб белгиланади, яъни молларни қисқа вақт ичиди, жадал семиртириш талаб этилса, ем миқдори кўпайтирилади, акс ҳолда уларнинг семириши узоққа чўзилиб кетиши мумкин.

Молларни майдончаларда бўрдоқига боқиш. Молларни бўрдоқига боқишида маҳсус ажратилган майдончалардан фойдаланиш мумкин. Бунда қўлланиладиган технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда бокув майдонларини уч турга бўлиши мумкин.

1. Очик майдончалар ёки усти ёпишган, шу мақсад учун режалаштирилган майдончалар.

2. Уч томони ва усти беркитилган кенг яйратиш майдонларига эга бўлган бостирмалар ёки ярим очик майдончалар.

3. Бетонли блоклар ёрдамида енгил усулда қурилган, усти берк ва атрофи очик бўлган майдончалар.

Умуман мол боқиладиган майдончалар қуришда ҳар бир туманинг табиий, иқтисодий шароити ва географик хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Бунда ҳар бош мол учун ўртacha 5 m^2 жой ажратилиши етарли. Шунингдек, бунда молларни тортиш, машиналарга ортиш учун шароит ва асбоб-ускуналар етарли бўлиши талаб этилади.

Молларни яйловда бўрдоқига боқиш. Бу тадбир молларни тез ва арzonга кўп куч ва маблағ сарфламасдан семиртириш имконини беради. Яйловларнинг ҳосилдорлиги ва сифати улардаги ўсимликларнинг зичлигига ва қаиҷалик ўсгаллигига ҳамда хилма-хиллигига, молларни бўрдоқига боқиши эса уларнинг ёшига, жинсига, зотига, физиологик ҳолатига, тана тузилишига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Лекин молларни яйловда бўрдоқига боқиши учун республикамиз катта имкониятларга эга эмас.

Биздаги яйловлар унча кўп бўлмагани ҳолда, асосан, тоғ этаги ва тоғ атрофидаги майдонларга жойлашган. Бинобарин, молларни тоғ этагидаги майдонларда апрель-май ойларида, тоғ атрофидаги майдонларда июнь — сентябрь ойларида боқиш мумкин.

Имкони бўлган хўжаликлар катта майдонларни ажратган ҳолда сунъий (маданий) яйловларни бунёд этишлари ҳар томонлама ижобий натижаларга олиб келади. Бундай майдонларда асосан, беда, сули, судан-

ўт; кузги жавдар, арпа каби ем-хашак әкинларын әкиш мақсадга мувофиқдир.

Молларни яйловда боқиши жараёнида уларни ош тузи ва бошқа турдаги минерал құшымчалар билан таъминлаб туриш мұхим аҳамияттаға эга.

Молларни яйловда боқиши учун уларнинг ёши, жинси, ориқ-семизлиги ва ҳоказоларни ҳисобға олган ҳолда ҳар 120—200 бөш молдан иборат битта пода ташкил қилинади ва уларга махсус молбоқар бириктирилади. Моллар яйловда асосан 4—5 ой мобайнида боқилади, бинобарин, бунда барча тадбирлар яхши йүлға қўйилган бўлса ва яйлов сифатли бўлса, боқув охирига бориб ҳар бир мол 90—100 кг ва ундан ортиқ семирганлигини ишонч ҳосил қиласиз.

Амалий машғулот

Гўшт йўналишидаги саноат комплекслари билан танишиш

Машғулотнинг мақсади. Гўшт етиштиришга мослашган саноат комплекслари типлари билан танишиш. Жумладан, шу борада бирор комплексга экскурсия ташкил этиш.

Керакли материаллар. Мол гўшти етиштириш комплексларини республикамиз шароитида қўлланаётган айрим лойиҳалар, шунингдек, кинофильм, диафильм ва шу мавзуга доир плакатлар.

Услубий қўрсатма. Ўқувчилик шароитида бир неча лойиҳа (319—215, 801—770, 819—204) лар қўрсаткичлари билан танишадилар. Шунингдек, плакат, диафильм, кинофильм каби ўқув-техник воситаларидан ҳам фойдаланилади.

Машғулотни ўтказиш. Ўқитувчи томонидан қорамол гўшти етиштириш борасида республикамиз шароитида қўлланилаётган лойиҳалар ва уларни типлари тўғрисида қисқача тушунча берилади.

Топшириқ ва уни бажариш. Ўқувчилар берилган ва тайёрланган барча воситалардан фойдаланган ҳолда ўз дафтарларига талаб этилган (ўқитувчи қўрсатмаси асосида) маълумотларни ёзиб оладилар. Дарснинг давоми экскурсияга боғлиқ ҳолда олиб борилади. Экскурсиядан қайтгача машғулот якунланади. Олинган таассуротлар билан ўқувчилар ўзаро ўртоқлашадилар.

IV бөб. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ КУПАИТИРИШ АСОСЛАРИ

Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши

Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши уларнинг ҳаётиди мұхим жараён ҳисобланади. Бу жараёниң жадал ва сүст бориши бир қанча омиллар билан белгіләнади. Масалан, ирсий ва жинсий белгилар, ҳайвонларнинг зоти ва зотдорлиги, умуман барча турдаги ички ва ташқы мұхит таъсирлари, шулар жумласидандыр. Масалан, аниқланишича әркак ҳайвонлар урғочила-рига қараганда тезроқ ўсади. Ёки ёш молларни боқиши ва парваришилашда ташқы мұхит ҳарорати, ҳавонинг намлығы, мусаффолиги ва қоказолар сүсиз таъсир күреатиши күплаб мисолларда исботланған.

Маңдымдар, ҳайвонларни ўшиш ва ривожланишига уларни озиқлантириши, озиқ миқдори ва турлары ҳам катта таъсир күрсатади. Жүмладан сут ва ем билан боқылған бузоқлар тирик вазни оғыр зағұндар, шуннанға дей, серевува күпроқ хашак бақтап болыпташып, сут маңсулоти кам булиши аниқланған.

Ёш моллар сақланадиган хоналарнинг нам ва зах бүлни уларнинг согниғига салбий таъсир күрсатади. Қоюш нури, сунъий ёргулук етарлы бұлса, ҳайвонлар соглом, касаллуктарға чидамды ва бақувват бўлиб ўсади. Ёш моллар организмиде моддалар алмашинув жараёни анча жадал боради. Бунга асосий сабаб уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун күп озиқ моддалар талаб этишидир. Умуман, ҳар бир турдаги ёш ҳайвонларнинг жадал ўсиши ва ривожланишини түғри бошқариш ҳар бир чорвадорнинг мұхим вазифасидир.

Ёш ҳайвонларнинг ўсиши ва уни ҳисоблаш. Ҳайвонлар туғилганидан сүнг унинг вазнини аниқлаш мақсадида тортилади. Қейин уларни асосан ойнга 1 марта тортиб түрілади. Бинобарин, улар вазнининг ортиб бориши ва күрсатқышлары асосида ҳайвоннинг ўсиш тезлигиги аниқланилади. Бунда ҳайвонларнинг ҳақиқий ва иисебий ўсишини ҳисобга олинади.

Ҳақиқий ўсиш ҳайвонларни мұайян вакт (күн, ой, йил) давомида күшімча ўсишидир. Ҳақиқий ўсишни қуындағы формула бўйича аниқлаш мүмкін:

$$A = K - D$$

Бунда: A — ҳақиқий ўсиш; K — кейинги вазни; D — дастлабки вазни.

Мисол тариқасида бирор бузоқнинг ҳақиқий ўсиш тезлигини аниқлайлик. Фараз қиласынан, унинг туғилганидаги вазни 25 кг, орадан бир ой ўтгач, вазни 48 кг га етган. Демак, унинг бир ойдаги ҳақиқий ўсиши (48—25) 23 кг ни ташкил қиласы.

Шу билан бирга бузоқларнинг суткалик ўсишини қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$C = \frac{A - D}{B}$$

Бу ерда: C — суткалик ўсиши; A — ҳақиқий ўсиши; D — дастлабки вазни; B — икки марта тортиш ўртасидаги вақт (кун ҳисобида) Шундай қилиб, бузоқнинг суткалик ўсиши $C = \frac{23}{30} = 766$ г ҳисобланади.

Нисбий ўсиш ҳайвонларнинг маълум вақт (ой, кун) ичида ортган вазнининг дастлабки вазнига нисбати бўлиб, фоиз билан ифодаланади. Унни қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$H = \frac{K - D}{D} \cdot 100$$

Бунда: H — нисбий ўсиш; K — кейинги вазни; D — дастлабки вазни; 100 — коэффициент.

Мисол учун иккита бузоқни кўрайлик. Биринчиси нинг дастлабки вазни 40 кг, иккинчisinики 60 кг. Уларнинг вазни 1 ой ичида баравар, яъни 24 кг дан ошган. Буни формула бўйича ҳисоблаб кўрсак, биринчи бузоқнинг нисбий ўсиши 60 фоиз, иккинчisinики фақат 40 фоиз бўлган, яъни биринчи бузоқнинг ўсиш тезлиги иккинчisinикига қараганда 1,5 марта жадалроқ бўлган.

Ҳайвонлар конституцияси

Ҳайвонлар конституцияси деб, уларнинг ташқи муҳит шароитига мослашганлиги, прсий белгилари ва маҳсулдорлиги жиҳатидан улар организмининг морфологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари йиғиндисига айтилади.

Конституция академик И. П. Павлов таълимоти асосида ифодаланиб унда организмларнинг фаолиятида ички муҳит билан ташқи муҳитнинг ҳамда шакл билан бирор вазифа бажаришнинг боғлиқлиги ўз аксии топа

олган. Бинобарин, И. П. Павлов таълимотига кўра, организм бир бутун ва яхлит бўлгани ҳолда у бир қанча органлар, тўқималар ва ҳужайралардан ташкил топган қон ва лимфа билан озиқланади, уларнинг фоалиятини эса нерв системаси бошқаради. Шундай қилиб, **конституция** деганда, ҳайвонларнинг айрим орган, тўқима ва ҳужайралариининг оддий йигиндиси хусусиятлари назарда тутилмай, балки уларнинг асосий белги ва хусусиятларининг маълум даражада бир-бири билан боғлиқ ҳолдаги вазифаси ва шаклланиши тушунилади.


Ҳайвонларнинг ҳар хил конституция типлари аввало уларни инсон томонидан онгли равишда танлаш, саралаш, боқиш, асраш ва маълум мақсадда парвариш қилиш натижасида вужудга келган ва ташқи муҳит шароитига яхши мослаша олиш натижасида улар насл бериш қобилиятига эга бўлган.

П. Н. Кулешов, Е. А. Богданов, М. Ф. Иванов, У. Дюрст ва бошқа кўпгина олимлар турли маҳсулот йўналишидаги ҳайвонлар экстеръери, яъни ташқи қиёфасига кўра бир-биридан кескин фарқ қилишини исботлаб берганлар. Ҳақиқатан ҳам, агар серсут зот сигирлар ташқи кўриниши бўйича гўштдор зот сигирлар билан таққосланса, улар орасида жуда катта фарқ борлигига ишонч ҳосил қилинади. Шунингдек, барча турдаги чорва ҳайвонлари каби қорамолларнинг етилувчанлиги, тез семириши, ташқи муҳит қаршиликларини енга олиши, насл бериши, серпуштлиги, ҳар хил шароитга мослаша олиши каби хусусиятлари ҳам уларнинг конституция белгилари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

П. Н. Кулешов ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган қорамоллар танаси айрим қисмларининг тузилишига ва нисбий ривожланганлигига асосланиб ва тана тузилишининг бошқа хусусиятларига таяниб тўрт хил типдаги конституция мавжудлигини асослаб берган.

Пишиқ конституция. Бу конституция типи асосан гўштдор, серсут зотларга хос. Уларнинг ички органлари системаси нормал ва яхши ривожланган бўлади. Мускуллари тифиз, суяги пишиқ, тери остидаги ёғ қавати унча яхши ривожланмаган. Бу конституция типига мансуб ҳайвонлар унча семиз эмас, ориқ ҳам бўлмайди (10-расм).

Нозик конституция. Бу тип асосан серсут бўлган мадданий зот сигирларига ва чопқир отларга (11-расм)




10-расм. Пишиқ конституцияли орлов зот от.


хосдир. Бу типга мансуб бўлган от ва сигирларнинг териси юпқа ва эластик, суюклари ингичка, жуни ялтироқ ва калта, мускуллари ва тери остидаги ёғ қавати суст ривожланган. Бинобарин, бундай сигирлар ориқ бўлади. Елини яхши ривожланган ва катта, оёқлари ориқ ва узун, бўйни ингичка ва чўзиқ бўлади. Еган озиги асосан сут ҳосил бўлишига сарфланади. Овқат ҳазм қилиш аъзолари системаси ҳам яхши ривожланган. Улар кўп миқдорда хашак ейинига мослашган.

Бўш ёки ҳом конституция. Бу тип вакилларининг мускуллари яхши ривожлангац, тери остидаги ёғ қавати қалин, яхши ифодаланган. Улар истеъмол қилган ем-хашак асосан гўшт ва ёғ тўқимасининг ортишига сарфланади. Лекин суюклари учча пишиқ эмас, сут безлари яхши ривожланмаган. Бўш конституцияли моллар кам-ҳаракат бўлиб, озиқлангандан кейин кўпроқ ётишини маъқул кўради (12-расм).

Қўйол конституция. Бу типга мансуб молларнинг суюги йирик, териси пишиқ, қалин, жуни ўсиқ, тери остидаги ёғ қавати ўртача ёки суст ривожланган бўлади (13-расм). Мускуллари тифиз, орқат ҳазм қилиш аъзолари системаси ва сут безлари ўртача ривожланган. Бу тип вакилларининг сут ва гўшт маҳсулоти ўртача.




11-расм. Нээвк конституцияни ахалтака зот от.



12-расм. Бүш ёки хом конституцияни огир юк тортувчи от.

Академик М. Ф. Иванов П. Н. Кулешов классифициясига яна бир типни — мустаҳкам **конституцияни** күшимиңча ҳолда киритди. М. Ф. Иванов таърифига кўра, бу тип вакилларининг суюги мустаҳкам, яхши ри-




13-расм. Қўпол конституцияни от зони.

вожланган, қўпол кўринишга эга эмас, танасининг ориқ-семизлиги ҳам ўртacha, териси пишиқ ва қалин, терисининг ва тери ости ёғ қаватининг қалилиги ўртacha. Улар ташки кўринишидан тетик, соглом, касалликларга чидамли, ташки муҳит шаронтига тез ва яхши мослашадиган ҳайвонлар ҳисобланади.

Лекин қорамоллар орасида кўп вақт юқорида қайд қилинган муйян конституция тини талабларга тўла жавоб бера олмайдиган, яъни икки хил конституцияяга мансуб бўлганлари ҳам учрайди. Бинобарин, кейинги вақтларда молларга баҳо беришда қўйидаги: нозик ва пишиқ; нозик ва бўш, қўпол ва пишиқ; қўпол ва бўш конституция типлари кўпроқ эътиборга олииади.

У. Дюрст ҳайвонлар организмида юз берадиган газлар ва моддалар алмашинуви жараёнлари жадаллигига кўра ҳамда улар томонидан сийилган ем-хашак маълум маҳсулот тайёрлашига сарфланишини ҳисобга олган ҳолда икки хил: серсутлик белгиси ривожланган ва гўштдорлик белгиси ривожланган типларни; иккита аралаш ёки қўшма: серсут — гўштдор ва гўштдор — серсут типларни асослаб берган.

Серсutiлик белгиси ривожланган тип талабига кўра, сигирларнинг танаси ўртacha семизликда ёки ориқ, бўйни узун ва ингичка, кўкраги тор ва кичик, на-



14- расм. Мустаҳкам конституциялы серсүт сиғир.

фас олиш, қон айланиш, моддалар алмашинуви органлари системаси кучли ривожланган. Шунингдек, гипофиз, қалқонсимон, секрания безлари яхши ривожланган. Үмуман серсүт сиғирлар шу конституция типига мансуб (14- расм).

Гүштдорлик белгиси ривожланган тип талабига кўра, молларнинг кўкраги кенг ва чуқур, боши кичик, бўйни калта ва йўғон, нафас олиш аъзолари системаси унча ривожланмаган, моддалар алмашинуви жараёни суст, буйрак усти ва жинсий безлари вазифаси ривожланган бўлиб, асосан гўштдор маданий зотларга хосdir.

Аралаш тип талабига кўра, улардан қайси маҳсулот кўпроқ олинадиган бўлса, олдин ўшанинг номи айтилади. Масалан, гўштдор бўлса, у ҳолда гўшт — серсүт тип деб юритилади ва аксинча.

Республикамизда барча турдаги чорва моллари ва паррандаларга баҳо беришда П. Н. Кулешов классификациясидан фойдаланилади. Айниқса наслчилик ишларида ҳайвонларни тўғри танлаш, уларни саралаш, яъни жуфтлашда ҳар бир ҳайвоннинг тана тузилиши, конституциясининг мустаҳкамлиги, ҳаракатчалиги ва маҳсулдорлигига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга ҳайвонларнинг ташки қиёфаси, яъни экстеръери ҳам муҳим аҳамиятга эга. Насл олиш учун ажра-

тилган қорамоллар экстеръери бўйича камчиликларсиз бўлиши керак. Акс ҳолда ҳар қандай камчилик уларнинг наслида намоён бўлади.

Ҳайвонлар экстеръери

Экстеръер деганда, ҳайвон танасининг ташқи кўриши ва тана қисмларининг жойлашуви тушунилади. Ҳайвонларга экстеръерига кўра баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга. Бунда уларнинг зот талабларига кўра тана тузилиши, ихчамлиги, конституцияси, физиологик фаолияти ҳисобга олинади. Масалан, серсут сигирни экстеръерига кўра гўштдор сигирлардан фарқ қилиш ва уларга баҳо бериш анча қулай. Чунки бундай фарқларни кўз билан чамалаб аниқлаш мумкин.

Серсут сигирларнинг қорни ва елини катта, ўзи ийрик, бўйни ва оёқлари узун, ингичка, боши енгил, териси юпқа ва чўзилувчан, яъни эластик ва тери остидаги ёғ қавати юпқа бўлса, гўштдор сигирларда бунинг аксиини кузатиш мумкин.

Зотли ва наслдор молларга экстеръери бўйича баҳо беришда жинсий белгиларининг ривожланганилигига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Умуман молларга экстеръери бўйича баҳо беришда улар танасининг барча қисмлари (елкаси, бели, сафриси, кўкраги, қорни, оёқлари, ургочиларида елини ва ҳоказолар) ҳисобга олинади. Шунга кўра, молларни беш балли система асосида баҳолаш қабул қилинган. Бунда беш балл олган ҳайвон ҳамма жиҳатдан юқори даражада, ҳеч қандай камчиликсиз бўлиши керак. Агар бирор камчилиги аниқланса, у ҳолда бериладиган балл қисман пасайтирилади.

Молларнинг экстеръери бўйича аниқ баҳо беришда ўлчов асбоблари ва ленталари ёрдамида улар танасининг қисмлари ўлчанади. Масалан, бошининг узунлиги, пешанасининг кенглиги, елинининг чуқурлиги ва айлачнаси, яғрини, бел ва думғаза баландлиги, кўкрак чуқурлиги, кураклар орти, кўкрак айланаси ва унинг кенглиги, гавдасининг қия узунлиги, поча айланаси ва ҳоказолар, шулар жумласидандир.

Амалий машғулот

Қорамолларни бонитировка қилиш тадбирлари билан танишиш

Машғулотдан мақсад. Қорамолларни бонитировка килиш инструкциясын билан танишиш ва молларни бонитировка қилиш борасида малака орттириш.

Керакли материаллар. Бонитировка ўтказиш инструкцияси, наслчиллик ишлари бўйича ҳисобот бланкалари ва тирик ҳайвонлар.

1- топшириқ. Сигир ва ғунажинларни ҳамда турли ёшдаги бузоқларнинг наслчиллик маълумотлари ва индивидуал карточкалари билан танишиш, наслчиллик гувоҳномаларини кўздан кечириш, сигирларни туғиши ва сунъий қочириш турлари, бонитировка ведомостларини талаб асосида ўрганиб чиқиш.

2- топшириқ. Сут ва сут-гўшт йўналишидаги зотларни бонитировка қилиш инструкциясини ўрганиб чиқиш ва бу борада олиб бориладиган тадбирларни амалга ошириш.

3- топшириқ. Чорвачиллик фермаси шароитида 5 бош сигирни бонитировка қилиш ва уларни барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум классларга ажратиш.

4- топшириқ. Ўқитувчи топшириғига кўра сигирларни сунъий усулда қочириш ва улардан бузоқ олиш режасини тузиш.

Ҳайвонлар интеръери

Ҳайвонлар ички органларининг морфологик (анатомик ва гистологик), физиологик ва биохимиявий йиғинидиси уларниң интеръери дейилади.

Ҳайвонларнинг интеръери соҳасидаги қонуният ва назариялар рус олими, академик Е. Ф. Лискун томонидан яратилган.

1912 йили Лискуннинг сут безларининг гистологик тузилиши ва уларнинг серсүтликка боғлиқлиги ҳақидағи асари нашр этилгач, бу йўналишга асос солинди. Кейинроқ кўплаб яратилган асарлар бу йўналишни бойитди. Масалан, молларнинг барча аъзо ва тўқималари ҳамда без ва қон элементларининг, нерв учлари (иннервация)ни, тери, жүн ва ҳоказоларнинг улар маҳсулдорлигига, вазни, ёши, жинсига, озиқланиш, мосланиш хусусиятларига, конституциясига, экстеръери ва ҳока-

золарга алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқдик хүсусиятларини ифодалаб, асослаб бериш мұхым аҳамияттаға ега бўлди.

Ўзбекистон шаронтида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги теридағи тери безларининг ривожланиш даражаси, серқаймоқлиги, ёғ безларининг йирик бўлиши ва зич жойланишин билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, шунингдек, ёш бузоқларнинг терни морфологиясига асосланган ҳолда, олдиндан келажакдаги маҳсулот даражасини аниқлаб беришда муаллиф ва унинг шогирдлари томонидан бир қанча кузатишлар олиб борилди. Лекин бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар чекениз ва мұхым назарий ҳамда амалий аҳамияттаға эга.

VI б о б. ЧОРВАЧИЛИҚДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Чорвачиликда наслчиллик ишлари олиб боришидан асосий мақсад ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, зотини яхшилаш, шунингдек, тез етилувчан, вазндор, серпушт ва юқори сифатли моллар етиштиришда иборатдир.

Республикамизда наслчиллик ишларини самарали олиб бориш мақсадида барча зоналарнинг табиий ва иқтисодий хусусиятларини ҳамда молларнинг биологик ва хўжалик сифатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг зотларини районлаштириш ишлари амалга оширилган.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида барча турдаги ургочи молларни юқори кўрсаткичларга эга бўлган ҳайвонлар уруғи билан сунъий усуlda қочириш мұхим аҳамияттаға эга.

Наслчиллик ишларининг самарааси қўйида келтирилган бир қанча тадбирларга бўглиқ:

1) барча чорвачилик фермаларида, чорвачилик комплексларида моллар зотини яхшилашда юқори классга хос бўлган сермаҳсул чорва моллари уруғидан унумли фойдаланиш;

2) танлаш ва саралаш ишларида чорва молларининг келиб чиқишига, конституциясига, ривожланиш даражаси ва авлодининг маҳсулдорлик кўрсаткичига эътибор бериш;

3) чорвачилик фермаларида бонитировка ишлари ни ўз вақтида ва сифатли ўткизиш;

4) насл учун юқори сифатли ва соғлом ҳайвонларни ажратиш;

5) ҳайвонларни чатишириш учун подадаги энг яхни, сифатли, сермаҳсул, соглом молларни ташлаш;

6) наслчиллик ишларини таедиқланган қатъий режа асосида олиб бориш, боқиш, парваришилаш ва асраш ишларини юқори даражада олиб боришдан иборатdir.

Наслчиллик хўжаликларида наслчиллик ишидаги асосий усул чорва молларини соғ ҳолда бир зотга онд моллар билан урчини ҳисобланади. Лекин айrim ҳолларда, молларнинг бирор маҳсулот кўрсаткичини яхинидан ёки янги зот яратни мақсадида зотлараро чатишириш усули ҳам қўлланилади.

Чорвачилик фермаларида кўплаб товар маҳсулоти стиштириш учун ҳар хил чатинтириш ва ҳатто дурганиши усулларидан фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирлар кўпроқ қорамоҷчиликда, чўчқачиликда ва паррандачиликда қўлланилади.

Чорвачиликда танлаш

Чорвачиликда янги зот яратиш ва мавжуд бўлган ҳайвон зотларни такомиллаштириш, айrim маҳсулдорлик хусусиятларини яхинилаш борасида танлаш ишлари олиб бориш мухим аҳамиятга эга. Танлаш молларнинг фенотипига (яъни ривожланиши, экстеръери, конституцияси ва маҳсулдорлигига) ва генотипига (яъни ирсий хусусиятларига ва бу хусусиятларини ўз наслига бера олиш ҳалатига) кўра олиб борилади.

Бир томонлама танлашида моллар маълум бир кўрсаткичи асосида танланади.

Келиб чиқишга кўра танлашида ҳали ёш моллар туғитмасдан оддин, маҳсус журналлардаги маълумотларга, авлодининг ирсий белгиларига қараб танланади.

Вазни ва жадал ўсишига кўра танлашида ҳар хил ҳайвонлар турди ёшида баҳоланади. Масалан, кулунилар (тойлар) 6—8 ойлинига, бузоклар 5—6 ойлинига, қўзишлар 3—4 ойлинига ва чўчқа болалари эса 2 ойлинига баҳоланади.

Еш молларни сифатига кўра танлаш асосан уларнинг ҳаётчандлиги, тирик вазни, сони ва бошқа барча белгилари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.

Танлашнинг асосий шакллари. Чорвачиликда ҳайвонларини ялпи ва якка ҳолда (индивидуал) танлаш усуллари қўлланилади. Ялпи танлашида асосан ҳайвонларнинг фақат фенотипи ҳисобга олинади. Якка ҳолда танлашда ҳам фенотипи, ҳам генотипига эътибор бе-

рилади, бу эса наслчилик ишларида мұхим аҳамият қасб этади.

Күплаб олим ва мутахассисларнинг фикрича чорвачилик соҳасидаги наслчилик ва селекция ишлари чорвачилик ферма ва хўжаликларда ҳайвонларни боқини ва парваришлашда юқсак даражада олиб борилмоғи лозим. Акс ҳолда наслчилик ишлари кўнгилда гидек натижка бермайди.

Саралаш тадбирлари

Чорвачиликда наслчилик ишларидағи мұхим тадбирлардан бири әркак ва ургочи ҳайвонларни саралаш (жуфтлаш, хиллаш) ҳисобланади. Бу тадбирдан асосий мақсад чорва молларининг авлодидаги барча ижодий белги ва хусусиятларин вужудга келадиган наслларда намоён қилиндан иборат. Бу тадбирининг асосчины П. И. Кулешов ҳисобланади. Унинг фикрича саралаш ишларини олиб боришда ижодий ёндашиш ва маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларга алоҳида эътибор бериш мұхим аҳамиятга эга. Шу йўл билан уларнинг фойдали белгиларини наслинда мустаҳкамлаш мумкин.

Агар саралаш ишлари нотўғри олиб борилса, наслинга ўтган хусусиятлар сифати пасайиб кетиши мумкин. Эркак ва ургочи ҳайвонларни саралашда қуйидагиларга эътибор берилади: 1) энг сифатли чорва моллари энг сифатли моллар билан жуфтлаштирилади; 2) жуфтлаштиришда әркак ҳайвон ургочисига қараганда юқори классга онд бўлиши керак; 3) яқин қариндошга эга бўлган ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш ярамайди. Акс ҳолда занф ва сифатсиз насл вужудга келади; 4) айрим бир хил нуқсонга эга бўлган әркак ва ургочи ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш ярамайди, чунки бу нуқсонлар олинадиган наслда жиддийлашиб кетади.

Ҳайвонларни ёшига кўра саралаш. Саралаш ишларини олиб боришда ҳайвонларни ёшига қараб жуфтлаш мұхим аҳамият қасб этади. Кўплаб тажрибалардан маълумки, ёш ургочи ҳайвонларни ёш әркак ҳайвонлар билан қочириш кўп вақт салбий натижка беради. Шунга кўра қуйидати тавсияларга эътибор бериш талаб этилади: 1) ўрта ёшдаги ҳайвонлар ўрта ёшли ҳайвонлар билан жуфтланиши лозим; 2) ёш ҳайвонларга катта ёшдаги ҳайвонлар кўйилини керак; 3) катта ёшдаги ҳайвонлар ёш ҳайвонлар билан уруғланиши яхши натижка беради.

Зот түгрисида умумий тушунча

Чорва молларни ва наррандаларининг келиб чиқиши, конституцияси, экстеръери, хўжалик ва маҳсулот йўналишига кўра бир хил бўлган ва ўз хусусиятларини наслига бера оладиган гуруҳи зот дейилади. Барча зотларининг бу хусусияти асосан наслчилик ишларида бошқарип борилади.

Зотлар классификацияси. Зот түгрисидаги тушунча ластилаб Ч. Дарвин томонидан берилган. У ўзининг куатишилари асосида зотлар икки хил шаронитда яратилиши мумкинлигини кўреатди. Масалан, табиий шаронитда «онгсиз» ташлаш натижасида ва сунъий ташлаш оқибатида вужудга келинини и себотлаб берган.

Кейинроқ проф. П. Н. Кулешов зотларни бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт гуруҳга (қадимги, ҳаммабон, яхшиланган ва маҳаллий зотларга) бўлади. Лекин ҳозирги вақтда наслчилик ишлари юқори даражада ривожланганлигига кўра, зотлар асосан уч гуруҳга (маҳаллий, маданийлаштирилган ва оралиқ ёки яхшиланылаётган зотларга) бўлниади.

Маҳаллий зотлар асосан табиий ташланиш асосида, узоқ йиллар мобайнида «онгсиз» ташлаш ва тубан, экстенсив усууда олиб борилган чатиштириш ишлари натижасида вужудга келган. Лекин улар чидамли, ташки муҳит шаронитига яхши мослашган, мустаҳкам конституцияли, ҳаммабон, лекин кеч етидувчан ва маҳсулдорлиги паст бўлган вакиллардан ташкил топган.

Ўзбекистонда тобора камайиб бораётган маҳаллий зот қорамоллар республика шаронитида яхши мослашганлиги, чидамлилиги, озиқ ташламаслиги билан бирга, кеч етидувчан ва маҳсулдорлиги пастдир. Масалан, сигирларининг вазни 220—280 кг, буқаларининг вазни эса 320—350 кг дан ошмайди. Маҳсулоти бир лактация давомида 300—450 кг дан камроқ вакилларида 690 кг гача боради. Лекин сутидаги ёғ 5,5—5,8 фоиз, баъзан ундан ҳам юқори бўллади.


Маданийлаштирилган зотлар маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонатларни экстеръери, конституцияси, маҳсулот йўналиши, келиб чиқиши, ирсий белгилари асосида ташлаш, саралаш ишларини жадал олиб бориц натижасида яратилган гуруҳ ҳисобланади. Маданий зотлар ирсий белгилари ва маҳсулдорлигига кўра бошқа зот гуруҳларидан анча устун туради. Бундай зотларининг

таркибий қисми бир-бири билан қариндошлик вакилларининг бир қанча уруғ қаторларидан, ургочи вакилларининг кўплаб оиласларидан ва маҳсус типларидан ташкил топган бўлади.

Оралиқ зотлар асосан маҳаллий ва маданийлаштирилган зотлар ўртасида бўлиб, уларнинг юқори кўрсаткичларга эга бўлган айрим вакиллари билангина наслчилик ишлари олиб борилади.

Чорва молларининг асосий зотлари асосий маҳсулот йўналишига кўра, маълум гуруҳ ёки типларга бўлинади. Масалан, қорамоллар сут, гўшт ва гўшт-сүт йўналишида боқиладиган; чўчқалар — гўшт, гўшт-ёғ ва ёғ учун боқиладиган; қўйлар — майин жунли, мўйнабоп (қоракўл), пўстинбоп, гўшт ва ёғ йўналишида боқиладиган; отлар — **салт миниладиган**, енгил аравага кўшиладиган ва оғир юк тортувчиларга бўлинади.

Молларни исирғалаш, кертиш ва лақаблаш. Барча наслчилик фермаларида моллар туғилгач, уларга лақаб берилади. Бунда онаси лақабининг биринчи ҳарфиини асос қилиб олиш анча маъқул кўрилади. Бу келиб чиқиши журналига ёзиб қўйилади. Молларни исирғалаш, тамғалаш, номерлаш ва кертиш ишлари мутахассислар томонидан бажарилади. Бу мақсадда чорвачиликда металл ва пластмассадан ясалган исирғалардан фойдаланилди (15-расм). Қорамолчиликда исирғалаш ишлари қулоқларини кертиш йўли билан слив борилади. Қулоқни кертишида маҳсус исирғалаш қоидасига амал қилинади. Масалан, ўнг қулоғининг



15-расм. Моллар қулоғини кертиш ва исирғалаш асбоблари
хамда қулоқ исирғаси:

A — кертиш омбири, *B* — исирға босиш омбири; *C* — қулоқ исирғаси.

усти кертилса, у 1 ии билдиради, шу қулоғининг ости 3, учи 100, ўртаси тешилса 400 ҳисобланади. Чап қулоғининг усти 10, ости 30, учи 200, ўртаси 800 бўлади ва ҳоказо.

Фермаларда молларни исирғалаш, кертиш ва уларга лақаб беришдан асосий мақсад улардан наслчилик ишиларида фойдаланишида хатоликларга йўл қўймаслик, ҳар бирининг индивидуал ҳисобини алоҳида олиб боришидан иборатдир.

Ҳайвонларни бонитировка қилиш

Бонитировка деб чорва молларни комплекс белгилари асосида маълум мақсадда баҳоланига айтилади. Бунда ҳар бир ҳайвонининг ирсий белгилари, экстеръери, конституцияси, вазни ва ҳоказолар албатта эътиборга олинади.

Бонитировка қилинда ҳар бир ҳайвоннинг маҳсулдорлиги муҳим кўрсаткич сифатида қабул қилинади. Масалан, йилқиларниң чопқирилиги, оғир юқ торта олиш хусусияти, қўйларниң маҳсулдорлик йўналишига кўра жупиннинг сифати, гўштдорлиги ва ҳоказолар эътиборга олинади. Паррандаларниң серпуштлиги, тухумининг оғирлиги, сигирларниң серсутлиги, сутидаги ёғ миқдори, қанча сут берниши кабилар бонитёрининг диққат марказида бўлади.

Бузоқлар ярим ўшлигидан бошлаб комиссия томонидан бонитировка қилинади. Бунда уларниң келиб чиқиши, ўсиш ва ривожланиши даражаси, экстеръери, конституцияси ҳисобга олинади. Бонитировка натижасида бирор классга мансуб эканлиги аниқланилади. Масалан, элита-рекорд, элита, I ва II клас шулар жумласидан бўлиб, энг юқори кўрсаткичга эга ва юқори даражада баҳоланган бузоқлар элита-рекорд ёки элита классга киритилади. Бонитировкани маҳсус комиссия ўtkазади ва уларниң маълумотлари ведомость ва актлар асосида расмийлаштирилади.

Келиб чиқишига кўра баҳолашда ҳайвонларниң зоти, зотдорлиги ҳисобга олинади. Улар қайси бир уруғ қаторига ёки оиласа тааллуқлиги аниқланилади ва ирсий афзаликлари ифодаланаади.

Экстеръерига кўра баҳолашда уларниң ташқи қиёғаси ҳисобга олинади. Бунда йирик ҳайвонлар 10 балли, бузоқлар ва бошига турдаги ўш моллар 5 балли система асосида баҳоланаади.

Вазнига кўра баҳолашда моллар тарозида тортилади ва уларнинг қайси йўналишига мансублиги ифодаланади. Кейин ҳар бир йўналиш талабига кўра баҳо берилади.

Сигирларнинг серсутлиги 305 кунлик лактация даврида берган сутни, сутининг ёғ ва оқсил миқдорига кўра баҳоланади.

Гўшт йўналишида боқиладиган қорамоллар б ойлик вақтида келиб чиқиши, вазни, экстеръери ва барча индивидуал хусусиятларига кўра баҳоланади.

Чўчқалар серпуштлиги, болаларининг тез семиришига ва икки ойлик болаларининг вазнига кўра ҳамда туғилган болаларининг катта-кичиклигига қараб баҳоланади. Уларнинг серсутлиги йигирма бир кунлик болаларни тортиб кўрини билан аниқланилади.

Кўйлар маҳсулот йўналишига кўра, жунининг вазни, сифати, текислиги, қалинлиги ва ёғ-терга бойлилиги билан баҳоланади.

Қоракўл қўзилар 1—3 кунлигига мўйнасининг сифатига қараб баҳоланади. Бунда терисининг ранги, гулдорлиги, жингалакларининг йирик-майдалиги, жунининг ялтироқлиги ҳисобга олинади.

Гўшт-ёғ йўналишида **боқиладиган қўйлар** гўштдорлиги ва думбасининг ҳажми, вазни ва ташқи кўринишига кўра, пўстинбоп қўйлар мўйнасининг сифати ва серпуштлигига қараб баҳоланади.

Иилқилар чопқирилигига ва оғир юқ тортиш хусусиятларига кўра баҳоланади.

Паррандалар қайси йўналишда боқилишига кўра, серпуштлиги, гўштдорлиги, тухумининг йирик-майдалиги ва экстеръерига кўра баҳоланади. Серпуштлигини аниқлашда индивидуал уяларга бир йил мобайнида қўйган тухуми сони ҳисобга олинади. Тухумнинг вазинини аниқлаш учун уларнинг 10 тасини тортиб, ҳар бирининг ўртача вазни аниқланади.

Шундай қилиб, бонитировка натижалари асосида маъдум тадбирларни, моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги, ирсий хусусиятларини ҳамда тез етилувчанигини яхшилаш борасида амалий, режа ва тадбирлар тузилади ҳамда уларни бажариш лозим ҳисобланади.

Бонитировка ишлари Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланган маҳсус услубий қўлланмалар асосида олиб борилади.

VI бөб. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРНИ УРЧТИШ УСУЛЛАРИ

Чорвачиликда барча турдаги ҳайвонларни ва паррандаларни урчтиш асосан уч хил усулда олиб борилади:
1) тоза (соф) зотли урчтиши; 2) зотлараро чатиштириш;
3) турлараро чатиштириш ёки дурагайлаш.

Тоза зотли урчтиш: урчтилаётган эркак ва урғочи моллар бир хил зотга мансуб бўлади. Бу усулнинг афзаллиги асосан урчтиладиган зотда маҳсулдорлик жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга ва уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлишидан иборат. Чорвачиликда маданийлаштирилган зотларгина тоза ҳолда урчтилади ва улар ўз ирсий хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб туради.

Чорва моллари ва парранда зотларини тоза ҳолда урчтишда қўйидаги тадбирлардан фойдаланилади:
1) насл учун энг юқори кўрсаткичга эга бўлган маҳсулдор вакилларни таъланаш; 2) хиллаш учун эркак ва урғочи вакилларни селекцион хусусиятларига кўра ажратиш; 3) олинган насли мақсадга мувофиқ боқинш ва парвариш қилиш, шулар жумласидандир.

Бугун дунёга донг таратган майнин жунли меринос зот қўйлар, араби зот отлар, қимматбаҳо қоракўл қўй зотлари ана шу тоза зотли урчтиш асосида яратилган. Бу усулнинг сифатини яхшилаш жуда секинлик билан боради. Лекин бунинг учун бошқа йўл ва усуллардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, қоракўл тери сифатини яхшилаш учун бошқа зот қўйлардан фойдаланиб бўлмайди, акс ҳолда терининг сифати ёмонлашиб кетиши мумкин. Бинобарин, урчтиш ишлари фақат муайян зот ичидаги олиб борилади.

Соф зотли урчтишда қўлланиладиган баъзи усуллар. Моллар ва паррандалар соф ҳолда урчтилганда баъзан эркак ва урғочи вакиллари бир-бирига қариндош ёки бегона бўлиши мумкин. Қариндош бўлган вакилларни ўзаро урчтиш инбридинг дейилади. Бунда масалан, битта ота-онанинг эркак ва урғочи насли ўзаро ёки ота-онаси билан урчтилиши мумкин.

Инбридинг хўжаликларда камдаи-кам қўлланиладиган усулдири. Бундан асосий мақсад, содир бўлган бирор камчиликни ёки кўрсаткичини бартараф қилишдан иборат. Бинобарин, вужудга келган насл ўзининг

аввалги юқори күрсаткичга эга бўлган асл авлодини эслатади. Шунинг учун ҳам бу усул фақат айрим ҳоллардагина қўлланилади.

Лекин бу усулдан фойдаланишганда олинган наслининг ҳаётчанлиги ва чидомлилик хусусиятлари пасайиб кетади. Агар кетма-кег қўлланилса, нимжон, ориқ, майдага ҳатто ўлиқ бола туғилиши мумкин. Бинобарин, бундай тадбирлар катта масъудият сезган ҳолда олиб боришини лошим.

Ўруғ қаторлар асосида урчитиш. Ўруғ қатор муайян зот ичидаги айрим хусусиятлари (гавда тузилиши, маҳсулдорлариги) жиҳатидан бир-бирига ўхшаган ва яхни уругбошидан вужудга келган сермаҳсул эркак моллар гуруҳидир. Ўруғ-қатор маълум эркак вакилининг лақаби билан аталади. Ўруғ-қаторлар асосида урчишида эркак ҳайвонларининг генотипик хусусиятларидан фойдаланиш дикқат марказида туради ва шу туфайли у амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир зот таркибида бир неча оиласлар бўллади.

Оила ҳар бир соғ урғочи (сигир, бия, чўчқа, совлиқ) вакилидан тарқалган урғочилар гуруҳидир. Зот таркибида оиласлар уруғ қаторларга нисбатан пастроқ туради. Гарчанд кўпкаб урғочи вакилларининг серпуштигини оширишда ўзининг юқори ирсий хусусиятларини ўтказа олса-да, наслчилик ишларида уруғ қаторлар дастлабки ўринда туради.

Чатиштириш. Агар урчилидаган молар турли зотларга мансуб бўлса ёки улардан бири дурагай бўлса, бундай урчиши чатиштириш деб аталади. Қўйилган мақсадга кўра, чатиштириш бир неча турга бўлиниди (саноат асосида ёки кўпроқ маҳсулот олиш мақсадида, галма-гал, қон сингдириш ёки зотни ўзgartирish мақсадида, қон қуйиш йўли билан ва янги зот яратиш мақсадида чатиштириш).

Саноат асосида чатиштириш деганда биринчи бўғин дурагайларда гетерозис (ота-она кўрсаткичларидан ўзиб кетиши) хусусиятидан тўла фойдаланиш учун икки хил зотни бир-бири билан қочириш тушунилади. Олинган дурагайлар насл учун қолдирилмайди, чунки кейинги авлодларда гетерозис ҳодисаси суст тақрорланади. Бу усул кўпроқ гўшт етиштириш мақсадида фойдаланилади. Бундай чатиштириш ишлари «Красный водопад» тажриба хўжалигига олиб борилган. Бунда гўшт-

дер абердин — ангус буқалари билан қора-ола зот си-тилар қочирилган ва юқори кўрсаткичларга эришилган.

Галма-гал чатиштириш саноат асосида чатиштиришга ўҳинаш бўлади. Лекин бу усул фақат товар фермаларида қўлланилади ва молларнинг ҳаётчалигини онириш ҳамда маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради. Бундай чатиштиришда иккита ёки кўпроқ зот иштирок этади. Бир марта чатиштирилгандан сўнг ургочи дурагай вакилларининг яхшилари яна дастлабки зотининг эркакларидан қайта қочирилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, барча товар фермаларида соғ зотли, сермаҳсул эркак вакилларидан ургочилар галма-гал қочирилаверилади. Наслчилик фермаларида бу усул қўлланилмайди.

Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш. Бу усулда моллар зотини тубдан ўзгартириш мақсадида бошқа зотлардан фойдаланилади. Масалан, жайдари ургочи моллар юқори маҳсулдор зот эркак вакилларидан қочирилади. Айрим вақтларда янги зот яратиш учун ҳам шу усулдан фойдаланини мумкин.

Чатиштиришдан вужудга келган биринчи бўғин (1/2 қон қўшилган авлод) дурагайларининг эркаклари гўштга топширилади, ургочилари эса яна яхшиловчи зот билан чатиштирилиб, иккинчи авлод олинади ва уларнинг қонида яхшиловчи зот ҳайвон қони 3/4 ҳиссан ташкил этади. Сўнг шу усулда учинчи авлод олинади ва унинг қонида 7/8 ҳисса яхшиловчи зот қони бўлади. Тўртинчи авлод (15/16 қон қўшилган) эркак ва ургочилари бўлса, бешинчи авлодда у 31/32 ши ташкил этади. Бу усул чорвачиликда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда маҳаллий сигирлар шу усулда гўштдор санта-гертруда, абердин — ангус, қозоқи оқбош ва герефорд зот буқалари билан қочирилган ва ижобий натижаларга эришилган. Чатиштириш ишлари асосан Ўзбекистондаги «Саизар», «Зомин», «Бахмал» хўжаликларида ва Қорақалпоғистонни «Ильич» номли давлат хўжалигида олиб борилган.

Қон қўйиш усулида чатиштиришда асосан бирор зотининг барча хусусиятларини тубдан ўзгартирмаган ҳолда, фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланилади. Бунда асосан яхшиловчи

зот яхшиланувчи (асосий) вакиллари билан фақат бир марта чатиширилади.

Янги зот яратиш мақсадида чатишириш бу завод усулида чатишириш деб ҳам аталади. Бунда ىккита ёки ундан күпроқ зот ўзаро чатиширилади. Бундан асосий мақсад барча ижобий хислатларга эга бўлган янги зот яратишдан иборатдир. Бунда иккита зот қатнашса, оддий чатишириш, бир неча зот қатнашса мураккаб чатишириш дейилади. Дурагай вакиллари сифатли озиқ билан боқишини ва яхши парвариш қилиши талаб этади.

Турлараро чатишириш ёки дурагайлаш бирор зот ёки сермаҳсул дурагай олиш мақсадида икки тур ҳайвонини бир-бiri билан чатишириш дурагай дейилади. Айрим ҳолларда дурагайлар қисман ёки мутлақо насл бермайдиган бўлади. Мутлақо насл бермайдиган бўлганида улар жинсий хромосомаларида юз берадиган бўлинниш жараёнида ўхшашлик ва тенглик хусусияти бўлмагани учун қиз ҳужайраларда чалкашликлар юз беради ва ҳаётчанлиги паст ёки умуман бўлмаган жинсий ҳужайралар вужудга келади.

Қисман наслсиликка, кўпроқ бир жинс чорва молларида, асосан эркак вакилларида гормонал бошқаришининг бир меъёрда бўлмаслиги сабаб бўлади. Гарчанд хромосомалар нормал бўлингани билан етилиш жараёнида сперматогенез бузилади, сперматозоидлар етилмай қолади. Дурагайлаш кўпроқ қорамолчиликда ижобий натижка беради.

Маълумотларга кўра, сигирлар зебу буқалари билан қочирилган ва насл берувчи дурагайлар олинган. Яъни сигирлар билан чатиширишдан олинган дурагайларнинг фақат урочилари насл бериши аниқланган. От билан эшак чатиширишиб, насл бермайдиган ҳаҷир олиниади. Шунингдек, архар қўчқорлари билан меринос ва қоракўл қўйлари қочирилган, пировардида насл бериш хусусиятига эга бўлган дурагайлар олинган.

Умуман, дурагайлаш ишлари чорвачиликда кам қўлланилади. Лекин сермаҳсул, чидамли ва ҳаётchan дурагайлар етиширишда бу усул маълум даражада аҳамиятга эга. Айниқса ҳали фанда иоаниқ бўлган айрим илмий жумбоқларни ҳал этишда бу усул ҳайвонот дунёсида салмоқли ўрин эгаллади.

Чорва молларини қочириш усуллари

Чорва моллари асосан икки хил табиий ва сунъий усулда қочирилади. Табиий усул яна иккига: эркин ҳолда (ёки подада) ва құлда қочирингенде бүлниади.

Эркин ҳолда ёки подада қочириши тартибесиз ҳолда содир бүләди. Бунда қайси урғочи қайси бир эркак молдан, қаңон қочганлығы номағым бүләди. Айрим молларда юқумлы жиисий касаллаптар тарқалади. Ҳисоб ишләри олиб борылмайды. Бу усул асосан моллар подада яйлов шароитида боқылғанды қўлланилади. Бунда ҳар бир буқа яйл мобайнида 30—40 та сигирни қочириши режалаштирилади, ҳар бир айгир учун 20—25 та бияни режалаштириш мумкин.

Құлда қочириш усули қисман самаралироқ бүләди. Бунда куюккан урғочи моллар олдиндан таинланган эркакларидан қочирилади ва қочган куни маҳсус журналга ёзиб қўйилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир урғочи ҳайвон қайси эркакдан ва қаңон қочганлиги мағълум бүләди. Бинобарни, ҳисоб ишләрини ҳам олиб бориш мумкин. Лекин иқтисодий томондан бу усул унча қулай эмас, чунки кўплаб эркак молларни сақлаш, парвариши қилиш ва озиқлантиришга анчагина маблағ сарфланади.

Сунъий уруғлантириш ёки қочириши. Чорва молларини мазкур усулда уруғлантириши ҳамма томондан муҳим ахамиятга эга. Чунончи, бунда юқори кўреаткичга эга бўлиш сермаҳсул ва асл эркак вакилларидан унумли фойдаланиш ҳамда гигиена жиҳатдан озода бўлиш ва қисқа вақт ичидаги кўп миқдордаги урғочи

13. жадвал

Урғочи молларни ҳар хил усулда қочирилганда ҳар бир эркак мол учун мўлжалланган молларнинг ўртача сони

Ҳайвон турни	Эркин қочириши	Құлда қочириши	Сунъий уруғлантириш	
			Ўртача	Кўзи билан
Айгирлар	20—25	50—60	150—200	—
Буқалар	30—40	60—80	800—1000	20000
Кўчкорлар	30—40	80—100	300—500	21000
Чўчқалар	—	20—30	—	—

молларни сунъий уруғлантириш мумкин бўлади (13-жадвал).

Бу усульнинг яна бир афзалиги қисир қолишининг олдини олиш ҳисобланади. Чунки бунда уруғ (сперма) нинг сифати ҳамма вақт назорат қилиб борилади.

Уруғ сифатига кўра тўрт гуруҳга бўлинади:

I — уруғ қуюқ бўлиб, «Қ» ҳарфи билан белгиланади. Микроскопда қарабланда сперматозоидлар жуда зич бўлиб, улар орасидаги бўшлиқ деярли сезилмайди.

II — ўртача қуюқликдаги уруғ, «Ў», ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигига тенг бўлади.

III — сийрак уруғ, «С» ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигидан ортиқ бўлади.

IV — уругда сперматозоидлар жуда оз миқдорда бўлган ёки бутунлай бўлмайди. Бундай уруғ чорвачилкда ишлатилмайди.

Совлиқлар фақат қуюқ уруғ билан уруғлантирилади. Сигирлар эса қуюқ ва ўртача қуюқликдаги уруғ билан уруғлантирилади. Уруғларни суюлтириб ишлатиш мумкин. Бунда синтетик суюлтиргичлардан фойдаланилади. Суюлтиргич уругни узоқ вақт сақлаш даврида сперматозоидлар учун қўшимча озиқ муҳити ҳисобланади. Бундан ташқари, суюлтиргичлар уруғнинг сифатини, ҳаракатланиш хусусиятини ва уруғлантириши даражасини яхшилайди, унинг таркибида бўлган микробларни йўқотиш имконини беради.

Хозирги вақтда сунъий уруғлантириш станциялари ва пункктларида бир неча рецепт асосида тайёрланган қўшилмалардан фойдаланилади. Улардан бири қўйнагида тайёрланади: 100 мл дистилланган сувга 3 г сувсиз тиббиёт глюкозаси, 1,4 г натрий цитрат, 16 мл янги товуқ тухумининг сариги араластирилади. Бунга маълум миқдорда стрептацид, пенициллин, стрептомицин қўшилади. Бу борада буқаларнинг уруги 10 мартағача суюлтирилиши мумкин. Шундай қилиб, суюлтирилган уруғ музхоналардаги музхоналарнинг уруғлантиришда фойдаланиш мумкин.

Хозирги вақтда уруғларни узоқ вақт сақлаш учун улар музлатилади. Шунингдек, кўп миқдорда глицерин хам қўшилади. Уруғлар $20-21^{\circ}$ совуқда сақланади. Айрим ҳолларда -78°C совуқда сақлаш ижобий натижада.

жа берган. Бундай уруғлар түрт ойгача, баъзан ундан ҳам узоқ вақт сақлангаида ҳам ҳаётчанлигини йўқотмаган.

Сигирларни уруғлантириш учун 1,5 мл уруғ етарли ҳисобланади. Бир марта уруғлантирилган сигирларни срадан 12 соат ўтгач, иккинчи марта қўшимча уруғлантириш ижобий натижка беради.

Кейинги йилларда уруғни жуда узоқ вақт сақлаш учун 196°C совуқда — қуруқ музда ёки суюқ азотда сақлаш синаб кўрилмоқда. Шу усулда уруғни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб бориб фойдаланиш мумкин. Уруғлантиришдан олдин уруғли ампулалар 38—40° ли иссиқ сувда 2—3 минут сақланади, эритилади ва уругнинг сифати микроскопда текшириб кўрилади.

Лаборатория иши

Хайвонларни чатиштириш усуллари билан танишиш

Машғулотдан мақсад. Молларни турли усулда чатиштириш схемаларини ўрганиш ва олинадиган авлодларни дурагайлаш даражасини аниқлашдан иборат.

Керакли материаллар. Чатиштириш усулларини ифодаловчи схемалар, плакатлар ва слайдалар. Шунингдек, альбомлар ва наслчилик ишларига тааллуқли қўлланма материаллари.

Машғулотни ўтказиш. Ўқитувчи томонидан чатиштириш ишларини маълум мақсад асосида олиб бориши ва бунинг учун усуллар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Топшириқ ва уни бажариш. Ўқиши хоналарида барча ўқувчилар ўзларига берилган топшириқ асосида чатиштириш схемаларини кўргазма материаллар, жиҳозлар асосида ўз дафтарларига ёзиб оладилар. Бу борада қўшимча малака олиш мақсадида қисқа муддатли кинофильмлар ва диафильтмлар томоша қилинади. Машғулот якунида ўқувчилар орасида савол-жавоб ишлари ўтказилади.

Лаборатория иши

Саралаш асосида соф зотли насл буқалар билан урғочи ҳайвонларни жуфтлаш тадбирлари.

Машғулотдан мақсад. Саралаш мақсадида соф зот-

ли насл буқаларига сиғир ва ғұнаҗинларни жуфтлаш режаларини тузиш, насл сифатига күра буқаларни баҳолаш, аниқлаш ҳамда унумли фойдаланиш тадбирлари борасыда малака орттириш.

Керакли материаллар. Молларни саралаш ишларига тааллуқлы маълумотлар, наслчилек бүйінча ҳужжатлар, гомоген ва гетероген саралашға доир материаллар, слайдалар, наслчилек китoblари, плакатлар.

Машғұлотни ўтказиш. Үқитувчи саралаш ишларини сифатли олиб бориши тадбирлари ва бу борада құлланыладиган усуллар тұғрисінде түшүнчә беради. Бунда сут маҳсулдорларгіні ошириш борасыда ва ҳайвонларни наслий хусусиятларини такомиллаш мақсадыда гомоген саралаш құлланиши лозимлігінің ва инбридингга доир маълумотлар бериліши керак. Шунингдек кең миқәсда ва айниқса саноат асосындағы хұжаликларда гетероген саралаш ишларини олиб бориши ва натижада юқори сифатлы, соф зотли буқалардан юксак маҳсулоттаға эга бўлган авлодлар етиштириш мумкинлігі ва бу хусусиятлар сиғирларни кидан бир неча устунроқ бўлиши тұғрисінде ахборот берилади. Зотлараро чатишириш ишлари ҳам гетероген саралашни бир усули эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

Ўқувчилар ўқув хоналарыда тұпланған барча материаллар асосында гомоген ва гетероген саралашда қандай буқаларға қандай сиғир ва ғұнаҗинларни жуфтлаштириш зарурлігінни билib оладилар. Айрим камчилігі бўлган эркак ва урғочи ҳайвонлар жуфтлантирилса, олинадиган авлодларда бу камчилек янада жадаллашиб кетиши дикқат марказида бўлиши ва бундай тадбир кўлланмасында лозимлігига алоҳида эътибор берилади. Ўтказилган машғұлот ўқитувчи томонидан яқунланади ва савол-жавоблар асосида олинган малақа тақомиллашади.

Амалий машғұлот

Гүштдор зотли молларни баҳолаш усуллари билан танишиш.

Машғұлотдан мақсад. Гүштдор зотли молларни маҳсулдорларига кўра 100 балл шкала асосида баҳолаш ишларыда малака ҳосил қилиш.

Услубий кўрсатма. Ўқитувчи раҳбарларгыда, ўқув кабинети шароитида қорамолларни бонитировка қи-

лиш инструкцияси билан ва айниқса гўштдор зотли молларни қандай баҳолаш усуллари билан барча ўқувчилар танишиб чиқадилар. Шунингдек, молларни келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларга уларнинг маҳсулдорлигини ифодаловчи ҳужжатлар ҳамда молнинг ҳар хил ёшдаги вазни тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Катта ёшдаги барча моллар гавда тузилиши ва конструкциясига кўра 100 балли (ёш моллар 5 балли) шкала асосида баҳоланади. Молнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳужжатларга қараб унинг қайси зотдан эканлиги, вазни, маҳсулдорлиги, гавда тузилишига қараб қайси классга мансублиги аниқланилади.

Керакли материаллар. Машғулот дастлаб ўқув хонасида, сўнг фермада олиб борилади. Бунинг учун айрим материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ Масалан, гўштдор зотли молларни ва уларнинг дурагайларини бонитировка қилиш инструкцияси, бонитировка ведомости бланкалари, завод дафтарлари, уруғлантириш, жуфтлаштириш, болалатиш, ёш молларни ўстириш журналлари, ўтган йилги бонитировка ведомостлари, насл тўғрисидаги гувоҳномалар шулар жумласидандир.

Фермадаги 1—2 бош гўштдор зотли насл буқаси, 3—4 бош гўштдор зотли сигир ва 5—10 бош бузоқларни бонитировка қилинади.

Топширикни бажариш тартиби. Молларнинг зотини аниқлаш ва уларни қайси классга мансублигини билиш талаб этилади. Зоотехника ва наслчиллик ҳисоботи маълумотлари билан танишилади. Бонитировка ведомостига ҳар бир молнинг қайси зотдан эканлиги, келиб чиқиши ва ўсишининг жадаллиги (6, 12, 18 ойлигига) ёзилади. Моллар тортилади ва уларнинг вазни аниқланади.

Молларнинг гавда тузилиши ва конституциясига балл шкаласи асосида баҳо берилади ва бонитировка ведомостига молларнинг семизлиги, ранги, соғлиги ва экстеръер хусусиятлари ёзиб қўйилади.

Молларнинг қайси классга мансублиги ёзиб қўйилади. Барча ишларни якунлаб натижалар бўйича ҳисобот ёзилади.

ИҚКИНЧИ БҰЛЫМ

ХУСУСИЙ ЧОРВАЧИЛИК

VII бөб. ҚОРАМОЛЧИЛИК

Қорамолчилик чорвачилникінг мұхим ва етакчи тармоғи ҳисобланады. Халқ хұжалиғи учун қымматли маҳсулотлар (гүшт, сут, ёғ, тери ва ҳ.к) етказиб берішда қорамолчилик мұхим аҳамияттаға эга.

Маълумки сут ва гүшт халқымизнинг күндалик ҳаётида салмоқтың үрин әгаллайды. Бинобарни, республикамизда етештирилаётган сутининг деярли 98 фойзидан күйроғи сигирлардан олинади ва гүштнинг 55—60 фойзи қорамол қиссасига түғри келади.

Сут ёш болалар, қариялар ва айниқса беморлар учун әнг мұхим озиқ ҳисобланады. У ўзининг бой химиявий таркиби ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан бошқа маҳсулотлардан фарқ қиласди. Сутдан ҳар хил маҳсулотлар (сариёғ, қаймоқ, сметана, пишлок, творог, сузма, қатиқ, простокваша) тайёрланади. Шуннингдек, ундан узоқ муддат фойдаланиш ва сут етишмайдиган зоналар учун қуялтирилган сут консервалари, қаймоқ аралаштирилган кофе, какао ва сут уни тайёрланади.

Сигир сутининг енгил саноат учун ҳам аҳамияттағатта. Ундан казенин моддаси олинади. Казениндан эса тугма, киноплёнка, сунъий жун елим ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади. Молларнинг териси енгил ва пойабзал саноатлари учун қымматли хомашё ҳисобланади.

Мол гүнги экин майдонларининг ҳосилдорлигини оширишда қымматли ўғит сифатида ишлатилади. Шуннингдек, қорамолларнинг қони ва айрим гормонлари тиббиётда турли дориворлар (қон зардоби, гемоглобин, гематин, гематоген ва ҳоказолар) тайёрлашда фойдаланилади. Молларнинг инсон учун унча аҳамияти бўлмаган ички аъзолари, калла-почаси, қони ва суяклари майдаланиб айрим турдаги ҳайвонларга минерал озиқ сифатида берилади.

Қорамолларнинг шохи, туёғи ва суяклари галантен-

рея ва безак ишларида ҳамда дурадгорлик елими тай-
ерлашида ишлатилади.

Шундай қилиб, қорамолларининг бирор қисми ҳам
чиқитга чиқмайди. Бинобарин, чорвачиликнинг етакчи
хисобланган бу тармоги халқ хўжалигига катта аҳамият-
га эга.

Қорамолчиликнинг асосий йўналишлари

Қорамолчиликдаги барча тадбирларни амалга оши-
ришин қулайлаштириш ва кўплаб амалий ишларни тар-
тибли равишда қўллаш мақсадида моллариниг маҳсу-
лот тури, миқдори ва сифати ҳамда бошқа хусусиятла-
рига кўра бир исчада йўналишларга бўлиш тавсия этил-
гани. Бинобарин, ҳозирги вақтда мавжуд қорамоллар
асосан учта йўналишга: сут, гўшт ва қўш маҳсулот йўна-
лиш вакили ҳисобланади.

Сут йўналиши. Бу йўналиш асосан серсуг сигир
зотлари ва зот гурухларидан ташкил топган. Бу йўна-
лишга мансуб барча сигирлар организмида моддалар
алмашинуви жараёнида улар истеъмол қилган ем-ха-
шаклари асосан сут ҳосил қилиш учун сарфланади.
Бундай сигирларни боши кичикроқ ва сигил, нозик ва
чўзиқроқ, шохи уича ривожланмаган, бўйи узун, ин-
гичка ва тўғри, уича кенг бўлмаган ҳолда, юпқа тери¹
бурмаларига эга. Елкаси торроқ, кўкраги чуқур, лекин
кенг эмас; қовурғалари узун, умуртқа ногонасига қия
жойлашган ва кенг; қорни катта ҳажмли ва кенг. Ду-
ми узун ва нозик, оёқтари ҳам узун, ингичка ва мус-
таҳкам. Терине юпқа, эластик, қўзғалувчан ва мустаҳ-
кам. Жуни нозик ва ялтироқ, елини катта, сут безлари
ва барча палладлари яхши ривожланган, териси юпқа
ва нозик, вена қон томирлари бўртиб чиқсан; қўзлари
ҳаракатчан бўлади.

Сут йўналишидаги қорамолларга қўйидаги зотлар
киради. Қора-ола, Красностерь, Холмагор, Ярославль,
Тагиль, Украина оқбони, Латвия қўнгир зоти, Эстония
қизил зоти, Айршир ва Лигельи зоти, Истобен, Бушуев,
Казказ ва Сибирь зоти. Қўйнда номлари тилга олинган
зотларининг айримлари устида қисқача тўхталамиз.

Ўзбекистондаги серсуг қорамол зотлари


Республика хўжаликларида кўпайтирилаётган сер-
суг сигирларининг деярли ҳаммаси бошқа республика-

лардан турли даврларда келтирилган бўлиб, иссиқ иқлим шароитга мослаштирилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасизда салмоқли ўрин әгаллаган бўтишига қарамасдан, асрлар мобайнида ўз маҳсулоти уича юқори булмаган ва қорамолларининг Бушуев каби зотлилари кам бўлган. Зотларнинг яратилишида жайдари сигирлар четдан келтирилган моллардан қочирилиб, танташ ва саралаш ишларининг маълум режа асосида олиб борилиши натижасида вужудга келган. Бу тўғрида кейинроқ тўхтатиб ўтамиз.

Умуман, серсут сигир зотлари қандай бўлчишидан қатъи назар, тана тузилиши, яъни экстеръери, конституцияси, қайси мақсадда боқилишини акс эттирувчи хусусиятлари ва бошقا белгиларига кўра гўштдор қорамоллар зотидан катта фарқ қиласди.

Ўзбекистондаги серсут сипирларининг танаси узун, унча семиз эмас, кўкрак қисми бир оз торайган, лекин яхши ривожланган, қовурғалари бир-биридан узоқ жойлашган, корин қисми катта, иштаҳаси яхши, оёқларни узун, ингичка, териси юпқа, эластик ва ялатирок бўлади. Бундан ташқари, уларнинг елини катта, сўрғичлари узун цилиндр шаклида ва яхши ривожланган. Бу хусусиятлари наслдан-наслга бериладиган ижобий белгилар ҳисобланади. Куйида республикамиздаги серсут сигир зотларининг айримлари билан танишамиз.



16-расм. Қора-ола зот наслдор буқа.



17-расм. Қора-ола зот серсүт сиғир.

Қора-ола зоти. Мазкур зот барча Марказий Осиё республикаларида, жумладан Ҳзбекистонда кўп тарқалган, серсүт қорамоллар ичидаги салмоқли ўрин эгаллайди. Бу зот маҳаллий сиғир голланд ва остфриз зот буқалардан қочирилиб, ташлаш ва саралаш йўли билан, наслучилик ишларидан тўғри фойдаланиш натижасида яратилган. Бу зотнинг вакиллари йирик, мускуллари яхши ривожланган бўлиб, тез етилувчанини ва серсүтлиги билан бонка зот қорамоллардан фарқ қиласди (16—17-расмлар).

Улар қора ва ола бўлади. Сиғирлари соғин даврида (300—305 кунда) 3590—4500 кг, айрим илфор хўжаликларда (масалан, «Чиноз техники», «Красный водопад» тажриба хўжалигида, «Малик» давлат хўжалигида ҳамда бир қатор жамоа хўжаликларида) 6000—6500 кг ва ундан кўпроқ сут беради. Айрим рекордчи сиғирлардан йилига 10 000 кг га яқин сут соғиб олинади. Сутнинг ёғдорлиги ўртача 3,5—3,7 фоизни ташкил этади. Бу зот Тошкент вилояти хўжаликларида кенг тарқалган ва юқори кўрсаткичларга эга.

Сиғирларнинг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг келади баъзан ундан ортиқ бўлади.


Красностепь зоти. Бу зот сут учун боқиладиган барча зотлар орасида қуруқ ва иссиқ иқлим шаронитига яхши мослашган вакили ҳисобланади. Мазкур зот мол-

лар чўл ва чала чўл яйловларидан унумли фойдалана оладиган, чидамли ҳайрон ҳисобланади.


Красностепъ зоти танасининг тузилишига кўра сут учун боқиладиган вакилларининг барча талабларига жавоб бера оладиган йирик, териси юпқа, бўйни билан оёқлари узун ва ингичка, елини яхши ривожланган, елинга туташган сув томирлари бўртиб чиққан, сезигир ва истеъмол қилган ем-ҳашакни асосан сути учун сарфлайдиган зотдир. Бу зот молларнинг ранги қизил бўлади. Сигирларининг тирик вазни 450—500 кг, буқаларники 780—850 кг келади. Соғин даврида таркибида 3,7 фоиз ёғ бўлган 3000—4000 кг сут беради. Рекордчи сигирларининг сути 12 000 кг гача етади. Бу зот асосан Россиянинг Европа қисемининг жанубий туманларида, Сибирь туманларида ҳамда Марказий Осиё республикаларида кенг тарқалган. Ўзбекистонда бу зот асосан Самарқанд ва Хоразм вилоятлари хўжаликларида кўп боқилади.

Бушуев зоти. Бу Ўзбекистонда яратилган ягона сер-сугар қорамол зоти бўлиб, у иссиқ иқлим шароитига мослашган, шунингдек, айрим қон касалликларига чидамли хайвон ҳисобланади. Бу зот Сирдарё вилоятидаги маҳаллий сигирларни четдан келтирилган голланд ва швиц зот буқалардан қочириб олинган дурагайларни яхши тарбиялаш ва парвариш қилиши натижасида яратилган (18-расм).

Бушуев зот сигирларнинг ранги асосан оқ, лекин



18-расм. Бушуев зот сигир.



19- расм. Гүштдорлик хусусияти яхши ривожланган герефорд зот наследор бука.

танасининг айрим жойлари — боши, оёғи, қулоғи, қорин ва бошқа жойлари қора, жигар ранг, қизил бўлади. Баъзан уларининг ранги бутунлай оқ бўлиши мумкин.

У асосан Сирдарё ва қисман Жиззах вилоятлари хўжаликларида, шунингдек Тошкент вилояти хўжаликларида учрайди. Сигирларининг тирик вазни 400—450 кг келиб, буқаларники 600—700 кг ва индан ортиқ бўлади.

Үлар соғин даврида 2500—3000 кг, рекордчи сигирлари 5000—5200 кг сут беради. Сутидаги ёғ миқдори ўртача 4,1—4,4 фоизни ташкил этади.

Эстония қора-ола зоти. Эстония қора-ола зоти Эстонияга келтирилган остфриз ва голланд зот буқаларни маҳаллий сигирлар билан чатиштириш натижасида яратилган. Латвия за Литва қора-ола зотлари ҳам шу тартибда вужудга келтирилган. Бу тадбирлар ўтган асринг ўрталарида бошланган бўлса, кейинроқ олинган маҳсулдор вакиллари бир-бири билан ўзаро чатиштириш натижасида етиштирилган. Шундай қилиб, бу зот сут учун боқиладиган эстония қора-ола зотларидан ҳисобланади.

Эстония қора-ола зот сигирларининг тирик вазни 500—600 кг, буқаларники 900—1000 кг келади. Сигирларни соғин даврида ёғлиғлиги 3,7—3,8 фоиз бўлган 4000—4200 кг сут беради.

Латвия қўнғир зоти. Бу зотга мансуб сигирлар қизил-қўнғир бўлиб, сути серқаймоқлиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Серсут сигирлардан таркибида

3,8—4,1 фонз ёғ бўлган 4200—5000 кг, рекордчиларидан 10900 кг ва ундан ортиқ сут согиб олиниади. Лекин, баъзан бундан ҳам серқаймоқ сут берувчи вакиллари учраб туради.

Сигирларининг тирик вазни 500 кг, баъзан 700 кг келади. Буқалар ўртача 820—880 кг келиб, баъзан 1200 кг келадиганлари ҳам учрайди.

Гўшт йўналиши. Гўшт йўналишига мансуб барча зот ва гуруҳлардаги моллар моддалар алмашинуви хусусиятiga кўра, истеъмол қилинган озиқларни асосан гўшт ва ёғ ҳосил қилин учун сарфлайди. Бинобарин, улар жадал семиради ва сарфланган ем-хашак нисбати сут йўналишидаги зотларга қараганда паст бўлади. Бошқача айтганда, гўшт етишириш учун ем-хашак миқдори маълум даражада тежалиши билан маҳсулот таннархи арzon ва сифати юқори бўлади. Чунки бу йўналишидаги барча молларнинг биологик хусусиятлари қисқа вақт ичидаги кўп ва сифатли гўшт тайёрлашга мослаштирилган (19 ва 20-расмлар).

Гўштдор қорамолларнинг мускули яхши ривожланган, сүяклари бирмунча енгил, танаси кенг ва юмaloқ кўринишда, сонлари семиз, гўштдор, гавдаси тўғрибурчак шаклида бўлади. Боши кичик, енгил ва юмaloқлашгац, лекин кенг, шохлари асосан майда, ялтироқ,



20-расм. Маҳсулдорлиги жиҳатидан гўшт йўналишига мансуб қозоқи оқбояш зот сигир.

унча узун бўлмайди ва яримой шаклини эслатади. Шунингдек бўйни калта, кенг, йўғон ва сермускул ҳамда кўкрак қисмига бирикканлиги унча сезилмаган ҳолда бўлади.

Кўкраги узун, кеңг ва чуқур. Қовурғалари узун, юмaloқ (доира шаклида) бир-бирига яқин жойлашган бўлади. Елкаси кеңг ва тўғри, гўштдорлик хусусияти яхши ифодаланган. Қорни ўртача катталикда. Оёқлари калта, лекин йўғон. Орқа оёқлари олдингиларидан калтароқ ва тўғри жойлашган. Териси юмшоқ, қалин ва қулоқ, лекин анча иозик.

Сигирларнинг елни кичик, сўрғичлари тўғри жойлашган, сут безлари унча ривожланмаган бўлади. Россиянинг турли вилоят ва туманларидаги гўштдор қорамоллар зоти асосан Герефорд, Қалмиқ, Абердин-ангус, Санта-гертруда, Қозоқи оқбош, Шортгорн ва Шороле кабилардир.


Ўзбекистондаги гўштдор қорамол зотлари

Ўзбекистон хўжаликларида юқорида номлари айтиб ўтилган гўштдор зотларнинг фақат айримлари (Қозоқи оқбош, Санта-гертруда, Абердин-ангус, Герефорд ва жуда оз микдорда Қалмиқ зотлари) кўпайтирилади. Чуники республикамизда табиий яйловлар оз бўлиши туфайли уларнинг ҳаммасини кўпайтириш имкони йўқ. Бу зот моллар асосан яйлов ўсимлик ҳисобига яшашга мослашган. Умуман, Ўзбекистонда гўштдор қорамоллар зоти атиги 5 фоизин (1993 йил) ташкил этади. Улар асосан тоғли ва тоққа яқин туманларда ҳамда чўл ва чала чўл зоналарда кўпайтирилмоқда.

Қозоқи оқбош зоти. Бу зот Қозоғистоннинг чўл зонасида яратилган (1951). У Қозоғистоннинг маҳаллий сигирларини герефорд зот гўштдор буқалар билан қочириш натижасида ва қалмиқ зот сигирларни герефорд буқасидан қочириб олинган дурагайларни ўзаро чатиштириш асосида вужудга келтирилган. Бу зот вакилларнинг ранги тўқ қизил тусди бўлиб, боши ва танасининг айрим қисмлари оқ рангда (21-расм).

Сигирларнинг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг (баъзан 1000 кг ва ундан ҳам оғир) келади. Нимталанмаган гўшт чиқини 53—63 фоиз, айрим ҳолларда 70 фоиз ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Бу зот молларнинг гўшти «Мармар» кўринишига, яъни ёғ ва гўшти барча қисмida қаватма-қават кўри-



21-расм. Қозоқи оқ-бош зот сигир.


нишида бўлиб, юқори қаллорияли ва лаззатлидир. Кўп-сут берадиган сигирлардан бир лактация даврида 2200—2500 кг гача сут соғиб олиш мумкин.

Қозоқи оқбош зоти асосан Қозоғистоннинг вилоят ва туманларида, шунингдек Оренбург, Саратов, Волгоград вилоятларида ҳамда Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистон хўжаликларида ҳам кўпайтирилади. Бу зот молларни кўпайтиришда асосан маҳаллий сигирларни юқори класс буқа уруғларидан қочириш усулидан фойдаланилмоқда.

Санта-гертрудада зоти. Бу зот АҚШнинг Техас штатида Санта-гертрудада округида яратилган. У ўзининг чидамлилиги, ҳар хил муҳитга тез мослаша олиши ва қисқа вақт ичида тез семириши билан бошқа гўштдор зотлардан фарқ қиласди. Бу зот вакиллари айниқса қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши ҳис қилиши, қон касалликларига чидамлилиги билан бир қанча устунликларга эга (22-расм).

Санта-гертрудада зоти Ўзбекистондаги бир қатор хўжаликларда, жумладан, Жиззах вилоятидаги «Бахмал» давлат хўжалигида, Қорақалпоғистоннинг «Қорақалпоқ» ва «Эркиндарё» давлат хўжаликларида кўпайтирилади.

«Бахмал» хўжалигида гўштга боқилаётган моллар кунига 890 г дан семиргани ҳолда тирик вазни 540—550 кг га етганда гўштга топширилади.




22-расм. Санта-гертрудэ зот наслор бука.

Абердин-ангус зоти. Бу зот Аинглияниг шимолий кисмига жойлашган Абердин графлигиде яратылган. Зотиниг яратылышында асосан маҳаллий зотларининг роли катта бўлган. Раңги қора ва шохсиз. Сигирларининг тирик вазни 560—600 кг, буқалариники 800—900 кг келади.

Бу зот моллар тез етидувчан, гўнти мазали ва тўйимли бўлади. Гўнти чиқини вазнига кўра 65—66 фоиз, айрим вақтларда 70 фоизгача боради. Сигирлари бир лактация даврида 1200—1500 кг сут беради ва сутининг ёдорлиги 4,0—4,5 фоиз. Бу зот асосан, Всегоград ва Оренбург вилоятларнда, Ставрополь, Красноярск ва Олтой ўлкаларнда ҳамда Украина, Козофистон, Ўзбекистон ва боинқа айрим ўлкаларда кўпайтирилади.

Герефорд зоти. Герефорд зоти ҳам Аинглияда маҳаллий молларни таилани, саралани, парварани қилиш ва яхши озиқлантирини натижасида яратылган. Бу зот тез етидувчалиги билан боинқа зотлардан фарқ қилиди. Раңги қизил, бўени, кўкраги, қорни ва оёқлари оқ раңгда. Сигирларининг тирик вазни 490—580 кг, буқалариники 800—850 кг, айримлариники 1100 кг келади. Сўйилганда шимталанмаган гўйт ва ёғ чиқини 65—68




23-расм. Герефорд зот наследор бука


фоиз, айрим ҳөлларда 70 фоиздан ҳам ортади (23-расм).

Герефорд зот сигирларнинг сути 1200—1400 кг, сутидаги ёғ миқдори 3,9—4,0 фоиз. Бу зот асосан Ростов вилояти хўжаликларида, Ставрополь ўлкасида, Қозогистон ва Марказий Осиё давлатларида кўпайтирилади.

Қалмиқ зоти. Бу зот Қалмиқ ўлкасида бундан таҳминан 350—360 йиллар муқалдам мұғуллар томонидан келтирилган қорамолларни ўзаро чатниширини, ташлаши ва саралаш иштижасида вужудга келган. Бу зот вакиль-



24-расм. Қалмиқ зот наследор бука.



25- рәсм. Қалмиқ зот сигир.

лари чўл шаронтига, яйловдан унумли фойдаланинг яхши мосланган. Айниқса совуққа, ноқулай об-ҳавога ва турли хил касалликларга чидамлилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди (24—25- расмлар).

Қалмиқ зотининг ранги қизил. Баъзан парча-парча оқ доғлари бўлади. Зот орасида қизил-ола, тўқ сариқ ва қўнир-ола рангли вакиллари ҳам учраб туради. Сигирларининг тирик вазни 420—450 кг, буқалариники 600—800 кг, айримлариники 900 кг гача бориши аниқланган. Гўнит чиқиши ўртacha 57—60 фоиз. Сигирлари бир лактация даврида 650—1000 кг сут беради. Сутидаги ёғ микдори 4,2—4,4 фоиз.

Ҳозирги вақтда бу зот Қалмиқ ўлкасида, Ростов, Астрахань, Актюбинск ва Жамбул вилоятларида ҳамда Қорақалпогистонининг бир қатор давлат хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

Гўшт-сут ва сут-гўшт йўналиши. Бу йўналишга мансуб бўлган зотлар гўштдорлик ва серсүтлик хусусиятларига кўра бошқа йўналишдаги моллардан фарқ қиласди. Ана шу йўналишда боқиладиган зотлар иккига бўлинади. Биринчиси гўшт ва сут йўналишидаги, иккинчиси сут ва гўшт йўналишидаги зотлардир. Бунинг асосий фарқи шундан иборатки, биринчи йўналишдаги молларининг маҳсулоти иккинчisinикидан кўпроқ бўла-

ди. Масалан, гўшт-сут йўналишидаги сигирларнинг гўштдорлиги серсутлик кўрсаткичига нисбатан юқори бўлади ва аксинча сут-гўшт йўналишидаги сигирларнинг серсутлиги гўштдорлигига кўра устун бўлади.


Икки йўналишдаги барча қорамол зотлари ташки кўриниши ва конституциясига кўра сут ва гўшт йўналишдаги молларга нисбатан оралиқ ўринда туради.

Икки йўналишга мансуб зотлар асосан қўйидагилардан иборат: Швиц зоти, Олатов зоти, Кострома зоти, Қизил горбат зоти, Курганск зоти, Украина кулранг зоти, Симментал, Сичёв зоти шулар жумласидандир.


Ўзбекистондаги икки йўналишдаги қорамол зотлари

Швиц зоти. Бу зот кўпроқ Фарфона водийси вилоятлари хўжаликларида, Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилояти хўжаликларида учрайди. Туси асосан кул ранг бўлади (**26- расм**).

Сигирларнинг тирик вазни 480—550 кг, буқаларники 800—950 кг келади. Айримлари 1100 кг гача бориши аниқланган. Сигирлари соғин даврида ёғ миқдори ўртacha 3,6—3,8 фоиз бўлган 3000—4200 кг сут беради. Айримлари 9000—10200 кг ва ундан кўпроқ сут бериши кузатилган. Баъзан сутидаги ёғ миқдори 4,7 фоизга етади.



26- расм. Швиц зот наслдор буқа.



27- расм. Олатов зот наследор буқа.

Олатов зоти. Бу зот ҳам сут-гүшт йўналишидаги маҳаллий қирғиз ва қозоки сигирларни швиц зот буқалардан қочириш натижасида ва наслани ўзаро чатиштириб, танлаш, саралаш йўли билан яратилган. Бу зот республикамизнинг айрим хўжаликларида учрайди.

Сигирларининг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг. Соғин даврида ёғ миқдори 3,8—4,0 фоиз бўлган 2800—3500 кг сут беради. Олатов зоти асосан тоғ зонаси шаронтига яхши мослашган ҳайвон ҳисобланади (27- расм).

СИГИРЛАРНИ БОҚИШ

Сигирларни боқишида уларнинг сут маҳсулдорлиги биринчи галда диққат марказида бўлмоғи лозим. Шунинг учун, лактация мобайнинда соғиб олинган сут миқдорига кўра уларга бериладиган ем-хашак нисбати таҳминан қўйидагича бўлиши мумкин (14- жадвал).

Бўғоз сигирларни боқиши. Бўғоз сигирларни боқишида уларнинг тирик вазни ва улардан соғиб олинадиган сут миқдори ҳисобга олинади (15- жадвал). Тирик вазни 500—550 кг ва сут маҳсулдорлиги 4000—6000 кг бўлган сигирларга суткасига ўрта ҳисобда 6—8 кг сифатли пичан, 10—15 кг силос ёки сенаж, 7—8 кг хашаки лавлаги, 2—3 кг ем (ёки омикта озиқ), шунингдек, 100—150 г кальций ва 50—70 г ош тузи бериш талаб этилади.

14- жадвал

Сут миқдорига қараб озиқ турларининг тақсимланиши (фоиз)

I- лактацийдаги сутти	Даяр озиқлар	Серсув озиқлар	Көк ўт (беда)	Ем ски смиктес озиқ
3000	18	32	30	20
4000	14	29	27	30
5000	13	27	25	35

15- жадвал

Бүгоз сигирлар учун озиқ меъёри

Тирик вазни, кг	Ҳар бир сигир учун суткада талаб этилади					
	озиқ бирлиги, кг	ҳазм бўладиган протени, г	ошиб тузи, г	кальций, г	фосфор, г	каротин, мг
3900 кг гача сут согиб олиш режалаштирилганда						
300	5	600	30	45	25	200
400	6	720	40	60	35	240
500	7	840	50	80	45	280
3000 — 5000 кг сут согиб олиш режалаштирилганда						
400	7	840	45	70	40	350
500	8	960	55	90	50	400
600	8,7	1050	65	100	60	440
650	9	1080	70	110	65	450
5000 кг дан ортиқ сут согиб олиш режалаштирилганда						
400	8	960	50	80	45	400
500	9	1080	60	95	55	450
600	9,7	1160	70	110	65	490
650	10—12	1200—1400	75—85	115—130	70—80	500—600

Лекин уларни илдизмевалар билан боқишда озиқнинг ҳазм бўлиши сифатини назорат қилиб турис талаб этилади. Чунки айрим вақтларда кўп миқдорда берилган лавлаги уларнинг ҳазм аъзолари фаолиятини сусайтириб юборади.

Софин сигирларни боқиш. Софин сигирларни боқишда уларнинг сут маҳсулдорлиги максимум даражага етгунча рациони сифатига ва таркибига алоҳида эътибор

Ҳар бир килограмм сут учун бериш тавсия этиладиган ўртача ем миқдори

Сигирларниң суткалик ўртача сути, кг	1 кг сут учун сарфланыладиган ем миқдори, г.
10 кг гача бўлганида	100 гача
10—15 кг бўлганида	100—150
16—20 кг бўлганида	160—200
21—25 кг бўлганида	250—300
25 кг дан ортиқ бўлганида	300—350

берилади. Айниқса, улар туққанидан кейин 2—3 кун мобайнида бундай тадбирларни қўллаш фойдали. Сигирларнинг сутини ва айниқса сутининг ёғини оширишда емнинг аҳамияти катта. Бинобарин, уларни меъёр асосида берни боришга эътибор кучайтирилиши керак. Сигирлар қанча серсугт бўлса, уларга шунча кўп ем бериш керак бўлади (16- жадвал).

Агар сигирлар сутдан чиқиши даврида ориқ бўлса, уларнинг рационини 1—2 озиқ бирлигига кўпайтириш тавсия этилади. Бинобарин, ҳар бир озиқ бирлиги ҳисобига қўшимча равишда 110—120 г ҳазм бўладиган протеин, 9—10 г кальций, 5—6 г фосфор ва 40—50 мг каротин киритиш лозим. Акс ҳолда улар эмбрионни сустривожланади ва умумий физиологик ҳолатига путур етади.

Софин сигирларни боқишида улардан олинадиган сут ва ёғ миқдорини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқdir. Шунга кўра, улар организми учун зарур бўлган химиявий элементлар миқдори ва умумий озиқ бирлиги реjalаштирилади (17- жадвал).

Сигирлар рационидаги қуруқ модда миқдори ҳар 100 кг га ўртача 3,0—4,0 кг ни ташкил этиши мумкин. Клетчатка сигирлар ошқозонидаги овқатнинг ҳазм бўлишини меъёрлаштиради, шунинг учун унинг миқдори 18—24,5 фоизгача (қуруқ моддага нисбатан) бўлиши мумкин.

Агар рацион таркибида кальций ортиб кетса, овқат ҳазм бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса про-

Сутида 3.8—4.0 фоиз ёги бўлган сигирлар учун озиқ меъёри

Суткалик суг миқдори, ўртача	Хар бос сигир учун бир суткада талаб этилади					
	озиқ бар- лыги, кг	ҳазм Су- ладиган протеин, г	кальций, %	фосфор, %	каротин, мг	эм- тузи- %
Тирик вазни 300 кг атрофида бўлганда						
5	6	620	40	30	230	45
10	9	960	60	40	360	60
15	11	1260	70	50	460	75
20	14	1530	95	70	590	95
25	18	2000	120	90	740	120
Тирик вазни 400 кг атрофида бўлганда						
5	7	720	45	35	270	50
10	9	960	60	40	370	60
15	12	1450	80	60	500	80
20	14,5	1650	100	75	620	100
25	17	2100	130	100	740	130
30	20,5	2440	140	110	870	140
Тирик вазни 500 кг атрофида бўлганда						
5	7,5	760	50	35	280	50
10	9,6	1020	65	45	400	65
15	12,2	1400	90	65	550	90
20	15	1680	105	75	650	105
25	18,2	2120	130	100	800	130
30	21	2460	145	105	900	145
Тирик вазни 600 кг атрофида бўлганда						
5	8	780	55	35	320	55
10	10,1	1080	70	45	430	70
15	13	1460	90	60	560	90
20	15,1	1750	110	80	680	110
25	18,4	2200	130	95	810	130
30	21,2	2530	150	110	930	150
35	25	3000	175	135	1110	175
40	27,7	3330	190	145	1180	190

тенин ва органик моддаларнинг, шунингдек, фосфорнинг ўзлаштирилиши сусаяди.

Сигирлар кўпроқ силос, сенаж ва илдизмевалар билан боқилганда, улар рационида фосфор ва натрий миқдорининг меъёр даражасида бўлишига эътибор бе-

риш талаб этилади. Рациондаги озиқ турлари таркиби-дагы микроэлементлар миқдорига ҳам ахамият беринш фойдалидир.

Сигирлар гурухлаб бөкілгандан бир хил рациондан фойдаланылса уларнинг сут маҳсулдорлиги бир-бираидан 1—3 кг га фарқ қилини мумкин. Шунинг учун қашак ва силос улар истаганича берилса, ем ва илдизмелалар каби озиқлар билан уларнинг сереутлигига эътибор берилгани ҳолда таъминланади.

Сигирларни беғламасдан бөкішда бокни меъерларини таҳминан 8—10 фоизга ошириши назарда тутилади. Бунда сигирлар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,5 кг атрофика бела пичани, 2—3 кг ҳашак, 2 кг силос иштеймөл қилини ҳисобга олинади. Сигирларга қишиш ва эрта бағор ойларнда сенаж, силос, пичан, илдизмелалар күпроқ берилса ёз ва куз ойларнда асосан күк ўт, беда, сули пояси, суданұт, маккаждыхори пояси ва ҳоказолар берилади. Лекин ем, құйшимча витаминалар, микроэлементлар, антибиотиклар, биологик препаратлар йил мобайнила сигирлар рационига әжтиёжига яраша қўшиб берилшин лөзим.

БУЗОҚЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Бузоқларни түгри бокни ва парвариш қилиш қорамол подасини соғлом, сермаҳсул сигирлар ва юқори күрсаткичга эга бўлган бақувват наслдор буқалар билан тўлдиришда муҳим ахамиятга эга. Умуман, бузоқлар ҳар бир ферманнинг йўналини, етиштириладиган маҳсулот турни ва ишлаб чиқаришининг конкрет мақсади ҳамда шаронти ҳисобга олинган ҳолда бөкиласи ва парвариш қилинади. Умуман, бузоқларни бокни ва парваришлашни бир қаинча усувлари бўлиб, уларнинг эйт асосийлари қўйидагилардан иборат.

1. *Бузоқларни оналаридан ажратиб бокни.* Бу усул асосан барча сут-товар фермаларида қўллап ишти болли усул ҳисобланади. Бунда бузоқлар туғилганидан сўнг 5—10 кун давомита ўз онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Сўнгра улар маҳсус катақларга олинади ва гурухлаб бөкиласи.

Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан кейин 1—2 соат ўтгач, 1—1.5 кг миқдорида берилади. Озиқлантиришдан олдин бузоқларни лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунлари оғиз сути маҳсус резинка сўрғичлар

ёрдамида кунинга 5—6 марта берилса, сўнгра кунинга 4 марта белгиланган вақтларда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда элиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг ҳарорати 37°C , тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Агар туққан сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда туққан ёки туғиши бир-икки кунга фарқ қилинган сигирларнинг сути ичирилади.

Бузоқларга туғилган куни 5—7 кг атрофидаги оғиз сути ичирилиши яхши натижка беради. Беш кунли бўлганида 6—10 кг гача кўпайтириши мумкин. Ўмуман, биринчи беш кун ичидаги уларга 30—45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижка беради.

Бузоқларни кўп миқдорда, фақат сигир сутини билан боқини иқтисодий жиҳатдан фойда келтирмайди. Бино-барин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқтисодий самараадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўринига ёки олинган сут ва сунъий сут миқдори кўпайтирилиб борилади.

2. *Онасида ажратиб эмиздирив боқини*. Бу усул энг қадимги усул бўлиб, бунда сигирни соғиндан олдин, соғини вақтида ва сут соғиб бўлингач, ёнига бузоғи қўйиб юборилади. Сигири бўлган барча хонадонлар ҳам шу усуслада бузоқ боқадилар ва парварини қиласидар. Бу усул ҳозирги вақтда хўжаликларда леирли қўлланилмайди.

3. *Бузоқларни эмизуви бошқа (энага) сигирларга бириттириб боқини*. Бунинг учун ўз оналаридан ажратиб олинган бузоқлар 2 тадан 4 тагача қилиб, машина ёрдамида соғинига яроқсиз ёки қари сигирларга бириттириб қўйилади. Бузоқлар ўз «энагасини» 2—3 ой мебайнида эмиб ўсади ва ривожланади.

Бириттирилган бузоқлар сони «энага» сигирларнинг сут маҳсулдорлигига бўғлиқ. Эмизни учун режалаштирилган сигирлар бир гурӯҳ бузоқни эмизни даври тугаши билан янги гурӯҳ бузоқларни қабул қиласи. Шундай қилиб, сут маҳсулдорлиги 3000—3500 кг бўлган сигирлар бир лактация даврида 8—10—12 та бузоқни эмиздирив, боқиб беради.

4. Бұзоқларни оналарига узлуксиз әмисздіриб бөкіш. Бұ усул асосан гүшт йұналишидаги қорамолчиликта құлланылади. Бунда сигирлар деярлы соғылмайды. Пода шароиттің ёш бузоқлар 6—8 ойлик бүлгүнчә фақат онасии әмір ривожланади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ учун етарлы бўлса бир сигирга иккита бузоқни ҳам биринкириб бөкіш тавсия этилади.

Шундай құлиб, бузоқларни бөкіш, парвариш қилиш ва ривожлантарни усуллари ҳар бир хұжаликнинг маҳсулот йұналиши ва ишилаб чиқарыш технологиясига кўра қўлланылиши кўплаб ижобий натижада беради.

Бузоқларни 6 ойлигидан 2 ёшгача бөкіш

Бузоқлар олти ойлик бүлганиңда әркаклари ургочиларидан ажратылған ҳәлда махесүс хоналарда бөкіллади. Бунда тўртта гуруҳ ташкил этиши назарда тутилади.

Биринчи гуруҳда бузоқлар 9 ойлик бүлгүнчә бөкіллади.

Иккинчи гуруҳда 9 ойликтан 12 ойлик бүлгүнчә бөкіллади.

Учинчи гуруҳда 12 ойдан 18 ойлик бүлгүнчә бөкіллади.

Тўртинчи гуруҳда 18 ойлик ғұнажинилар икки ёшли бүлгүнчә бөкіллади. Бузоқлар хўжалик учун белгиланган усулда боғлаб ёки боғламасдан бөкіллади.

Насл олини учун мүлжалланған әрқак бузоқларни

18- жадвал


Насл учун қолдирилған бузоқларни икки ёшигача бөкіш учун сарфланадиган озиқ миқдори.

Ежи, ойлик жылобида	Бузоқларниң вазни, кг	Сарфланадиган сәм-хашак миқдори					
		согиб олына- диган сут	ёғи олын- ган сут	омих- та ем	силос ва илдиз- мевалар	беда пича- ни	сомон ёки куруқ хашак
6 ойлиkkача	170—180	300— 400—	600— 800—	130	200	260	—
6 ойликтан	260—270	400	800	320	1215	925	—
12 ойлиkkача							
12 ойликтан	340—370	—	—	250	1480	950	250
18 ойлиkkача							
18 ойликтан	440—480	—	—	250	2200	1100	350
2 ёшгача							

хисобга олмаганда, барча гуруұдаги бузоқларга 8—9 ойлигидан баштап күп миқдорда сомон, силос ва илдиз-мевалар беріб боқылады. Бузоқларни боғлаб боқышда уларға суткасига уч марта ем-хашак берилади. Сувни автомат сүвдонлардан истаганича ичади.

Насл олиш учун 6 ойликдан иккі ёшгача боқыладын бузоқларга сарфланадиган ем-хашак турлари ва миқдори 18- жадвалда көлтирилган.

Күргина хұжаликларда оліб борилған күзатышларға қараганда жадвалда күрсатылған мөъёрларда боқылған бузоқлар соғлом, бақуваат ва юқори маҳсулдор бўлиб етишади. Бузоқларни сунъий сут билан боқиши, 180—200 кг сигир сутини тежаш имконини беради (28- расм).



28-расм. Насл учун қолдирилған бузоқларни катақтарда сақлаш.

Ем-хашакнинг сифати қаинча паст, таркибида кимёвий элементлар, айниқса протени кам бўлса, бузоқларнинг ҳар килограмм семириши учун шунчак күп өзиқ сарфланади.

Бузоқлар соғлом ва бақуваат бўлиб ўсиши учун уларни узлуксиз ош тузи билан таъминлаб туриш тавсия этилади. Бунда 1—6 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг вазии хисобига 12 г, 6 ойликдан бошлаб 10 г дан ош тузи берини талаб этилади.

НАСЛДОР БУҚАЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Наслдор буқалардан олинадиган уругнииг сифати биринчи галда уларни боқини шаронтига ва усулига боғлиқ. Наслдор буқаларни боқишни сусайтириш ёки кучайтириш мақсаддага мувофиқ эмас. Чунки кучли озиқлар билан ҳамма вақт түйдидириб боқиш ва мөцион ташкил этилмаслиги улар танаасининг ва жинсий органларининг ёғ босиб кетишига олиб келади. Бунинг натижасида уруг бериш хусусияти ёмонлашади. Ёки аксинча, сифатсиз ем-хашак билан бокини улар организмини бўшаштириб, қувватсизлантириб қўяди. Бунинг оқибатида уругнииг сифати бузилади, буқалар ориқлаб, касалликларга берилувчан бўлиб қолади. Бинобарин, наслдор буқаларни боқинида, илмий жиҳатдан асосланган истиқболи усувлар асосида рацион тузиш керак бўлади. Ўқийдагича бўлшини мумкин. Масалан, буқалар қочириш ойларида фойдаланилмайдиган «тиним» лаврида уларнииг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,1 озиқ бирлиги ва 110 г ҳазм бўладигни протеин бериш мумкин.

Наслдор буқалардан авлод олини учун фойдаланиши вақтида уларнииг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,3 кг озиқ бирлиги ва 140 г ҳазм бўладиган протеин беринин режалаштириши ижобий натижка беради.

Наслдор буқаларни қишиш ойларидан боқиш

Қуни ойларидан наслдор буқаларнииг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1—1,5 кг беда пичани, 1—1,5 кг илдизмева, 0,8—1,0 кг сиёс берини мумкин. Ҳар бир буқанинг ориқ-семизлигига қараб 1 суткада 4 кг дан 8 кг гача ем берини тавсия этилади.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктларидан боқилаётган буқалар рационига (уруг олини даврида) 3—4 кг сабзи, 300—400 г майдалангандон (арпа, сули, бугдой) ва 150—200 г хамиртуруушни қўшимча ҳояда киритиш яхини натижка беради.

Наслдор буқаларни қуни ойларидан боқини учун қуйидати куй тартибиiga риоя қилини мумкин:

Соат 5 дан 5.30 гача

Охурларни қолдиқ озиқдан тозалаш.

—<— 5.30 дан 6 гача

Озиқлантириш, суғориш,

Соат 6 дан 8 гача	танаасини қашлаб тозалаш.
—«— 8 дан 10 гача	Дам берини.
—«— 10 дан 11 гача	Уруғ олиш ёки қочирни учун фойдаланиш.
—«— 11 дан 12.30 гача	Моцион ташкил этиш.
—«— 12.30 дан 14.30 гача	Озиқлантириш ва суюриш.
—«— 14.30 дан 16.30 гача	Дам берини.
—«— 16.30 дан 18 гача	Моцион ташкил этиш.
—«— 18 дан 19.30 гача	Очиқ майдонда яйратиш.
—«— 19.30 дан 20.30 гача	Уруғ олиш ва қочирниша фойдаланиш.
	Озиқлантириш ва суюриш.

Наслдор буқаларни ёз ойларида боқиши

Ёз ойларида илоҳи борича барча хўжаликларда наслдор буқаларни яйловларда боқини, кўпроқ ҳаракат қилинтириш ва талаб этилган вақтда ем ва минерал қўшимчалар берини тавсия этилади.

Ўзбекистон шаронтида ёзнинг исенқ кунлари наслдор буқаларни 3—4 марта, ҳатто 5—6 марта суюриш ҳамда салқин, лекин нам ва зах бўлмаган тоза жойда дам олдириш яхши натижага беради.

Парвариш қилиш ишлари барча фаслларда узлуксиз амалга ошириб борилганда наслдор буқалардан 10—12 йил ва айрим ҳолларда уидан ҳам узокроқ вақт давомида фойдаланиши мумкин.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктларида вақт-вақти билан уруғ сифатини назорат қилиб турини, шунингдек улардан олинган авлодларни соғлом, бақувват, тетик бўлиб ўсишига эътибор бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

КОРАМОЛЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР

Қорамоллардан олинадиган асосий маҳсулот сут ва гўшит ҳисобланади. Тери, ички органлари, жуни ва шохтуёқлари қўшимча маҳсулотлардир. Оз даражада бўлса-да, айрим жойларда ҳўқизлар транспорт вазифасини ҳам бажаради.


Қорамоллар маҳсулотининг миқдори ва сифати фаяқат зотлар аро фарқланмай, ҳатто зот ичидаги маъ-

лум ўзгаришларга эга. Бинобарин, күплас сифатли ва арzon маҳсулот етишириш жуда күп омил ва тадбирларга боғлиқ. Шунинг учун қуйида улар устида қисқача тұхталиб үтамиз.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Серсүт сигирларнинг истеъмол қылган ем-харажакни максимал даражада сутга айлантира олиши уларнинг әнг мұхим хусусияти ҳисобланади. Бинобарин, уларнинг озық рационынга алохында әзтибор берилмаса, сигирлар тезда ориқлада кетади.


Серсүт сигирларнинг елини катта ҳажмга эга бўлиб, йил сайнц у яна катталашыб борини хусусиятига эга (29- раэм).



29- раэм. Елини кенг ҳажмзи серсүт сигир.

Айрим сигирларнинг елини катта бўлса ҳам, сути деярли кўп бўлмаслиги мумкин. Чунки бунда сут безлари асосан бириктирувчи тўқимадан иборат бўлади. Бундай елиндан сут соғиб олингач унинг ҳажми жуда ҳам кичрайди, у юмшоқ, хамирсимон бўлади.

Сигирлар елинининг шакллари турлича бўлади. Бу уни қоринга бириктириб турувчи боғловчилар ҳолатига боғлиқдир. Юқори кўрсаткичга эга бўлган елини сигирларнинг орқа томонидан баландроқ, бўртиб чиққан, кенг ҳажмзи, одд қисеми қоринга тақалған, туби текис --- ётиқ ҳолатда бўлади (30- раэм).



30-расм. Сигир елинининг шакари формалари:

1 — косасимон елин; 2 — ваннасимон елин; 3 — ривожтамай қолган кичик елин; 4 — бўлимлари иотсан ривожтаган елин; 5 — оенлиб туруачи елин; 6 — эчки елин.

Елинининг ҳар бир палласи йирик ва бир-бирига тенг, улар оралиғида чукӯрлик ёки бўртмалар бўлмаслиги керак. Сўрғичлар цилиндр ёки бир оз конуссимон, лекин учча йўғон, ингичка,узун ёки калта бўлмаслиги керак, акс ҳолда бундай сўрғичлар машинада соғишга

ярамайды. Масалан, машинада соғишиң мөс ҳисобланған сигирларнинг сүргичлари узунлиги 7—8 см, эни 2—3 см, бир-биридан узоқлығи ўртача 10—15 см бўлса нормал ҳисобланади.

Айрим сигирлар елиниң иккита палласи анча чўзиқ, сүргичлари олд томонга қараб тарвақайлаган бўлади (30-расм). Баъзан сүргичлари ҳар хил катталиқдá ёки улардан бирортаси ривожланмасдан қолган бўлиши ҳам мумкин. Сигирларнинг хусусияти асосан наслидан-наслга берилади ва бу нуқсонларни йўқотиб бўлмайди.


Сигир сутининг аҳамияти ҳар бир инсонни кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сигирлар сути мазали, серқаймоқ бўлади ва ҳеч қажон кини месъясига тегмайди. Шу билан бирга сут инсон учун энг қимматли озиқ ҳисобланади. Айниқса ёш болалар, қариялар ва касалликларга чалинганди кишилар учун сутнинг ўринини бошқа озиқ билан алмаштириб бўлмайди.

Бундан ташқари, сутдан хилма-хил сут маҳсулотлари тайёрланади, инсон ҳаётида улар салмоқли ўрин тутади. Масалан, сариёғ, қаймоқ, қатиқ, сузма, кефир, чучук қатиқ, творог, пишлоқ, бринза ва ҳоказолар шуляр жумласиданди.

Сутнинг ҳосил бўлиши. Сут елиниң сут безларидан ҳосил бўлади. Бу жараён анча мураккаб бўлгани ҳолда унда бир қанча органлар ҳам фаол иштирок этади. Сут безларининг ўсиши ва ривожланиши тухумдан гармонлари фаолияти билан боғлиқлиги аниқланган. Сигирлар бўғозлик даврининг кейинги ойларида елин безлари яхши ривожланиб, улар туққач безлар катталашади, яъни актив фаолияти бошланади.

Сигир елини 4 та палладан иборат бўлиб, ҳар бир палласи сўрғич билан тугайди. Елин паллалари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир палладан соғиб олинадиган сутнинг кўрсаткичи ҳар хил бўлади. Елиниң орқа паллаларида сутнинг кўпроқ бўлиши аниқланган.

Елиниң ҳар бир палласи без тўқималаридан иборат бўлиб, унинг ички қисми альвеола деб аталувчи, ички девори бир қаватли цилиндрсизмой эпителий билан қопланган. Альвеолаларнинг учки қисмида юмшоқ ва юмалоқ пуфакчалар — найчалар жойлашган. Эпителий ҳужжайралари доим қон билан таъминланиб туради ва



31-расм. Сигир елининнинг тузилиши (схема):

1 — секреция бўлимлари; 2 — биркитиувчи тўқималарниң асоси; 3 — сут тўпланидиган бўйлик; 4 — эмчак канали; 5 — нервлар; 6 — тортиб турувчи пай; 7 — сут чиқадиган йўғон йўли; 8 — артерия; 9 — вена; 10 — мускул эпителийси; 11 — говак альвеола 12 — сут чиқиши йўли; 13 — сут чиқадиган ўртача бўғонлиқдаги йўл; 14 — сут чиқадиган йўғон йўл.

унда қоннинг синтезланиши натижасида сут томчилари ҳосил бўлади (31-расм).

Артерия қон томирлари елинга кислород ва озиқ маддалар олиб келса, вена қон томирлари уйдан карбонат ангидрид ва қолдиқ озиқни олиб кетади. Серсуст сигирларда бундай веналар яхши ривожланган бўлади ва қорин қисмида бўртиб чиқсан ҳолда «сут венаси» номи билан аталади.

Маълум бўлишича, суткасига 20—25 л дан сут соғиб олинидиган сигирлар елининнинг қон томирлари орқали бир суткада ўртача 10000—12500 л қон ўтиши мумкин. Ёки 1 л сут ҳосил бўлини учун елиндан 400—500 л қон ўтиши тажрибаларда ишботланган. Сут ҳосил бўлиши барча соғиб сигирларда тинимсиз давом этади.

Сигир соғиб бўлингач, елинда сут ҳосил бўлиши (суг сектрецияси) жадаллик билан давом этади ва у яна аста-секин сутга тўла бошлияди, бинобарин, елин ичидаги босим аста-секин кўтарилади, бунинг натижасида сектреция суръати пасая боради. Шунинг учун ҳам серсуст сигирлар уч марта соғилган вақтда кўпроқ сут олинади.

Бу борада елиннинг ҳажми ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, айрим кўп сут берадиган рекордчи сигирлар елининг ўртача 22—25 л сут сиғиши аниқланган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, сигирлар туққанидан кейин 2—3 ой мобайнида елиннинг ҳажми ортиб боради ва ярим йилгача бир текис катталика бўлади, б ойдан сўнг унинг ҳажми аста-секин яна кичрая боради.

Шундай қилиб, сигирларда сут ҳосил бўлиши бир қанча муҳим омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийлари: сигирларни тўғри боқиши, ем-хашакнинг сифати, молларни асраш, парвариши қилиш усуслари сигирларнинг ёши, зоти, лактация даври, елинни массаж қилиш, шунингдек, индивидуал хусусиятлари ва бошқалардир.

Сигир сутининг кимёвий таркиби. Кузатишлардан

19- жадвал

Сигир сутининг кимёвий таркиби (Г. С. Инихов маълумоти)

Сут таркибидаги маддалар	Ўзгариш чегараси (фоиз)	Ўртacha миндор (фоиз)
Сув	84—89	87,5
Куруқ мадда (қозоник)	11—26	12,5
Сур ёти	2,7—6,0	3,8
Фосфатидтар	0,02—0,08	0,05
Оқсентилар	2,7—3,8	3,3
шу жумандан:		
альбумин	0,2—0,6	0,4
глобулин	0,05—0,20	0,12
казеин	2,2—4,0	2,7
Сут шакари	4,4—5,6	4,7
Анорганик кислота тузи	0,5—0,9	0,65
Органик кислота тузи	0,1—0,5	0,3
Кул (ёки минерал маддалар)	0,60—0,85	0,7
Витаминлар:		
А- ретинол	0,01—0,08	0,03
Д- эргокальциферол	—	0,0005
Е- токоферол	0,05—0,25	0,15
B ₁ - тиамин	0,03—0,06	0,05
B ₂ - рибофлавин	0,06—0,20	0,15
C- аскорбиин кислота	0,5—3,5	2,0
РР- никотин кислота	0,10—0,20	0,15
Газлар (CO ₂ , N ₂ , O ₂)	3—15 мл/фоиз	7 мл (фоиз)
Пигментлар	0,01—0,05	0,02

маълум бўлишича сигир сутнинг кимёвий таркиби ўзига хос турли элементлардан ташкил топган. Масалан, унда ўртacha 87,5 фоиз сув, 3,3 фоиз оқсил, 4,7 фоиз сут шакари, 3,8 фоиз ёғ, 0,7 фоиз минерал моддалар бўлади. Бундан ташқари, турли витаминлар, ферментлар, гормонлар, органик кислоталар, микроэлементлар, баъзи бир газ бирикмалари ва бошқа моддалар ҳам борлиги аниқланган (19- жадвал).

Сутнинг қаймоқдорлиги. Сут ёғи — сутнинг энг қимматли таркибий қисми ҳисобланиб, у асосан ёғ кислоталар (глицерин) дан иборат. Унда тахминан 20% гача ёғ кислоталар бўлади ва улар ёғнинг сифатига, мазасига ўз таъсирини кўрсатади.

Сут таркибидаги ёғ асосан жуда майдага (0,5—10—20 микрон) шарчалар шаклида бўлгани ҳолда уларнинг устки қисми нозик оқсил парда билан қопланган бўлади. Бундай доначалар миқдори 1 мл сутда ўртacha 2 млн дан 5 млн гача бўлиши мумкин. Сариёғ тайёрлашда сутдаги ёғ доначаларининг миқдори, йирик-майдалиги муҳим аҳамиятга эга.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутнинг серқаймоқлиги маълум даражада уларнинг зотига ҳам боғлиқ. Уларнинг бу хусусиятлари наслдан-наслга ўтадиган белги ҳисобланади ва муайян зотнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида юритилади.

Юқорида айтилганидек, ҳар бир зотга мансуб сигирнинг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб, у соғиб олинадиган сут миқдори, сутнинг серқаймоқлиги ва кимёвий таркиби жиҳатидан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Гарчанд уларнинг бу кўрсаткичларини қатъий ёки ўзгармайдиган деб бўлмаса-да, зот тўғрисида сўз юритилганда, албатта, уларнинг асосий хусусиятлари ва кўрсаткичлари тилга олинади.

Сутнинг ёғлилиги бир хўжаликнинг ўзида боқилаётган бир хил зотга мансуб сигирларда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. У турли омилларга боғлиқ бўлиб, энг муҳимлари: ем-хашакнинг тури ва сифати, ҳайвоннинг зоти ва зотдорлиги ҳамда ирсий хусусиятлари, ёши, ориқ-семизлиги, молларнинг асраш шароити, уларнинг индивидуал хусусияти ва физиологик ҳолати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам серсугт сигирларни танлаш ва саралаш ишларида улар сутнинг серқаймоқлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Оғиз сути ва унинг таркиби. Сигир туққан кунидан

бошлаб 7—10 кунгача соғиб олинган сут оғиз сутти ҳисобланади. Ўранги, таркиби ва биологик хусусиятларига кўра оддий сутдан фарқ қиласди. Оғиз сутининг мазаси бир оз шўрроқ, рағни сариқроқ ва оддий сутга нисбатан қулоқроқ бўлади. Бундан ташқари, унинг таркибида оддий сутга қараганда қуруқ моддалар иккни баравар, оқсил 5—7 баравар, А — витамин 15—20 баравар, алъумин ва глобулин 10—12 баравар, минерал тузлар 1,5 баравар кўп бўлади. Лекин шакар озрок бўлади.

Кўплаб маълумотларга қараганда, сигирлар оғиз сутининг таркибида сув 79,04 фоиз, қуруқ моддалар 20,96 фоиз, ёғ 4,10 фоиз, умумий оқсил 12,27 фоиз, сут шакари 3,32 фоиз ва кул 1,27 фоиз бўлар экан.

Сигирлар туққан кунидан бошлаб, оғиз сутининг таркиби кун сайнин маълум дараражада ўзгариб боради. Лекин ҳар хил сигирларда бундай ўзгаришлар турлича бўлини мумкин.

Оғиз сути янги туғилган ҳар қандай ёш мол организми учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу сут тўйимлилиги, ҳар хил витамин ва ферментларга бойлиги ҳамда ёш организмни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қиласидиган иммунитет ҳосил қилиувчи танаачалар кўп митозорда бўлиши каби бир қашча афзалликларга эга.

Оғиз сути, юқорида айтиб ўтилганидек, қайнатилганди ивиб қолади, бинобарин, ундан бирор сут маҳсулоти тайёрлаб бўлмайди.

Сифатли сут соғиб олиш ва уни ташкил этиш

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос афзаллиги, хусусияти ва сири бўлганидек, соғувчилик касбининг ҳам масъулияти, шу билан бирга шарафли ва сирли томонлари кўп. Чунки соғувчи, аввало, меҳнати жараёнида асосан сигирлар билан ишлайди. Лекин бу осон иш эмас. Сут соғишини тўғри ташкил этиш бу катта санъат ҳисобланади. Бунинг учун соғувчилар кўп нарсаларни яхши билиши талаб этилади. Айниқса ўзига биринчирилган сигирларнинг хулқ-атвори, соғлиғи, елининг ҳолати, шунингдек, агар сигирлар машинада соғилса, ўша машина ва аппаратларни ёйиш ва йигиш, тозалаш ва сақлаш, уларнинг тўғри ишлашини назорат қилиши каби-ларни соғувчилар мукаммал ўздаштириб олган бўлини керак.


Фермадаги соғиши аппаратлари ва қурилмалари ҳамма вақт нормал даражада ишлайдиган ва запас қисмлари, деталларни етарли даражада бўлиши керак. Бунинг учун фермадаги масъулиятли ходимлар, биринчи галда слесарь-механиклар машина ва механизmlар ишини назорат қилиб туриши талаб этилади. Лекин, шунга қарамасдан, ҳар бир сут соғувчи-оператор соғиши аппаратларининг ишлашини, хусусиятларини ва баъзан керак бўлниб қолса, барча қисмларини тузатишни ҳам билишлари керак. Бу эса айрим сабабларга кўра, механик-слесарь бўлмай қолганда сигирларни соғишини ўз вақтида ташкил этишга ёрдам беради.

Сутнинг соғиб олиниши. Сут соғиб олиш энг муҳим жараён бўлиб, унга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Кузатишлардан маълум бўлнишича, соғиши вақти яқинлашган сари унинг елиннида сут ва босим кўпая боради. Бинобарин, сўрғичлар тарапланглашади ва сут берини жараёни бошланади.

Сигирларни тез ва тоза соғиб олиш учун уларни қандай усулда асрар ва боқиншдан қатъи назар, қўйидаги тадбирларга риоя қилиш талаб этилади: 1. Соғиши ишлари қўлда ёки машина ёрдамида бажарилишидан қатъи назар соғишдан олдин слин ва сўрғичлар 40—45°C ли сув билан ювилади ва тоза ҳолга келтирилади. 2. Сигир елинини соғиши жараёнида вақт-вақти билан массаж қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. 3. Соғиши ишлари тез ва бир меъёрда олиб борилиши талаб этилади. Акс ҳолда соғиб олиниадиган сут миқдорининг камайнишига ва сигирларининг сут берниш муддатини қисқаришига олиб келади. Умуман, ҳар бир сигирни соғиши учун ўртача 5—7—10 минут вақт сарфланса, у нормал ҳисобланади. 4. Соғиб олиниётган сут тугай бошлиши билан елинни сўнгги марта уқалаш (массаж қилиш) талаб этилади. Елинни тўғри уқалаш унинг юқори қисмида тўпланиб қолган сутнинг сўрғичга йўналтириб, тоза сут соғиб олиш имконини берса, иккинчидан бу жараёни сигир организмига ёқимли ва ором бахш этиши мақсадга мувофиқdir.

Сигирларни қўлда соғиш. Сигирлар қўлда иккиси усулда: биринчиси **бармоқлар** билан ва иккинчиси **кафтёки мушт** билан соғилади (32- расм).

Бармоқлар билан соғилганда, сўрғичнинг юқори қисмидан кўрсаткич ва бош бармоқ билан ҳамда бошқа бармоқлар билан сўрғичнинг сўнгги қисмига қадар



32-расм. Кафт билан соғиши усули: бармоқтар бүшашылган (1), бөш ва күрәсткің бармоқ сиңілганды (2), қолған бармоқтар юқоридан пастта қараб сиңілганды (3)

сиқиб сут чиқарилади. Бұ усулнинг асосий камчилиги соғиши жараёнида сигиркінг елини бир оз оғрийди ва сүрғич канали ички дөвөридаги нозик шилимшиқ қават жароқтаптандышига сабаб бўлади.

Сигирлар кафт ёки муншт билан соғилганда, елиндаги сут анча осон ва жадал ташқарига чиқарилади. Бунда сигир оғриқ сезмайды. Шу билан бирга соғувчи учун ҳам анча қулайлик туғилади. Масалаң, соғишка куч барча бармоқларга ва умуман кафтга бир меъерда тушади. Бунда сүрғични кафтга тўла жойлаштирган ҳолда соғилади ва бармоқлар юқоридан пастта қараб кафт томон ўз ҳаракатида давом эттирилади.

Сигирларнинг тоза соғилиши соғиши суръатига ҳам боғлиқ. Бунда соғиши суръати бир хил бўлиши ва сўрғич минутига 80—100 марта сиқилиши яхши натижада беради. Агар соғиши суръати пасайса соғиши муддати чўзилиб кетади, сигирларнинг сут бериш фаоллиги пасайиб, елинда маълум даражада сут қолиши мумкин.

Сигирларни машинада соғиши. Бунинг учун энг муҳим техника талаби — сўрғичлар соғиши стаканларига кийдириб қўйиш учун мос келиши хисобланади. Кузатишилардан маълум бўлишича, соғиши техникаси талабига риоя қилинса, сўзсиз, сигирларнинг сутни қўнайди ва сифати яхшиланади.

Сигирларни машинада соғиши техникаси ва технологияси тўғри йўлга қўйилган хўжаликларда сигирларнинг сутни йил сайин кўпаймоқда, сутининг қаймоғи ортмоқда ва меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Бу соҳада илғор сут соғувчи — оператор Анастасия Ивановна Чудная тажрибаси фақат бизнинг республикадагина эмас, балки республикамиздан ташқари соғувчилар учун ҳам ўрнак бўла олади. У 176 бош сигирни соғиши учун 3 соатдан кам вақт сарфлайди. Соғувчи — оператор ўз сигирларини суткасига икки марта соғишини ташкил қилган. У ўзига биринчирилган сигирларни соғиб олиш учун кўпли билан 7 соат вақт сарфлаган. Ҳар бош сигирни соғиши учун 5—7 минут вақт кетган.

Ўмуман олганда, механизацияда гап кўп. Унинг муҳим афзаллиги шундаки, меҳнат унумдорлиги ортади, маҳсулотнинг сифати яхшиланади, таннархи арzonлашади ва сут соғувчиларнинг оғир қўл меҳнати осонлашади, уларнинг қимматли вақтлари тежалади.

Хозирги вақтда сут-товар фермаларида барча иш жараёнларини тўла механизациялаштириш, соғиши техникаси ва технологиясини жорий этиш, кўплаб сифатли сут этиштириш — халқимизнинг энг муҳим талаби ва замон тақозосидир.

Сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш. Суг-товар фермаларида барча соғин сигирларидан унумли фойдаланиш муддатини узайтириш, улардан кўплаб сифатли сут ва соғлом бузоқ олиш учун муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Бунинг учун, биринчидан, сигирларни бутун ҳаёти мобайнида яхши боқиш, асрар ва зоогигиена қоидалари асосида парвариш қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш керак. Иккинчидан, сигирларни шошма-шошарлик билан бракқа чиқариб

юбормасдан, иложи борича, уларнинг потенциал имко-
ниятларидан тўла фойдаланиш зарур. Учинчидан, си-
гирларни турли хил касалликларга учрамаслиги учун
уларни ўз вақтида эмлаш, дорилаш, тозалаб туриш ка-
би зооветеринария тадбирлари амалга оширилиши зарур.

Сигирлардан узоқ вақт давомида унумли фойдала-
нишининг яна бир муҳим омили хўжаликларда наслчилик
ишларига, ҳайвонларни танлаш ва саралан тадбирла-
рига алоҳида аҳамият бериндан иборатдир. Бинобарин,
бу соҳада барча мутахассислар катта масъулият сезган-
ликлари ҳолда иш олиб боришлари талаб этилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Сигирлар елинини баҳолаш ва сут бериш тезлигини аниқлаш

Машғулотдан мақсад. Сигирлар елинини баҳолаш
ва сут бериш тезлигини аниқлашни ўрганиш. Шунинг-
дек, машинада соғишга мос бўлган сигирларни елин
паллалари ва сўрғичларини ривожланиш даражасига
кура танлаш ишларини тўғри амалга оширишдан ибо-
ратдир.


Дарснинг асосий мазмуни ва уни ўтказиш. Сигир-
лар елинини катта-кичилги, шакли, паллаларини бир
хил ривожланганилиги, сўрғичларини катта-кичилги ва
шаклига кўра баҳолаш ишлари уларни 2—3 ой лакта-
ция давомида олиб борилади.

Елинни морфологик жиҳатдан баҳолаш учун сигир-
ларни соғишидан 1—1,5 соат олдин елинилари ўлчанади.
Бунинг учун ўлчов тасмасидан, циркул ва штангенцир-
кулдан фойдаланилади (33- расм).

Баҳолаш учун морфологик белгилар 5 гурухга бў-
лилади. Уларнинг ҳар бирини юксак баҳоси 5 балл
ҳисобланади. Елинни баҳолашда ундаги без тўқима-
сини ривожланганилик даражаси ва соғилганидан сўнг
кичрайиб қолиш хусусияти ҳам ҳисобга олинади.

Елиннинг ҳажми қўйидаги формула асосида аниқ-
ланилади. Яъни: ҳажми = $0,3 \times \text{узунлиги} \times \text{кенглиги} \times \text{чу-}\text{курлиги}$ (олдинги палласи). Елини ҳажмини аниқлаш
ишлари сигир соғилгандан сўнг 12 соат ўтгач олиб бо-
рилади.

Сут бериш тезлигини аниқлаш елини индексини бел-
гиташ (яъни олдинги ва кейинги елини паллаларидан со-
ғиб олинган сут миқдорини бир-бирига бўлган нисбати),



33-расм. Сигир елининин асоснй ұлчамлари:

АВ — елиниң күнделанғы айланасы; *АК* — елиниң орқа-юкори килемидан олдинги асос килемдеги бұлған узулук. *БЕ* — елиниң олдинги палласи қорын чөгарасиден сұрғыч асосынға бўлған чуқурлиги. *ДЖ* — ва *ЕЗ* — орқа ва олд сұрғычлардың узунлуги. *I₁* ва *I₂* — орқа ва олд сұрғычлардың диаметри.

Уларни машинада соғишга мос эканлигини аниқлаш мүхим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Сигирларни уртача сут берини тезлигини аниқлаш учун олинган барча сут миқдори (1 сутка давомида) сарфланған вақтга бўлинади.

Елин индекси балл ҳисобида баҳоланади ва у қўйидаги талаб асосида олиб борилади:

Елини олдинги палласидан олинган сут, фонз 43 40 37 34	Берилган баҳо балл ҳисобида 5 4 3 2
--	-------------------------------------

Амалий машғулот

Новвосларни гўштга боқиши технологияси

Машғулотдан мақсад. Саноат комплекси шароитида новвосларни гўштга боқиши технологияси билан танишиш.

Дарснинг мазмуни ва уни бажариш усули. Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан чорва молларини гўштга боқишининг бир қанча технологик усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар бир вақти үзида 1500, 3000, 4500,

6000, 9000 ва 12000 бош новвосни гүштга боқишига мұлжалланған.

Гүштга боқиши учун брак қылнған урғочи моллар ва новвослардан ва бир йұла 1000, 2000, 3000, 6000, 9000 ва 12000 бошға мұлжалланған чорвачилик комплекслар фәолиятидан фойдаланылады. Бунда гүштга боқиши майдонлари ташкил этиліб, улар 1000, 2000, 3000, 10 000, 20 000 ва 30 000 бош молта мұлжалланған.

Саноат комплексінің ұар 13 күнде 360 бошдан ёш бузоқлар қабуда қитинады. Низілеб чиқарии жараёни З босқичда олиб борилади.

I босқич 65 күн давом этади. Бунда бузоқларға майи олинимаган ва майи олинған сүт, сут үриндоши (ЗЦМ) берилади. Шуннан деге, улар оміхта ем ва пичан билан таъминланады. Бузоқларнинг суткалиқ семирини 600 г ии ташкил этади.

II босқич 50 күн давом этади. Бунда бузоқларға пичан ва оміхта ем берилади. Уларнинг суткалиқ семирилиги 880 г та борады.

III босқич 277 күн давом этади. Бунда молларға сенаж билан оміхта ем арадаимаси берилади. Бузоқларнинг суткалиқ семирини 1165 г ии ташкил этади.

Чорвачилик комплексларыда I билан II босқич бирлаштырылған, шулар бир даврда олиб борилади ва у 115 күнни ташкил этади. Бунда ҳамма бузоқлар (360 бош) битта бузоқхонада сақланады. I давр тұғагац, бузоқлар II даврда боқиши учун бөшікта бузоқхонаға ўтқазилади. Үнда улар жадал ўстириледи. Бузоқлардан бұшаган I давр секциялари тозаланады ва дезинфекция қилинади.

Бузоқларни гүнтеге боқиши ҳаммаси бўлиб 392 күн давом этади. Уларнинг вазни қабуда қылнған вақтдаги 45 кг дан 450 кг гача этади. Бунда бузоқларнинг нобуд бўлиши 1 фоизни ташкил этиши ва боқиши учун яроқсиз ҳолга келган молларнинг 1,2 фоиз бўлиши нормал ҳисобланади.

Режадаги суткалиқ вазни олиши учун бузоқларга қўйидаги миқдорда озиқ ва ем-хашак берилади: 28 кг сут үриндоши (ЗЦМ); 1630 кг оміхта ем, 52 кг беда пичани ва 2296 кг сенаж.

I даврда бузоқлар ұар бири $126 \times 23,4$ м катталиктаги уcta бузоқхонада боқилади. Ҳар қайси бузоқхонада 1080 бош мол боқилади. II даврда бузоқлар ұар бирининг $84 \times 23,4$ м та борадылған 11 та бузоқхонада

боқилади. Ҳар қайси бузоқхона 720 бошга мүлжалланган. **Чорвачилик комплексларида** гүштга боқиши учун бузоқлар 10—15 кунлигиде, 40—50 кг вазнда қабул қилинади.

Молларни ўстириш ва сўқимга боқиши майдонларида асосан новвослар ва брак қилинган урғочи бузоқлар боқилиб, улар 150—200 кг атрофида семиртирилади. Моллар қайси усулда ва қандай шароитда боқилишидан қатъи назар, уларнинг вазни 430—450 кг бўлганда кушхона ва гүшт комбинатларига жўнатилади.

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГҮШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Мол гүшти лаззатли ва мазали бўлиши билан бирга истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ичида салмоқли ўрин тутади. Гүштининг тўйимлилиги унинг таркибидаги оқсили ва ёғнинг миқдори ҳамда калориясига боғлиқ.

Молнинг нимталанмаган гүшти таркибида тўйимлилиги жиҳатидан унча юқори бўлмаган пай, тоғай ва сувяк тўқималари ҳам бўлади. Демак, семизлигига кўра, мол нимтасининг салмоғи тирик вазининг 51—63 фонзини, ёғ 2—14 фонзини ташкил этса, сувяклар 20 фонз атрофида бўлади.

Мол гүштининг умумий калорияси молнинг ориқ-семизлигига, ёшига, жинсига, физиологик ҳолатига, боқини: усулига ва ҳоказоларга боғлиқ. Одатда, 1 кг мол гүшти ўртacha 1800—2200 килокалорияни ташкил этади (20- жадвал).

Ориқ молларнинг гүштида ёғ миқдори ўртacha 3,5 фонз бўлса, юқори даражада семирганда, у 23 фонзни ташкил этади. Пайлар ориқ молларда 14,0 фонзни ташкил этса, семиз молларда 9,6 фонзга боради.

Кимёвий моддалар лаҳум гүштида турли миқдорда бўлади. Масалан, мол қанча семиз бўлса, гүштидаги сув (58,5 фонз) ва оқсили (17,6 фонз) камайиши билан бирга ёғ миқдори (23,0 фонз) ва калорияси (2850 ккал) шунчак кўпаяди.

Одатда гүштдор мол зотларидан сифатли гүшт маҳсулотлари етиштирилади. Етиштирилган гүштни чамалаш йўли билан аниқлаш мумкин. Буида уларнинг семизлиги, сон қисмларининг гүштдорлиги, елка йўналишининг текис ва кенглини ҳамда танасининг умумий кўрининингга эзтибор берилади. Бундан ташқари, мол-

Ҳәр хил семизликдаги мол гүштининг таркиби ва қалорияси
(Гүшт саюоати илмий текнориги институтин маълумоти, 1978)

Таркиби ва қалорияси	Молларнинг семизлик даражаси			
	ориқ	ўртана	семиз	жуда се- миз
Морфологияк таркиби (фойз)	Лаҳм гүнті	60,3	59,9	56,5
	Ери	3,3	10,3	16,1
	Суяғы	21,9	17,5	15,7
	Пайлары	14,0	12,3	11,7
	Сув	74,4	67,3	61,6
	Оқсент	21,0	21,0	19,2
	Бұз	3,5	10,7	18,3
	Ми еріл			23,0
Химиявый таркиби (фойз)	Холодағар (ку) килокалория	1,1	1,0	0,8
	Килокалория	1210	1810	2490
Қалорияси				2850

нинг гүштдорлик хусусиятнин ифодалаш учун у сўйилгач, тортиш ва ҳисобланы усулидан фойдаланилади. Бунинг учун уларнинг иккита кўрсаткичи, яъни сўйим вазни ва сўйим чиқими ҳисобга олинади.

Сўйим вазни сўйилган молнинг боши, териси, ичак-чавоқлари ва байқаларидан (олдинги оёқлари кафт усти бўғимидан, кейниги оёқлари эса сакраш бўғимидан олиб ташлангандаи сўнг) ташқари, қолган нимтасининг вазнидир. Сўйим вазни килограммларда ифодаланади.

Сўйим чиқими гўшт нимталари билан ички ёғ миқдорининг молни сўйинидан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатдир. Сўйим чиқими фойз билан ифодаланади.

Сўйим чиқимини тўғри аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$СЧ = \frac{Гн - Ео}{Тв} \times 100.$$

Бунда СЧ — сўйим чиқими; Гн — гўшт нимтасининг вазни; Ео — ички ёғнинг вазни; Тв — сўйиншдан олдинги тирик вазни.

Мол гўшти нимтадаги бошқа қисмларидан ажратиш усулига ва даражасига кўра бир неча гурухга бўлинади, яъни суякли гўшт ёки гўшт нимталари; лаҳм гўшт ёки суяқдан ажратиб олинган гўшт; қора гўшт ёки ёғ, пай, тоғай ва лимфа томирларидан тозаланган гўшт шулар жумласидандир.

Гүштнинг асосий қысми мускул тұқымаларидан иборат бұлғани ҳолда, у ёш моллардан анча нозик, тез пишиш ва яхши ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Қари молларнинг гўши анча қатиқ, дағаллашган, узоқ вақт пишириш талаб этиладиган ҳамда қийин ҳазмланадиган бўлади. Шунингдек, семиз молларнинг гўши кўп, орнадариники оз, ёш молларни оз, катта ёнданаги вазилариники кўп ҳамда эркаклариники ургочилариникига қараганда кўп бўлади. Ёғ тўқимаси асосан тери остида, буйрак ва қовуқ атрофида, ошқозон ва ичак атрофида кўпроқ тўпланди. Бундай хусусият кўпроқ йирик молларда яхши инфодаланган бўлади.

Мол гўштининг сифатини аниқлашда унинг мармарсимон кўришинидан фойдаланилади. Мармарсимон қават-қават ҳолдаги гўшт тўқимаси орасида ёғ жойлашган бўлади. Бундай гўшт мазали ва тўйимли бўлади. Бундай хусусият асосан гўштдор зот қорамолларда яхши ривожланган. Бинобарин, уларнинг гўши сут учун бокиладиган қорамоллариникига инсбатан юмшоқ, тўйимли, тез пишидиган ва мазали бўлади.

Агар гўшт хаддан ташқари ёғли бўлса, таъми паст, ҳазм бўлиши кийин бўлади. Асосан 16—18 ойлик новвослардан сифатли гўшт олиниади. Уларнинг гўши таркибидаги оксил ва ёғ моддалар миқдори тенг (17—18 фоиз) бўлади. Бундай гўшт стиштирини учун бузоқларни ёшлигидан бошлаб жадал боқиши талаб этилади, бинобарин, улар бир ярим ёшга борганида тирик вазни 400—450 кг га етади, баъзан ундан ҳам ортиқ келади.

Гўшт маҳсулдорлиги юқори даражада бўлишини таъминланда молларни сифатли ем-хашиб билан боқиши, парвариш килиши ва уларни тоза сақлаш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун катта ёнданаги моллар 2,5—3 ой мобайнида сифатли ем-хашиб билан тўйдириб боқилади, уларнинг вазни 20—25 фоизга ортиши билан гўштга топшириллади. Шунда улардан олинадиган гўшт сифатли бўлади.

Молларни гўштга боқиш

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини кескин оширишда молларни бўрдоқига боқиши тўғри уюштириш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун моллар иккиси хил усуlda, яъни қўлда (бўрдоқичилик базаларида ва комплексларида) ва яйловда боқиб семиртириллади.

Ўзбекистонда табиий ўтлоқлар ва яйловлар чегара-ланган бўлиб, улар асосан чўл ва чала чўл ҳамда тоғ ва тоғ этакларига жойлашганлиги сабабли кўплаб хўжаликларда молларни гўштга боқини усулидан кенг фойдаланилади. Лекин Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли минтақаларida ҳамда Қорақалпоғистоннинг чўл зонасида хўжаликларда мавжуд молларни яйловда боқини яхши ўюнтирилган.

Ҳозирги вақтда, республикамида табиий яйловларнинг ўзлашибилиши, пахта, шоли ва бошқа экин майдонларининг тобора кенгайтирилиши натижасида яйловлар майдони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Шуига қарамасдан, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, улардаги ўт ҳосилдорлигини ошириш замон талаби ҳисобланади. Масалан, сув чиқмайдиган тепаликларда ўсадиган бошоқли ўтлар, протеинга бой дуккакли ўсимликлар, шунингдек, тупроғи шўрланган яйловларда ўсадиган шўра ва ҳар хил турга оид ўсимликлар қорамоллар учун яхши ва арzon озиқ ҳисобланади. Бинобарин, табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлигини оширишда мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш, илгор агротехника ва янги технология усулларини кўллаш, ем-хашак экинлари ҳосилни ошириш ва уларнинг сифатини яхшилаш гўшт етиштиришда энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Гўштнинг сифати ва миқдорига таъсир этувчи омиллар. Қорамолларда гўшт маҳсулдорлигини юқори бўлиши бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, уларнинг зоти, ёши, семизлиги, жинси, боқини асрарни усули, шунингдек, физиологик ҳолати ҳамда ташқи муҳит таъсири шулар жумласидандир. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гўшт учун бокувга қўйилган гўштдор зот қорамол қанча яхши боқилса ва парвариш қилинса, сўйилгандан шунча кўп ва сифатли гўшт чиқади.

Қорамол гўшти таркибидағи иносон организми учун зарур бўлган моддалар — оқсил, ёғ, минерал тузлар, витаминлар, аминокислоталар, микроэлементлар бир қанча афзалликларга эга.

Қорамоннинг гўшт маҳсулдорлиги яна бир қанча бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, молнинг тирик вазни, нимталанмаган гўштининг вазни, унинг таркибидағи лаҳм гўшт, ёғ, суюк, тоғай ва пайларининг

миқдори ҳамда уларнинг гўштига нисбати, шунингдек, гўшт нимталарида бошқа сорт гўштнинг вазни, миқдори ва нисбати, уларнинг тўйимлилiği, химиявий таркиби ва ниҳоят калорияси шулар жумласидандир.

Мол ёшининг семиришга тасири. Ёни ва катта ёшдаги молларни гўштга боқишида бир қанча талабларга эътибор бериш керак бўлади. Масалан, ёш молларни гўштга боқишида мумкин қадар уларнинг рациоинида гўшт маҳсулотини оширишга имкон берадиган биологик жиҳатдан тўла қимматли протеин, витамины ва минерал элементларга бой озиқ турларини кўплайтириш, шунингдек, улар ҳаддан ташқари семириб кетмаслиги талбирлари қўлланини лозим. Умуман, ёш моллар жа-

21-жадвал

**Ахталаңган Симминтал зотловвос нимтасининг
морфологик таркиби (Д. Л. Левантин маълумоти)**

Ёни	Тирик вазни, кг	Нимта ва ички бици- нинг сал- мофи (кг)	Тўғималар вазининг нимта ва ички ёнига бўланни нисбати (фоиз ҳисобидан)			
			суяк	гўшт	ёғ	пайлар
Түғилган вақтида	39,5	23,0	27,6	61,7	4,6	6,1
12 ойлигига	304,5	165,1	18,8	64,2	14,2	3,1
18 ойлигига	425,0	236,3	16,5	61,8	18,6	3,1
29 ойлигига	614,0	341,8	16,3	56,0	25,3	2,4

22-жадвал

**Ахталаңган эркак мол гўштининг кимёвий таркиби,
фоиз (Е.А. Арзуманян маълумоти)**

	Тўйдириб бўқилганда, фоиз				Метёрида бўқилганда, фоиз			
	суяк	ёғ	оқсил	кул	суяк	ёғ	оқсил	кул
Түғилган вақтида	72,80	3,64	11,25	4,54	72,80	3,64	18,25	4,52
5,5 ойлигига	56,27	20,99	17,18	4,04	63,97	10,48	19,56	5,00
11 ойлигига	54,75	23,57	17,21	3,95	60,60	15,05	18,94	4,88
18 ойлигига	51,70	26,74	17,18	3,81	58,30	17,40	18,30	4,90
48 ойлигига	38,75	44,34	12,50	3,31	51,88	24,09	18,31	5,10

дал усулда семиртирилса, улар организмидә гүшт ва ёр түкималари тез түпланади, бинобарин, гүнтдорлик даражасында жадвал (21 ва 22-жадвал).

Бузоқлар 12—15 ойлик бүлгүнча мускул түкимаси сүяк түкимасынан иисбатан жадал ўсади ва 18 ойлигидә мускулиниң инсебий вазни күпроқ, сүякларининг солиништирма вазни камроқ бўлади. Қорамол иимтасининг морфологик таркиби унинг ёшига ва вазнига кўра ўзгариб туради (21-жадвал).

Моллар ёшининг ортиб бориши билан гүштининг химиевий таркиби ҳам ўзгаради, яъни сув камаяди, қуруқ моддалар кўпаяди, мускуллар оралиғидаги ёғ миқдори ортиб боради. Бу ўзгарни уларни боқини усулига ҳам боғлиқ (22-жадвал).

Қорамолни 1 кг семиртириши учун ёшига қараб турили миқдорда озиқ бирлиги сарфланади. Масалан, 10—12 ойлик новвосларини 1 кг семиртириши учун ўртача 7—8 озиқ бирлиги сарфланаса, катта ёшдаги моллар учун 8,5—10 озиқ бирлиги сарфланади.

Бузоқлар, асосан лаҳм гүйт етиштириши мақсадида боқилади. Шунинг учун уларни 6 ойлигидан тортиб режалаштирилган давргача гүштга боқиши мумкин. Лекин кайта ёшдаги моллар 60—90 кун мобайнида бўрдоқига боқилади. Чунки боқини муддати чўзин юборилса, уларнига танасини ёғ босиб кетади, гүштининг сифати пасайди.

Мол зотининг гүшт маҳсулдорлигига таъсири
Сут учун ва ҳам гүшт, ҳам сут учун боқилганда молларда ёғ асосан ички органдаридан түпланади, иимтасирида эса камроқ бўлади. Шунингдек, уларнига иимтасидаги лаҳм гүшт учун боқиладиган молларниң иисбатан камроқ бўлади. Бундай моллар жадал усулда гүштга боқилганда гүшт чиқими 50—56 фонзи ташкил этади.

Молларнига гүшт маҳсулдорлигини ортишига, сифати ва тўйимлилигини яхшиланининг уларнига зоти ва зотдорлиги салмоқли таъсир кўрсатади. Буига асосий сабаб гүнтдор зотларнига тез етилувчанилиги, қисқа вақт ичиде яхши семирини, семириши учун сут йўналишидаги молларга қараганда камроқ см-ханак талаб килини, гүштининг мармарсимон ва мазали бўлиншидидир. Бинобарин гүнтдор зот молларнига бузоқ ва новвосларини 15—18 ойлигигача боқини кифоя қилади. Бунда уларнига тирик вазни 400—450 кг га этини мумкин.

Хөзирги вақтда гүштдор буқаларни сут учун бокила-
диган ва қүн маҳсулдор зот сигирлар билан чатишти-
рини ишиккасида олингани бузоқларни жадал усулда
гүштга боқищ ишлари кең түс олган.

**Жинси ва ахталашнинг гүшт маҳсулдорлигига таъ-
сири.** Гүшт етиштиришина насл олини учун яроқсиз бўл-
ган сут, гүштдор зотли ва қўш маҳсулдор зот бузоқлар
салмоқли ўрин тутади. Уларнинг умумий сони барча
ёшдаги молларни деярли 90—95 фоизлни ташкил этса,
урғочи бузоқлар 30 фоиз атрофида бўлади. Қолган
қисемни новвослар ташкил этади. Айрим вақтларда
хўжаликнинг шароитига ва боқини усулига қараб, нов-
вослар ахталандиди. Лекин кузатишлардан маълум бў-
линича, ахталанган новвослар буқачаларга қараганда
суст ўсади ва секин ривожланади, шунингдек гүшт чи-
қими пастроқ бўлади. Ахталашдан мақсад уларни пода-
да боқини учун мойиллигини ошириш ва урғочи бузоқ-
лар билан бирга гүштга боқищдан иборатdir.

Урғочи бузоқлар гүштга боқилганда нимтасининг
вазни, суткалик семириши, семириши учун ем-хашак
сарфланиши ва лаҳм гүшти миқдорига қараб бичилгани
ва бичилмаган новвослардан камроқ бўлади. Лекин
гүштининг сифати, юмшоқлиги, нозиклиги, таркиби ва
мармарсизменинги жиҳатидан юқори туради. Бинобарин,
уларни 15 ойлигигача боқини ва вазни 350—400 кг га
етганда гүштга топшириши тавсия этса бўлади. Нов-
вослар ва ахталанган буқачаларни 15—18 ойлик бўл-
гучча боқищ, новвослар вазни 450—550 кг ва ахталан-
ган буқаларнинг 400—450 кг атрофида бўлганда уларни
гүштга топшириши усули ҳам кең қўлланилмоқда.

Боқишининг гүшт маҳсулдерлигига таъсири. Мол-
ларнинг гүшт маҳсулдорлигини кескин оширишдаги энг
муҳим омиллардан бири уларни боқищ усули бўлиб, у
гүшт маҳсулоти салмоғини ошириш ва гүшт чиқимини
кўпайтириши имконини беради. Яхши боқилган молнинг
нимтасида суяқ ва пайлар миқдори сифатсиз ем-хашак
билан боқилган вакилларнига қараганда 25—30 фоиз
кам, гүштининг калорияси 40—50 фоиз юқори бўлади.

Моллар ем билан боқилганда, уларнинг тез семи-
риши, лаҳм гүшти ва ёгининг кўпроқ бўлиши аниқлан-
ган. Аксинча, озиқа рационида дағал ва серсув озиқлар
миқдори кўпайиб кетса, молларни семиртириш муддати-
нинг узайиб кетишига ва вазни секинлик билан ортишига
сабаб бўлади (23- жадвал).

**Геренфорд зот буқаларнинг тўйимлилиги, ҳар хил
ем-хашак силан боқилгандаги гўшт маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Калорияси паст ем-хашак ва 20 фоиз концентрат берилганда	Калорияси юқори ем-хашак ва 30 фоиз концентрат берилганда
Дастлабки вазни, кг	182,9	186,1
Суткалик семириши, г	708	972
1 кг семиришин узун кетгани озиқ бирлиги	10,3	6,8
Нимтасининг сорти, балл	6,9	9,0
Гўшт чиқиши, фоиз	58,6	61,8
Гўштининг мармарсмонлиги, балл	5,0	6,3

Шундай қилиб, молларга бериладиган ем-хашак қанчалик сифатли ва калорияси юқори бўлса, улардан етишириладиган гўшт шунчалик кўп ва сифати яхши бўлади.

Турли ёшдаги молларни гўштга боқиш

Молларни ёшига кўра асосан беш хил усулда гўштга боқилади.

1. Оқиши ёки оч пушти рангли бузоқ гўшти етишириш. Бунда 1—2 ҳафталик эркак бузоқлар 3—4 ой мобайнида фақат сут билан боқилади. Ҳар бир бузоққа кунига 12—16 кг дан сут ичирилади ва уларнинг суткалик семириши ўртача 1 кг атрофида бўлади.

2. Оддий бузоқ гўшти етишириш. Бунда олинадиган маҳсулот таннархини арzonлаштириш мақсадида бузоқлар 3—4 ойлигигача сутдан ташқари, серсув, дағал озиқ ва ем бериб боқилади ва улар суткасига 400 г атрофида семиради.

3. Ёш бузоқ гўшти («беби-биф») етишириш. Бунинг учун бузоқлар бир ёшли бўлгунча сифатли ҳар хил ем-хашак билан боқилади ва вазни 350—400 кг га етказилади. Рацион таркибидаги емни 30—80 фоиз, айrim ҳолларда 90 фоизгача ошириш талаб этади.

4. Бузоқларни йирик нимта олиш учун боқиш. Бу усулда бузоқлар ёши 18—24 ойлик бўлгунча ёки вазни 400—600 кг га етгунча боқилади. Бинобарин 1,5—2 йил

дазомида молларга кўплаб ўт (яйловда) ва пичан (кўлда) берилади. Ем озиқа рационининг 25—35 фоизини ташкил этиши мумкин. Айрим ҳолларда ем миқдори 40 фоизга етказилади.

5. Катта ёшдаги молларни гўштга боқиши. Бунда гўшт этиштиришга мўлжаллаинган брак қилингган сигирлар ва буқалар 60—90 кун бўқилади. Улар умумий поданинг 25—30 фоизини ташкил этади. Бунда семирилган моллардан кўп миқдорда гўшт олинади. Лекин гўшти дағал бўлганлиги сабабли ундан суюқ таомлар, сосиска, консерва ва колбаса тайёрлашда фойдаланилади.

Молларни яйловда боқиши

Қорамолларни яйловда яйратиб боқиши иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, моллар оёқ остидаги ҳар хил ўтларни инсон меҳнатисиз истеъмол қиласди ва семириш имконига эга бўлади. Бунда самараדורлик боқиши муддатига, яйловнинг ҳосилдорлигига ва ўтларнинг хилма-хиллиги ҳамда сифатли бўлишига, молларнинг ёшига, жинсига, ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Умуман моллар яйловда 4—5 ой мобайнида боқилади. Моллар яйловда боқилганда катта ёшдаги йирик моллар 25—30 фоиз семирса, ёш моллар 40—60 фоиз ва ундан ҳам кўироқ семириши мумкин.

Молларни яйловда боқиши учун қўйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1) подани ташкил этишда моллар кўп жиҳатдан (ёши, жинси, ориқ-семиизлиги бўйича) бир хил бўлиши;


2) мол боқиши учун ажратилган яйлов етарли ва сув билан таъмицланиши;

3) барча тадбирлар ва молларни боқиши маълум кун тартиби асосида олиб боришлиши;

4) меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда моллар қанчадан семирганлигини ҳисобга олиш;

5) илфорлар тажрибасидан ва фан ютнқларидан унумли фойдаланиш ҳамда боқиши технологиясини зона ва фасл шароитига қараб жорий қилиш керак бўлади.

Молларни яйловда боқиши технологияси бир қанча масалаларни ўз ичига қамраб олгани ҳолда, улар албатта бажарилишини талаб этади, уларнинг энг асосийлари қўйидагилар:



34-расм. Молларни гүшт учун яйловда ярратиб боқиш.

1) молларни тасдиқланған күн тартиби асосида ва сутканинг маълум соатларида боқиш, ҳаво исеб кетгандга, уларга дам бериш. Ўмуман ёз ойларида сутка мобайнида 16—17 соат, куз ойларида 12—14 соат атрофина боқиш;

2) моллар яйловда боқилганда улар ҳар томонга тарқалиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун молбоқар поданинг олд томонидан уларни назорат қилиб бориши, молларни қўпроқ серўт ерларда ўтлатиши;

3) молларни, эрта билан оч пайтида шудринг тушган ўтларда ўтлатмаслик (қорни шишиб кетиши мумкин); дастлаб турли хил бошоқли, кунлар исиган ва дуккакли ўсимликлар ўсадиган яйловларда ўтлатиши;

4) яхши семирган молларни ўз вақтида подадан ажратиб олиш ва гўштга топшириш;

5) молларниш даражасини аниқлаш мақсадида уларни оч ҳолда эрта билан торозида тортини ва шунга асосан молбоқарларга ҳақ тўлаш;

6) семирган молларни узоқ масофага юргизмаслик,

умұман подани суткасига 12—15 км дан ортиқ масоғага юринига йүл құйымаслик;

7) молларни өз пайтида салқын жойда дам олдириш, қолған фаслларда шамолдан ва захдан әхтиёт қилиш керак бўлади.

Асосий самарадорлик молларни семиртириб боқишига, вазни ва етилувчалигига таъсири этувчи зоти, ирсий хусусиятлари ва маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ.

Молларни яйловда боқиш. Яйлов ва ўтлоқлари бўлган хўжаликларда молларни тўғри, янги технология асосида яйратиб боқини катта самара беради. Чунки молларни яйловда боқинига қараганда қўлда боқинига 5—8 баравар кам маблағ сарфланади. Серўт яйловларда боқилган катта ёшдаги моллар суткасига 800—900 г дан семириши аниқланган.

Республикамиз яйловларида қорамоллар ёши, жинси, ориқ-семизлигига қараб пода ташкил қилинган ҳолда боқилади. Бунда ёш молларнинг 180—200 тасидан битта пода, йирик, катта ёшдаги молларнинг 100—120 тасидан битта пода ташкил этилади.

Молларни яйловга ҳайдашдан олдин баъзи касалликларга қарши олдинни олиш ва ветеринария тадбирлари амалга оширилади. Бу соҳада ўриак сифатида «Бахмал» давлат хўжалигининг иш тажрибасини кўрсатини мумкин. Бу ерда ахталанган буқачалар тоғ этаги ва тоғ яйловларида З ой мобайнида боқилади. Моллар асосан гўштдор зот ва уларнинг дурагайлари бўлганигидан подадаги молларнинг салмоғи бошқа молларга қараганда 35—40 фоизни ташкил этади.

Амалий машғулот

Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш усуслари

Машғулотдан мақсад. Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш усусларини ўрганиш ва гўштдор зот молларнинг ташкил кўрнишини билан танишини.

Керакли жиҳозлар. ГОСТ 5110-87 «Сўйинш учун қорамоллар» қўлланмаси, «Наслдор кинлоқ хўжалик ҳайвонлари» қўлланмаси (ГОСТ 25967-83), «Гўштдор зот молларнинг маҳсулдорлик даражасини баҳолаш» тавсияномаси, кинофильмлар, диафильмлар, слайдлар ва моллар расми ифодаланган фото-альбомлар.

I топшириқ. Давлат стандартларини ўрганиш.

II топшириқ. Якка (алоҳида) топшириқлар асосида

молларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш.

III топшириқ. Материаллардан фойдаланилган ҳолда гўштдор зот молларнинг хусусиятлари ва белгилашини ўрганиш. Вилоятда ёки республикада боқиладиган гўштдор зот молларни тўлиқ ҳолда ифодалаш.

VIII боб. Қўйчилик

Қўйчиликнинг ахамияти. Қўйчилик чорвачиликнинг муҳим тармоги бўлиб, саноат учун жун, мўйна, қоракўлери хамда аҳоли учун озиқ-овқат сифатида гўшт, ёғ, сут стиштиради.

Қоракўл қўйлардан олинадиган сифатли ранг-баранг товтаниб турадиган қоракўл, қоракўл — қоракўлача ва қоракўлча деб аталадиган мўйна-тери дунё бозорида олтин баҳода сотилади. Қоракўл терилардан бошкимивлар, ёқа тайёрланади ва у юқори нархларда баҳоланади.

Қўй ва қўзи гўшти республикамиздаги гўшт балансиининг 10—12 фонзини ташкил этади. Бундан ташқари, қўй сутидан турли хил маҳсулотлар, пишлок, бризга кабилар тайёрланади.

Умуман, қўйларнинг асосий маҳсулоти жун ҳисобланади, улардан олинадиган сифатли ва хилма-хил жуниларни бошқа бирор ҳайвондан олиб бўлмайди. Бониқача айтганда, қўй жунини бошқа бирор қишлоқ ҳайвони жуни билан тенглаштириб бўлмайди.

Қўйларнинг биологик хусусияти. Қўйларнинг муҳим биологик хусусиятларидан бири яйловлардаги ўт-ўланларни яхин ўзлантиришидир. Бони чўзиқ, ҳаракатчали, лаби юпқа, тишлари қия жойлашган бўлганилиги туфайли улар паст бўйли ўтларни ва ҳатто ерга тўкилган ўсимлик барглари ва бошоқларини бемалол териб ея олади.

Қўйлар ҳаракатчалилиги ва узоқ масофаларга юра олиши, хилма-хил ўт-ўланларни танламасдан ейиши билан бошқа тур чорва молларидан устун туради. Хосилдорлиги паст бўлган яйловларда қўйлар ўз озигини бемалол топиб ейди ва қорнини тўйдиришга ҳаракат қиласади. Думбали ва думли қўйлар думба ва дум органиларидан кўплаб ёғ тўплайди. Қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши сезади. Улардан олинадиган ёғ

инсон учун қимматли ва лаззатли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Қўй зотлари биологик хусусиятларига кўра ҳар хил зона шаронтида яшашга мослашган. Шунга кўра қўйларни боқиши, асрарни ва кўпайтиришда ҳар бир зонанинг табиий-иқтисодий ва хўжалик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Қўйларнинг фойдали хусусиятлари яна шундаки, улар тез етилувчан, серпушт ва бўғозлик даври қисқа бўлади. Масалан, уларда бўғозлик даври 150—155 кун давом этиши туфайли, улар йилига икки марта қўзилаши мумкин. Бундан ташқари, қоракўл қўйлар ҳар гал 1—2 тадан қўзи тусса, романов зот қўйлар 4—6 тадан қўзилайди. Урчиш вақти ўрта ҳисобда 1,5 ёшга тўғри келади.

Шундай қилиб, қўйлар биологик хусусиятларига кўра бир қатор устунликларга эга. Бинобарин, уларни кўпайтиришда, маҳсулдорлигини оширишда, насл олишида, гўштга боқишида, сифатли мўйна ва тери етиширишда, шароитини яхшилашда ва серпуштлигини оширишда уларнинг асосий биологик хусусиятлари дикқат марказида туриши керак.

Қўйларнинг маҳсулот йўналиши

Қўйларни икки хил, яъни зоологик ва хўжалик таснифи асосида гуруҳларга бўлиш қабул қилинган.

Зоологик таснифи. Бунда қўйлар дум узунлиги ва шакли асос қилиб олингани ҳолда 5 та гуруҳга бўлиниади:

- ингичка калта думли қўйлар,
- ингичка узун думли қўйлар,
- калта ёғ думли қўйлар,
- узун ёғ думли қўйлар ва
- думбали қўйлар.

Бу таснифнинг камчилиги шундаки, айрим ҳолларда турли хил маҳсулот йўналишидаги қўй зотлари бир гуруҳга мансуб бўлиб қолади. Шунга кўра ҳар бир зотнинг асосий маҳсулот йўналиши ва унинг афзаллиги ҳисобга олингани ҳолда қўйларнинг **хўжалик** таснифи ишлаб чиқилган.

Хўжалик таснифи. Бу тасниф академик М. Ф. Иванов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳамма қўй зотларининг асосий маҳсулоти асос қилиб олинган. Хўжалик таснифи 8 та гуруҳни ўз ичига олади.

1. Майин жунли қўйлар. Жуни сифатли, бир текис, ўта майин бўлган қўйлар шу гуруҳга киради. Масалан, меринос зоти, аскания, грознен, ставропол, олтой, озарбайжон тоб меринос зоти, ирекос, майин жунли қозоқи ва вягский зот қўйлар шулар жумласидандир.

2. Ярим майин жунли қўйлар. Бу гуруҳга бир хил ярим майин жунли линкольн, ромни-марш, шропшири, гемпшир, латвия қорабоши каби ҳамда жуни ва гўшт учун боқиладиган цигай ва бошқа зотлардир.

3. Ярим дағал жунли қўйлар. Бу гуруҳ қўйларнинг жуни гилам тўқиши учун муҳим хомашё ҳисобланади. Асосий вакиллари: саражи ва тожик қўй зотларидир.

4. Пўсчинбоп қўйлар. Бу гуруҳга мансуб қўйлардан сифатли пўстнибоп тери олиниади. Шу жиҳатдан улар боинқа қўйлардан фарқ қиласади. Асосий вакиллари: романов зоти, шимолий калта думли ва сибир сереф калта думли қўйлар ҳисобланади.

5. Мўйнабоп қўйлар. Улар қимматбаҳо мўйнаси (териси) билан бошқа йўналишидаги қўйлардан фарқ қиласади. Масалан, қоракўл қўйлар, сокольский ва решетильлов зотлари шулар жумласидандир.

6. Гўшт-ёғ йўналишидаги қўйлар. Бу гуруҳга мансуб қўй зотларидан сифатли ва мазали ҳамда кўп миқдорда гўшт ва ёғ олиниши билан бошқалардан фарқ қиласади. Асосий вакиллари: ҳнеор, жайдарн ва эдильбой қўй зотларидир.

7. Гўшт-дағал жун йўналишидаги қўйлар. Бу гуруҳга киравчи зотлардан бир вақтнинг ўзида гўшт, жун ва сут этинтириллади. Лекин жуни дағал бўлади. Асосий вакиллари: тушинский, балбас, карачайдир.

8. Гўшт-дағал жун йўналишидаги қўйлар. Бу гуруҳга мансуб қўйлардан анчагина сифатли дағалжун ва сифатли гўшт олиниади. Масалан, михновский, черкасский, кучугуров каби қўй зотлари шулар жумласидандир.

Қўйлардан олиниадиган асосий маҳсулотлар

Жун. Қўйлардан олиниадиган жуни сингил саноат учун муҳим хомашё ҳисобланади, ундан турли хил кийимчек, шолча ва гилам, хилма-хил жуни газламалар тайёрланади. Жун тери маҳсулоти ҳисобланади ва қўй эмбрионининг 60—85 кунлигига эпидермис қаватидан ташкил топган фолликулалардан ўсиб чиқади. Жуннинг шаклланиши ва тери сатҳи бирлигига иисбатан миқдо-

ривинг ортиши уларнинг туғилиш вақтинга бориб якунланади. Жун қатлами бир қанча турга мансуб бўлган толалардан ташкил топган. Масалан, тивит, оралиқ, дагал, ўлик, қуруқ ва қопловчи жүнлар шулар жумласидандир.

Мўйна. Мўйна асосан қоракўл, соколский ва решетилов зот қўйларининг янги туғилган қўзиларидан олиниади. Чунки уларнинг мўйнаси гулдор, жингалак ва ялтироқ бўлади. Майин жунили ва ярим майин жунли қўйлардан олинган мўйнали терини лямка, дағал жунли қўйлардан олинадиганини *мерлушка* деб аталади.

Қоракўл тери қоракўл терининг сифати жун қатламиниң шакли, гули, жингалаги, ялтироқлиги, ранги ва гулининг зичлиги каби кўрсаткичларга бўглиқ. Қоракўл тери гулининг шаклига кўра қалами, ловиягул, гажак, ҳалқасимон, спиралсимон (пармагул) бўлиши мумкин. Шунингдек, айрим ҳолларда гулининг шакли бузилмаган ва ҳеч қандай шаклга эга бўлмаган ҳолда учрайди, бундай тери сифатсиз ҳисобланади.

Қаламигул типидаги жингалаклар сифатли ҳисобланади ва уч гурухга (калта, ўртача ва узун) бўлиниади. Агар узунлиги 2 см гача бўлса, қаламигуллар калта, 2 см дан 4 см гача бўлса, ўртача, 4 см дан ортиқ бўлса, узун ҳисобланади. Узун қаламигуллар юқори баҳоланади.

Ловиягул типдаги жингалаклар ҳам сифатли ҳисобланади, улар ловия донини эслатади. Узунлиги 12—15 мм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Гажак шаклидаги жингалаклар учча сифатли эмас, теридан чикқан жунлар қарама-карши томонига скраблиб, туташ бўлмаган гул ҳисобланади.

Нўхатгуллар талабга чомувофиқ ҳисобланниб, уни ташкил этувчи жун тўпламларининг учлари тугусимон ёки нўхат шаклида жингалаклашган бўлади.

Ҳалқасимон (*спиралсимон*) жингалаклар сифатсиз ҳисобланади ва бундай гулли тери сифатсиз деб баҳоланади. Шунингдек, баъзан тери юзсанда шаклсиз гуллар ҳам учраб туради.

Қоракўл тери жунининг ўсимлик даражасига кўра уч хил бўлади: 1) қоракўлча — ҳали туғилмаган (таксиман 4,5 ойлик) кўзи териси бўлиб, у юқори даражада баҳоланади; 2) қоракўл—қоракўлча—туғилишига 5—10 кун қолган қўзилар териси бўлиб, у ҳам сифатли бўла-

ди; 3) *қораку́л* — меъёр даражада ривожлаиган ва туғилган қўзилар териси.

Қоракўл тери орасида баъзан жуни анча ўсиқ турлари учрайди, ёки туғилгандан сўнг бир исчада кун ёки ҳафта ичидаги жуни ўсиб кетади. Бундай тери **ёқабоп** дейилади ва арzon баҳоланади.

Қоракўл тери ҳар хил рангда бўлади. Кўироқ қора (араби — 90 фоиз), баъзан *кул ранг* (шерози), *жигар ранг* (камбар) ва кўпроқ сур тери бўлади. Сур ва кул ранг тери чиройли ва поёб бўлади, бинобарин, унга талаб катта. Кул ранг тери мўйнаси оқ ва қора жунларининг миқдори ва узунлигига кўра тўқ кул ранг, ўртача кул ранг ва оч кул ранг бўлини мумкин.

Тери. Қўй териси одатда 5—7 ойлик ва ундан катта ёшдаги қўйлардан олиниади ва асосан уч гурухга бўлиниади: 1) *пўстинбоп тери* — дагал ва ярим дагал жунили қўйлардан олиниади. Бундай тери асосан романов зот қўйлардан етиштириллади ва жунининг ўсиқлиги 2,5 см атрофида бўлади. Айниқса, 6—8 ойлик қўзилардан сифатли тери олиниади; 2) *мўйнабоп тери* — майнин жунили ва ярим майнин жуғели қўйлардан олиниади. Бундай терининг энг сифатлиси цигай зот қўзилардан етиштириллади ва у «цигейка» номи билан аталади. Улар жунининг узунлиги 1 см атрофида бўлади; 3) *йирик тери* — катта ёшдаги қўйлардан олиниади. Бундай тери баъзан пойабзал тери деб аталади. Улардан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Гўшт. Қўй гўштининг сифати қўйнинг зоти, ёши, жинеи, ориқ-семизлигига, боқини шаронтига ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Гўштининг сифати унинг химиявий таркиби, умумий гўнит чиқиши, ундағи ёғ ва сувяк нисбати, пархезлик хусусияти ва сорт қисмларининг миқдори билан аниқланади.

Нимталаммаган қўй гўштининг вазни ҳар хил зотларда турлича бўлади ва, қўпинча, катта ёшли қўйларда у ўртача 18—30 кг атрофида, лекин ҳисор ва линкольн каби зотларда 80—90 кг гача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Қўзиларниң нимталаммаган гўшти 10—15—20 кг атрофида бўлади.

Қўйлардан соғ гўшт чиқиши уларниң ориқ-семизлигига ва зотига боғлиқ. Масалан, яхши семиртирилган майнин жунили қўйларда бу кўрсаткич 50% атрофида бўлса, ориқ қўйларда 38—40% ва гўшт-ёғ йўналишидаги қўйларда 60—65% бўлиши аниқланган.

Кузатишлардан маълум бўлинича, гўшитга 6—8 ойлик қўзиларни боқиши иқтисодий жиҳатдан яхши самара беради. Кўй гўштининг сифати ва химиявий таркиби уни боқиши усулига ва ориқ-семизлигига боғлиқ (24-жадвал).

24- жадвал

**Қўйларнинг семизлигига кўра гўштининг химиявий таркиби
(т) Г.Р. Литовченко маълумоти**

Семизлик даражаси	Сув. %	Оқсил. %	Ер. %
Ориқ	70,0	21,0	8,7
Ўртача семиз	68,3	20,0	10,7
Семиз	58,5	17,7	23,0

Сут. Кўй сути химиявий таркибига кўра сигир ва бошқа чорва моллари сутидан фарқ қиласди. Унинг таркибидаги 6,7% ёг, 5,8% оқсил 4,6% сут қанди ва 0,8% минерал элементлар бўлади.


Қўйлар 100—150 кун атрофида соғилади, айрим ҳолларда 200—300 кг ва ундан кўпроқ сут соғиб олинади.

Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистон республикасида боласи тери учун ажратилган қорақўл қўйлар ўртача 3 ой, баъзан 4 ойгача соғилади ва ҳар бир совлиқдан кунига ўртача 300—730 г ва ундан кўпроқ сут соғиб олинади. Қўйлар қўзилари билан биргана бўлса улар соғилмайди. Шунингдек, наслдор совлиқлар, ориқ, биринчи ва кўп туқсан мари совлиқлар соғилмайди. Қўзини бўлмаган мари қўйлар эрталаб ва кечқурун соғилади. Қўйлар асосан қўлда соғилади.

Кўй зотлари

Майин жунли қўй зотлари. Майин жунлари қўйлар узоқ тарихга эга бўлиб, эрамиздан 1000 йиллар аввалин Кичик Осиё ва Грузиянинг гарбий туманларида боқилганлиги, кейинчалик Гречия, Италия ва Шимолий Африкада кенг тарқалганлиги маълум. Уларни *меринос қўйлар* деб аташган (35-расм).

Майин жунли қўйлар асосан Шимолий Кавказнинг даштли туманларида, Ставронопол ва Краснодар ўлкаларида, Грозний ва Ростов вилоятларида, шунингдек, Сибирь, Қозоғистонда ва Марказий Осиё давлатларидан Қирғизистонда кўпайтирилади.



35- расм. Майин жунли сержун меринос зот совлик.

Сүнгги вақтда академик А. Н. Николаев тавсиясига мувофиқ, құй затларини уч хил йұналиш ёки гурухға бүліш мүмкін.

1) *Майин жунли сержун құйлар* — меринос, ставропол, грознен ва ҳоказо зотлар.

2) *Майин жунли сержун — гүштдор құйлар* — аскания, кавказ ва олтой зотлари.


3). *Майин жунли гүштдор — сержун құйлар* — прекос, архар меринос ва майин жунли қозоқи құй затлари киради.

Майин жунли сержун құйлар. Бу құйлар бақувват бүліб, сувсиз чүл яйловларнда яшаңға мослашған. Асосий маңсулоти жун. Жуни қалин ва ўсиқ, ёғ-тери яхши ифодаланған. Ҳар килограмм вазни ҳисобиға 50—60 г тоза жун олинади.

Майин жунли сержун құйлар бир қанча махсус зотлардан иборат бүліб, уларнинг күп тарқалғани: меринос, ставропол, грознен зотларидир.

Меринос Россияда кенг тарқалған майин жунли құй зотидир. Ҳозирги вақтда меринос иккى типдан иборат: **сержун-гүштдор ва сержун құйлар.**

Сержун-гүштдор құйлар асосан Шимолий Кавказ, Еарбий Сибир ва Шимолий Қозғистонда кенг тарқалған. **Сержун типдаты құйлар** күпроқ Қалмиқ үлкесида, Астрахан, Волгоград вилойтларнда, шунингдек, Ростов



36-расм. Майин жунын Қозоқы архар — меринос гүштдор — сержүн зот құчқор.

вилояти ва Ставропол ўлкаснинг қурғоқчил туманла-рида күпайтырылади (36-расм).

Меринос құйлардан сифатлы жун олинади. Құчқор-ларидан ўртача 10—12 кг, совлиқларидан 5—6 кг атро-фида жун қирқиб олинади. Жуннининг ұзунлиги сержун-гүштдор типида 7—8,5 см, сержүн типида 8—10 см ва 64—70% и сифат талабига жавоб беради. Жун чиқиши 36—40%.

Құчқорларининг шохи яхши ривожланган, совлиқ-ларида шох бұлмайды. Ҳар 100 бөш совлиқдан 110—130 та құзы олинади, баъзан бу күрсаткыч 150 тағача етиши мүмкін. Құчқорларининг тирик вазни 75—85 кг, совлиқлариники 45—55 кг (баъзан 60 кг), гүшт чиқиши гүштдор-сержүн типида 45—48% ни ташкил этади.

Кавказ зоти. Совлиқларининг тирик вазни ўртача 46—55 кг, құчқорлариники 90—100 кг келади. Құчқор-ларидан 10—11 кг, совлиқларидан 6—7 кг жун қирқиб олинади. Жунға сифатига күра, 64 даражага түғри келади. Ұзунлиғи 7—8 см, жун чиқиши 40—42%. Ҳар 100 бөш совлиқдан 130—140 та құзы олинади. Бу зот Став-ропол ўлкасида, Ростоз вилоятида. Сибирда ва Қозо-ғистоннинг айрим хұжаликларида күнаптирылади.

Олтой зоти. Құчқорларининг вазни 90—110 кг бү-либ, 9—10 кг жун олинади. Совлиқларининг вазни 50—

60 кг, жуни 5—6 кг, жунининг узунлиги 7—8 см ва 64 сифат даражасига жавоб беради. Жун чиқиши 40—42 фоиз. Ҳар 100 биш совлиқдан 120—130 та ва ҳатто 160 тагача қўзи олиниди. Бу зот кўпроқ Сибир, Урал ва Шимолий Қозогистон туманларида боқилади.

Қозоқи архар-меринос зоти. Бу зот тоғ шаронтида яшашга мослашган дунёда ягона зот ҳисобланади. Қўчқорлари 100—110 кг, совлиқлари 60—65 кг. Қўчқорлари 7—8 кг, совлиқлари 3,5—4,5 кг жун беради. Жунининг узунлиги 7—8 см, сифати 64—70 даражага тўғри келади. Жун чиқиши 50—55 фоиз. Ҳар 100 биш совлиқдан 130—140 та қўзи олиниди. Бу зот асосан Шарқий Қозогистон ва Олмтаста вилояти хўжаликларида боқилади.


Ярим майин жунли қўй зотлари. Цигай зоти. Бу зот қурғоқчил туманларда яшашга мослашган. Қўчқорлари 80—90 кг, совлиқлари 45—55 кг келади. Қўчқорлари 5—6 кг, совлиқлари 3,5—4 кг жун беради. Жун чиқиши 55—60% ва сифат даражаси 45—46 га тўғри келади. Ҳар 100 биш совлиғидан 120—130 та қўзи олиниди. Бу зот Молдова, Қрим, Жанубий Украина, Ростов, Саратов, Краснодар ва Қозогистон туманларида кўпайтирилади.

Ярим майин жунли гўштдор-сержун қўй зотлари. Линкольн, ромни-марш ва шимолий кавказ зоти шу йўналишга мансубдир.


Линкольн зоти. Қўчқорлари 120—160 кг, совлиқлари 80—90 кг келади. Англиядаги жўргазмада 300 кг ли қўчқор намойиш этилган. Қўчқорлари 8—10 кг, совлиқлари 5—6 жун беради. Жунининг узунлиги 25—30 см, баъзан 40 см га етади. У ипаксимон ялтироқ. Жун чиқиши 55—65%, сифат даражаси 36—44 га тўғри келади. Бу зот асосан Воронеж, Москва ва бошқа вилоятларда кўпайтирилайди.

Ярим дағал жунли қўй зотлари. Бу йўналишга асосан иккита зот, яъни саража ва тоҷик зоти киради (37- расм).

Саража зоти. Бу зот думбални қўйлар гуруҳига киради. У Туркманистонда тантлаш ва саралаш йўли билан яратилган. Жуни ҳар хил толалар (тивит, оралик ва дағал) дан ташкил топган. Бу зотнинг жунидан ниҳоят ноёб, чидамли ва қимматбаҳо гиламлар тўқилади. Ўларнинг жун 10—17 см, қўчқорлари 5—7 кг, совлиқлари 3—4 кг жун беради. Қўчқорларининг вазни 70—80 кг, сөвлиқларинки 55—60 кг атрофида.



37-расм. Ярим дагал жунли саража зэт қўчкор.



38-расм. Дагат жунли қоракўл зот совлиқ.

Тожик зоти. Бу зот Тожикистандан яратилган. Жуни гилам саноати учун керакли хомашё ҳисобланади. Бу зот Ўзбекистоннинг айрим төғ олди туманларида ҳам боқиласди. Сўнгги йилларда бу зот Оҳангарон тумани хўжаликларида жадал усулда кўпайтирилмоқда.


Дагал жунли қўй зотлари. Дагал жунли қўйларининг

жуни бир хил бўлмай, унинг таркибида дағал толалар кўп бўлади. Лекин саноат учун дағал жун ҳам зарур хомашё ҳисобланади. Дағал жуни қўйларнинг жуни уларнинг қўшимча маҳсулоти ҳисобланади (38-расм). Дағал жуни қўйларнинг энг аҳамиятлилари уч хил йўналишда бўлади: 1) мўйнабол қўйлар; 2) пўстинбоп қўйлар; 3) гўштдор-серёғ қўйлар.

Мўйнабон қўйлар. Мўйнабон қўйларнинг асосий маҳсулоти уларнинг қўзисидан олинадиган ранг-баранг мўйна (тери) сидир. Қолган маҳсулоти (гўшти, ёғи, жуни ва ҳоказолар) иккинчи даражали аҳамиятга эга. Бу йўналишнинг асосий зотлари: қоракўл, соколский ва решетилов кабилардир.

Қоракўл қўйлар. Бу қўйлар мўйна (тери) олинадиган дунёга машҳур энг муҳим қўйлардир. Туркманистонда олиб борилган археологик кузатишлардан маълум бўлнинча, эрамиздан 1500 йил аввал ҳам жуни жингалак бўлган қўйлар боқилган.

XVII асрда қоракўл қўйлар ҳозирги Бухоро вилоятида ҳам кўплаб боқилган. Улар узун серёғ думли қўйлар туруҳига мансуб бўлиб, сувсизликка ва чўл шароитига чидамили бўлади. Бинобарин, бундай қўйлар асосан чўл зоналарида боқилади ва чўлда оқар сувлар



39-расм. Қора жигити қоракўл сот қўзи.

бўлмаганлиги сабабли асосан турли чуқурликдаги қудаклардан чиқариладиган сув билан суборилади.

Қоракўл қўйларнинг боши бир оз чўзиқ, қулоқлари осилиб турди, қўчкорлари шохли, совлиқлари шохсиз бўлади. Жунининг узунлиги 8—9 см. Баҳорги ва кузги жун қиркимида ҳар бир қўйдан ўртacha 2.5—4 кг дан жун олинади. Қўчкорларининг тирик вазни 65—80 кг, совлиқлариники 45—50 кг атрофида. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 та қўзи олинади. Қўзилари сўйини учун тонширилган совлиқлардан ўртacha 35—50 кг атрофида сут соғиб олинади. Қоракўл қўйлар асосан мустаҳкам, қўпол ва нозик конституцияга эга. Қоракўл қўйларнинг 90 фоизини териси қора бўлса (39-расм), 8—10% куранг ва сур ҳамда бошқа рангда бўлади.

Сур терилар юқори даражада баҳоланади (40-расм). Улар жунининг учки қисми очроқ бўлган ҳолда пастки қисми тўқ рангда бўлади. Ҳозирги вақтда қоракўлчилик асосан Узбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда яхши ривожланган. Қозғистонда яйловлар кўплиги туфайли кейинги йилларда жанубий туманиларда бу соҳа жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Қозғистонда қоракўл қўйларнинг янги зотларини яратиш, мавжудларини яхшилаш мақсадида кўнгина ишлар амалга оширилмоқда.



40-расм. Сур тусли қоракўл қўзиси.


Гүштдор-серёғ зот қўйлар. Бу зот қўйлар йирик, мустаҳкам тузилишга ога бўлиб, йирик думбали, асосан яйловларда боқишга мослашган. Уларнинг жуни дағал, кўп миқдорда ўлик ва қуруқ жун толаларин учрайди. Шунинг учун ҳам уларнинг жунидан кигиз, намат, шолча кабилар тайёрланади. Бу йўналишга мансуб бўлган асосий зотлар: ҳисор, жайдари ва эдильбой қўйлардир.

Ҳисор зоти. Ҳисор зоти асосан Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларида кўпайтирилади. Бу зот гўштдор-серёғ зот қўйлар ичидаги энг йириги ҳисобланади. Бинобарин, қўчқорларининг тирик вазни 100—130 кг, совлиқлариниң 80—90 кг атрофида бўлади. Бу қўйларнинг танаси узун, бўртиб чиққан, қулоқлари осилган бўлади. Оёқлари узун ва пишиқ, думбаси 26—25 кг, ҳатто 40 кг ва ундан ҳам кўпроқ келади.

Жунининг ранги тўқ сариқ, қора ва жигар ранг. Ҳамма вакилида шоҳ бўлмайди. Икки қирқимнинг ҳар биринда 1,2—2 кг дан жун олинади. Серпуштлик хусусияти яхши ризожланган. Қўзилари бўйлик бўлганида вазни 60—65 кг га етади. Гўшт чиқиши 48—56%. Гўшти жуда мазали (41- расм).



41-расм. Гўштдор — серёғ ҳисор зот қўчқор.



42-расм. Гүшт ёғ йўналишидаги жайдари зот наслдор
қўчкор

Жайдари қўйлар. Жайдари қўйлар Ўзбекистоннинг кўп туманларида учрайди. Улар ҳам, думбални қўйлар хисобланиб, қўчкорлари 80—90 кг, совлиқлари 60—70 кг келади. Ҳар галги қўрқимда 1,6—2 кг, айрим ҳолларда 2,5 кг гача жун беради. Гүштининг сифати яхши ва чиқиши ўртacha 50—52% атрофида. Жайдари қўйлар анча чидамли бўлганилиги учун кўплаб хонадонларда боқилади ва кўпайтирилади. Улар асосан, Самарқанд ва Жиззах вилояти хўжаликларида боқилади (42-расм).

Эёильбой зоти. Бу зот XIX асрда Фарбий Қозоғистонда яратилган. Гүштдорлиги ва серёғлиги жиҳатидан фақат ҳисор қўйларидан кейинда туради. Қўчкорларининг тирик вазни 100—105 кг, совлиқлариники 75 кг, айрим ҳолларда 80 кг келади. Энг йирик қўчкорлари 150—160 кг, совлиқлари 115 кг гача бўлини аниқланган. Қўзилари 4 ойлигига 40—42 кг келади. Ранги асосан сариқ ва қизил, камроқ кора бўлади. Қўчкорларидан 3—3,5 кг (5 кг гача), совлиқлардан 2,3—2,6 кг жун қирқиб олинади. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 та (баъзан 125 тагача) қўзи олинади. Бу зот асосан Қозоғистоннинг фарбий туманларида кўпайтирилади (43-расм).



43-расм. Гўшт ёг йўналинида и здильбой зот насладр қўчқор.

Қўйларни урчишиш ва қўпайтириш

Қўзилар 5—6 ойлик бўлганда жинсий жиҳатдан етилади, лекин уларни эрта қочириш ижобий натижка бермайди. Бунда уларнинг ривожланиши чекланиб қолади, насли тубанлашади. Қўзилар 4 ойлик бўлганида онасидан ва эркаклари ургочиларидан ажратилиди. Қўчқорлар ва совлиқлар 1,5 ёшлигига урчишишга қўйилса, яхши нагижа беради, баҳорда туғилган қўзиларни келгуси йилнинг кузила қочириш мумкни. Айрим ҳолларда тез етилувчан қўйиларни 9—10 ойлигига, яъни вазни тахминан 45 кг га етганда қочирса бўлади.

Совлиқларни қочириш. Совлиқларни қочиришида уларнинг физиологик ҳолатига эътибор берилади. Совлиқларда куюкини асосан 24 соат, камроқ 48—72 соат давом этади. Агар улар шу вақтда қочирилса, яна орадан 16—18 кун ўтгач қайта куюкади. Совлиқларда куюкини мавсуми бўлиб, кўпинча у кузда ёппасига содир бўлади. Бундан ташқари, ҳавонинг ҳарорати ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ҳаво салқин бўлса, совлиқлар август ойининг охирига бориб ёппасига куюкади. Ҳаво иссиқ ёки аксинича совуқ бўлса, улар кеч куюкади ёки айримларигина вақтида куюкади.

Қўйларнинг бўғозлик даври 5 ой, асосан 152 кун давом этади. Бинобарни, Ўзбекистоннинг жанубий туманла-

рида март ойининг бошлари қўйлар қўзилаши учун энг яхни вақт ҳисобланса, шимолий туманларда март ойининг ўрталари маъқул кўрилади. Шунинг учун жанубий туманларда думбали ва қоракўл қўйлар октябрнинг бошларнда қочирилса, шимолий туманларда октябрнинг ўрталарида қочирилади.

Ўзбекистоннинг айрим хўжаликларида кейинги йилларда қўйларни барвақт (февраль ойида) қўзилатни усулидан фойдаланилмоқда. Бинобарни, ёш қўзиларни асраш ва боқиши имкони бўлган хўжаликларда бу усул анча ижобий натижа беради. Бунда яйловда ўт-ўлан ўсгуна қўзилар анча тетик ва бақувват бўлиб қолади. Бинобарин, улардан кўпроқ жун ва бошқа маҳсулот олини имкони вужудга келади.

Қочириш усуллари. Совлиқларни қочиришда икки хил, яъни сунъий ва табиий усулдан фойдаланилади.

Сунъий қочириш (уруглантириш) истиқболли усул ҳисобланади. Бунда бир мавсумда бир бош қўчқор уруғи билан 300—500 та, айрим ҳолларда 5—6 минг совлиқ қочирилади. Бу хўжаликка, биринчидан, катта иқтисадий фойда келтираса (қўчқорларни камайтириш ҳисобига), иккинчидан, ирсий хусусияти ва маҳсулдорлиги юқори бўлган асл қўчқорлардан кўп миқдорда сифатли қўзи олинади. Совлиқлар маҳсус сунъий қочириш пунктларнда уруглантирилади. Қочирилган совлиқлар подасига икки қундан кейин яна синовчи қўчқор қўйилади. Бунда қайтадан куюккан созлиқлар аниқланса, уларни қўшимча сунъий қочиришга қўйилади. Хозирги вақтда республикамизда қўйларнинг деярли 70% иш усулда қочирилади.

Табиий усул яна икки қисмга — эркин ва қўлда қочириш усулига бўлниади. Қайси қочириш усулидан фойдаланини — хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишини, наслчиллик ниларига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Эркин қочириш. Бу усул баъзан подада қочириш деб юритилади. Бунда подадаги ҳар 20—25 бош совлиқ учун битта қўчқор режалаштирилган ҳолда 40—45 кун мобайнинда улар бирга бўлади. Бунда қайси совлиқ қайси қўчқордан қочганлиги номаълум бўлади. Бундан ташқари, совлиқларни қочириш учун кўп қўчқор талаб этилади. Шунинг учун бу усулдан кам фойдаланилади.

Қўлда қочириш. Бунда куюккан совлиқлар, синовчи қўчқорлар ёрдамида танланади ва маҳсус жойда улар-

ни қочириш учун наслдор құчқор қўйилади, маҳсус журналга унинг қулоқ исирғаси номери, лақаби ва қочирилган күни ёзиб қўйилади. Бу усули қўллаган вақтда ҳар бир қўзининг зоти ва қачон туғилниши аниқ бўлади. Бунда I қўчқор билан 90—100 бош совлиқни қочириш режалаштирилади.

Қўйларни қўзилатиш ва уларни боқиши. Хўжаликнинг шаронтига кўра, қўйлар қишида ва эрта баҳорда қўзилтайди. Бундан қатъи назар, бўғоз совлиқларни орнеклаб кетишига йўл қўймаслик керак, аksе ҳолда қўзилатишда юқори кўрсаткичларга эришиб бўлмайди.

Кишики қўзилатишни ишвар—феврал ойларига тўғри келади. Бунинг учун совлиқлар сентябр ва октябр ойларида қочириллади. Бунда совлиқларнинг сориштлиги 20—25% та ортиши аниқланган. Қишида туғилган қўзилар кузга бориб анча йирик, улардан олинадиган гўшт ва жун миқдори баҳорда туғилган қўзиларникига ишбатан кўпроқ бўлади.

Баҳореги қўзилатишни усули иессиқ қўйхонаси ва қўзихоналари бўлмаган, ем-хашак билан кам таъминланган хўжаликларда қўлланади. Бунда қўзиларнинг туғилиши кунининг илиши ва яйловларда ўт ўса бошлишига тўғри келади. Лекин қўзилар яйловда 1,5—2 ой бўлиб, ўсимликлардан яхши фойдаланиш вақти келганда, ўт қурй бонилайди, ва қовжириб кетади, бунинг натижасида улар сенки ўсиб ривожланади.

Қўйларни боқиши

Қўйлар зотига, маҳсулот йўналинишига ва боқиладиган туман ва зоналарнинг табиий шаронтига кўра турли усулда боқилади. Қўйлар бошқа чорва молларига қарагандай яйловлардан яхши фойдаланади, бинобарин, Ўзбекистон шаронтида қўйлар табиий ўтзорда боқилади. Бунда яйловларнинг ҳосилдорлиги ва қўйлар учун турли лилдаги сифатли ўтлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Думбални ва сержун қўйлар асосан республикамизнинг шарқий қисмида, кўпроқ тоғ этакларига жойлашган яйловларда боқилса, қорақўл қўйлар ғарбий туманларда, асосан, чўл (саҳро) ва чала чўл зоналарда боқилади.

Думбални ва сержун қўйларни боқиши. Бу қўйлар ёзда тоғ яйловларида, баҳорда тоғ этакларидаги эфемерлар

үсадыған ўтлоқларда боқилади. Уларни боқищда секин-аста бир яйловдан иккинчи яйловга олиб ўтилади. Ѓазнинг иссиқ кунлари бу қўйлар учун маҳсус шароит яратилади, чунки улар қоракўл қўйларга қараганда иссиқ-қа ва сувсизликка чидамсиз бўлади.

Кузда қўйлар тогдан тоғ этакларига, аҳоли яшайдиган зоналар яқинига ҳайдаб келинади ва шу ергаги бегона ўтлар ҳамда ҳосили йиғишириб олинган экинзорларда боқилади. Қиши ойлари улар қисман бўлсада, ўти сақланиб қолган тоғ этакларидағи яйловларда боқилади. Яйлов ҳосилдорлиги паст бўлган маҳалларда уларга қўлдан қўшимча озиқ берилади. Думбали қўйлар айрим ҳолларда думбасидаги запас ёғ ҳисобига яшаши мумкин, бинобарин, баҳорга бориб, уларнинг думбаси анча кичрайиб қолади.

Лекин сержун қўйларда бундай хусусият бўлмайди, бинобарин, улар оч қолиши ёки тўйинб озиқланмаслиги натижасида тез ориқлаб кетади, жуннининг сифати ва миқдори пасайиб кетади. Шунинг учун уларни етарли миқдорда пичан, хашак ва ем, имкони бўлган хўжаликларда сенаж ва силос билан таъминлаб туриш лозим.

Қоракўл қўйларни боқиши. Қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда боқилади. Фақат қалин қор ва кучли ёмғир ёққанда улар қўйхоналарда сақланиши мумкин. Қоракўл қўйлар учун қиши ва ёз ойлари қисман ноқулай ҳисобланади, чунки бу вақтда яйловдан фойдаланиш анча қийинлашади. Лекин баҳор ва куз ойлари бирмунча қулай бўлади. Чунки баҳорда ўт кўп ва серсув бўлса, куз ойларида ёғингарчилик туфайли қовжираб ётган ўтлар анча юмшайди ва қўйларнинг озиқланиши учун қулай дараражага келади. Бундан ташқари, ўтларнинг дони (уруфи) этилади ва тўйимлилиги ортади. Қўйларнинг яхши семириши учун уларга истаганича ош тузи берилади ва ҳар куни суғориб турилади. Ёз кунлари уларни суткасига икки марта суғориш керак. Лекин қиши кунлари, ерада қор бўлганида, уларни кунора суғориш мумкин. Қишининг қорли кунларида қўйларни ўтлари баланд бўйли яйловларда боқиши талаб этилади, чунки майда, паст бўйли ўтлар бор остида қолиб кетади ва баланд ўтлар қўйлар учун асосий озиқ манбай бўлиб қолади. Бунда, айниқса, уруғли шувоқ, уруғли янтоқ, саксовул (қум саҳролар шароитида), шўрак ва бошқаларнинг бўлиши қўйларнинг яхши семиришини таъминлайди. Лекин шунга қарамасдан, қиши ойларида қўй-

ларга етарли миқдорда ем, пичан ва турли хашак бериб туриш лозим. Бундай тағбирлар март ойи бошланып ерда етарли миқдорда күк майса ўсіб чиққуни гача давом этгірілади. Подадаги ориқлаб заифлашиб қолган құйларга құшымча ем ва пичан бериб турилади.

Ез ва күзнинг бошларидан құйларни кундузги иссиқдан сақлаш мақсадида әрталаб, кечқурун ва кечаси үтлатын тавсия этилади. Кундузи шабада әсіб туралын жойларда дам олдирилади. Лекин бу усууллардан унумлы фойдаланинша ҳар бир зона ва туманинг табиий шаронти хисобга олинини лозим.

Құйларни озиқлантириш. Құйлардан олинадиган маңсулот түрларининг миқдори ва сифати уларни озиқлантириш тағбирашы билан чамбарчас боғлиқдир.

Бүгоз совлиқларни озиқлантиришда уларга бериладиген ем-хашакнинг сифати ва түйнмилігі серпуштегінни оныннан, семизлик ҳолатини сақлашға ва маңсулорлығыннан камайып кетмағаннан қаралылған бүлшін лозим. Жүн фолиокулалары әмбрион 3 ойлығында вужудға кела бошлышини хисобға олған ҳолда бүгоз совлиқларға бериладиган рацион күчайтирилиши керак. Акес ҳолда құзилар нимжон, сийрак жунли ва майда бўлнб туғилади.

Күй әмбрионни дастлабки бир ой ичида жуда суст ривожланади ва атиғи 0,8 г га түғри келади. Орадан 90 күн үтгач, в 90 г, 120 күнлигіда 290 г туғилиши арафасида 4700 г келади. Бинобарин, вазнининг түртдин уч кисми бүгозлик давриннан сүнгі учинчи даврига түғри келади. Шунинг учун совлиқлар бүгозлик давриннан иккинчи ярмуга үтиши билан ем-хашакка бўлган талаби ортади. Ана шуну хисобға олған ҳолда уларни озиқ мөддаларға бўлган талаби ва бўгозлик даври, вазни ва маңсулотига кўра рацион меъёrlари белгиланади.

Агар яйлов ҳосилдорлығи юқори бўлса, құйларга қўлдан құшымча озиқ берни талаб этилмайди, лекин бунда факат минерал қўнимчалар берниш билан чекланилади. Кин ойларидан құйлар қўлда боқиласа, рационнинг 20—25% и пичан, 10% и сомоц, 30—50% сенаж ва силос ҳамда 15—20% и ем озиқлардан ташкил топған бўлиши керак. Лекин имконият борича бўгоз совлиқларға сенаж ва силосни камроқ беришни, улар ўрнига ем ва пичанни кўпайтириш маъқул кўрилади. Чунки у

овқат ҳазм қилиш органларига баъзан салбий таъсир этиши мүмкні.

Эмизиқли совлиқларни озиқлантиришда уларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини ҳисобга олиш керак. Чунки 1 кг сут ҳосил бўлиши учун рационда қўшимча 1 кг қуруқ модда бўлиши керак. Қўзилар эмадиган даврда жадал ўсади ва ривожлаши. Бинобарин, совлиқларнинг сут маҳсулоти қанча кўп бўлса, қўзилар шунча жадал ўсиб семиради. Эмизиқли совлиқларни озиқлантиришда уларнинг маҳсулот йўналиши, вазни, қўзиларининг есни ва физиологик ҳолатини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Турли хил дағал ва серсув озиқлар билан бир каторда суткасига 300—500 г дан ем бериш керак. Рационда пичан ўртacha 30—40%, сенаж ва силос 20—25% атрофида бўлиши мумкин.

Қўзиларни озиқлантиришда уларнинг жинси, ёши ва маҳсулот йўналиши ҳисобга олинади. Масалан, икки ҳафталик қўзиларга ўртacha 30—50 г дан, 4 ойликка етганда 250—400 г дан ем берилади. 2—3 ҳафталигидан улар серсув озиқ, илдизмева ва личан ейишга ўргатилади. Бунда ем ёрма ҳолида берилади. Илдизмевалар тўғраб едирилади. Рационга қўшимча равишда бўр, суюк уни, ош тузи киритилиши лозим. Бунда ҳар 1 кг вазни ҳисобига 25—30 г дан минерал қўшимчалар бўлиши етарли ҳисобланади.

Совлиқлардан ажратилган қўзилар гурӯхларга бўлиб яйловда ёки атрофи ўралган маҳсус қўраларда боқилади. Уларга қўшимча ем бериш маҳсулдорлигини ошириши имконини беради. Қўзилар кўпчилик хўжаликларда яйловда кеч кузгача боқилади. Лекин уларни кечаси музлаган ва кундузи эриган ўт билан боқин ярамайди. Чунки бундай ўт ошқозон фаолиятини бузади ва қўзилар иҷетар касаллигига учрайди.

Қўзилар лагер шароитида қўтонларда боқилганда уларга суткасига 150—200 г ем, сифатли беда пичани, силос ва сенаж бериш керак. Шунингдек, уларни тоза илиқ сув билан сугориш керак бўлади.

Кўйларни лагерда озиқлантириш. Бунда қўйхоналар ёнидан кенг, атрофи ўралган, улар яйраши учун мослаштирилган маҳсус майдонлар ажратилади. Уларнинг ҳамма вақт очиқ хавода бўлиши соғлигига ижобий таъсир кўрсатди, иштаҳа билан озиқланади. Майдон ичида 5 м узунликдаги кўчма охурлар бўлиши мақсадига мувофиқдир. Лекин кучли қор ва ёмғир ёқканда

қўйлар хоналарда озиқлантириллади. Бунда суткасига икки марта ем-хашак бериш етарли ҳисобланади. Сув ҳам суткасига икки марта берилади.

Қўйларни гўштга боқиш

Одатда, қўйлар икки хил усулда -- яйловда ва қўлда боқилади.

Қўйларни яйловда боқиш энг арzonга тушадиган ва кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бунда уларнинг вазни 25—40% гача ортади, гўшт ва ёғининг сифати яхши бўлади. Ёнiga кўра брак қилинган қоракўл қўйлар, насл олини учун яроқсиз қўчқорлар ва асосан думбали эркак қўзиллар гўштга боқиши учун ажратилади ва улардан ёни, жинси, физиологик ҳолатига қараб пода тузилади.

Агар брак қилинган қўйлар эрта баҳордан яйловда боқиласа, улар яхши семиради ва қўлда қўшимча ем-хашик беришга эҳтиёж қолмайди. Лекин, гўштга боқиладиган даврда уларни кунига узоқ масофага ҳарарат қилдириши ярамайди. Чунки бу уларнинг семиришинга салбий таъсир кўрсатади.

Қўйлар яйловда боқилганда уларга вақт-вақти билан ош тузи ва минерал қўнимчалар бериб туриш семиришини жадаллаштиради. Думбали қўйларни яйловда боқиши кўп миқдорда гўшт ва ёғе стиштириши имконини беради.

Қўйларни қўлда боқиш маҳсулот танинхини бир оз қимматлашиб кетишига сабаб бўлиши билан бирга, қўйлар қисқа вақт ичидаги яхши семиради. Бунда қўйлардан қандай маҳсулот олининидан қатъи назар, улар ориқ-семизлаги, ёни ва жинсига кўра 60—90 кун атрофида боқилади. Суткалик семириши 100—120 г бўлиши таъминланади. Бунинг учун улар асосан, кучли ва тўйимли озиқлар (омихта ем, кунжара, майда кунжара, шулха ва сифатли беда пичани) билан боқилади. Бу усулда боқилган қўйлар қисқа вақт ичидаги тез семиради.

Қўйларни бўрдоқига боқиш яхши ташкил этилган илтор хўжаликларда уларнинг суткалик семиришини 250—280 г га оширишга эришилмоқда ва кўплаб сифатли қўй гўшти стказиб бериш борасида кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Жун қирқими қўйчиликда энг масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки жуннинг сифати ва миқдори маълум

даражада уни қандай ташкил қылиб ўтказилишига бөрлиқ. Қўйларнинг жуни маҳсулот йўналишига қараб йилига бир ёки икки марта қирқиб олинади. Масалан, майин ва ярим майин жунли қўйларнинг жуни бир марта, дағал ва ярим дағал жунли қўйларнинг жуни икки марта қирқилади. Қўйлар жуни илгарилари асосан қўлда қирқиб олинар эди, ҳозирги вақтда машинкада олинмоқда. Ўзбекистонда қўйлар жуни баҳорда — апрель ойида, кузда — сентябр ва октябр ойларида қирқилади. Бунда об-ҳаво шаронитини ҳисобга олиш керак бўлади.

ЭЧКИЧИЛИК

Эчкичилик ҳам чорвачилукнинг сердаромад ва серпушт тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ, халқ хўжалиги учун қимматли тивит, гўшт, тери ва сут маҳсулоти етишириб беради. Эчкилардан олинадиган тивит нозиклиги (диаметри 14—29 микрон), майнлиги, енгил ва вашиқлиги ҳамда чидамлилиги билан бошқа турдаги тивитлардан устун туради. Бундай тивит асосан **ангор зот** ва **бошқа сержун** эчкилардан олинади. Улар тивитининг узунлиги 9—12 см, айрим ҳолларда 20—25 см га етади. Улардан қимматбаҳо рўмол, трикотаж кийимлар, гилам ва ҳоказолар тайёрланади. Эчки терисидан камар, ҳар хил галантерея анжомлари ва оёқ кийим тайёрланади. 1,5—3 ҳафталик эчки болаларининг мўйинасидан ҳар хил кийим бош тикилади.

Эчки сути ҳам севиб истеъмол қилинади. Сути таркибида 87,2% сув ва 12,8% қуруқ моддалар бўлади. Жумладан, 2,8% казеин, 0,5% альбумин, 4,5% ёғ, 4,2% сут шакари ва 0,8% минерал моддалар бўлади. Сутининг солинирима оғирлиги 1.033 га teng. Ўнинг таркибида фосфор ва кальций ҳам кўп бўлади. Эчки сути айниқса ёш болалар ва ошқозон касалига чалинган кишилар учун шифобаҳаш яхимлик ҳисобланади.

Эчки гўшти сифатига кўра қўй гўштига яқин туради, тўйимлилиги бўйича унга тенг келади. Гўштга боқилган эчкилар 20—28 кг гўшт ва 4—6 кг ёғ қиласди. Ахта қилинган такаларнинг гўшт чиқиши 50—55% га боради. Эчки шохидан турли безакли буюмлар, түёғидан елим тайёрланади.

Сўнгги статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 380 млн бош эчки боқилади. Шундан

54%, и Осиё мамлакатларида, 29% и Африкада ба қолгани Европада, Америка, Хиндистан ва Хитойда боқилади. 1990 йилда Россия ва МДҲ да 6,3 млн атрофида эчки боқилиши аниқланган. Уларнинг 48% Россия вилоят ва ўлкаларида, 11 фоизи Қозогистон вилоят туманларида, қолгани Марказий Осиё давлатларида боқилади.

Эчкilarнинг сертивит зоти катта аҳамиятга эга. Бу зот асосан Волгоград, Оренбург, Ростов вилоятларида, шунингдек Бониқирдистонда, Бурятия, Кирғизистон, Қозогистонда, Воронеж, Пенза, Челябинск, Чита ҳамда Иркутск вилоятларида учрчилади.

Маҳсулот йўналиши. Эчкilar асосий маҳсулотига кўра: *серсугт, сержун, сертивит ва дагал жунли кўши маҳсулдор* бўлади. Серсугт эчки зотлари (горький магрел ва рус зоти) собиқ Россия ва МДҲ да кенг тарқалган. Улар бир лактация давомида ёғлилиги 3,5—4% бўлган 450—550 кг, айрим рекордчилари 1000 кг гача сут беради.

Дагал жунли сержун эчки такасининг тирик вазни 55—60 кг атрофида бўлади ва 2—2,5 кг жун беради. Урғочиларнинг вазни 35—45 кг ва жун миқдори 1—1,5 кг атрофида бўлади. Улар ташқи муҳит шароитига анча чидамли бўлади.

Сержун ва сертивит эчкilar кўплаб турли минтақалarda боқилади. Сержун эчklar Тоҷикистон, Туркманистон, Қозогистон ва Ўзбекистоннинг Поп туманида боқилади. Бу ерда асосан ангор зот эчkilar боқилиб, уларнинг такалари 36 кг вазнга эга, йилига узунлиги 32 см келадиган 6 кг жун берса, урғочилари 32 кг вазни, у шу узунликдаги жуни 3 кг келади.

Сертивит эчkilar кўпроқ Дон ҳавзаси ва Оренбург вилояти хўжаликларида боқилади. Ҳар бир эчкидан эртэ баҳорда 400—600 г тивит тараф олинади. Ҳозир сертивит эчkilarni республикамиз шароитида кўпайтириш ва жайдари эчkilar билан қочириш ишлари олиб борилмоқда.

Эчkilarнинг серпуштилиги зотига кўра турлича бўлади. Умуман, ўртacha ҳар 100 бош урғочи эчкига 145—150 та улоқ тўғри келади.

Ҳозирги вақтда эчkilar асосан меҳнаткашларининг якка хўжаликларида, уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун боқилади ва бу кўрсаткич қарийб 80% ни ташкил этади.

Республикамизнинг барча минтақа ва вилоятларида, айниңса тоғ, ҳамда тоғ яқинидаги хўжаликларда эчкичиликни ташкил этиш ва жадал усулда ривожлантириш катта халқ хўжалик аҳамиятига эга.

Яқин йиллар ичидаги бундай мухим тадбирларни амалга ошириши масалалари республика Қишлоқ хўжалик вазирлигига ва бу соҳага онд масъул ташкилотлар ҳамда олимлар томонидан бажарилади деган умидни билдириши мумкин.

Амалий изшуклор

Қоракўл териларни сифатига кўра баҳолаш

Машғулотдан мақсад. Қоракўл териларниңг сифат белгиларини ва барча хусусиятларини ўрганиш ва ма-лақа ҳосил қилиш.

Машғулотниңг мазмуни ва уни ўтказиш. Қоракўл тери деганда, шу зотга онд қўйлар қўзисини 1—3 кунлигидаги териси тушунилади. Уннинг сифати асосан ранги, гулларининг шакли, ялтироқлиги, терисининг қалинлиги ва сатҳи билан белгиланади.

Хўжаликларда етиштирилайдиган териларниңг деярли 90% и қора рангли бўлиб, уларни *араби* номи билан юритилади. Тимқора рангли терилар, қора-ола ёки қисман қўнғир рангли териларга нисбатан юқори баҳоланади. Қора-ола ва қўнғир рангли терилар завод шароитида қорага бўялади ва бир хил рангга эга бўлади.

Жигарранг терилар қамбар номи билан юритилади. Улар оч жигарранг ва тўқ жигарранг бўлиши мумкин.

Кулранг терилар ширози деб аталади. Улар оқ ва қора жунлар аралашмасидан иборат бўлади. Булар оч кулранг, ўртача кулранг ва тўқ кулранг бўлиши мумкин. Умуман, кулранг терилар ўртача 9% ни ташкил қиласади.

Қоракўл терилар орасида сур деб аталувчи терилар бирмунча юқори баҳоланади. Улардаги жун толаларининг устки қисми (рангидан катъи назар) оч ва остки қисми тўқ рангда бўлади. Масалан, тўқ жигарранг терилар жун қисмининг учкни бўлаги, оч тилларараг бўлганлиги учун тилларараг сур деб аталади. Кулранг бўлса, у кумушранг сур деб юритилади. Шунингдек, тутун рангли терилар ҳам учрайди. Улар оч жигарранг жунлар билан оқ жунлар аралашмасидан вужудга келади.

Тери юзасидаги гуллар ҳам ҳар хил бўлади.

Улар орасида қалами гулли навлар юқори баҳоланади. Уларнинг узунлиги 40 мм ва кўпроқ бўлиши мумкин. Агар улар 12 мм дан қисқа бўлса иўхат гулли ёки бўб деб юритилади. Шунингдек, ҳалқасимон, ярим ҳалқа, шиторсизмон, ётиқ-ясси жунли гуллар ҳам учрайди. Лекин, улар паст даражада баҳоланади.

Қоракўл терилар катта-кичиклигига кўра нормал даражада, яъни 700 см^2 , баъзан ундан йирик ва майдалари ҳам учраб туради. Умумий сатҳи 350 см^2 дан кичик бўлган терилар брак ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қўйлардан қоракўлча ва голяк деб аталувчи терилар ҳам олинади. Масалан, қоракўлча бўғозлик даври 4,5 ой ёки 135 кунлик бўлган совлиқлардан олинади. «Қоракўлча» дунё бозорида ниҳоят юқори даражада баҳоланади. «Голяк» деб аталувчи терилар бўғозлик даври 3—4 ойлик бўлган совлиқлардан олинади. Уларнинг жун қавати ниҳоят калта ва шаклсиз бўлади. Шунингдек, улар жуда паст даражада баҳоланади.

IX б о б. ПАРРАНДАЧИЛИК

Паррандаларнинг ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти. Паррандачилик чорвачиликнинг сердаромад, серпушт ва тез етилувчан тармоғи ҳисобланади. У ҳалқимизга кўплаб сифатли парҳез таом — тухум ва парранда гўшти етказиб берниша катта аҳамиятга эга. Айнқса, товуқ, ўрдақ, ғоз ва куркачилик билан шуғулланувчи тармоқлари қишлоқ ҳўжалик паррандачилигининг асосий ва етуқ соҳаси ҳисобланади. Улардан қисқа вақт ичida кўп миқдорда мазали гўшт олинади. Парранда гўшти тез ҳазм бўлиши хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўштидан устун туради. Таркиби ҳам ҳар хил химиявий элементларга бой бўлади. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўштида 20% га яқин оқсил, 10—12% ёғ бўлади. Тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминалар комплекси кузатилади. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товуқ тухуми 0,8 кг мол гўштига тўғри келади. Тухум таркибида 85% га яқин сув бўлиб, қолгани соғ оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухумнинг саринқ моддасида 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсил бўлади.

Илғор ҳўжаликларнинг тажрибасига қараганда, ҳар

бош товуқдан йилига 240—260 дона тухум олинади ёки 160 кг гүшт етишириллади. Үрдакларнинг ҳар биридан эса 200 кг, куркалардан 400 кг ва ғозлардан 120—160 кг гүшт егишириш мумкинлиги аниқланган. Бундан ташқари, улардан енгил саноат учун пар ва пат етишириб берилади, гүнгиздан ўнит сифатида фойдаланилади. Ҳар бир паррандадан ўртача 50 г пар ва пат олинади.

Паррандаларнинг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Паррандачилик тез етиладиган, тез қўпаядиган ва семириши учун кам озиқ сарфланадиган чорвачилик тармоғи ҳисобланади. Масалан, товуқ жўжалари 5—6 ойлигидан бошлаб тухумга киради ва биринчи йилдаёқ 150—200 та тухум қиласди.

Гүшт учун боқиладиган товуқ жўжалари 55—60 кун ичидаги 1,5—1,8 кг семиради ва 1 кг семириши учун ўртача 2,6—2,8 кг озиқ бирлиги сарфланади. Үрдакларнинг вазни 50 кунлигига 2 кг га етиб бир йилда ҳар бош үрдакдан 100—150 донадан тухум олинади. Ғозлар 65—75 кунлигига 4—4,5 кг келади ва ҳар 1 кг семириши учун 4—4,5 озиқ бирлиги сарфланади. Ҳар бир ғознинг йил давомида берган наслли ҳисобига 70—75 кг ва куркалардан эса 200 кг гүшт етишириш мумкин. Уларнинг жўжалари 6 ойлигига 5—6 кг келади. Айримлари эса 8—9 кг ва ундан кўпроқ тортади.

Паррандаларнинг серпуштлиги уларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. У яна бир қанча омилларга ҳам боғлиқ. Масалан, паррандаларнинг тури, зоти, ёши, боқиш усуслари, йилнинг фасли ва индивидуал хусусиятлари шулар жумласига киради (25- жадвал).

Паррандаларнинг тухум маҳсулдорлиги қиши ойларида сусайди ва баҳорда эса яна жадаллашади. Қиши вақтида олинган тухум микдорини аниқлаш мақсадида 4 ой (ноябрдан феврал ойн давомида) мобайнида олинган тухумлар ҳисобланади.

Паррандаларнинг дастлабки тухум қилиш давригача ўтган вақтни физиологик етилувчаник даври деб юритилади.

Бу давр турли паррандаларда турлича бўлади. Масалан, тухум йўналишидаги товуқларда 120—150 кун, гўшт-тухум йўналишидаги товуқларда 150—180 кун, куркаларда 220—320 кун, гўшт-тухум йўналишидаги

Паррандаларнинг серпуштлигини ёшига қараб ўзгариши

Парранда турлори	Ёши . Бил ҳисобда					
	1	2	3	4	5	
Товуқлар	тухум йўналишида, ўртача, %	200 100	170 85,0	145 72,5	125 62,5	110 55,0
	гўшт- тухум йўналишида, ўртача, %	190 100	140 73,6	110 57,9	90 47,3	65 44,7
Ўрдаклар	ўртача, %	110 100	129 169	90 81,8	80 72,7	60 54,5
Ғозлар	ўртача, %	49 100	50 125	65 162	60 150	30 75
Куркалар	ўртача, %	80 100	85 106,3	75 93,7	60 75,0	30 37,5

ўрдакларда 200—260 кун, гўшт йўналишидаги ўрдакларда 280—330 кун ва ғозларда эса 250—330 кун давом этади.

Паррандаларнинг туллаш даврига қадар берган тухум миқдори тухум қилиш цикли деб аталади. Тухум қилиш циклини аниқлаш учун хўжаликларда маҳсус ҳисоб ишлари олиб борилади.

Паррандаларда тухумларнинг вазни уларнинг турига кура ҳар хил бўлади. Масалан, товуқ тухумлари 50—60 г, ўртак ва куркаларники 80—100 г, ғозларники эса 110—180 г (айрим ҳолларда 200 г) келади.

Паррандалар вазини уларни индивидуал ва гуруҳ қилиб тарозида тортиши йўли билан аниқланилади. Лекин тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигига, гўшт йўналишидэгилари эса асосий гурухга ўтказиш ёки гўшт чўчи сўйин вақтида текширилади.

Паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг кўйилоти кўрсаткичлари асосида аниқланилади: танасининг шаки (формаси), сорти ва сифати, танасидаги гўшт ва суюк миқдори, уларнинг ўзаро нисбати, гўшт учун сўйилган вазни ва ана шу даврга қадар бўлган ўснин тезлиги ва бошқалар.

Кўплаб сифатли парранда гўшти етиштиришда ихтинососташтирилган паррандачиллик фабрикалари ва

комплекслари салмоқли ўрин әгаллады. Бу борада бройлер жұжа гүшти етиштириш мұхим ақамиятга эга. Бройлер деб 55—65 күнлигига қадар жадал усулда боқиб вазни 1,5—1,8 кг га етган гүшт йұналишидаги ёки дурағай жұжаларга айтилади. Бунда уларнинг 1 кг семириши учун 2—2,5 кг оміхта ем сарфланади. Бройлер етиштириш технологияси тұғрисінде кейинроқ тұхтаб үтилади.

ПАРРАНДАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ


Паррандаларни маҳсулотига күра классификациялаш қабул қилинганды. Масалан, товуқларда асосий маҳсулот тухум ҳисобланади. Лекин товуқ гүшти, айниқса бройлер, ўзининг меваси, лаззатлилігі ва пархез таом булиш хұсусиятига күра көттә ақамиятга эга. Шунға күра товуқларни гурӯжларға бүлинінде уларнинг асосий маҳсулоти ҳисобға олинади. Масалан, тухум йұналишидаги товуқларнинг вазни 1,8—2,2 кг, ҳам тухум, ҳам гүшт йұналишидагиларники 2,5—3,5 кг ва гүшт йұналишидаги товуқларники 3,9 кг ва уидан күпроқ келади.

ПАРРАНДА ЗОТЛАРИ

Тухум йұналишидаги товуқ зотлари. *Леггорн зоти.* Бу тухум йұналишидаги серпүншт товуқ зоти бўлиб, АҚШда яратилган ва дунё бўйича энг кўп тарқалган. Кўп мамлакатлар (Англия, Данія, Германия ва бошқалар) ўз леггориларига эга. Бу зот Узбекистонда ҳам кўпайтирилади. Леггорилар Россияга АҚШ ва Англиядан келтирилган. Унинг дастлабки партияси Краснодар наслчиллик давлат хўжалигида, Пятигорск наслчиллик хўжалигида, Симферопольдаги «Красний» паррандачилик давлат хўжалигида ва Кучинский наслчиллик хўжалигида кўпайтирилган, сўнгра бошқа республика ва зоналарга тарқалган.

Леггори зотининг боши ўртача, бўйни узун, орқасиң кеңг, оёқлари узун, пат ва парлари қуюқ ва зич жойлашыган. Бу дунё бўйича энг серпүнш зот ҳисобланади.

Наслчиллик хўжаликларида селекция ишларини яхшилаш йўли билан бу зотга оид хўроздарнинг вазни 3,5 кг га, товуқларники 2,5 кг га стказилган. Лекин, кўплаб хўжаликлarda бу кўрсаткич 0,7—1,0 кг атрофида камроқ бўлиши аниқланган. Тухум қилиши йили-



45- расм. Рұс оқ зотға мансұб хүрөз ва товуқ.

га 190—220 тага тұғри келади. Тухумларининг оғирлигі 60—62 г.

Жұжалары 2,5 ойлигіда 650—750 г келиб, 4—5 ойлигіда тухум қила бошлайды. Таңқи мұхит шароитига мосланиш хусусияти яхши. Шу зот асосида Россияда юқори маңсұлдорликка әга бўлган рұс оқ товуғи яратилган.

Рұс оқ товуқ зоти. Бу зот 1929—1953 йилларда чатишириш ва селекция ишлари олиб бориши йўли билан яратилган. Бунда Англия, АҚШ ва Даниядан келтирилган леггорн хўроздлари жайдары товуқлар билан чатиширилган. Рангиге оқ, териси, түмшуғи, сөёқ ва бармоқлари сарық (45- расм).

Улар экстерерига кўра леггорн товуқларига ўхшаш бўлади. Лекин вазни оғирроқ, мускулатураси яхши ривожланган. Товуқлари ўртача 2,2 кг, айримлари 2,9—3,8 кг, хўроздлари эса 2,8—3,9 кг келади. Тухум қилиши йилига 165—200 тага, рекордчи товуқлариники 320 тага тұғри келади. Тухумларининг ўртача оғирлигі 60—62 г, баъзан 75 г гача боради. Бу зот Россиянинг барча тумандаридаги көнг тарқалган.

Гўшт йўналишидаги товуқ зотлари. Корниш зоти.

Бу гүшт йұналишидаги асосий товуқ зоти ҳисобланади. У үтган асрда Англиядаги уришқоқ товуқ зотларини чатишириштің шынын билан яратылған. Туси оқ, қора, қизил ва бир қашта раиглар аралашмасидан иборат. Хұroz әле товуқларидан гүштің белгіліліктерінде жаңынан айналған. Күкраги кеңінен қолданылады. Түмшүғи калта да жаңынан айналған. Товуқлардың 3—3,5 кг, хұrozлардың 4—5 кг келади. Товуқлардың үйлигі 110—150 та тухум қылады. Тухуми 52—60 г келади.

Плимутрок зоти. Бу зот товуқ үтган асрда АҚШда яратылған. Товуқларининг вазни 2,8—3,0 кг, хұrozлардың 3,8—4 кг келади. Үйлигі 170—190 та тухум қылади. Тухумнинг оғырлығы 58—60 г атрофика.

Россияда асосан Голландиядан көлтирилген «Гибропро-47» ва «Гибропро-57» кроссларидан фойдаланылады. Бу кросс бройлерлардың 56 күннегінде 1500 г келади ва 1 кг семирини учун 2,4 кг озиқ сарфланади.

«Старбро-4» кросси эса Канададан олиб көлнилген. Унион 56 күннегінде бройлерлардың 1430 г, айримларини 1700—1800 г келади. Шуннан кейнінде, республикамызда Канада ва Япониядан көлтирилген «Старбро-15» ва «Готто» кроссы тизимларидан ҳам фойдаланып көлнилген.


Тухум-гүшт йұналишидаги товуқ зотлари. Москва зоти. Бу зот Москва вилюятында Орлов, леггорн ва Нью-гемишир зотлариниң бир-бiri билан чатишириштің дурагайлаштырылған жаңынан яратылған. Гүшт-тухум йұналишидаги товуқлар зотига мансуб. Ранги қора, лекин бүйін қынеміда сарық-қизил парлары қуық жойлашған. Хұrozлардың 3,5 кг, товуқлардың 3 кг келади. Тухум қылиши үйлигі 170—200 та, әр бир тухуми үртака 62 г келади. Бу зот асосан Москва вилюятларында хұжаликпен көлтириледі.

Загорск зоти. Бу зот Москва вилюятнинг Загорск шаҳрида паррандачылық ғалымий-техникик институтининг тажриба хұжалигында яратылған. Бунда асосан род-айланд, нью-гемишир, Орлов, рус оқ товуқ зотларынан жасалған. Ранги оқ, лекин патлары пүшті раиглардың қызыл-жасынан жасалған. Хұrozларининг вазни 3,6 кг, товуқлардың эса 3 кг келади. Тухум қылиши үйлигі 165—175 дона. Тухумнинг оғырлығы 64 г. Бу зот асосан Москва, Тамбов вилюятларында ва Краснодар үлкесіндегі хұжаликпен көлтириледі.

Род-а́йланд. Бу зот товуқларнинг ватани АҚШ ҳисобланади. Россияга 1920 йили АҚШ, Дания ва Англиядан келтирилган. Маҳаллий род-а́йланд зот товуқларни яратишда шашхай ва бошқа хўрозлардан фойдаланилган. Гўшт-тухум йўналишидаги зот ҳисобланади. Ранги қизил, думи қора, баъзан яшил, ялтироқ патлилари ҳам учрайди. Хўрозларининг вазни 3,8 кг, товуқлариники 3 кг. Тухум қилиши йилига 150—180 дона. Ҳар бир тухуми 60—65 г келади.

Нью-гемпшир зоти. Бу зот товуқлар род-а́йланд зоти билан узоқ йиллар мобайнида селекция ва наслчилик ишлари олиб бориш йўли билан АҚШда яратилган. Гўшт-тухум йўналишидаги зотлардан бири. Ранги род-а́йландниг ўхшаш, лекин бир оз очроқ. Хўрозларининг вазни 4—4,5 кг, товуқлариники 3—3,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 170—190 дона ҳар бири 50—55 г келади.

Ўрдак зотлари. Ўрдаклар Кряква деб аталувчи ёввойи вакилларидан келиб чиқкан. Уларни хонакилаштиришда олиб борилган танлаш ва саралаш ишлари эрамизнинг бошларига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ўрдакнинг кўплаб сермаҳсул зотлари яратилган. Улар



46-расм. Нью-гемпшир зоти.

ўзларининг айрим хусусият ва маҳсулот кўрсаткичла-
рига кўра бир-бирларидан фарқ қиласди.

Ўрдаклар асосан гўшти учун боқилади, улардан оли-
надиган тухум унчалик аҳамиятга эга эмас. Ўрдаклар
тез етилувчан паррандалардан ҳисобланади, боқин
даврининг охирига бориб 2 кг ва ундан кўпроқ тош
босади. Йилига ўртача 100 дан 200 тагача тухум қиласди.
Инкубаторда етиштирилган жўжаларни ҳисобга
олганда битта урғочи ўрдак насли ҳисобига йилига ўр-
тача 75 кг гўшт олинади.

Ўрдаклар зотига кўра турли вазнда бўлади ва уч
хил (гўшт, тухум ва гўшт-тухум) йўналишида кўпай-
тирилади. Ўрдакларнинг қўйидаги зотлари энг кўп
тарқалган.

Пекин зоти. Бу зот Хитойда маҳаллий ўрдакларни
оқ рангли, йирик вазни ўрдаклар билан чатиштириш
йўли билан яратилган. Уларнинг боши чўзиқ, тумшуғи
пушти ёки сариқ рангда, бўйининг узунлиги ўртача,
елкаси калта, кўкраги кенг ва чуқур, гавдаси йирик,
ранги оқ бўлади.

Россиянинг кўплаб вилоят хўжаликларида кўпайти-
рилаётган Пекин зот ўрдакларда эрракларининг вазни
3,5—4 кг, урғочилариники 3,0—3,5 кг келади. Тухум
қилиши йилига 90—120 дона. Ҳар бир тухуми 90 г ке-
лади. Бу зот Москва, Санкт-Петербург, Пенза ва Там-
бов вилоятлари хўжаликларида кўплаб боқилади.

Хаки-кемпбел зоти. Бу зот Англияда бир неча ўрдак
зотларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган.
Ўрдаклари тез етилувчан, гўшти юқори сифатли, юмшоқ
ва серсув. Эрракларининг вазни 2,8 кг, урғочилариники
2,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 150—200 дона. Ҳар
бир тухуми ўртача 75 г. Бу зот асосан Россиянинг
кўплаб паррандачилик ва давлат хўжаликларида кўпай-
тирилади.

Оқ Москва зоти. Бу зот Москва вилоятидаги «Птич-
ное» наслчилик хўжалигига яратилган. Бунда пекин ва
хаки-кемпбел зотларидан фойдаланилган.

Бу зот ташқи кўриниши билан пекин ўрдакларига
анча ўхшаш бўлади. Гўшти лаззатли ва сифатли. Эр-
ракларининг вазни 3,5 кг, урғочилариники 3 кг келади.
Тухум қилиши йилига ўртача 100—110 дона. Ҳар бир
тухумининг оғирлиги 100 г. Бу зот Россиянинг барча
вилоятларида, шу жумладан республикамизнинг бир
қанча хўжаликларида боқилади.


Украина зоти. Бу зот Украинаадаги паррандачилик тајриба хўжалигида қора ранги, оқ кўкракли маҳаллий ўрдакларни пекин ва хаки-кемпбел зоти билан чатиштириш йўли орқали яратилган. Эркакларининг вазни 3,7 кг, урғочилариники 3,3 кг келади. Тухум қилиши йилига 90 дона. Ҳар бир тухумининг оғирлиги 90 г атрофида. Бу зот ўрдакнинг кул ранг тур маҳаллий ўрдакларни танлаш ва саралаш йўли билан яратилган. Эркакларининг вазни 3—3,5 кг, урғочилариники 2,8—3,0 кг келади. Тухум қилиши йилига 110 дона, вазни эса 90 г атрофида. Бу зот асосан Украина вилоятлари хўжаликларида кенг тарқалган.

Фоз зотлари. Дунёдаги барча мамлакатларда, шунингдек Россия вилоятларида кўпайтирилаётган фозларнинг ёввойи аждоди кул ранг фозлардан тарқалган. Фозлар бошқа тур паррандалардан ўзларининг ўтхўрликлари билан фарқ қиласиди.

Фозларнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёри ҳисобланади. Тухуми кам бўлгани учун уни озиқ сифатида истеъмол қилинмайди, жўжа очиришда ишлатилади. Лекин фоз тухуми йирик бўлиб, оғирлиги ўртacha 150—200 г келади.

Фозлар зоти ва зотдорлик хусусиятларига кўра катта, кичик ва ўртача вазни фоз зотларига бўлинади. Бунда фоз танасининг вазни, гўштдорлиги ва ёр миқдори ҳамда уларнинг бир-бирига нисбати асос қилиб олинади. Қўйида Россияда ва Ўзбекистон хўжаликларида тарқалган ҳамда хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган фоз зотларининг асосий кўрсаткичлари келтирилади.

Холмагор зоти. Бу зот Марказий қоратупроқ зонасида оқ ранги маҳаллий фозларни хитой зоти билан чатиштириб яратилган. Дурагайларда холмагор маҳаллий фозларга хос бўлган узун бўйин ва тумшуғининг устки қисмида ўсимта сақланиб қолган. Бу зотнинг вакиллари йирик, оёқлари калта, лекин кучли, боши катта, кўкраги кенг ва чуқур бўлади. Қорин қисмида буришмалари бўлиб, семирганда унда ёғ тўпланади. Ранги оқ ва кул ранг. Бу зотнинг энг йирик вакиллари 7,5—8 кг, айрим ҳолларда 10—12 кг, урғочилари эса 5—6 кг келади. Тухум қилиши йилига 20—30 дона. Айрим вақтларда 40 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум бериши аниқланган. Тухуми ўртача 150—200 г келади. Бу зот асосан Курск, Воронеж, Санкт-Петербург, Саратов




47- расм. Асосан гүшт етиштириш мақсадида боқиладиган паррандалардан Холмогор зот ғозлар.

ва Харьков вилоятлари хўжаликларида кенг тарқалган. Холмогор зот ғозларнинг асосий маҳсулоти гүшт ва ёни ҳисобланади. Лекин тухум маҳсулдорлиги кам бўлганлиги туфайли ҳар тухуми қарийб 200 грамм келади (47- расм).

Тула зоти. Бу зот энг қадимий зотлардан ҳисобланаб, Россиянинг Европа зонасида кўпайтирилади. Туси асосан кул ранг, шунингдек кул ранг ва жигар ранг аралашибасига эга, бъязан ер рангида учрайди. Эркакларининг вазни 6 кг, урғочилариники 5—5,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 10—12 дона. Асосан, Тула ва Калуга вилоятларида учрайди.

Калуга зоти. Бу зот тула зотига ўхшаш бўлади. Ранги оқ ва кул ранг. Оқ пат ва парлари кўпроқ қорин, кўкрак ва қанот учларига жойлашган. Эркакларининг вазни 7—7,5 кг, урғочилариники 5,5—6,0 кг келади. Йилига 10—15 дона тухум беради. Ҳар қайси тухуми 170—200 г атрофида. Асосан Калуга вилояти хўжаликларида кўпайтирилади.

Тамбов зоти. Бу зот Тамбов вилоятидаги «Арженка» паррандачилик давлат хўжалигида тулуз ва ромен зот ғозларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Ранги кул ранг. Эркакларининг вазни 8 кг, урғочилари 7 кг келади. Тухум қилиши йилига 50 дона. Ҳар қайси тухуми ўртача 175 г келади. Асосан Тамбов вилояти хўжаликларида кенг тарқалган.




48- расм. Тулуз зот гозлар.

Тулуз зоти. Франциянинг Тулуз шаҳрида маҳаллий гозларни танлаш, саралаш ва парвариш қилиш орқали яратилган. Туси тўқ кул ранг, баъзан танасида айрим доғлар бўлади. Ўмиюти оч пушти раигда, обеклари қизил-пушти бўлади. Эркакларининг вазни 7,5—8 кг, урғочилариники 7,0—7,5 кг келади. Тухум қилиниши йилига 30—50 тага боради. Тухумининг ўртacha вазни 170—200 г. Бу зот асосан Украинанинг Харьков вилояти хўжаликларида учрайди (48-расм).


Курка зотлари. Куркалар факат гўшт йўналанингдаги парранда ҳисобланади. Эркакларининг вазни ўртacha 16 кг, ургочилариники 3 кг келади. Курка тухуми эса 90 г ва ундан кўпроқ бўлади. Икубаторда очириладиган жўжаларни ҳисобга олганда йилига бир бош ургочи куркадан ҳисобига 60—70 кг гўшт олинади. Ўларнинг гўшти били, лаззатли, майни, ранги оч бўлади. Куркалар зот хусусиятларига кўра турли хил вазнига эгадирлар.

Сўнгги чорак аср мебайнида Россия вилоятларида куркаларининг юқори сифатин, сермаҳсул зотлари яратилди. Хозирги вақтда энг кўп тарқалган курка зотлари бронза рангли Шимолий Кавказ зоти, Москва кул ранг зоти, Москва оч курка зоти, Краснодар зоти ҳисобланади.

Бронза рангли Шимолий Кавказ зоти. Бу зот курка Американинг ёввойи куркаларини қора рангли Англия



49-расм. Бронза рангли Шымолий Кавказ зот куркалар.



50-расм. Москва оқ рангли зот куркалар.

куркалари билан чатындырып натижасыда олниған. Улар йирик вазни бўлиб эркаклари 16 кг, урғочилари 9 кг келади. Тухум қилиши йилига 60 дона атрофида. Тухуми ўртача 80 г келади. Зотли куркалар етиштирадиган Георгиевск давлат наслышлик станцияси Фермаларида ҳар бир куркадан 67—70 тадан тухум етиштирилмоқда (49-расм).

Москва күл ранг зотц. Бу зот Москва вилоядындағы «Берёзка» давлат хұжалигыда бронза рангли зотни маңаллый куркалар билан чатишириш натижасыда яратылған. Эркаклари 13—15 кг, урғочилари 7—8 кг келади. Тұхум қилиши йилига 86—88 дона атрофида. Бу зот күпроқ Москва вилоядында хұжаликларида күпайтирилмоқда.

Москва оқ курка зотц. Бу зот ҳам Москва вилоядындағы «Берёзка» давлат хұжалигыда — оқ рангли маңаллый куркалар, голландия оқ рангли ва белтөвил зотларини бир-бiri билан ұзаро чатишириш йўли билан яратылған. Эркаклари 12—14 кг, урғочилари 6—8 кг келади. Тұхум қилиши йилига ўртача 104 дона. Бу зот асосан Москва, Сибир, Украина ва Россия вилоятларыда кенг тарқалған (50- расм).

ИНКУБАЦИЯ

Хозирги вақтда инкубаторда жұжа очириш барча паррандачилик фабрикаларыда ва комплексларыда, ғирик давлат ва жамоа хұжаликларыда яхши йұлға қўйилған. Шунингдек, хұжаликларо ва туманлараро инкубация станциялари ҳам ишлаб турибди.

Инкубаторда жұжа очиришининг афзаллиги шундаки, бунда йил давомида, күплаб юқори сифатли соғлом жұжалар очириш имконияттың эга бўлинади. Инкубатордаги барча шаронит-ҳарорат, намлик, ҳавонинг ҳаракати ва таркиби, тұхумларни қўзғатиб туриш табиий ҳолдагидек махсус аппарат ёрдамида бажарилади.

Инкубациянинг самарадорлиги бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, инкубация режими, жұжа очириш учун қўйилған тұхумларнинг сифати ва биологик жиҳатдан талабларга жавоб берниши, яъни тұхумларнинг уруғланған бўлиши ҳамда тұхум таркибида муртакнинг тараққиети учун озиқ моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши муҳим аҳамиятта эга.

Инкубация жараёни уч даврни ўз ичига олади. Биринчи даврда тұхумда муртак шаклдана бошлайди, яъни унинг нерв, овқат ҳазм қилиш, жинсий, қон айланыш каби органлар тизими вужудга келади. Бу даврда тұхум таркибида сувнинг етарли бўлиши ва ҳароратни юқори тутиш муҳим омиллардан хисобланади. Иккинчи даврда муртак жадал ўсади ва ривожланиш

жараёни бошланади. Шунга кўра модда алмашув жараёни кучаяди, озиқ моддаларга бўлган эҳтиёж ортади ва ортиқча сув оқсилиниг пўстлоқ қабатидан чиқариб юборилади. Учинчи даврда муртак тўла етилган бўлиб, тухумни ёриб чиқиши учун тайёр бўлади. Бунда ортиқча иссиқлик талаб этилмайди.

26- жадвал

Парранда тухумларидан меъёланган шаронтда жўжа очириш учун сарфланадиган вақт

Асосий даврлар	Товуқ жўжаларида	Ўрдак, курка жўжаларида	Фоз жўжаларида
Тухумнинг ёрила бошланиши	19- куни	25- куни 8 да	27-куни соат 2 да
Тухумдан жўжа ниғ чиқа бошланиши	20- кунининг охири	26- куни	29- куни
Тухумдан жўжа ниғ ёпласига чиқиши	21- куниниг биринчи ярми	27- куни	30- куни
Тухумдан жўжа чиқишининг тугалланиши	21- куниниг охирни	27- куниниг охирни ва 28- куниниг бўшида	30- куниниг охирни 31- куниниг боши

Хозирги вақтда ҳажми жиҳатидан турлича бўлган ва бир вақтнинг ўзида 39 минг жўжа очиришга мўлжалланган «Рекорд-39» маркази ва 15—45—65 минг тухумдан жўжа очиришга мослаштирилган «Универсал» инкубатор аппаратларидан фойдаланилмоқда. Бунда жўжалар паррандаларининг биологик ва наследорлик хусусиятларига қараб турли муддатларда очиб чиқадилар (26- жадвал).

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар сортларга ажратилади. Бунда эски, майда, нотекис, ифлос, дарз кетган, ювилган ва сариқлиги 2 та бўлган тухумлар жўжа очириш учун ярамайди. Инкубаторга қўйиладиган тухумлар кўпич билан 6 кунлик бўлиши, намлиги 75—80% ва ҳарорати 8—12°C бўлган жойда сақланиши лозим. Инкубаторга тухумлар бир текисда уч қисмини остига қилиб вертикал ҳолда жойлаштирилади.

Инкубаторга қўйилган тухумлардан мумкин қадар кўпроқ ва соғлом жўжа очириш мақсадида биологик назорат олиб борилади. Бунинг учун инкубация жараёнда тухумларининг баъзи бири текшириб кўрилади,

Электр нури ёрдамида кузатилади ва айримлари олиб текширилади. Шунингдек, муртаклар устида патологик ва анатомик кузатишлар олиб борилади. Муртакларнинг тараққиёт даражаси аниқланади ва керак бўлса, талаб этилган шароит яратиб берилади.

Парранда боқиши

Паррандаларнинг овқат ҳазм қилиши органлари тизими ўзининг тузилиши ва вазифасига кўра бошқа ҳайвонларнидан фарқ қиласи. Паррандаларда тумшуғи билан қамраб олинига озиқ тил ёрдамида ичкарига сурниб ҳалингига узган қараштагача ўтади. Қизилўнгачанинг пастки икеми кенгайган ҳолда жигилдонга айланган. У ерда озиқ юмшайди ва ошқозонга ўтади. Ошқозон безли ва мускулни бўлимдагач ташкил топган. Безли бўлимнинг деворларида кўп миқдорда безлар жойлашган бўлади. Улардан ажралиб чиқсан ҳазм шираси таъсиррида ошқозондаги озиқ имада юмшайди ва бўртади. Озиқ безли ошқозондан мускулни ошқозонга ҳазм шираси ўта бошлайди. Мускулни ҳам ошқозон деворларидан маҳсус модда ишланиб чиқарилиб, у ошқозоннинг ички деворларida пишиқ пўст ҳосил қиласи. Бу пўст озиқнинг майдаланишига ёрдам беради.

Паррандаларга майдо тошлилар ҳам бериб турилади. Бу мускулни деворлар қисқаргандага ошқозоннинг яхши ишлашига ёрдамлашади. Шундан кейин майдаланган озиқ ингичка ичакка тушади. Ичакнинг бошланғич қисмига жигар ва ошқозон ости безининг йўли келиб қўшилган бўлади. Озиқ моддалари бошқа тур ҳайвонлардаги каби ингичка ичакда ҳазмланади.

Паррандалар асосан озиқ рационни асосида боқилади. Рацион тузгандага уларнинг ёши, вазни, маҳсулоти ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Паррандалар асосан дон, омикита ем ва хайвонот чиқинидиларидан олинадиган озиқ билан боқилади. Бу озиқлар рациондаги умумий озиқнинг 70—80% ини ташкил қиласи.

Паррандалар ёшига, визни ва маҳсулот йўналишига ҳамда боқиши технологиясига кўра қуруқ дон ва ем билан боқилянганда озиқлантириш жараёнларини механизациялантириш анча қулай бўлади.

Паррандалар озиқ рационини суткалик ва индивидуал ҳолда тузиш анча мураккаб бўлганлигидан уни

гурұх ҳолида түзини құлланилади. Чунки, суткалик рацион түзишда биологик құшимчаларни ҳисоблашга күп вақт кетади, индивидуал рацион түзишда қар бир парранданинг ёши, физиологик ҳолатини ҳисобға олган ҳолда тез-тез унга ўзгартырғыштар киритиш талаб қилинади, автоматик охурлардан ва озиқ тарқатувчи ускуналардан фойдаланыб бўлмайди. Шунга кўра рацион 100 г озиқ нормаси асосида түзилса, юқорида келтирил-

27-жадвал

Паррандаларнинг түрига қараб рациондаги озиқ турларининг иисбати, фоиз ҳисобида


Озиқ турлари	Товук	Үрдак	Фоз	Курка
Бутун дон	35	25	20	25
Ёрма дон	35	35	25	25
Қон-сүйк уни	7	1	4	7
Кўкат озиқ	20	30	48	40
Минерал озиқ	3	3	3	3

ган камчиликлар бартараф қилинади. Бунда озиқларнинг тўйимлилиги уларнинг кимёвий таркибига кўра комплекс ҳолда баҳоланади ва паррандаларнинг озиқ миқдорига бўлган суткалик эҳтиёжи осон аниқланади. Бундан ташқари, озиқ тайёрлаш ва уни механизация ёрдамида тарқатиш имкони вужудга келади.

100 г озиқ асосида рацион түзишнинг яна бир муҳим томони шундаки, бунда паррандалар томонидан истеъмол қилинадиган озиқ аралашмасининг сифатини ва тўйимлилигини назорат қилиб бориш қулайлашади.

Илғор хўжаликларда паррандалар учун рацион түзишда 100 г дон аралашмасида 110—112 г озиқ бирлиги ва 8—9 г ҳазмланадиган протеин бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, унинг таркибида етарли миқдорда минерал элементлар, витаминлар бўлиши талаб этилади. (27-жадвал).

Товуқлар суткасига 4—5 марта озиқлантирилади. Лекин тухум йўналишидаги товуқларга 5—6 марта озиқ берилади. Бунда эрталаб қисман дон ва омихта ем берилса, кейин кўкат озиқ ва ундан кейин эса намланган аралаш озиқлар берилади. Озиқ қолдиқлари тозалаб олинади. Хоналарда полдан унча баланд бўлмаган



51-расм. Гүшт йўналишидан бройлер жўжаларнинг осма охурчадан озиқланиши.

охурларда сифатли пичан, илдиз-мева, махсус охурларда эса бўр, ўтин кўмири, моллюскаларнинг майдаланган чиғаноқлари ва тоза сув ҳам туриши лозим (51-расм).

Ўрдаклар учун рацион тузиш уларнинг хусусиятига кўра рационга кўпроқ силос, кўкат ўт, илдизмева ва беда уни сингари озиқларни киритиш лозим. Лекин тухум қилиш даврида бундай озиқлар таркибида ҳазм-

ланувчи протеин кўпроқ бўлган озиқ турлари билан алмаштирилади.

Үрдаклар кунига 2—3 марта озиқлантирилади. Бунда уларга кундузи намланган омихта озиқ берилса, иккинчи марта тунда ундирилган дон майсалари берилади. Махсус охурларда майдаланган моллюска чиганофи, тоза сув ҳам бўлиши керак. Агар ўрдаклар турли хил озиқларга бой бўлган кўлмак сувларда яйратиб боқиласа уларнинг рационини 30—40% га камайтириш мумкин.

Ғозлар бошқа тур паррандаларга қараганда яйлов ўсимликларидан кўпроқ фойдаланади. Шунга кўра уларнинг рационида силос, илдизмевалар бўлиши фойдали. Агар ғозлар яқин ва серҳосил яйловларда боқиласа, уларнинг рационида кўкат озиқлари бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ғозларнинг тухум қилишига икки ой қолганда уларга кўпроқ дон, намланган озиқ, майдаланган чиганоқ ва минерал моддалар берилади.

Куркалар худди товуқлар сингари боқилади.

Жўжаларни боқиш ва парваришлаш

Паррандачилик хўжаликларини ихтисослашиш даражасига қараб жўжаларни полда ёки катакларда боқиш ва парвариш қилиш усуслари қўлланилади. Бунда паррандалар полда боқиладиган бўлса унга майдалангандан хашак ёки қипиқ тўшалади. Дастреб тўшама 5—7 см қалинликда солинса, кейин уни 25—30 см гача етказилади. Шунингдек, айрим ҳолларда бу мақсадда сим тўрдан ясалган поллардан фойдаланса ҳам бўлади.

28. жадвал

Жўжаларнинг ёшига қараб ҳаво ҳароратининг ўзгариш меъёrlари

Товуқ ва курка жўжалари учун		Үрдак ва ғоз жўжалари учун	
ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C	ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C
1—5	30—28	1—5	30—28
6—20	28—24	6—16	27—25
21—40	24—18	16—20	26—22
41—60	18—15	21—30	22—18

Хозирги вақтда жүжаларни катакларда боқиши усул и көнг қўлланилмоқда. Бундай хоналарга 4—5 мартадан ҳам кўпроқ жүжаларни жойлаш мумкин бўлади. Жўжалар учун хоналар тоза, ёруғ ва етарли даражада кенг, илиқ бўлиши лозим. Айниқса, ҳаво салқин ва совуқ бўлса хонанинг ҳарорати паррандаларнинг ёшига қараб ўзгартирилиб турилиши талаб этилади (28-жадвал).

Жўжалар боқиладиган хоналарда ҳавонинг ўртача намлиги 65—70% атрофида бўлиши керак. Жўжаларни катакларда боқиши ва парваришлишда уларнинг ориқ ва нимжонлари юқори қаватларга, бақувват ва соғломлари остиқи қаватларга жойлаширилиши лозим.

Товуқ жўжалари бир ойлик бўлганида эркаклари ургочиларидан ажратилиб алоҳида хоналарда боқилади. Бунда насл учун қолдириладиган жўжаларни 40—60 кунлигига қадар маҳсус хоналарда сақлаш тавсия этилади. Гўшт учун ажратилганлари эса ўз катаклирида қолдирилади.

Ўрдак ва гоз жўжалари 15—20 кунлигига қадар катакларда, сўнгра лагерь шароитида боқилади. Имкони бўлса бунинг учун кўлмак ёки секин оқадиган сувлардан фойдаланиш яхши натижা беради. Айниқса, турли хил ҳашарот, итбалиқ, майда балиқлар ва сув ўтлари кўп бўлган кўлмак сувлар жуда фойдалиdir.

Бройлер жўжалар парвариши. Бройлер инглизча сўз бўлиб, қовурма жўжа деган маънони билдиради. Бройлер жўжаларини меҳнат жараёнлари тўла механизацияширилган йирик хоналарда боқиши меҳнат самарадорлигини ошириш имконини беради. Бунда улар 55—60 кунлигига қадар боқилади. Ани шу даврда уларнинг вазни 1,5—1,8 кг га етиб, ҳар бир кг семирини учун 2,6—2,8 кг озиқ бирлиги сарфланади.

Хозирги вақтда б мингдан 20 мингбош жўжага мўлжалланган маҳсус «Бройлер-10» ва «Бройлер-20» маркали қурилма комплектлари ишлаб чиқарилмоқда. Комплект қуруқ озиқ сақлашга мўлжалланган бункер, 4 ва 6 тизим (линия) учун мослашибирлигани ҳаракатчан вакуумли озиқ тарқатгич, 4,5 л ҳажмли суғоргичлар ва барча жараёнларни бошқариб туриш учун пульт билан жиҳозланган. Комплектта жўжаларни қўйинидан олдин хоналар яхшилаб тозаланади, дезинфекция қилинади, сўндирилган оҳак сепилади ва 5—7 см қалинилкда тўшама тўшалади.

Ҳар 12 та жўжа учун 1 м² жой ажратилиб, ҳар 500 жўжа учун битта электр иситгич ўрнатилади. Жўжалар 20 кунлик бўлгунча деразадан тушадиган ёруғлик киғоя қиласди ва 40 кунлигига ёруғлик миқдори суткасига 16—18 соатгача камайтирилади. Бройлерларни деразаси бўлмаган хоналарда боқиш яхши натижга беради. Бунда сутка давомида оз миқдорда сунъий ёруғлик берилади. Агар ёруғлик қизил рангда бўлиб фақат охурларнинг устига урнатилган бўлса, жўжаларниң семириши янада яхши бўлади. Бройлерлар семириши билан маҳсус темир катакларда күшхоналарга жўнатилади. Бу тадбир қисқа муддат ичидаги бажарилиши лозим, аks ҳолда катакларда туриб қолган жўжаларнинг вазни соатига 0,34% камайиб боради. Шунинг учун бройлерларни ташишида транспорт ва барча воситалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Амалий машғулот

Тухумларнинг инкубацион сифатини аниқлаш ва инкубациялаш тартиби

Машғулотдан мақсад. Инкубация учун яроқли тухумларнинг сифати, морфологик тузилиши ва иш тартиби билан танишиш.

Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиш. Инкубациянинг самараదорлиги қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади.

1) насл олиш учун белгиланган товуқ ва хўроздаги галарини тўғри боқиш ва нарваришилаш;

2) инкубаторга қўйишга қадар тухумларни сақлаш муддати;

3) тухумларнинг салмаси, шакл-формаси ва пўстлонининг сифати (қалинлиги, текислиги, тозалиги, шикастланмаганлиги ва ҳоказо);

4) тухумларнинг биокимёвий ва биофизик хусусиятлари.

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар кўпине билан 5 кунликдан ошмаслиги керак. Тухумларни янги ёки эскириб қолганлиги асосан унинг ҳаво камерасини катта-кичклигига қараб белгиланади. Масалан, янги олинган тухумда ҳаво камераси сезилмаслик даражада (2 мм атрофида) бўлса, 10 кунлик тухумда у 3—5 мм ва 20 кунлик тухумда 7—8 мм ҳамда 20 кундан ошган тухумда 13 мм ва ундан кўпроқ бўлади.

Тұхумнинг шакл-формаси уннинг катта ва кичик диаметри нисбати билан белгиланади. Уннинг ўртача 1,32—1,40 га тенг бўлиши нормал ҳисобланади. Ирик тухумларнинг индекси 1 га тенг бўлади (29-жадвал).

Тұхумнинг оғирлиги ҳам турлича бўлиб, товуқларники 55—65 г, ўрдакларники 90—100 г, куркаларники 85—110 г ва фозларники 110—120 г атрофидадир.

Овоскоп ёрдамида тухумларни ёруғлантириб кўриш ҳам талаб этилади. Бунда тұхум пўстлоғини бутунлиги, яъни дарз кетмаганлиги, ҳаво камерасининг ҳажми, тұхум саригини жойлашганлиги ва рангининг жадаллиги ҳам ҳисобга олинади. Талаб даражасида бўлмаган тұхумлар брак қилинади.

Тұхумларни ёриб кўриш. Тұхум таркибдаги оқсил, сариқ қисми пўстлоқ муртагининг нормал ривожланишида мұхим роль ўйнайди. Агар оқсил 56%, сариги 32% ва пўстлоғи 12% бўлса у нормал ҳисобланади.

29- жадвал

Инкубаторга қўйиладиган товуқ тұхумига бўлган талаблар

Кўрсеткинчлар	Тұхум йўналишидаги зотлар	Ҳашт ва гўшт- тұхум йўналишидаги зотлар
12 ойликдан катта бўлган товуқлар тұхумини сирорлиги, г	54	54
12 ойликгача бўлган товуқлар тұхумини оғирлиги, г	52	52
Товар хўжаликлиаридан олинган, насл тұхумлар, г	50	52
Хаво камерасини диаметри, мм	18	18
Тұхумларни уругланғанлиги, %	92	90
Соғлем жўжа олиш, %	76	70
Тұхум шакл- формасини индекси	1,32—1,40	1,32—1,40
Тұхум оқсизлининг саригига бўлган нисбати	2 : 1	2 : 1

Инкубациялаш тартиби. Ҳозирги вақтда «Универсал-45», «Универсал-50», «Универсал-55», ва ИКП-90, ҳамда «Қавказ» маркали инкубаторлардан кўпроқ фойдаланилади (30- жадвал).

Муртакларни нормал даражада ривожланайтганлигини аниқлаш мақсадида назорат ишлари олиб борилади. Товуқ тухумлари 24 соат ва 7, 11, 19-кунларида ёритқич аппарат ёрдамида ёритиб күрилади. Ўрдак ва курка тухумлари 24 соатда ва 7,5; 12,5; ва 25—26 кунлигига, ғоз тухумлари 36 соатда ва 8; 13,5 ҳамда 28—29 кунлигига назорат қилинади. Инкубацияни давом этиши; товуқ тухуми учун 21 кун, ўрдак, курка ва цесарқа учун 27 кун ҳамда гозлар учун 31 кун ҳисобланади.

Амалий машғулот

Бройлер гүшти етиштиришнинг технологик жараёни билан танишиш

Машғулотдан мақсад. Бройлер гүшти етиштирадиган паррандачилик фабрикалари цехларининг ишлабчиқарши усулларини ўрганиш.

Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиш. Бройлер гүштини саноат асосида етиштириш тадбирларини технологик графиклар асосида бажарилиши билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

Насл олиш учун тухум етиштириладиган цех инкубация цехи талабини бажариши лозим.

Паррандаларни сўйиш ва қайта ишлаш цехида барча шароит яратилиши ва улар талаб даржасида бўлиши керак.

Мисол. 1 йилда 4 млн бройлер гүшти етиштирадиган паррандачилик фабрикасида ҳисоблаш ишларини

30-жадвал

«Универсал-45» инкубаторининг иш тартиби

Кўрсаткичлар	Тухум турлари			
	Товуқ ва цесарка	Курка	Ўрдак	Ғоз
Ҳавонинг ҳарорати, °C	37,5	37,4—37,5	37,4—37,5	37,5
Нисбий намлик, %	48—52	56	48—52	48—52
Намланган термометр ҳарорати, °C	28—29	30	28—29	28—29
Тухум жойлашган лотокларни суткалик айтаниши	24	24	24	24

олиб бориш. Бунда катталиги 18×96 м хоналардан фойдаланилади.

1 м² ер сатхига 18 та жүжі режалаштирилади.

1 хонанинг фойдалы сатхи 1340 м². Шу хонага 24120 бөш бир суткали жүжалар қўйилади. 95% ини соғ қолиши мўлжалланганда 23000 бөш қолади. Жүжалар 7 ҳафта боқисла ва 2 ҳафта профилактика муддатини ҳисобга олса у 4,7 ни ташкил этади.

1 паррандахонада 1 йилда 1081000 бройлерни боқиш мумкин.

37 парранда хонада (4 000 000:108 100) бир йилда ҳар бири 23 000 бошдан ($4,7 \times 37$) ташкил топган 174 та бройлер партияси сўйиш учун етиштирилади.

Расмий жиҳатдан кунора битта паррандахона жўжалар билан тўлдирилади ва ундан 24 120 бөш жўжа бўлади.

Инкубаторда ҳар бир гурӯҳда камида 24 минг жўжа бўлади. 70% ини соғлом қолиши назарда тутилганда бир вақтнинг ўзида инкубаторга қўйидаги миқдорда тухум қўйилади:

$$\frac{24120 - 70}{x - 100} = \frac{24120 \times 100}{70} = 34457 \text{ дона.}$$

Инкубаторга қўйилган ҳар 100 та тухумдан нормал ҳолда 70 тадан соғлом жўжа олиш режалаштирилса, у ўртача 50 минг донани ташкил этади. Насл учун кунига 25 минг дона тухум олинади. Шунда, 1 йилда ($50\ 000 \times 174$) = 8,7 млн дона тухум олинади.

Плимутрок зот товуқлардан йилига ўртача 180 тадан тухум олинса, у ҳолда 50 минг бөш товуқ бўлиши талаб этилади.

8 та товуқ учун 1 та бөш хўрор белгиланса, у 5625 бөшни ташкил этади.

Шундай қилиб, насл учун тухум етиштирадиган галаларда 55 625 бөш товуқ-хўрор бўлади. Оборот коэффициенти 1,45 бўлганда, дастлабки паррандалар миқдори 80 656 бөшни ташкил этади ва унинг 72 500 таси товуқ, 8156 таси хўрор бўлади.

X б о б. ИЛҚИЧИЛИК

Илқичиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Илқичилик чорвачиликнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Республикамизнинг айрим туманларида қишлоқ

хўжалик ишларининг бир қисми (қарийб 20% и) от кучи билан бажарилади. Масалан, отлар аравага қўшилган ҳолда қишлоқ хўжалик машиналарига ёқилғи ба сув ташиб беради, шунингдек илдизмезларга ишлов берришда, чорвачиликда айрим транспорт ёрдамида бажариладиган ишларни амалга оширишда ва бошқа бир қатор ишларни бажаришда яқиндан ёрдам беради. Бундан ташқари тоғли туманларда, яъни транспорт воситалари ёра олмайдиган ерларда отлар бемалол юқ ташиш ишларини бажара олати. Яйловда чўпон ва молбоқарлар учун отлар асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

Чегараларни қўриқлашда, айниқса тоф ва ўрмон ҳамда чўл зоналарида отлар посбонларимизнинг дўсти, узоқ масофаларга олиб боришда муҳим транспорт воситаси ҳисобланади.

Спорт ўйинларида ҳам йилқилардан фойдаланиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Айниқса Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатларида бирорта йирик анъана ёки байрам отлар иштирекисиз ўтмайди. Бунга ҳар йили турли отчопарларда ўтказиладиган ўнлаб ва юзлаб республика, вилоят ва туманлар миқёсидағи мусобақаларни мисолга келтириш мумкин. Дунё бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда ҳам от спортига алоҳида эътибор берилади. Бу эса инсонлар учун кўплаб эстетик завқ багишлайди.

Отлар ўзининг турли хил маҳсулотлари (гўшт, қимиз, тери ва бошқалар) билан катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Масалан, қимиз аҳолининг энг фойдали ва шифобаҳаш ичимликларидан ҳисобланади. У бир қатор қасалликлар (сил, ичак, ошқозон ва бошқалар) ни даволашда салмоқли ўрин эгаллайди. Хозирги вақтда қимиз ишлаб чиқариш айниқса Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида, шунингдек Татаристон, Ёкутия вилоятларида яхши ривожланган.

От гўшти ўзининг тўйимлилиги, каллорияси, мазаси ва қиймати жиҳатидан кўплаб халқларнинг энг севимли маҳсулоти ҳисобланади. От гўштидан айрим халқлар турли хил лассатли маҳсулотлар (қази, қарта, ёғ, қуритилған гўшт, консерва, колбаса ва бошқалар) ҳамда таомлар тайёрлайдилар. Бундай ажойиб, юкори каллорияли, тўйимли ва мазали озиқ-овқат тайёрлашда от гўшти ўрнини бошқа бирор ҳайвон гўшти боса олмайди.

Айрим мамлакатларда от гўштига бўлган талаб

юқорилиги сабабли у парранда ва чүчқа гүштига қараганда икки баробар юқори нархда баҳоланади.

Отларнинг биологик хусусиятлари. Отлар асосан тўртта кенжা авлодга бўлинади: ҳақиқий отлар эшаклар, қулоналар ва зебралар. Бу кенжা авлодлар бир-бирлари билан чатиша олади ва пуштсиз насл беради. Зебралар ҳозир хўжалик аҳамиятига эга эмас, уларни айрим ҳайвонот боғларида ёки қўриқхоналарда учратиш мумкин. Хусусан Ўзбекистонда қулоналар йўқолиб кетган. Айрим маълумотларга қараганда улар қисман Мўгулистанда ва жуда оз миқдорда Туркманистоннинг жанубида жойлашган Бадхиз қўриқхонасида сақланиб қолган.

Отларнинг биологик хусусиятларидан энг муҳимлари шундан иборатки, уларни йил давомида яйловларда боқиши мумкин. Шунингдек, улар серҳаракат, касалликларга чидамли, ташқи муҳит шароитига тез мосланувчан бўлади. Уларнинг физиологик етилувчанилиги 12—15 ой бўлиб, бўғозлик даври 11 ойни ташкил этади. Айрим ҳолларда бияларнинг зоти ва индивидуал хусусиятига кўра бўғозлик даври 330 кундан 365 кунгача чўзилиши мумкин. Одатда айfir ва биялардан ўрта ҳисобда 20 йил мобайнинда фойдаланилади. Айрим ҳолларда уларнинг юқори сифатли, ҳаётчан вакилларидан 25—30 йил ва ундан кўпроқ фойдаланиш мумкин. Лекин биялардан 6—15 ёшлигига энг сифатли қулуни олинади.

От зотларининг классификацияси

Республикамиз зоналарининг иқтисодий ишлаб чиқариш ва табиий-экологик шароитларига, йилқиларнинг турли хил типлари, маҳсулот ўналиши ва улардан фойдаланиш усуllibарига қараб жуда кўплаб зот ва гуруҳлари яратилган. Бундай зотлар дунё бўйича 150 тадан кўпроқ бўлса, шундан 50 дан ортиғи Россия ва Марказий Осиё вилоятларида яратилган.

Академик А. Ф. Миддендорф отларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккита катта гуруҳга — чопқир отлар ҳамда ўртача тезликда ҳаракат қиливчи отларга бўлади.

Биринчи гуруҳга тез югурадиган, танаси ихчам, енгил, кичик араваларга қўшган вақтда узоқ масофани қисқа вақт ичидаги босиб ўтадиган от зотлари киритилган.

Иккинчи гурухга эса секин юрадиган, оғир юкларни торта оладиган, жуссаси йирик отлар киритилген. Лекин бу классификация шартли бўлгани учун отлардан фойдаланишнинг барча хусусияти ва белгиларини ўз ичига тўла қамраб олмаган. Бинобарин сўнгги йилларда от зотларининг кўлайиб бориши ва улар томонидан бажариладиган иш жараёнлари турини ҳар хил бўлиши ҳамда наслчилик ишларини муайян мақсад ва режали олиб борилиши, уларни тарқалиши, ишлаб-чиқариша фойдаланилиши, хўжалик жиҳатидан йўналиши ва бошқалар йилки зотларини янада тор донрада такомиллаштиришни тақозо қилди. Шунга кўра юқоридаги икки гуруҳ яна кичик йўналишларга бўлинади. Бунда салт миниладиган **чопқир** ва **серҳаракат от зотлари** биринчи гурухга киритилган бўлса, ҳар хил **араваларга қўшиладиган** ва **оғир юкларни тортувчи** от зотлари иккинчи гурухга киритилди.

Ҳумуман йилқиличикда асосий маҳсулоти (чопқирлиги, аравага қўшган ҳолда фойдаланиш ёки оғир юк тортиш хусусияти) га қараб қабул қилинган йўналишлар қатъий ва ўзгармас бўлмай, у шартли бўлиши табиий. Чунки танлаш, машқ қилдириш, саралаш ва наслчилик ишларини юқори даражада олиб бориш натижасида айрим гуруҳлар орасидаги фарқлар ҳам ўзгариб боради. Шунга кўра адабиётларда баъзи бир йўналишдаги от зотларининг ўрин алмашиниши шубҳасиздир.

Барча от зотлари ўзларининг ҳаракат даражасига қараб **одимлаб, йўртиб** ва **йўргалаб юрадиган** турларга бўлинади.

Одимлаб юрганда отнинг тўртала оёғи галма-гал кўтарилиб, галма-гал тушади. Бунда аввал орқа оёғининг бири, сўнгра шу томондаги олдинги оёқ, кейин иккинчи орқа оёқ ва унинг кетидан шу томондаги олдинги оёқ кўтарилиб олдинга ташланади. Бу усулда отлар секин (соатига 4—5 км тезликда) ҳаракат қиласди. Бундай ҳаракат асосан оғир юк тортувчи отларда учрайди.

Йўртиб юрганда отлар диагонал бўйича икки оёғини, масалан, олдинги ўнг оёғи билан кетинги чап оёғини, сўнгра олдинги чап оёғи билан кетинги ўнг оёғини баравар кўтариб, баравар ерга ташлайди. Бундай ҳаракат қиласидан отлар соатига 10—12 км йўл босади. Отчопарда енгил пойга аравасига қўшилганда


чопқыр йўртоқи отлар 1 км масофани бир-бир яrim минутда босиб ўтади.

Йўргалаб юрган отларнинг ҳаракат тезлиги йўртиб юрадиган отларнинг тезлигига тенг бўлади. Узбеклар йурга от леб, юрганда чоймасдан тез ва текис ҳаракатда бўлувчи отларни айтнишади. Йўргалаб юришини йўртишдан фарқи шуки, бунда от бир гал ўиг томонидаги иккала оёғини ва иккинчи сафар чап томонидаги иккала оёғини баравар кўтариб ташлайди.

От зотлари

Салт миниладиган от зотлари. Бу зотга асосан эгаралаб миниладиган отлар киради. Бу йўналишдаги отлар серҳаракат, чопқыр, қотма, боши енгил, суюклари ингичка ва ихчам бўлади. Улар йўртиб юра олмайди, лекин сакраб чопгандан тез ҳаракатланади. Хозирги вақтда дунё бўйинча салт миниладиган отларнинг **араби** ва тоза қонли зотлари мавижуд.

Араби зоти эиг қадимги чопқыр отлардан ҳисобланади. Хозирги маданий от зотларининг асосий қисми шу зотни маҳаллий зотлар билан чатиштирилишидан вўжудга келган. Араби зот от учалик йирик эмас, баландлиги 150 см атрофида, туси кул ранг, жийрон ва




52-расм. Асл зотни араби айғир.

қора аралаш бўлади. Қурғоқчиликка ва ташқи мұхит шароитларига чидамли. Бу зот дунё бўйича кенг тарқалган. Асосан Марказий Осиё давлатларида, Кавказ ва Ставрополь ўлкасида кўпроқ учрайди (52-расм).

Асл чопқир от зоти XVIII асрнинг босиларида Англияда яратилган. Бу зот маҳаллий бияларни араби, туркман, турк, испан ва неаполитан айғирлари билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Вакиллари ҳаракатчан, темпераменти юқори ва чопқир бўлади. Туси жирион, қора ва бошқа ранглар аралашмасидан иборат. Баландлиги 158—161 см, кўкрак айланаси 180—183 см, почасининг йўғонлиги 20 см. Бу зот асосан Украйнанинг Луган ва Кировоград вилоятларида тарқалган.

Ахалтака зоти Туркменистонининг жанубий туманларида яратилган. Бу зот от чопқир, қумли саҳроларда салт миниб юриш учун қулай келади. Баландлиги 152—154 см, почасининг йўғонлиги 19 см. Мұхит шароитига анча чидамли. Туси тўриқ, кўк ва қора-саман бўлади. Чопиш тезлиги юқори, фақат асл чопқир отлардан хейнида қолади (53-расм).

Корабайир зоти Марказий Осиё давлатларида бояклидиган зот отларидан кўп жиҳатдан устун туради. Чопқирлиги, чидамонлиги, чиройлилиги ва араваларга



53-расм. Асл зотли ахалтака бияси.

қўшган вақтда яхши ишлиши билан ажралиб туради. Баландлиги 152—154 см. Ириклиги ўртача. Туси тўриқ, кўк ва жийрон. Қорабайр отлари Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида учрайди. Айниқса Жиззах, Самарқанд вилоятларида кўп тарқалган.

Кабардин зоти Шимолий Кавказда яратилган. Бу зотнинг яратилишида қорабах, туркман ва араби зот айғирлар маҳаллий биялар билан чатиштирилган. Кабардин зот чопқир отлардан ҳисобланниши билан бирга транспорт ишларида ҳам фойдаланилади. Тоғ шароитига яхши мослашган. Қунига 66 км ўйлни босиб ўтиши аниқланган. Бўйи 153 см, кўкрак айланаси 177 см, почаси 19 см. Ранги қора, саман ва кул ранг.

Лоқай зоти тоғ шароитига яхши мослашган, жанубий Тожикистоннинг Яз-яван водийсида қадимги ўзбек қабиласи — лоқайлар томонидан яратилган. Гавдаси кичикроқ. Бўйи 140—142 см, танасининг узунлиги 144 см, кўкрак айланаси 166 см, почаси 18 см. Ранги саман ва турли хилда бўлади. Асосан Тожикистон вилоятларида тарқалган.

Чопқир от зотлари. Бу йўналишдаги отлар чопқирлиги ва йўргалаб тез юриши билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Бу йўналишдаги отларга *дон* ва *будённий зоти*; *Кустанай ва новоқирғиз* каби от зотлари киради.

Дон зоти асосан кавалерия эҳтиёжини қондириш максадида етиштирилган. Дастребки вақтда Дон казаклари ўзларининг шахсий отлари иштирокида ҳарбий хизматларини ўтар эдилар. Бинобарин Дон ҳавзасидаги дашт шароитида жуда чидамли, йўрғалик хусусияти ривожланган йилқи зоти вужудга келтирилган. Инқилобдан олдин қавалерия отларининг ярмидан кўпроғи шу зотлардан ташкил топган.

Дон зотини вужудга келтиришда маҳаллий жанубий рус биялари эрон, карабах, туркман, кейинроқ орлов ва соғ қонли чопқир зот айғирларидан қочирилган. Зот вакилларининг танаси йирик, кенг ва кучли, оғир шароитларга яхши мослашган. Бўйи 156—159 см, кўкрак айланаси 185—187 см, почаси 20—21 см. Туси сарғиши-тилла ранг. Бу зот Ўзбекистонга келтирилмаган, лекин Қирғизистон орқали Фарғона водийсидаги хўжаликларга олиб келтирилганлиги адабиётлардан маълум.

Будёнов зоти чопқирлик ва узоқ масофани қисқа


вақт ичида босиб ўтишда дон зотидан устун туради. Бу зот Ростов вилоятида биринчи отлиқ армия йилқи-чилик заводида яратилган. Бундан мақсад дон зотининг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланган ҳолда йирик вазни, мустаҳкам конституцияга эга бўлган, пода шароитига мослашган ва чидамли зот яратишдан иборат. Уруш йилларида бу зот отлардан кенг фойдаланилган. Улар 500—600 см масофани 6—7 кунда босиб ўтганлар. Бу зот вакилларининг бўйи 162—163 см, танасининг қия узунлиги 164—168 см, кўкрагининг айланаси 187—191 см, почаси 20—20,5 см. Ранги сарғиши тарғил, қора ва тилла ранг. Бу зот Россиянинг кўплаб вилоят ва зоналарида кенг тарқалган.

Йўртоқи зотлар. Орлов зоти Воронеж вилоятидаги Хреновский йилқичилик заводида яратилган. Зот вакилларининг туси кул ранг қора. Улар якка, қўш ҳолда ва учталаб араваларга қўшилади. Бўйи 158—161 см, танасининг қия узунлиги 160—161 см, кўкрак айланаси 180—183 см, почаси 18,8—20,3 см. Бу зот Россия вилоятларида кўпайтирилади.

Рус йўртоқи зоти. Бу зот 1926—1928 йилларда орлов зотини америкадан келтирилган юқори сифатли йўртоқи отлар билан чатиштириш натижасида яратилган. Уларнинг танаси йирик, келишган ва ихчам, мускулатураси яхши ривожланган, юриши чиройли, ҳаракатчанилиги ва темпераменти юқори даражада бўлади. Баландлиги 158—161 см, танасининг қия узунлиги 159—162 см, кўкрак айланаси 179—182 см, почаси 19,5—20 см. Ранги қора, тарғил, кул ранг. Россиянинг барча вилоятларида учрайди.

Оғир юк тортувчи от зотлари. Оғир юк тортувчи отлар бундан 170—190 йил илгари ривожланган капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган бўлса, улар Россияга кейинроқ келтирила бошланди. Бу йўналишдаги от зотлари асосан Воронеж, Тамбов, Пенза ва бошқа вилоятлarda урушдан сўнг учритила бошланди.

Айrim бу зотли отлар Иваново вилоятида маҳаллий бияларни клейдесдаль ва шайр зотли оғир юк тортувчи айғирлар билан қочириш натижасида яратилган. Вакиллари йирик вазни, темпераменти юқори, жуда оғир юк тортишга мослашган. Масалан, «Мудрий» лақабли айғири 8 ёшлигига 13870 кг юкни, «Легион» лақабли айғир эса 16400 кг юкни тортганлиги адабиётлардан маълум. Бу зот отларининг бўйи 157—161 см,



54-расм. Оғир юк тортувчи зот айғир.

танасининг қия узунлиги 162—165 см, кўкрагининг айланна узунилиги 183—196 см, почасининг айланаси 23—24 см. Ранги қора, обранинг ерттиң қисми ва бурнининг усти оқ жун билан қопланган. Баъзан кул ранг, тим қора ва тарғиц буслари. Асосан, Йевпатория, Тамбов, Кострома, Москва ва соизда ишлает хўжаликларида учречитилади (54-расм).

Оғир юк тортувчи отларининг рекордчи зоти 1951 йилда яратилган бўлиб, оғир юк тортиш бўйича салмоқли ўрин эгаллаган. Бу зотни яратишда ташлаш ва саралашга алоҳида аҳамият берилган. Бунда ташланаётган вакилнинг вазни, оғир юк тортиш қобилияти ва бақувватлигига алоҳида эътибор берилган. Рекордчи айғирлари 22291 кг гача юк тортиш қобилиятига эга бўлган. «Жребий» лақабли айғири 4 ёшида 16274 кг юк тортуган. Бу зот вакилларининг бўйи 162 см, танасининг қия узунилиги 176 см, кўкрагининг айланна узунилиги 216 см, почасининг айланаси 26 см. Ранги саман, тарғил, қора ва тим қора. Бу зот Россиянинг бир қонча вилоятларида тарқалган.

Оғир юк тортувчи зот отларининг гўштдорлик хусусияти ҳам юқори.

Отларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлиги

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ёқутия ва Башқирдистон аҳолиси от гўштини кўпроқ истеъмол қилингача мослашган ҳалқ ҳисобланади. Бу давлат ва республикаларда гўшт учун боқиладиган отлар йил мобайнида асосан яйловларда боқилади ва парварини қилинади. От гўши ўзининг кимёвий таркибига кўра турли минерал моддаларга бой ва тўйнмалилиги жиҳатидан юқори бўлади (31- жадвал).

31- жадвал

Ст гўштининг химёвий таркиби
(М. Седиқов ва А. Оқилбеков)

Таркини ва каллорияси	Сўйилган вақтинаги ёши		
	8—9 ойлик	1,5 ёшлик	4 ёшдан юқори
Сув, %	72,3	70,3	69,6
Оқсил, %	20,6	22,1	18,9
Ер, %	6,1	6,51	10,4
Кул, %	1,09	1,12	1,02
Каллорияси, ккал	1455	1517	1747

Той гўши майин, серсув, ҳидсиз ва каллорияси анча юқори (2700 ккал) бўлиши билан фарқ қиласди. Отларнинг ёши ошган сари гўши ҳам чайирлашиб, дағаллашиб боради, сифати эса пасайди. Яхши семирган отлардан гўшт чиқни 60%, ўртacha семизликдаги отларда 48—52% ва ориқ вакилларида 45—48% бўлади. Териси тана оғирлигининг 5—6,5% ини ташкил қиласди. Яхши боқилган отлар суткасига 0,6 дан 1 кг гача (баъзан ўртacha 1300 г) семираиди.

Бияларнинг сутдорлиги. Биялар 5—7 ой (лактация) давомида 1300—3000 кг сут беради. Қозоқи ва бошқир зот биялар серсут ҳисобланиб, туққанидан сўнг 2—3 ой мобайнида суткасига ўртacha 10—15 кг дан, айримлари эса 20—25 кг гача сут беради. Бияларнинг серсутлиги лактациянинг биринчи ойида юқори бўлади ва 4—5 ойлигига қадар пасайиб боради. Туққанига 6 ой бўлган бияларда у бўғозлиги сабабли сут бериши анча паст

бўлади. Одатда биялар 7—10 ёшлигига серсугт бўлади ва кейинчалик сутдорлиги пасайиб кетади.

Бияларнинг елини кичик бўлгани билан 1,5—3 кг сут сиғади, шунга кўра лактациясининг дастлабки ойларида уларни ҳар 2—3 соатда, кейин эса 3—3,5 соат оралаб ва лактациясининг сўнгги ойларида ҳар 4—6 соатда соғиб турилади.

Бия сутининг кимёвий таркиби бошқа чорва моллариникига қараганда фарқ қиласди. Масалан, унинг таркибида 6,3% сут қанди, 1,7—2,2% оқсил, 1,6—2,2% ёғ, 0,3—0,33% минерал моддалар ва кўп миқдорда витаминлар ҳамда ферментлар бўлади. Кислоталилик даражаси 6—9°C. Бия сутидаги қанд моддаси кўп бўлганлиги туфайли ундан энг қимматли ичимлик ҳисобланган қимиз тайёрланади.

Қимиз ўзининг мазасига кўра бир оз нордон бўлгани ҳолда уни маҳсус ачитқи-томизги ёрдамида тайёрланади. Тайёрланадиган қимизнинг сифати юқори дарражада бўлишида томизғининг роли каттадир. Томизги бия сутининг ачиш жараёнинда тайёрланиши ҳам мумкин. Баъзан олдиндан тайёрлаб қўйилган томизғилардан фойдаланилади. Соғиб олинган бия сутига маълум миқдорда томизғи солиниб бир сутка атрофида иссиқ ерда сақланади ва вақт-вақти билан аралаштирилиб турилади. Бия сути тахминан 3—4 кун давомида ачиши мумкин, сўнгра уни яна аралаштирган ҳолда салқин ерда сақланади.

Қимиз одамларнинг овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди, нерв системасини нормалаштиради, организм қувватини оширади, ўпка, ичак ва ошқозон касалликларини даволашда муҳим ва шифобахш ичимлик ҳисобланади.

Отларни боқиш ва парвариш қилиш

Отлар биологик хусусиятларига кўра бошқа турдаги чорва молларидан фарқ қиласди. Масалан, уларнинг ошқозони содда тузилишга эга бўлиши билан ҳажми жиҳатидан қорамолникига қараганда 7—8 марта кичикdir.

Стларнинг ичаклари ҳам анча калта бўлади. Шунга кўра отларнинг асосий озиғи беда, пичан, ем, кунжара, серсув ва ширали озиқлар ҳисобланади. Ош тузи эса уларга истаганича берилади (32- жадвал).

Отларга кечқурун күпроқ дағал озиқ берилади. Ем суткасига түрт баробар миқдорда берилishi маңыз. Озиқлантиришда олдин дағал озиқ, сұнг ем ва яна дағал озиқ берилади. Суткасига 3—4 марта суғорилади. Терлаб турған отларни бир оз дам олиб бұлғач, суғориш мумкин.

32- жадвал

Түрли ишларни бағарадыған отләрдегі суткалик ўртача рационы

Ем- хашак түри	Иш тури ва суткалик озиғи, кг		
	енгизі	ўртача	өғір
Беда пичани	6,0	5,0	5,0
Сули пичани	3,0	2,0	1,0
Ем	2,5	3—3,5	4—4,5
Жұмладан: сули	1,5	1,5—2	2—2,5
Әрма дон	0,5	1,0	1,0
Маккажұхори	0,5	1,0	1,0
Илдизмеке, силос	8,0	6,0	4,5
Ош тузи, грамм	30	30	30

Айғирлар рационига бияларни қочириш даврида 5 кг сут, 3—5 дона тухум, 0,2—0,3 кг гүшт-сүяк унини киритиш тавсия қылданади. Агар айғирнинг тирик вазни 500 кг атрофида бұлса, у ҳолда унга суткасига 6—8 кг беда пичани, 6 кг ем ёки омихта озиқ бериш маңыз күрилади. Айрим вақтларда 500—600 г дон майсаси бериш ҳам фойдалидир.

Ез ойларидан беда пичани ўрнига 15—25 кг атрофида янги ўриб келтирилган күк беда бериш мумкин. Қочириш компаниясы тугагач, уларнинг рационидан сут, гүшт-сүяк уни ва тухум чиқариб ташланади ва 3 кг атрофида силос беріб турилади.

Бұғоз ва эмизикли бияларни боқиши. Бунинг учун дастлаб уларнинг тирик вазни, ёши, ориқ-семизлиги ва физиологик ҳолати ҳисобға олинади. Бунда уларнинг 100 кг тирик вазни ҳисобида ўртача 2—3 кг беда пичани, 0,5—0,8 кг. омихта ем, 40% сули, 35% арпа, 25% маккажұхори, 0,1—0,2 кг кунжара, 1—1,5 кг сабзи ёки хашаки лавлаги, 0,5—1 кг силос бериш фойдали ҳисобланади.

Бұғоз бияларга бұғозлигининг сүнгги ойнда силос өзінде пичаны берилмайды, хашак ва серсув озиқ миқдори бир оз камайтирилді. Уни ҳисобига 30—60 г дан суткасига бүр ва бошқа минерал құшимчалар берилади. Сөвүқ сув ичириши ман этилади. Очук ҳавода яйратиб турилади.

Отларни урчитиши. Ёш айғир ва биялар 12—18 ойлигінде жинсий балоғатта этилади. Лекин бу вақтда уларни урчитиши ёки ана шу мақсадда фойдаланиш мүтлақ ярамайды. Акес қолда улар ўсинадан тұхтайды, нимжон ва кичик вазили құлун беради. Шуларни ҳисобға олган қолда биялар ва айғирлар уч ғана тұлмағунча урчитишиңа құйылмайды. Отлардан 20 йыл ва ундан узоқ вақт құлун олиң мүмкін.

Құлунлаган биялар 8—10 күн деганда ва баъзан кечроқ куюкалы, бу жараён 5—7 күн (хатто 2—12 күн) давом этиади. Агар бия ана шу даврда қочирилмаса бу хусусият 20—23 күндан сүнг яна тақорелді. Бу асасан уларнинг ориқ-семизлиги, зоти, этилувчанлиғи, бокиши үсули ва физиологик қолатига боялғық бўлади.

Иилқиличиликда бияларни сұнъий, құлда ва яйловда қочириши үсулларидан фойдаланилади. Сұнъий үсулда мәсьум давомида битта айғир уруғидан 150—300 та бияни қочириш мүмкін. Құлда қочирилганда 4 ёндандан кичик бўлмаган бир айғир билан 50 та бияни қочириш мүмкін. Яйловда (пода шароитида) 25—40 бия учун бир айғир етарлайди.

Бияларнинг бұғозлик даври ва қулунлары. Бияларнинг бұғозлик даври 11 ой (310—360 күн) давом этиади. Биялар туғишиңа 10—15 күн қолғанда, улар үт пичаны түшшілгаш махсус хоналарга селинади. Туғишиңа якин бияннинг елини катталашади ва сўргичтари сутга тўлган қолда бир оз қаттиқлашади.

Биялар нормал қолда туғса, инсоннинг ёрдами тарабада этилмайды. Бунда қулуннинг киндинги үзилмай қолса, уни қориңдан 5—6 см қолдиноң қайчи билан кесилади ва йод суркаб құйылади. Оғзи, бурни ва қулоқлари тоза сочиқ билан яхшилаб артилади ва онасига ялаш учун құйылади. Құлун оёққа турғач онасини эмиссия учун айрим ҳолларда ёрдам бериш тарабада этилади. Орадан 1—1,5 соат вақт үтгач бияларга илік сув ва сифатли беда пичаны берилади, 4—5 соатдан сүнг ёрма дондан тайёрланған атала бериш тасвия этилади. Биялар 6—7 күндан сүнг умумий рационга ўтказилади.

Құлун ўстириш. Құлунлар 5—6 ой мобайнида она-лары билан бирга боқилади. Еиринчи ойда она сути етарлы ҳисобланади. Уларни күпроқ соналари билан тоза ҳавода яйратиши фойдалы. Бир ярим ойлик құлунларни ўт ва пичан едиришта аста-секин ўргатила бошланади. Сүнг кунига 100—200 г дан ёрма дон бериш мүмкін. Сұтдан ажратиши даври яқинлашгач, құлунларға 2—3 кг ем, күпроқ беда пичаны ва сабзи каби озиқлар берилади. Құлунлар сутдан 9—10 ойлигіда, баъзан 11 ойлигіда ажратилади ва уларни (8—10 та дан) гурух-лаб алохіда сақланади.

Бир — иккі ёшли құлунларға суткасига 4—5 кг беда пичаны, 3—5 кг сомон, 2—4 кг ем, 2—4 кг серсув жа ширави озиқ берилади. Шуннингдек, ош тузи, бўр, суюк уни ҳам бериб турилади. Улар суткасига 3—4 марта озиқлантирилади. Улар турган жой маълум вақтда то-заланиб турилади.

Құлунлар яхши парварини қилинса улардан етила-диган айғир ёки биялар юқори кўрсаткичларга эга, сермаҳсул, соғлом ва йирик бўлади.

Ўзбекистонда йилқичилик

Маълумки, йилқилар асосан яйловларда боқилади ва кўпайтирилади. Бинобарин республикамизнинг та-биний яйловлари оз бўлганлиги учун отлар подаси, кўпроқ тоғли ва тоғолди зоналарда кўпайтирилади.

Ўзбекистонда йилқилардан асосан уч хил мақсад учун, яъни спорт ишларида, гўшт ва қимиз йўналишида фойдаланилади. Кейинги йилларда бир қатор вилоят-ларда, жумладан Қашқадарё, Сурхандарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Коракалпогистон республикасида йилқиларни кўпайтиши тадбирлари кўрилмоқда.

Хозирги вақтда республикамизда йилқичиликни ри-вожлантириша катта аҳамият бериши керак. Айниқса кўп миқдорда сифатли гўшт ва қимиз етиширишда бу тармоқда катта бурилишлар бўлмори лозим.

Йилқиларнинг маҳсулдорлигини ошириш, биялардан кўпроқ қулун олиш, уларниң наслини яхшилаш ишларини юқори даражага кўтариши лозим.

Кўплаб хўжаликлар ҳар 100 бош биядан 35—40 та ва ундан ҳам камроқ қулун олмоқдалар. Шу билан бир вақтда республикамизда ҳар 100 бош биядан 85—95 тадан қулун олаётган хўжаликлар сони оз эмас. Бунга мисол қилиб Жиззах вилоятидаги 76-от заводи,

бир қанча жамоа ва давлат хұжаликларини күрсатиши мүмкін.

Шундай қылғы чорвачилуккыннан салмоқли тармоқтаридан бири бұлған йилқычилуккын ривожлантириш, улардан күп миқдорда сифатли ва арzon маҳсулот олиш мүхим халқ хұжалик ақамиятига әгадир. Шунга күра бу соңада имкони бұлған хұжаликлар мавжуд резервлерден унумли фойдаланған ҳолда йилқычилуккын ривожлантириш ишларига ўз ҳиссаларини құшишлари республика йилқычилари олдиде турған асосий вазиға бўлиб қолади.

XI бөб. ТУЯЧИЛИК

Туялар ўзларининг биологик ҳусусиятларига күра барча турдаги чорва молларидан фарқ қиласынан, асосан сувесиз дашт ва саҳролар зонасига тарқалған ҳайвон ҳисобланади.


Туялар асосан Марказий Осиё республикаларида, ҳусусан күп ерларда қоракұлчиликта фойдаланыладынан қимматли иш ҳайвонидир. Туялар шунингдек, Қозғистон ва Қалмиқ ўлқасында, Волгоград چүлларидан ҳамда озроқ бұлсада Озарбайжон, Саратов, Гарбий Сибирь, Оренбург, Ростов, Краснодар ўлқасында, Чита вилюйтида ҳам учраб туради.

Күп жойларда туялардан транспорт воситаси сифатида фойдаланылса, уларнинг яна қимматли томони маълум миқдорда гүшт, жун ва сут етишириб беришдан иборатдир.

Зоология курсидан маълумки, туясимонлар оиласи иккита авлодга, яъни туялар ва ламалар авлодига бўлинади. Ламаларнинг гавдаси бирмунча кичикроқ бўлиб, ўркачининг бўлмаслиги билан туялардан фарқ қиласы. Ламалар кўпроқ Жанубий Американинг тоғли зоналарида учрайди, туялар билан чатишмайди.

Туялар авлоди эса ўз навбатида иккита мустақил турга: бир ўркачли — дромедар ва икки ўркачли-бактериан туяларга бўлинади. Улар ўзаро чатишади ва урчишга қобилиятли дурагайлар беради. Лекин улар тоғли ва зах ерларда яшай олмайди (55-расм).

Умуман, қишлоқ хұжалик ҳайвонлари ичиде бирорта ҳайвон тури йўқки улар туялардек чўл, дашт ва саҳро шароитига ниҳоятда яхши мослашган бўлсин. Улар-



55-расм. Бир ўркачли дромедар түяси.

нинг бундай мураккаб экологик шароитга мосланишини асосий омиллари қўйидагилардан иборат:

1) туялар чўл, дашт ва саҳролардаги бошқа тур ҳайвон еяолмайдиган тиканли, жуда сийрак, ўшур ўсимликларни бемалол истеъмол қила олиши ва уларни яхши ўзлаштира олиши;

2) чўл ва саҳролардаги шўр ва шўр-тахир сувларни бемалол ича олиши, шунингдек, сувсиз бир неча кунлаб ҳаёт кечира олиши.

3) чўлнинг ўта континентал (яъни ёзи ўртача 50°C иссиқ, қиши ўртача -27°C совуқ) бўлган шароитига яхши мослаша олганлиги;

4) туялар йўлсиз, нотекис, қумлоқ ерларда соатига ўртача (юксиз ёки енгил юки бўлгани ҳолда) 8—9 км масофа боса олиши;

5) туяларни турли об-ҳаво шароитида ҳам юки билан кунига 50—60 км, суткасига 170—180 км масофани боса олиши;

6) туялар бошқа тур ҳайвон юра олмайдиган қум барханлари оралаб, 240—320 кг юк кўтарган ҳолда бемалол ҳаракат қила олиши;

7) узоқ масофага отланган туяларни кечаю-кундуз ҳаракат қилиши ва уларга ҳар 60—65 км масофадан

сўнг юқиска вақтли дам олиб яна ўз юришини давом эттира олиши шулар жумласидандир. Туяларниң бундай ажойиб хусусиятларидан қадимги замонларда минглаб савдогарлар ўз юкларини бир давлатдан иккинчи давлатга олиб бориб сотишда фойдаланганлар.

Кузатишлардан (М. К. Кукебаев ва П. Д. Лысогоров) маълум бўлишича ҳар бир түя ўртача 200—250 кг юкини бемалол узоқ масофага олиб бора олади. Айrim ҳолларда йирик, бақувват эркак туялар 400—500 кг ва ҳатто 700 кг юкни кўтариб ҳаракат қилганлиги кўплаб кузатилган. Тажриба тариқасида Орол денгизи яқинидаги Челкар туманида йирик эркак бактериан туяниң бир ўзи 1300 кг юкни олиб бораётганлиги кўплаб одамларни қойил қолдирганлиги адабиётлардан маълум.

Туяларниң ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти. Туялар ҳам бошқа турдаги чорва ҳайвонлари каби ҳалқ хўжалигига салмоқли ўринни эгаллайди. Улар юқорида қайд қилиб ўтилганидек сувсиз дашт ва саҳро зоналаридаги иш ҳайвони бўлиши билан бирга туялардан гўшт, сут, жун ва тери маҳсулоти олинади.

Маълумотларга қараганда, Россияниң барча дашт ва чўл зоналаринда 240 мингга яқин түя бўлиб, уларниң 34% и дромедар, 44% и байтериан ва 22% и дурагай туялар ҳисобланади. Айтиб ўтилганидек, туялар йил мобайнида дашт ва саҳро яйловларидаги ўт, янтоқ каби ўсимликлар билан озиқланади. Уларга фақат оғир шароитда ва қочириш мавсумидаги на кўлдан пичан ва ем берилади.

Туяларниң маҳсулдорлиги. Туяларниң гўшти сифатига кўра қорамол гўштидан пастроқ баҳоланади. Гўнит чиқини ўртача 50% атрофида бўлади. Бир ўркачли туялар асосан Туркманистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистонда кўпайтирилса, иккى ўркачли туялар совукқа чидамли бўлгани ҳолда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг шимолида, Қалмиқ ва Тува вилоятида ҳамда Волгоград, Астрахан, Чита вилоятларида учрайди. Мутахассисларниң кўрсатмасига кўра туялар Қалмиқ, Қозоқи ва Мўғул зотларига бўлинади. Бу зотларниң ичидаги энг йириги қалмиқ зоти ҳисобланиб, эркаклари 770 кг, ургочилари 680 кг қелади.

Бир ўркачли туялар иккى ўркачлиларга қараганда бирмунча серсуг бўладилар. Бинобарин, улардан йил давомида ёғдорлиги 4,5% бўлган 1000—1100 кг сут со-


ғиб олинади. Икки ўркачли туялардан эса ёдөрлиги 5,4% бўлган 750—800 кг гача сут соғиб олинади.

Туя сути ўзининг шифобахш ва мазали бўлиши билан бия сутидан қолишмайди. Қимиз тайёрлаш технологияси каби туя сути ачитқичлар ёрдамида ишланади ва қисқа вақт ичида ниҳоят ажойиб ичимлик олинади. Бу ичимлик қозоқ тилида «шубат», туркман тилида «чал» деб номланади. Умуман қозоқ ва туркман халқларини туя сутига бўлган эҳтиёжи анча юқоридир.

Туялар суткасига 2—4 марта соғилади ва ҳар соғиша уларниң ёши, вазни ва бошқа хусусиятларига кўра 0,5—1,0 л сут соғиб олинади. Айрим мъълумотларга қараганда туялар орасида ниҳоят серсугт вакиллари ҳам учраб туради ва улар суткасига ўртача 13—15 л сут беради, сутидаги ёғи 5—6% ни ташкил қиласди.

Туяларни жун маҳсулдорлиги ҳам ўзига хос кўрсаткичга эга. Бунда икки ўркачли туялар сержун бўлгани ҳолда, улардан йилига 5—10 кг, айрим ҳолларда 12 кг гача жун қирқиб олинса, бир ўркачлиларидан ўртача 2—4 кг атрофида жун олинади. Жун қирқими асосан апрел ойида ўтказилади.

Икки ўркачли туяларнинг жуни бирмунча спфатли.



56• расм. Икки ўркачли бактериан туя.

хисобланиб, унинг таркибида деярли 85 фоиз тивит бўлади. Шунинг учун ҳам бундай жун юқори даражада баҳоланади. Туя жунидан турли хил жунли кийимлар, трикотаж, одеяллар тайёрланади. Шунингдек, сифатли жундан пайпоқ, қўлқоп ва рўмоллар ишлаб чиқарилади. Эркак туяларнинг жун миқдори урғочиларини-кига қараганда бирмунча қўпроқдир (56-расм).

Туяларни етилувчанлиги. Туялар бошқа ҳайвонларга нисбатан, кеч етилувчан ҳайвон ҳисобланади. Улар 2,5—3 ёшлигидаги жинсий балогатга етади. Бу даврда эркак туяларни урғочиларидан ажратиб қўйиш талаб этилади. Акс ҳолда улар жуфтлашиб ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Шунга кўра урғочи туялар биринчи марта жуфтлашишга 3—4 ёшлигига, эркаклари эса 4—5 ёшлигига қўйилади.

Туялардан асосан 20 ёшга киргунча фойдаланиш мумкин. Сўнг уларнинг тишлари едирила бошлайди ва ем-ҳашакни ҳазм қилиш хусусияти насаяди. Бинобарин бунда туялар семиртирилиб гўштга топширилади. Лекин қаринб қолган туяларнинг гўшти чайир ва дағал бўлади.

Туяларнинг бўғозлик даври ҳар хил бўлади. Масалан, дромедар туяларда бу давр 13 ой давом этса, бактерианларда эса 14 ойга боради. Бўталоқлари оналарини 18 ойлигига қадар эмади. Ҳар бир туя асосан битта ва камдан-кам иккита туғади.

Туяларни қочириш асосан икки хил усулда — қўлда ва уюрга амалга оширилади. Қўлда қочирилганда бир эркак туяга 25 урғочи, уюрга эса 15—20 урғочиси реjalаштирилади. Эркак туя суткасига фақат битта урғочи туяни қочириши мумкин.

Бактериан туялар асосан қўлда, дромедарлари эса уюрга қочирилади. Дурагай насл олиш мақсадида туяларни қўлда қочириш талаб этилади.

Бўталоқ ўстириши. Бўталоқлар одатда 35—55 кг вазнда туғилади. Агар ҳаво совуқ бўлса туғилган бўталоқлар иссиқ хонага олинади ва суткасига 5—6 марта онасини ёнига келтириб эмизирилади. Бўталоқлар ўсиб, ривожланиб борган сари ем-пичанга ўргатила борилади. Улар икки ёшга етганда 400 кг вазнга эга бўлади. Бунда уларга суткасига 10—12 кг пичан ва 1 кг ем бериш талаб этилади.

Бўталоқларнинг вазни уларнинг ёшига қараб ортиб боради. Бундай бўталоқларнинг тирик вазнини ёшига

қараб ўзгариш динамикаси қўйнадагича бўлиши аниқланган (И. Н. Чашкин маълумоти):

Ўртача.	Ўзгариш чегараси.
Бўталоқлар туғилганида	49,39 кг 30—64 кг
1 ёшли бўлганда	221,3 кг 140—289 кг
2 ёшли бўлганда	350,5 кг 220—459 кг
3 ёшли бўлганда	432,0 кг 330—549 кг
Катта ёшдагилари	551,4 кг 375—824 кг

Бўталоқлар 2—3 ёшлигидан қўлга ўргатила бошланади. Бунда овоз чиқариб ўтириш ва туриш машқлари ўтказилади. Беш ёшга етганда улардан тўла ҳолда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, ёшлигидан қўлга ўргатилган туялар анча юввош ва буйруқни ўз вақтида бажарадиган бўлади. Бундай туялардан хўжалик ва ишлаб-чиқариш ишларида фойдаланиш имкони вужудга келади.

XII б о б. ҚУЁНЧИЛИК

Ўзбекистондаги барча хўжаликларда, шу жумладан фермер хўжаликларида қуён асосан гўшти ва мўйнаси учун боқиласди.

Қуён мўйнаси ранг-баранг, енгил, чироили ва арzonга тушиши туфайли ундан кўп фойдаланилади. Ундан болалар пальтоси, телпак, ёқа, поїафзал тайёрланади. Шунга кўра халқ хўжалигида унинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Қуён гўшти ўзининг сифати, барралиги ва парҳезлиги билан бошқа тур ҳайвонлар гўштидан фарқ қиласди. Умуман гўшт етиштириш борасида қуёнлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бунга аес сифатида уларнинг тез кўпайиши, тез етилувчанлиги ва турли хилдаги емхашакларни истеъмол қилиши каби хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Иилига битта она қуён ҳисобига 70—80 кг гўшт ва 25—35 дона мўйна етиштириш мумкин.

Статистика маълумотларига қараганда, иилига Россия ва Марказий Осиё давлатларида 50 миллион атрофида қуён гўшт учун сўйилар эди. Бу эса 1 млн бош қўй гўштига тенг демакдир.

Умуман, қуён гўшти ўзининг ҳазм бўлиши ва оқсил моддаларга бойлиги билан чорва моллар гўшти орасида биринчи ўринда туради. Шунингдек, бир кило-

грамм қүён гүшти етиштириш учун қўй, чўчқа ёки қорамол гүшти тайёрлашдагига иисбатан кам озиқ талаб этилади.

Қўён гүшти таркибида оқсил кўп, холестерин кам бўлганлиги туфайли айниқса болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек ошқозон ва юрак-томир касаллигига чалинган кишилар учун жуда фойдалидир. Қўён ёғи қўй ва қорамол ёғига иисбатан тез эрийди ва тўлиқ ҳазм бўлади. Шунинг учун ҳам болалар боғчалари, санаторий ва касалхоналарда қўён гўнтидан хилма-хил таомлар тайёрланади.


Қўёндан жуда майин ва нозик тивит ҳам олинади, ундан шарф, рўмол, свитер, беретка, пайпоқ ва бошқалар тўқилади. Шунингдек, қўён терисидан қўлқон, сумка, енгил оёқ кийим ҳам тайёрланади.

Қўёнларни кўпайтириш ва парваришлаш ишлари, айниқса сўнгги йилларда кўплаб фермер хўжаликларида кенг қулоч ёзмоқда.

Қўёнларни маҳсулотига кўра асосий йўналишлари

Қўёнлар ўзларининг асосий маҳсулоти бўйича учта йўналишга мансубдирлар: 1) гўшт йўналиши, 2) тивит йўналиши, 3) муйна йўналиши. Бундан ташқари тивит йўналишидаги қўёнларининг мўйинаси ўзининг ўсиғлигига кўра, ўргача, узун ва калта тивитли гуруҳларга бўлинади.

Гўшт йўналишидаги зотлар. Кул ранг йирик зот. Уларнинг вазни 4,5—6,5 кг келади. Танасининг узунлиги 56—66 см, кўкрак айланасининг ўлчами 37—39 см. Рангига ҳар хил. Асосан кул ранг, оч ва тўқ кул рангли вакиётлари учрайди (57-расм).



57-расм. Кулранг йирик зот қўённинг наслдор эркаги.



58-расм. Оқ рангли сертивит зот қүён.

Оқ рангли йирик зот. Бу қүёнларнинг мўйнаси зич ва майин, кўзлари қизгиш ёки пушти рангда бўлади. Танаси йирик, узунроқ, тирик вазни 4,3—6,4 кг га боради.

Танасининг узуилиги 55—65 см, кўкрак айланаси 36—38 см. Мўйнасининг сатҳи катта. Ранг оқ бўлганилиги учун уни турли ранг билан бўяш мумкин.

Ургочилари бир йўла етти-саккизтадан болалайди ва бу болаларини яхши парвариш қиласди. Бу зот ўзининг тез етилувчанлиги билан бошқа зот қүёнлардан фарқ қиласди. Болаларнинг суткалик семирини юқори даражада бўлади. Икки ойлик болаларнинг вазни ўртача 1,5 кг, уч ойлигига 2 кг ва тўрт ойлигига 2,6 кг гош босади. Бу зот қүёнлар асосан соф ҳолда кўпайтирилади.

Шиншилла зоти. Бу зот 1913 йилда Францияда яратилган. Вазни ўртача. Бу зот Россияга келтирилгач унинг барча сифат белгилари, маҳсулот кўрсаткичлари тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида ўзимизнинг маҳаллий шиншилла зоти вужудга келди. Маҳаллий шиншилла зоти гўшт — мўйна йўналишига мансуб. Мўйнаси тўқ кул ранг, қорин ва дум ости, оёқларининг ички қисми оч кул ранг. Тирик вазни 3,2—6,2 кг, танаси 55—65 см, кўкрак айланаси 36—39 см. Бир йўла ўрта


хисобда саккизтагача болалайди. Тез етилади ва яхши семиради.

Күмүш рангли зот. Раиги күмүш рангдан ҳаво ранггача, ўсиқ жүйлари қора, дағал туклари оқ бұлган вакиллари ҳам учрайди. Болалары қора рангда туғилади. Вазни ўртача 4,7 кг, танаси 60 см, күкрапт айланаси 37 см. У тез етилувчан.

Тивит йұналишидаги зотлар. **Ангор сертивит қүён зоти.** Бу зот кеңг тарқалған. Тивит учун боқилади. Раиги оқ, баъзан қора раигли вакиллари ҳам учраб туради. Вазни 3 кг атрофида. Ҳар бир қүёндән йилига ўртача 250—300 г тивит олинади.

Оқ сертивит қүён гурӯҳи. Вазни йирик. Тивити юқори баҳоланаиди. Тирик вазни ўртача 4 кг. Ҳар бир қүёндән йилига ўртача 400—500 г тивит олинади. Тивитининг йўтонлиғи 12—14 микрон. У саноат учун ниҳоят қимматли хоманд ҳисобланади (58-расм).

Мўйна йұналишидаги қүён зотлари. Бу йұналишдағы қүёnlарининг мўйнаси қалин, жун толалари калта. Дағал жун толалари ҳам калта ва нозик. Мўйнаси майин, юқори қадрланади. Саноат учун керакли хом ашё ҳисобланади. Уларниң раиги — жигар ранг, сарғиш, оқ, қора, ҳаво рангда бўлади. Вазни 4 кг атрофида. Бир йўла 3—4 тадақ болалайди (59-расм).



59-расм. Мўйна йұналишидаги қүён.

Қүёңчилик фермаларини ташкил этиш

Ўзбекистон шароитида қүёңчилик фермалари зах ва намгарчилик бўлмайдиган кўруқ ерларда ташкил этилиши керак. Йиқоният борича теварак атрофи дарахт ва мевазорлар билан ўралган бўлиши мақсадга муовифиқдир. Умумай қүёңчилик фермаларининг чорвачилик фермалари яқинида жойлаштирилиши кўп жиҳатдан осон ва қулай бўлади.

Қўёңчилик фермаларини ташкил этиш ва мавжуд фермалардан катта даромад олиш учун биринчи навбатда сернушт она қўёnlар соянни қўпайтириш керак бўлади. Шундагина маҳсулотнинг таниархи арzonга тушади ва сифати яхшиланади.

Шароити тўғри келадиган хўжаликларда йил давомида қўён гўшти этиштирадиган йирик қўёңчилик фермаларини ташкил этиш мумкин. Бунда майда қўён болаларини гўшти учун жадал усулда семиртириш талаб этилади. Унинг афзаллиги шундаки, қўён болалари 60—65 кунгача оналарига эмизиб боқилади ва вазни 1,8—2,2 кг га стиши билан гўштга топширилади. Шундай қилиб қўёnlарнинг 1 кг семиртириш учун ўрта хисобда 3,0—3,5 кг озиқ бирлиги сарфланади. Семиртирилган қўёnlарнинг гўшти 50—60% ни ташкил этади.

Қўёnlарни қочириш ва болалатиш. Маълумки, қўёnlарнинг бўғозлик даври ўртacha 30 кун давом этади. Қуйида қўён болаларини боқиш ва парваришлар усуги қараб, айрим тадбирлар, яъни қочириш ва болалатиш масалалари тавсия этилади (33- жадвал).

33- жадвал

Гўшт йўналиши даги қўёңчилик фермаларида қўёnlарни қочириш ва улардан бола слишнинг таҳминий календар муддатлари


Нечанди болалаши	Қочириш муддати	Болалаши	Кушхонаага жўнатиш	Боқинидан мақсад
Биринчи	1 январь	1 февраль	5 апрель	Гўштга
Иккчи	1 апрель	1 май	3 июль	Гўштга
Учинчи	1 июль	1 август	3 октябрь	Гўштга
Тўртинчи	1 октябрь	1 ноябрь	3 январь	Гўшт ва мўйнаси учун

Қүён болалари жадал усулда боқиладыган бұлса улар үз оналаридан 19, 29, ва 45 кунлигіда ажратылади ва түрли озиқтар билан боқилади. Бу усул құлланылғандай қар бир она қүён йилига беш-олти марта болалайды.

Хозир республикамиз шароитида қүёнларни катақтарда боқиши усулы кең тарқалған. Бунда әркак ва ургочи қүён бир катакда сақланади. Қүён боқишида бу усул құлланылғанда гурух-гурух қилиб боқилғанға қараганда түрли юқумлы касалліклардан, ит, мушук, каламуш, тулки ва бошқалардан сақланиши учун барча мұхым тадбирларни амалға ошириш талаб этилади.

Қүён болаларини боқиши. Қүён болалари оналаридан ажратыб олинғач таркиби сутға нисбатан озиқ моддаларға үнчалик бой бүлмаган пичан, түрли үт ҳамда дон озиқтарға үтади. Шунинг учун улар бириңчи ойда оналарига қандай озиқ берилған бұлса, худди шундай озиқ билан боқиши мүмкін. Лекин дон албатта ёрма қолда бериліши керак. Шунингдек, құшимча қолда сабзи, қаймоги олинған сут, творог бериліши яхши натика беради (60-расм).

Озиқтар қүёнларға белгілінген мұлдаттарда бериліши зарур. Рацоныға яиги озиқ кирилледиган бұлса, у оз-оздан құшиб бориліши керак. Масалан, кунжаранинг умумий суткалик миқдори етук қүёнлар учун 20 г, болаларни учун 10 г дан ошмаслиги лозим. Айрим қолларда күйжара дон ёрмасига аралаشتырып берилі-



60-расм. Гүшт йұна национальдеги қүён болалары


ши лозим. Ёрма ҳолидаги дон сабзавотларга аралаштириб берилса, юқори күрсаткичларга эришилади.

Қүёнларни суғоришга ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак. Қишлоғида суткасиға бир марта, ёз кунлари икки марта, яғни әрталаб ва кечқурун сув берилиши зарур. Куз ойларыда, қүёнлар рационанида илдизмева ва ширали озиқлар кўп бўлса, улар суғорилмаса ҳам бўлади.

Бўрдоқига боқиш. Қуёнлардан юқори сифатли гўшт олиш учун улар асосан бўрдоқига кузда боқилиши керак. Чунки бу вақтда улар яхши семириши билан бирга, терисининг сифати ҳам анча яхши бўлади.

Бўрдоқига боқиш учун асосан қисир қолган она қуёнлар, брак қилингани эркак қуёнлар, қуён болалари ажратилиди. Бўрдоқига боқиш даври 25—30 кун. Лекин қуёнларнинг турли зот вакиллари ўзларининг барча биологик ва хўжалик хусусиятларига кўра, бир-бираидан фарқ қиласи (34 ва 35- жадваллар).

Қуёнларни бўрдоқига боқиш даврида озиқлар сифатли бўлиши ва у тўядиган даражада берилиши ҳамда сув билан таъминлаб турилиши лозим. Шундагина қуёнлар кўнгилдагидек семиради, курак ва тери остидаги ёғининг ўзи 500—600 г ва ички органлари атрофидагиси 250—300 г, ўзи эса 6—7 кг гача етади (61-расм).



* 61- расм. Гўшт йўналишидаги эркак қуён.

Қүёнчилик фермаларининг кун тартиби. Қүёнчилик фермаларининг кун тартибни тузишда ёз ва қиши ойлари учун белгиланган тадбирларга амал қилинади. Бунда қүёнларни эрталабки сугориш, дон бериш, катакларни тозалаш, уларни қочириш, кўкат озиқ бериш, дам бериш ва бошқа тадбирлар ўз навбатида узлуксиз олиб борилади.

Умуман барча қүёнчилик фермаларида ҳамма тадбирлар маълум режа асосида олиб борилниши мақсадга мувофиқдир. Кун тартиби эса ферма хусусияти, қүёнларни умумий миқдори ва маҳсулот йўналишига кўра маълум даражада ўзгарини табинидир. Лекин асосий мақсад вақтдан унумли ва самарали фойдаланишдан иборат.

34- жадвал

1 классга онд ўртacha семизликдаги қуёнларнинг айrim кўрсаткичлари

Зоти	Тирик вазни, кг	Танасининг узунлиги, см	Кўкрак айланси, см
Кул ранг великан	4,5	60	37—38
Оқ великан	5,5	67	36
Ҳаво ранг Вена зоти	4,2	50	36
Шиншилла	3,7	43	35
Оқ сертивит зот	3,7	54	35

35- жадвал

Қуёнлар меъёр даражада боқилганда ёшига кўра тирик вазнининг ўзариб бориши (П.Д. Бакшеев)

Зоти	Қуёнларнинг ёши, кун ва вазни, кг		
	60 кун	90 кун	120 кун
Кул ранг великан	1,4	2,6	3,6
Оқ рангли великан	1,3	2,6	3,6
Махаллий шиншилла	1,2	2,2	3,1
Ҳаво ранг Вена зоти	1,2	2,2	3,1
Кумуш ранг зот	1,4	2,6	3,6
Кора-ола зот	1,4	2,6	3,6

XIII бөб. ЗООГИГИЕНА

Зоогигиена чорва молларининг соғлиғини сақлаш, шуннингдек, уларни боқиши, асраш, парваришлаш ва тұғри фойдаланиш қонда ҳамда тадбирлари асосида маҳсулдорларнин оширишга қаратылған фан.

Зоогигиена фаны ҳайвон организмында ташқи мұхит таъсирларини үрганади ва таъсирларға ииңбатаң турлы хил ҳайвонлар учун нормал шароит режаларини тұздади. Шүнгіндегі, чорвачилик биопаритеттери қуиши ва улардан фойдаланиш усул ҳамда нормативларини ишлаб чиқиши ҳам зоогигиена фаны зиямасынға тушиади.

Зоогигиена фанының асосий мақсадларидан бииси ҳайвонларни турлы хил касалликлардан сақлаш, касалликларнинг олдини олиш каби тадбирларни ишлаб чиқищдан ибораттады. Амалдік жиынтаудан бұрынғы вазифаси фақат чорва молларининг соғлиғини сақлаш, маҳсулдорларнин ошириш билан чекланысадан улардан сифатли маҳсулот олиш, уннан ганнархини арзоналаштириш ҳамда кам маблағ сарфлаган ҳолда күп маҳсулот етиштиришдан ибораттады.

Кейинги йилларда чорвачиликни саноат асосида жадал ривожлантириш үшін борада ишлаб чиқарылған жараёнларини комплекс механизациялаштириш, шүнгіндегі, йирик чорвачилик комплексларини қуиши зоогигиена фаны олдига кеттә үшін вазифаларни юклады.

Зоогигиена фаны бириңчи галда ветеринария билан бөглиқ бүлса, зоотехния, экономика, физика, кимё, физиология, микробиология, климатология ва мұхандислик фанлари билан алоқадордады. Зоогигиена фаны маълумотлары турлы умумпрофилактика, ветеринария-санитария ишларыда, қышлоқ хұжалик ҳайвонлары касалликларнинг олдини олиш соҳасыда фойдаланылады. Бұрынғы фан одам гигиенаси билан ҳам бөгликтеді. Зоогигиена фаны күрсатмаси билан олиб бориладынан бері қаңча тадбирлар чорвачиликке хизмет қыладынан мұтахассисларни ҳам турлы касалликлардан сақланиш чораларини ишлаб чиқады.

Чорва молларини тұғри асраш үшін боқиши, молхоналар микротемператураларыннан даражада бўлиши, чорвачилик ходимларининг мөхнат гигиенасини күтариш имконини беради.

Зоогигиена фани ўз хусусиятига кўра икки қисмга: умумий ва хусусий зоогигиенага бўлинади. *Умумий зоогигиена* фани барча турдаги чорва ҳайвонларига тааллуқли бўлган, умумий ҳисобланган, соғлиқни сақлаш, маҳсулдорликни ошириш каби масалаларни ўрганади. *Хусусий зоогигиена* эса ҳар бир ҳайвоннинг турига кўра, уларнинг хўжалиқ ва биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда махсус тавсиялар бериш тўғрисида кузатишлар олиб боради.

Чорвачилик биноларини қуришда унинг махсус қисмларига бўлган зоогигиена талаблари

Ўзбекистон минтақалари шароитида чорвачилик биноларининг деворлари ташқи иссиқ ва совуқ ҳароратни ушлаб қоладиган материал ва ускуналардан қурилиши керак. Шунинг учун девор материаллари ғалвирак, тешик-тешик материаллардан бўлгани маъқул ҳисобланади. Чунки бундай материаллар ўзидан ҳавони қисман ўтказгани ҳолда иссиқ ва совуқ ҳавони ўтказмайди.

Бинонинг фундаменти мустаҳкам ва чидамли материаллардан қурилиши керак. Фундамент ер ости сувларидан камида 0,5 м юқори бўлиши керак.

Бинонинг девори юқорида айтиб ўтилганидек иссиқ ва совуқ ҳароратни ўтказмайдиган, қуруқ ҳавони бир оз ўтказа оладиган ғалвираксимон материаллардан қурилиши лозим. Деворлар тез-тез оқланиб, тозаланиб ва дезинфекция қилиб туриласди.

Бинонинг шини хонани ҳаддан ташқари исиб кетишига йўл қўймайдиган, қуруқ, енгил, текис ва мустаҳкам материаллардан қурилиши талаб этилади. Бундай материаллар бино ичини дезинфекция қилиб турishi учун ҳам қулай бўлиши керак.

Бинонинг поли хонадаги микронқлим, санитария ва гигиеник ҳолат, молларнинг соғлиги, тозалиги, маҳсулотининг сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан бирни ҳисобланади. Шунинг учун у иссиқ, қуруқ, сув ўтказмайдиган, тозалашга қулай, мустаҳкам, эластик, ҳайвонларни сирпаниб кетишига йўл қўймайдиган, дезинфекция қилиш учун қулай бўлиши керак. Бино полининг муҳим кўрсаткичи ўзидан сув ўтказмаслик хусусиятидир. Ҳайвон сийдигини канализация томон оқиб тушиши учун у бир оз нишаб, ҳар бир метрда 1—2 см баландроқ бўлиши керак.

Тахта пол иссиқ бўлгани билан ўзидан намни ўтказади, 3—5 йилда ишдан чиқади ва дезинфекция қилиш учун ҳам нокулай ҳисобланади. Асфальт пол ўзидан нам ўтказмагани ҳолда анча созуқ бўлади. Бетон пол мустаҳкам бўлади, ўзи орқали сув ўтказмайди, лекин ҳайвон учун айниқса қиши ойларида совуқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда барча талабларга жавоб бера оладиган полимерланган керамзит, асфальтобетон, аглопоритобетон, керамзитобетон деб номланувчи поллар ишлаб чиқариш ишлари режалаштирилган.

Бинонинг эшиги молларнинг кириб чиқиши, ем-хашак олиб кириш, қолдиқ озиқларни чиқариб ташлашга мос бўлиши, шунингдек, турли хилдаги озиқ ва ем-хашакларни олиб кирадиган ва унинг ифлосланган ҳамда қолдиқ қисмини чиқариб ташлайдиган транспорт воситалари учун ҳам қулай бўлиши керак. Эшикларнинг икки табақали бўлиши мақсадга мувофиқdir.

Бино деразалари шундай қурилиши керакки, қуёш нури ҳайвон кўзига тушмасин, лекин хона ёруғ бўлсин. Ўзбекистон туманлари шароитида молхона ойналарини ёз кунлари очиб қўйилади, бу эса бино ичкарисини шамоллатишга ёрдам беради. Дераза ойналари тез-тез тозаланиб, дезинфекция қилиниб турилади.

Еруғликнинг гигиеник аҳамияти

Барча чорвачилик биноларида *табиий, сун'ий* ва *аралаши* ҳолдаги ёруғликдан фойдаланилади. Ёруғликнинг ҳайвон организми учун аҳамияти каттадир. Ёруғлик ҳайвонлар учун иссиқлик, нур ва кимёвий таъсир кўрсатади. Иссиқлик бўйича асосан инфрақизил ва қизил нурларнинг аҳамияти катта. Бу нурлар ҳайвон танасига бир неча см гача кириб боради. Фермаларда бундай нурлардан касал ҳайвонни иситиш ва ёш моллар танасини чиниқтириш мақсадида фойдаланилади. Маълум бўлишича ультрабинафша нурлар ҳайвон териsiciga 0,7—0,9 мм гача кириб боради ва кимёвий таъсир кўрсатади.

Ҳайвонлар учун қуёш нурининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. У кўплаб микроб ва бактерияларни нобуд қилиш имконига эга.

Қуёш нури ҳайвон организмидаги модда алмашинув жараёнларини тезлаштиради. Бунинг натижасида ҳайвоннинг иштаҳаси кучаяди, овқат яхши ҳазм бўла-

ди, қон айланиши ва қоңдаги шаклий элементларнинг ҳосил бўлиши жадаллашади. Шунингдек, газ алмашуви ва кислороднинг тўқималарга етиб борини яхшиланади.

Агар қуёш пуридан меъёрида фойдаланилса ҳайвон танаси sogлом, ҳаракатчан ва чиникән бўлади, маҳсулдорлиги ошади. Қуёш нури ҳайвон терисини бир қатор касалликларга чидамлигини оширади, жун қатламининг ўсиинии тезлаштиради, яраларини тоз тузалишига ёрдам беради. Шунингдек, у ҳайвонларнинг урчишига ва жинсий органларига ижобий таъсири кўрсатади. Ёш ҳайвонлар учун қуёш нури ва ёруғлик етарли бўлмаса урчиш органларининг ривожланиши сусаяди, катта ёшдаги ҳайвонларда жинсий активлик пасаяди ва серпуштилик хусусияти яхши натижада.

Юқорида келтирилган ёруғлик ва қуёш нурининг ҳайвон организмига кўрсатадиган ҳамма ижобий таъсириларни яхши билган чорвадорлар ўз молларини боқиш, асрар, сақлаш ва парваришлашдаги илмий тавсияларга алоҳида аҳамият берган ҳолда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Молхоналарни ёритиш биринчи навбатда бинони жойлашиш хусусиятига, дераза ойналарининг сатҳига боғлиқ бўлади. Молхоналарнинг ёруғлиги «**ёруғлик коэффициенти**» билан белгиланади.

Ёруғлик коэффициенти деб молхонага ёруғлик тушиб турадиган дераза ойнасининг сатҳини пол сатҳига бўлган нисбатига айтилади. Бу нисбат турли чорва моллари учун турлича бўлиши мумкин (36-жадвал).

Шундай қилиб, парваришдаги чорва моллари ва паррандалар учун ёруғлик коэффициенти тузишка уларнинг ёши, маҳсулот йўниалиши ва физиологик ҳолати ҳисобга олиниади.

Чанг ва уни ҳайвон организмига таъсири. Атмосферада бўлганидек молхоналардаги ҳавонинг таркибида ҳам маълум миқдорда чанг бўлиши мумкин. Чанг асосан қуруқ озиқлар берилганда, молларнинг танаси ва ости тозаланганда, хоналар супурилганда ҳосил бўлади.

Чанг ҳайвон организмига турлича таъсири кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳайвонларни, териснга, кўзига, нафас олиш йўлларига ўринашиб олиб, уларни турли касалликларга чалинтиради.

**Түрли чорва моллари учун талаб этиладиган
ёргулук көзфициенти¹**

Молхоналарнинг номи	Ёргулук көзфициенти
Сигирлар бозбогез бокиладиган молхоналарда	1 : 15
Бузоқтар бозбогез бокиладиган бузоқхоналарда	1 : 12
Сигирлар бокилаб бокиладиган молхоналарда	1 : 10
Еш бузоқтар бокиладиган бузоқхоналарда	1 : 10
Молларни бүрдөкига бокинш хоналарда	1 : 25
Барча турдаги чүчқахоналарда	1 : 10
Чүчқалар бүрдөкиге бокиладиган хоналарда	1 : 15
Барча турдаги құйхоналарда	1 : 20
Құзіңшілар бокиладиган хоналарда	1 : 20
Барча турдаги паррандахоналарда	1 : 12
Катакда бокинш мұлжалланған паррандахоналарда	1 : 10
Барча турдаги жүжалар бокиладиган хоналарда	1 : 8
Гүштга бокиладиган бройлер жүжакхоналарда	1 : 20
Барча турдаги отхоналарда	1 : 12
Тойхоналарда	1 : 10

Чанг таркибида ҳар хил юқумли касаллик — ўлат, күйидрги, сил, яшур микроблари бўлиши аниқланган. У ҳамма турдаги ҳайвонлар учун ҳавфли ҳисобланади. Шунга кўра чангга қарши курашиш учун молхоналарни шамоллатиш талаб этилади. Бундан ташқари ҳайвон танасини пневматик усулда механизмлар ёрдамида тозалаш ёки молхонадан ташқарида, очиқ ҳавода қўл билан тозалаш лозим. Чунки ҳайвон танаси ҳамма вақт тоза ҳавода бўлганида ҳам ифлосланиб туради.

Умуман молхоналарни тоза тутиш, ҳайвон танасини тозалаб туриш, хоналарни вақтида шамоллатиш, дезинфекция қилиш ва қуёш нуридан, қиши вақтларида эса ультрабинафша нурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаво муҳитининг ҳайвон организмига таъсири

Ҳаво муҳити ҳайвон организмига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Об-ҳаво, қор ва ёмғир вақтинча таъсир кўрсатса, намлиқ, шамол ва ҳавонинг ҳарорати кабилар доимий таъсир этади.

Об-ҳавонинг ҳайвон соғлиғига ва маҳсулдорлигига таъсир қилиши кўплаб тажрибаларда аниқланган.

Кескин ўзгарувчан об-ҳаво ва иқлим ҳайвон организмига кучли таъсир қилади. Айниқса, ёш моллар ташқи муҳитнинг кескин ўзгаришига чидамсиз бўлади.

Чорвачилик фермалари атрофини кўкаламзорлаштириш, сув билан таъминлаш, биноларда микроиқлим содир этиш, иситувчи мосламалар, вентиляция, канализация, ҳайвонларнинг зичлиги, маҳсулот йўналиши, ёши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Микроиқлим деганда молхоналардаги ҳаво муҳити, физик ҳолати ва кимёвий таркиби тушунилади. Бунга бир қанча омиллар, яъни ҳавонинг ҳарорати, таркиби, камлиги, ҳаракати (шамол), ёруғлик, газ, ҳавонинг чанганиши ва бошқалар сўзсиз таъсир қўрсатади. Бундан ташқари, теварак-атрофнинг қандай бўлиши, масалан, қир-адирми ёки боғ-роғларми, кўкаламзорларми, пастлик ёки тепаликми, молхоналардаги ишларни механизация ёрдамида бажарилиши, ҳайвонлар зичлигини меъёрлар асосида бўлиши ҳам микроиқлим ҳолатига таъсир қўрсатади. Умуман, меъёр даражадаги микроиқлим ҳайвонларнинг соғлигини яхшилашга, жинсий фаолиятининг яхшиланишига, уларнинг ўсиши ва ривожланишига, сут, гўшт, жун ва тухум маҳсулдорлигини ортишига, ҳаракатчанлигининг юқори бўлишига қаратилиши лозим.

Хоналарни шамоллатиш (вентиляция) деганда уннадиги эскирган заарли ҳавони ташқарига чиқариб, уннинг ўрнига тоза ҳаво киритиш тушунилади. Хоналарни шамоллатиш макроиқлим ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқdir. Хоналарни шамоллатиб туриш туфайли талаб этилган ҳарорат, намлик ва ҳавонинг ҳаракати вужудга келтирилади, шунингдек, заарарли ва заҳарли газлар тоза ҳаво билан алмашинади. Агар молхоналар яхши шамоллатилмаса, заҳарли ва заарарли газлар миқдори, намлик ва ҳавонинг ҳарорати ортиб кетади, бу эса ҳайвонларнинг соғлигига ва маҳсулдорлигига салбий таъсир қўрсатади.

Ҳаво таркибининг гигиеник аҳамияти. Атмосфера-даги ҳаво таркибида турли газлар аралашмаси, сув буғлари ва механик кўшилмалар бўлади. Агар атмосфера ҳавосини 100% деб олсак, уннинг 78,09% и азот, 20,95% и кислород, 0,03% и карбонат ангидрид ва 0,88% и эса гелий, аргон, неон ва хилма-хил инерт газлар йигиндисидан иборат бўлади. Сув буғларининг миқдори 0,01—4,0% атрофида бўлиши мумкин. Молхон

наларда асосан аммиак, водород сульфид, углерод оксида, метан ва бошқа турдаги зааралы газлар учрайди.

Ҳавонинг ҳарорати барча молхоналарда ва паррандахоналарда йилинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар меъёр даражада бўлиши талаб этилади. Ҳайвонлардан юқори ва сифатли маҳсулот этишириш ҳамда уларнинг соғлиги яхши бўлиши учун қўйидаги даражада меъёрлари тавсия этилади: жумладан, сигирхоналарда 10—15°C, бузоқхоналарда 12°C, чўчқахоналарда 12°C, эмизувли чўчқалар боқиладиган чўчқахоналарда 16°C, қўйхоналарда 3—6°C, товуқхоналарда 12—16°C, куркхоналарда 12—16°C, ўрдак ва гозлар боқиладиган хоналарда 7—14°C, қуёнхоналарда 16°C бўлиши меъёр даражада деб ҳисобланади.

Хонанинг намлиги ҳайвон организмига катта таъсир кўрсатади. Молхоналарда доимо сув парлари бўлади. У асосан ҳайвонларнинг нафас чиқарнишидан, териси юзасидан, шунингдек, гўнг ва сийдигидан, яъни уни буғланишидан вужудга келади. Маълум бўлишича, вазни 500 кг ва кунига 15 л сув ичадиган сигир суткасига 11 кг атрофида сув буғлари ажратади. Умуман, ҳайвонлардан ажралиб турадиган сув буғлари уларнинг вазни ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Умуман молхоналардаги ҳавониниг намлиги 50—70% бўлса, у меъёр деб ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда фасллар ўртасида намлик қисман ошиши ҳам мумкин. Масалан, сигирхоналарда 85% гача, бузоқхоналарда 75% гача, чўчқахоналарда 70—75%, қўйхоналарда 80% гача, паррандахоналарда 60—80% гача ва қуёнхоналарда 60—75% гача намлик бўлиши меъёр даражасида деб ҳисобланади. Агар молхоналарда намлик ортиб кетса, уни шамоллатиш, канализация ишларини тўғри йўлга қўйиш, қиши ойларида эса хонани ислитини яхши натижка беради.

Суғориш гигиенаси. Сув ҳамма турдаги чорва моллари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири ҳисобланади. У ҳайвон соғлиги ва маҳсулдорлигiga бевосита боғлиқдир.

Жамики тирик организмларда юз берадиган модда алмашинув жараёнларида сув муҳим вазифани бажаради. Сув ёрдамида организм бўйлаб озиқ моддалар ҳаракатланади ва кераксиз моддалар ажратиб турилади. Сув туфайли организмда кимёвий реакциялар ўз фаолиятини давом эттиради.

Аниқтанишича, агар ҳайвон организмидаги сув 10% га камайса юракнинг фаолияти пасаяди, иштаҳаси йўқолади, тананинг ҳарорати кўтарилади ва титроқ содир бўлади. Организмдан 20% ва ундан кўпроқ сувнинг йўқотилиши унинг нобуд бўлишига олиб келади.

Чорва молларининг турига кўра уларнинг сувга бўзган талаби қўйидагича: сигирлар 80 л, катта ёшдаги бузоқлар 30 л, ёш бузоқлар 20 л, катта ёшдаги чўчқалар 25 л, чўчқа болалари 6 л, қўй ва эчкилар 10 л, қўзилар 5 л, йилқилар 60—70 л, тойлар 40 л, гоз ва ўрдаклар 1,75 л, бошқа турдаги паррандалар 1 л, қўёйлар учун 3 л бўлиши мөъёр ҳисобланади.

Озиқлантириш гигиенаси. Ташки муҳит омиллари орасида ҳайвонларни озиқлантириш энг муҳим ва ҳал қилувчи қисми ҳисобланади. Барча турдаги чорва моллари ва паррандаларга бериладиган ем-хашак етарли бўлгани билан сифатсиз бўлса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади, ориқлайди, касалвон бўлиб қолади. Бинобарин, ҳайвонларни сифатли озиқлар билан тўйдирив бекиши фақатгина маҳсулдорлигини оширибгина қўзмай, балки маҳсулот сифатини яхшилайди, серпуштлигини кўпайтиради, организмни чиниқтиради, касалликларга бардошлик қобилиятини мустаҳкамлайди ва чорвачилик самараదорлигини ҳар томонлама кўтариш имконин беради.

Хўжаликларда жамгарилган ва сақланадиган ем-хашакнинг юқори сифатли ва тўйимли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айрим вақтларда молларга моғор боссан ва таркибида заҳарли ўсимликлар ҳамда уларнинг дони бўлган озиқлар берилиши оқибатида кўплаб молларнинг заҳарланиши ва организмларни жароҳатланиши кузатилади.

Ҳайвонларга бериладиган ем-хашак таркибида тупроқ, қум, майдо тош бўлаклари, металл парчалари (мих, сим, темир бўлаклари)нинг бўлиши ҳам кўплаб кўнгилсиз ва баҳтсиз ҳодисаларга олиб келади. Ем-хашакда касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғлар бўлиши ҳам турли хил касалликларга ва ҳайвонларнинг жароҳатланишига сабаб бўлади. Ем-хашак орқали ҳайвон организмига юқумли ва юқумсиз касалликларнинг микроорганизмлари ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳамма чорва молларига ва паррандаларга бериладиган ем-хашак сифати жиҳатидан зоогигиена талабларига жавоб берни керак. Уларнинг сифатини, тўйимлили-

гини, санитария ҳолатини назорат қилиб бориш ҳар бир чорвадорнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ем-хашакнинг сифатини назорат қилиш. Ем-хашакнинг сифати унинг тўйимли моддаларга бой бўлиши билангина эмас, балки тозалиги ва софлиги билан белгиланади. Шунга кўра, озиқ турларининг сифатли бўлиши бир қанча оминаларга боғлиқ бўлади. Жумладан, уларни ўз вақтида ўриб, йиғиб олиш ва жамғариш, яхши сақлаш, ҳайвонларга едиришдан олдин дастлабки ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари, озиқ турларидан ўз вақтида ва унумли фойдаланиш ҳам салмоқли ўрин тутади.

Агар ем-хашак таркибида сифати ва тозалиги жиҳатидан гумон қилинган нарсалар бўлса, яхшиси уни ҳайвонларга бермаслик керак ва имкони бўрича, уни маҳсус лабораторияларда текшириш лозим.

Ем-хашакни сифатини баҳолашда унинг таркибидаги намлик муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Чунки намлиги меъёридан ортиқ бўлган ем-хашак тез бузилади, могорлайди, айрим вақтларда унинг таркибида заҳарли замбурурглар пайдо бўлади.

Пичанинг намлиги 15% дан ортиқ бўлмаса, ўзининг тўйимлилик хусусиятини йўқотмаган ҳолда узоқ вақт сақланади. Сифатли пичанинг ранги яшил, ҳиди ёқимли бўлади. Пичанинг сифати унинг ботаник таркиби билан ҳам аниқланади. Агар унинг таркибида 1% дан ортиқ заҳарли ўсимликлар пояси бўлса, у ҳолда бундай пичан ҳайвонларга едириш учун яроқсиз ҳисобланади. Умуман, ҳамма турдаги озиқ (ем, пичан, пичан уни, силос, сенаж, илдиз-мева, полиз экинлари, донадор ва брикет озиқ) ларни молларга беришда барча зоогигиена талабларига риоя қилиш керак.

Моцион ва уни ташкил этиш. Моцион молхоналарда боқиладиган ҳайвонларни очиқ ҳавода яйратиш ва ҳаракат қилдириш демакдир. Кейинги вақтларда ҳамма турдаги чорва молларни саноат асосида кўпайтириш ва ривожлантириш, йирик чорвачилик комплексларини қуриш, деярли ҳамма ҳайвонларнинг кечаю-кундуз чорва биноларида боқилиши ва сақланиши туфайли улар учун моцион ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эга. Агар моцион бўлмаса, ҳайвон боғланган ҳолда кечаю кундуз молхоналарда қимирламасдан ёта-веради, уларнинг иштаҳаси паст бўлади, маҳсулоти

камайиб кетади ва умуман бу ҳол уларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади.

Моцион барча турдаги ҳайвонлар учун зарур бўлган энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Моционга ҳайвонлар ёшлигидан ўргатилади ва унинг кундалик муддати тобора кўпайтирилиб борилади. Касал моллар учун моцион талаб этилмайди. Моцион ўтказиш учун чорвачилик фермалари ва комплекслари атрофида ҳайвонларнинг бош сони ва турини ҳисобга олган ҳолда маҳсус майдончалар ажратилади. Лекин моцион ўтказиладиган ерда ботқоқлик, кўлмак сувлар ёки ҳайвон учун зарарли ҳисобланган нарсалар бўлмаслиги маъқул ҳисобланади.

Сигирлар учун моцион ташкил этишда улар эрталабки сошин тутагинидан сўнг озиқлантириб, кейин ташқарига чиқарилади. Моцион жараёнида ҳайвонлар бир-бирларини жароҳатлантирмаслиги ва шикастланиб қолмаслиги назорат остига олинади. Айниқса, бўғоз ҳайвонлар учун моцион вақтида кўпроқ назорат жорий этиши талаб этилади. Моцион хусусиятига кўра кунита 2—3 соатдан 5—6 соатгacha давом этиши мумкин. Бунда об-ҳаво шаронти ҳамда жўрофик хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

XIV бўб. ВЕТЕРИНАРИЯ

Ветеринария асослари соғлом ва касал ҳайвонлар организмида юз берадиган ўзгаришлар, касалликларнинг сабаби, ҳолати, уларни аниқлаш усуслари, олдини олиш, даволаш ва соғломлаштириб юбориш қонуниятларини ўрганувчи файдир.

Касалликларни олдини олиш тадбирлари. Чорва моллари ва паррандалар касаликларининг олдини олиш, уларни ҳамма вақт соғлом сақлаш ва асрash масалаларини ўз ичига олади. Айниқса, санитария ва гигиена талабларига риоя қилиши, барча ветеринария тадбирлари (ҳайвонларни турли хилдаги касалликларга қарши эмлаш, дорилаш, хоналарни дезинфекция қилиш, интаҳаси йўқолган ёки сусалган, физиологик ҳолати оғирлашгандарини тезда текшириб кўриш ва бошқалар) ни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ҳамма организмлар ҳам ўзларининг чидамлилиги, бақувватлилиги, чиниққанли-

лиги ва биологик хусусиятларига кўра касалликларга ҳар хил даражада бериувчан бўлади.

Бақувват ва чиниқкан организмлар турли микробларга қаршилик кўрсатиш хусусияти жиҳатидан юқори даражада бўлади ва бу борада уларни тўғри сақлаш, асрар, парваришилаш, озиқлантириш каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эгadir. Шунга кўра, кўпроқ ориқ, нимжон ва тўйдирив боқилмайдиган ҳайвонлар ҳар хил касалликларга бериувчан ва тез чалинувчан бўлади.

Умуман, ҳайвон касалликларини олдини олиш, касалланганларини төзда даволаш ва соғломларидан ажратиш, шунингдек касаллик сабабларини аниқлаш ва билish муҳим аҳамиятга эга.

Ҳайвон касалликларини олдини олиш, соглигини муҳсфаза қилиш, маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилантириш чорвадор ходимларнинг масъулнотига, уларнинг қанчалик жонкуярлигига ҳам боғлиқ бўлади. Чуники ҳар бир ходим маҳсус ҳалат ва фартуклар билан таъминланган ҳолда иш тутишлари ва молхоналарга ўзлари билан ташқаридан касаллик (юқумли инфекция) олиб кирмаслик учун барча чоратадбирларни кўришлари зарур.

Чорва моллари ва паррандаларнинг касалликларга чалинмаслиги учун хоналарнинг микроиқлимига алоҳида эътибор бериш керак. Хоналарнинг тоза бўлиши, заҳарли газларнинг тўпланиб қолмаслиги, хонанинг санитарлик ҳолатини яхши тутиш ва барча гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Молхоналарда микроиқлимнинг талаб этилган даражада бўлиши билан бирга, атроф ва ўлка рельефи, сув манбалари, кўкаламзорлаштириш, ҳайвонлар учун миционни тўғри ўюштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ёз ойларида ҳайвонларни қуёш радиациясидан сақлаш, иссиқлик даражасининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ҳайвонларни зичлиги ва етарли даражада жой билан таъминланганлиги ҳам катта роль ўйнайди. Қиши кунлари хоналарни совиб кетишдан сақлаш, хона иситкичларидан тўғри фойдаланиш, ҳавонинг намсиги ошиб кетмаслигини назорат қилиб туриш ва заҳарли газларни чиқарниб ташлаш муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Ҳайвон касалликларининг асосий белгилари. Қасалликка чалинган ҳайвонларни аниқлаш унча қийин бўл-

масдан, биринчи галда уларнинг ташки қиёфасидан билиш мумкин. Аввало, касал ҳайвоннинг иштаҳаси йўқолади, ҳаракатчанлиги сусаяди, танасининг ҳарорати кўтарилади, айрим вақтларда у қалтирайди, кўзидан ёш оқади, юрак уриши тезлашади. Айрим вақтларда кавш қайтарувчи ҳайвонлар кавни қайтармай қўяди. Баъзан улар нотинчланади, типирчилайди, қорни шишади, ичи суюқ кетади ёки, аксинча, ичи тўхтаб қолади. Йўтал ҳайвонни қийнайди ва қисқа вақт ичидаги ориқлаб кетади. Сигирларнинг сути эса камаяди, сифати бузилади. Баъзан елинидан йиринг аралаш модда чиқади. Оёқ бўғимлари шишиб кетиши мумкин. Баъзан касалланган бўғоз ҳайвонларда бола ташлаш каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади.

Баъзи бир касалликлар оқибатида ҳайвоннинг тана ҳарорати пасаяди, юрак уриши сусаяди. Шунинг учун ҳам соғувчилар соғлом сигирларда тана ҳарорати, юрак уриш тезлиги, нафас олиш меъёрларини билиб олишлари фойдалидир.

Тананинг ҳарорати ветеринария термометри ёрдамида ўлчанади. Ҳароратни ўлчашдан аввал термометр силкитиб, вазелин суркалади ва ҳайвоннинг тўғри ичак тешигига тиқиб, унинг учи ҳайвон думига каноп билан боғлаб қўйилади. Орадан беш минут ўтгач термометр олинади, артилади ва ҳарорат даражаси аниқланилади. Фойдаланилган термометр тозалаб ювилади, артилади ва эҳтиётлик билан сақлаб қўйилади.

Агар сигирларда тана ҳарорати $37,5$ дан $38,6^{\circ}$ гача бўлса, уни меъёр деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, отларда $37,5$ — $38,5^{\circ}$, туяларда 36 — $38,6^{\circ}$, қўй ва эчкиларда $38,5$ — 40° , чўчқаларда 38 — 40° , қуёnlарда $38,5$ — $39,7^{\circ}$, паррандаларда 40 — 43° бўлиши меъёр ҳисобланади.

Нафас олиш тезлиги ҳайвонларнинг бурун тешигига бармоқ учларини очиқ ҳолда қўйиб, иккинчи қўлга секундомер ёки соатни олган ҳолда ҳисобланади. Нафас олиш тезлиги минутига қорамолларда 10 — 30 , отларда 8 — 16 , қўй ва эчкиларда 16 — 30 , чўчқаларда 15 — 20 , товуқларда 15 — 30 марта бўлса, уни меъёр деб ҳисоблаш мумкин.

Бу хусусият айрим вақтларда ҳайвонларнинг ориқсемизлигига ва тўқ ёки оч қолганлигига, шунингдек физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Юрак уриш тезлигини аниқлаш ҳайвонининг қўйида- ги нуқталаридан бирига бармоқ учини теккизган ҳолда ўлчанади. Масалан, остики жағ артерия қон томиридан, думининг ташага туташган қисмидан, яъни дум ости артериал ва веноуз қон томириларидан, шунингдек олдинги оёқнинг туёққа яқин орқа томонидан юрак уриш тезлигини аниқлаш мумкин. Бунда сигирларда юрак уриш тезлиги минутига ўртacha 40—80 та бўлса, уни меъёр деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, юрак уриш тезлиги минутига отларда 24—48, қўй ва эчкиларда 60—80, туяларда 32—52, чўчқаларда 60—80, қўёнларда 120—140 марта бўлиши меъёр ҳисобланади.

Чорва молларини кузатиш ёргу ва тоза ерларда олиб борилади. Бунда аввало уларнинг ориқ-семизлиги, териси, жун қоплами, кўз қобуғи, бурун ва оғиз органларининг ҳолатига алоҳида эътибор берилади.

Соғлом молнинг жуни силлиқ, ялтироқ, териси юмшоқ, эластик, кўз қобиги оч пушти рангда бўлади.

Ҳайвонларни назорат қилишда улар организмининг умумий ҳолатига, ташқи муҳитга бўлган реакциясига, нотинчлигига қарап ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Агарда ҳайвоннинг касал эканлиги аниқланса, уни албатта подадаги ва молхонадаги соғлом моллардан ажратиб маҳсус изоляторларда сақлаш ва озиқлантириш лозим.

Касал ҳайвонларни даволаш тадбирларини амалга ошириш ветеринария враchlари ва ветфельдшерлар зиммасига юклатилган.

Юқумсиз касалликлар

Чорва ҳайвонларининг юқумсиз касалликлари асосан икки хил — ташқи ва ички бўлиши мумкин. Бу касалликлар кўпроқ чорвачилик ходимларининг эътибор-сизлиги, шунингдек ҳайвонларни озиқлантириш, сақлаш, асрash, парваришлаш, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда зоогигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида вужудга келади.

Юқумсиз касалликларни шартли равишда икки турга бўлингани билан унинг давом этиши ҳайвон организмни жароҳатлантиради, қийнайди, оздирив, маҳсулдорлигини пасайтириб юборади. Чунки организм бир бутун бўлгани ҳолда, унинг қайси бир органи жароҳатланмасин уни таъсири сўзсиз организм бўйлаб

тарқалади ва ҳайвонни умумий касалликка, организмнинг меъёр функциясини ўзгаришига олиб келади.

Ташқи касалликларга асосан, яралар, тананинг айрим ерларини қирилиб кетиши, юқумсиз тери касалликлари, кўз, оғиз, оёқ ва туёқ каби аъзоларини оғриғи киради. Чорвачилик фермаларидаги ҳар бир чорвардор бундай касалликларни олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини ҳамда барча тадбирларни ўз вақтида қўллай билиши муҳим аҳамиятга эга.

Яралар, жароҳатланиш оқибатида теридан қон оқиши ва унинг олдини олиш. Бунинг учун биринчи галда қон оқинини тўхтатни керак. Қиши вақтида муз ёки қорни тоза докага ўраб қон чиқаётган ерга тегизиб турилади. Бошқа пайтда докани муздек сувга ботириб, сувни сиқиб ташлаган ҳолда ярага тегизилади. Агар қон оқиши кучли бўлса, у ер болглаб қўйилади. Яраларни даволаш учун биринчи галда иетфельдшерлар ва ветеринария врачлари барча чораларни қўллашлари керак. Йилнинг иссиқ кунларида яраларга турли пашиб ёки бошқа ҳашаротлар тухум қўймасликлари учун унга креолин, нафталин, иодоформен дориворлари суркаб қўйилади. Айрим вақтларда йод ҳам қўлланади.

Молларнинг майиб бўлиши. Моллар баъзан бир-биринчи тениб ёки сузиб майиб қилиб қўйишади. Жароҳатланган ер ўз хусусиятига кўра даволанади. Бунда йод ёки айрим дезинфекцияловчи дорилардан фойдаланилади. Айрим вақтларда, керак бўлса, исенткич компресслар — скринидар ва камфора мойларини қўллаш мумкин.

Агар ҳайвон оёғи синса, у ҳолда тезда ветеринария ёрдамини кўрсатиш талаоб этилади. Бунда молни даволаш ва тузатиб юбориш иқтисодий жиҳатдан фойда бермайдиган бўлса, у ҳолда мол сўйилади.

Оёқ касаллиги. Айрим вақтларда молларда оёқ пайларининг шамоллаши ва тортилиб қолиши натижасида улар оқсоқ бўлиб қолади. Буни даволаш учун биринчи навбатда ҳайвон тинч қўйилади ва ташқарига чиқарилмайди. Иккинчидан олдин совуқ компресслар қилиш, агар ҳайвон тузалмаса, 3—4 кун оралатиб иситувчи компресслар қилиниши талаб этилади.

Овқат ҳазм қилиш органларининг жароҳатланиши. Бундай касалликлар ҳайвонларни сифатсиз озиқлар билан боқиш ва озиқлантириш қондаларига риоя қил-

маслик оқибатида юз беради. Агар ҳайвонлар ўз вақтида озиқлантирилмаса, рационауда фақат бир тур озиқ бўлса ёки ҳайвон очлигидан жуда кўп озиқ истеъмол қилиб бўкиб қолса, шунингдек, бир тур озиқдан тезда иккинчи тур озиқ едиришга ўтилса ҳамда озиқ едиришдан олдин унга ишлов берилмаган бўлса, ошқозон ва ичак касалликлари вужудга келади. Бундай касалликларни олдинни олиш учун қўйидаги тадбир ва қоидаларга риоя қилиш талаб этилади:

1. Ҳамма вақт сифатли ва тўйимли ем-хашак билан етарли ҳолда таъминлаш.

2. Озиқ рационига мумкин қадар хилма-хил озиқларни киритиш.

3. Ем-хашакни ҳар куни бир вақтда график асосида тарқатиш.

4. Ем-хашакни едиришдан олдин унга дастлабки ишлов бериш.

5. Озиқларни майдалаш, аралаштириш, намлаш ва буғлашни амалга ошириш.

6. Ем-хашакни, ниҳоят, турли ёт жисмлардан тозалашини таъминлаш.

7. Ем-хашакни тупроқ, қум, шиша синиқлари, металл парчалари, гўнг, заҳарли моддалар, заҳарли ўсимликлар ва уларнинг уруғларидан тоза бўлишига алоҳида эътибор бериш.

8. Могорлаган, сасиган, чириган ва кўриниши хавфли озиқларни бермаслик.

9. Охурлар, сув идишлари, мол остининг тоза бўлишини таъминлаш лозим.

Қизилўнгақ йўлининг бекилиб қолиши. Молларда бундай ҳол айрим озиқлар (илдизмевалардан, картошка, майда қизилча, лавлаги, баъзан олма ва полиз экинлар) ни оч қоринга шошиб ейиш натижасида юз беради.

Қизилўнгачинг бекилиб қолишидан моллар азобланади, нотинч бўлади, бошини ерга эгиб, оғзидан кўплаб сўлак оқади, чап биқини шиша бошлайди. Агар молга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, у ҳалок бўлиши мумкин. Бунда ҳайвонга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун унинг оғзига пахта мойи қўйилади. Бунинг натижасида қизил ўнгақ йўли силлиқланиб тиқилиб қолган озиқ ҳаракатга келади. Бундан ташқари, ҳайвоннинг тилини ташқарига тортиб турган ҳолда, бир қўлни унинг оғзидан ичкарига тиқилади ва бир

вақтнинг ўзида мол томонини ташки томонидан қўл билан силаб тиқилиб колган озиқни настга туширишга ҳаракат қилинади. Айрим ҳолларда ветеринария врачлари бунинг учун резника зондлардан фойдаланадилар. Ҳайвонларда бундай жароҳатланишинг оддини олиш учун илдиз мевалар майдалаб берилади.

Ошқозоннинг шишиб кетиши. Ҳайвонларда бундай хол эрталаб шуднинг тушган ёки иам дуккакли ўсимликларни кўплаб истеъмол қилиши натижасида юз беради. Бундай озиқ ҳайвон ошқозонига тушгач ўзидай кўп миқдорда газ ажратиб чиқаради. Тўйланган газ ҳисобига ошқозон инцинади ва унка сиқилиб, нафас олини қийинлашади. Кон алтаниш ҳолати ҳам сусаяди. Айниқса, ҳайвоннинг чап биқуни тез шишиб кетиши натижасида уни чертиб кўрганла дўмбира овози чиқади. Ҳайвоннинг кавш қайтариши тўхтайди, нафас олини қийинлашади, безовталанади. Агар ўз вақтида дастлабки ёрдам кўрсатилмаса ҳайвон иобуд бўлиши мумкин.

Дастлабки ёрдам ошқозонда тўпланиб қолган газини чиқариб юбориш ҳисобига амалга оширилади. Бунинг учун ҳайвоннинг чап биқуни сомон ёки похол билан ҳамда мушт билан инқаланади. Ҳайвонни кекиртириш мақсадида, кавш қайтаришини тиклаш ва ичида тўйланган газларни чиқариб юбориш учун сигир тицининг уч қисми скрипидар ёки бошқа модда билан таъсирантирилади. Бунда сигир танасининг олди орқасига нисбатан баландроқ турниши газининг чиқиб кетишини осонлаштиради.

Бунда ҳайвон ошқозонида газ тўпланишини тўхтатиш учун унга ошқозон зонди солинди. Агар унда ҳам газ чиқиб кетмаса, у ҳолда «троакар» деб аталувчи ичи тешик, ингичка, никелланган металл бигиз молкинг чап биқинига санчилади ва маълум вақтгача ушлаб турилади. Бунда бигиз орқали газ чиқиб кетади. Сўнгра уни тортиб олиб санчилган ерига йод ва спирт суркалади. Бундай ҳолда молларга атала ва сифатли пичан бериш тавсия этилади.

Ошқозон ва ичак шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Бундай жароҳатланиш асосан ҳайвонларни сифатсиз озиқлар билан бокиш ва ифлос сув ичириш натижасида вужудга келади. Бу касаллик билан оғриган молларда кавш қайтариш сусаяди, иштаҳа пасаяди, охур ва турли жисмларни ялаш ҳамда эснаш каби хислатлари

ортади. Узоқ вақт ичи кетади, суюқ ахлати билан қон ва йириңг тушади. Бу касалликни даволаш учун биринчи наубатда касаллик сабаби аниқлашади га маълум вақтгача ҳайвонга овқат берилмайди. Сўнг тоза сув берилади ва 400—600 г глаубер тузини 1 л сувда эритиб ичирилади, йўғон ичакни клизма қилиб ахлатдан тозаланиди. Дастлабки купларда ем-хашак сифатида тоза пичан, атала ва қайнатилган сабзи берилади.

Ўпканинг шамоллаши. Бу касаллик организмининг шамоллаб қолиши натижасида вужудга келади. Айрим вақтда сифатсиз, витамин А кам бўлган озиқлар берин ва ҳайвонларни тоза ҳавода яйратмаслик, шунингдек молларни донмо молхоналарда сақлашдан келиб чиқади. Касалланган сигирларга юмшоқ пичан, атала, илдизмева ва уй ҳароратидаги илиқ сув берилади. Ўпканинг шамоллашига йўл қўймаслик учун қиш кунлари молларни қуруқ ва илиқ молхоналарда сақлаш талаб этилади. Уларнинг озиқ рационини сифатли ва тўйимли ем-хашаклар ҳисобига бойитиш тавсия қилинади.

Молларнинг бола туғишигача ва ундан кеининг касалликлари

Сигирларда жинсий қиннинг чиқиб қолиши. Бу касаллик кўпроқ қари сигирларда содир бўлади. Сигирларда қиннинг чиқиши баъзан бола туғишидан олдин юз берса, баъзан туғиб бўлгач содир бўлади. Бу ҳол турли сабабларга кўра рўй беради. Чунончи, сигирни қийинчилик билан туғиши қин тўқималарининг кучсизланиб, бўшашиб кетиши ҳайвонининг узоқ вақт давомида нишаб полда туриб қолиши ҳамда уларни тоза ҳавода яйратиб турмаслик бунга сабаб бўлади.

Касал молларга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун калий перманганат, танини каби дезинфекцияловчи хусусиятга эга бўлган моддалар эритмаси билан жинсий органлари ювилади ва қин ўз жойига тиқиб қўйилади. Касал ҳайвон эҳтиётлик билан парвариш қилинади. Бундай касалликнинг олдини олиш мақсадида бўғоз сигирлар узоқ вақт тоза ҳавода яйратилади.

Йўлдошнинг бачадонда тўхтаб қолиши. Бу айрим сигирларда учраб турадиган табиий ҳодисалардан биридир. Умуман, йўлдош сигир туғиб бўлгач, кўпи билан 6—8 соат ичидан тушиб кетиши керак. Акс ҳолда у бачадонда тўхтаб қолган бўлади. Йўлдошни ўз вақтида тушмаслиги кўпроқ ориқ, нимжон, баъзан жуда семиз

сигирларда юз беради. Шунингдек, агар ҳайвон баъзи бир юқумли касалликлар (брүцеллэз, вагинит, сил ва бошқалар) билан оғриган бўлса ҳам йўлдош ўз вақтида тушмай қолиши мумкин. Йўлдошни бачадондан олиб ташлаш учун айрим дезинфекцияловчи моддалардан фойдаланилади. Айниқса, креолин эмульсиясининг 0,5—1% ли эритмаси ёки 3—5% ли лизол тузи эритмаси ва калий перманганат (1:100) эритмасидан ҳам фойдаланилади. Баъзан бундай сигирларга икки-уч марта 250 г дан қанд ҳам берилади. Агар шунда ҳам йўлдош тушмаса, у ҳолда ветеринария врачлари ёки ветфельдшер яқиндан ёрдам бериш учун жалб этилади.

Бачадоннинг чиқиб қолиши. Бундай ҳодиса ҳам кўпроқ қари сигирларда ҳамда уларга туғиши жараёнида акушерлик ёрдами қўрсатмаслик, шунингдек бачадон боғлагичларини бўшашиб кетинши натижасида юз беради.

Бачадон ветеринария мутахассислари томонидан ўз жойига солиб қўйилиши керак. Бунинг учун тезлик билан сигирнинг орқа қисми баландроқ ерга жойлаштирилади, бачадонни айрим қолдиқлардан тозалаб, дезинфекцияловчи моддалар билан ювилади, шундан кейин у ўз жойига солиб қўйилади. Солиб қўйилган бачадон қайтадан чиқиб қолмаслиги учун унга боғлагич тутиб қўйиши талаб этилади.

Бачадоннинг яллиғланиши. Бу касаллик бачадонда йўлдошни кўп туриб қолиши ва қинининг касалланиши натижасида содир бўлиши мумкин. Бундай касалликка учраган молларда жинсий органидан йиринг аралаш шишимшиқ модда ажралиб туради. Ҳайвон ориқлаб кетади, сут бериши пасаяди. Агар касалликнинг олди олинмаса, у қоинга ўтади ва бутун организмни жароҳатлаб нобуд бўлишинга олиб келади. Бундай молларни даволаш ветеринария мутахассислари томонидан бажарилади.

Молларнинг туғиши парези. Бундай касаллик кўпроқ серсует сигирларда учрайди. Гарчанд сигирлар йўлдоши тушган ва туғиши месъёр даражада ўтган бўлса ҳам бу касаллик содир бўлади. Бунда сигирларнинг тана ҳарорати 1—3 даражага пасайиб, орқа томони оғирлашади, ётиб қолади ва ўринидан туролмайди. Агар касалланган ҳайвон даволанмаса, у нобуд бўлади. Даволаш ишларини ветеринария мутахассислари бажаришади. Бундай касалликларни олдини олиш учун сигир-

лар бола туғишига 1—2 ҳафта қолганида уларга кучли ем ва серсув озиқлар ўринига күпроқ сифатли пичан ва маълум миқдорда бошқа тур озиқлар берилиши лозим. Сигирларни тоза ҳавода яйратиб туришга алоҳида аҳамият берилиши керак ва уларни совуқдан, шамоллашдан сақлаш лозим.

Бола ташлаш қасаллиги. Бундай ҳолат молларда бўғозлик даврининг маълум даврда тўхталиши натижасида вужудга келади. Бунда бачадонда ривожланашётган муртак она организмига сингиб, шимилиб кетади ёки тараққиётини тўхтатган ёки нобуд бўлган ҳолда она организмидан ташқарига чиқариб ташланади. Баъзан яширин ҳолда юз берадиган бу қасалликни аниқлаш анча қийин бўлади. Чунки бундай ҳодисалар бўғозлик даврининг дастлабки кунларида юз беради ва бачадонда ҳеч қандай из қолдирмаслиги мумкин.

Молларни бола ташлашга олиб келувчи сабаблар жуда кўп бўлиб, улар ичида энг муҳимлари муртакнинг қасалланиши ва тараққиётининг тўхталиб қолиши, бўғоз молларга сифатсиз, могор босган, музлаган, сасиган, чириган озиқларни бериш ҳамда музлаган сувни ичириш, шунингдек турли хил жароҳатланиш, майиб бўлиш, йиқилиш ёки бирор нарсага урилишдан иборат бўлади.

Булардан ташқари, агар моллар айрим юқумли қасалликлар (брүцеллэз, трихомоноз ва шу кабилар) билан оғриган бўлса ҳам бундай кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкин.

Бола ташлаган моллар ветеринария мутахассислари назорати остида бўлишлари керак ва иложи борича уларни даволаб тузатиб юбориш мақсадга мувофиқдир.

Елин қасалликлари. Елин ҳар бир урғочи ҳайвоннинг энг нозик органларидан бири ҳисобланади. У ўзининг жойланишига кўра жароҳатланиш, ифлосланиш ва совиб кетиши каби ҳусусиятлардан ҳоли эмас. Агар сигирларнинг елинига нисбатан бўлган муносабат тартибсиз ва қўполликда бажарилса, шунингдек машиналар ёрдамида соғишига мослашмаган бўлса ва сигирлар унда мажбуран соғилса, кўп вақт елин қасалликлари вужудга келади.

Мастит елинни шамоллаши ёки жароҳатланишидан келиб чиқадиган қасаллик бўлиб, у чорвачилликка катта зарар етказади. Баъзан елиннинг фақатгина бир бў-

лими касалланиши мүмкин. Бунда унинг ҳажми катталашади, қаттиқ бўлиб қолади, у қизйиди ва қўл тегизгандага оғриқ ҳосил бўлади. Касалланган елиндан соғилган сут ёланса ҳидли, йиринг аралаш суюқ ва ҳатто қон аралаш бўлиши мумкин.

Касал моллар албатта ветеринария мутахассислари назоратида бўлиши керак. Улар ҳар З соатда эҳтиётлик билан созилиб туришини лозим. Бундай тадбирлар то сигир тузалиб, сут безлари ўз меъёрида ишлай бошлига гучча давом эттирилади.

Бундай касалларининг олдини олини учун барча зоогигиеник тадбирлардан унумли фойдаланиш керак. Айниқса, уларни парваришлаш, тўғри асрар, соғини жараёнидаги барча эҳтиёткорлик чораларини кўрини лозим.

Елиннинг шишиб кетиши асосан түққан сигирларнинг дастлабки кунларида учрайди. Бунда елиннинг ҳажми катталанишиб ҳорорати пасаяди. Агар елинга бармоқ ботирилса, ўша ер маълум вақтгача чуқурлигича қолаверади.

Касал сигирлар имкони борича кўпроқ ҳаракатда бўлиши керак. Уларга бериладиган сув ва серсув озиқлар чегараланиши лозим.

Елиннинг ялғизланиши ёки жароҳатланиши айрим кунларда учраб турадиган касаллардан ҳисобланади. Бундай касаллар кўпроқ катта елинга эга бўлган сигирларда учрайди. Бунда жароҳатланган ернинг тери қавати қизаради ва шинниб кетини ҳамда сут таркибида қон аралашган бўлниши мумкин. Бундай сигирларни даволаш учун совуқ компресслардан фойдаланилади.

Сўргичларни ёрилиши ҳам баъзан учраб турадиган касаллик ҳисобланиб, у кўпроқ ифлосликдан, шунингдек совуқ кунларда сўргичларни нам бўлиши натижасида вужудга келади. Маълумки, сўргич териси ёғ безларидан ҳоли бўлгани учун у тез қурйиди ва шамоллайди. Касалланган сўргичлар сигирга кўп азоб беради. Шунга кўра, сўргичларни антисептик мойлар билан суркаб туриш ва тозалаб артиш талаб этилади.

Юқумли касалликлар

Юумли касалликлар ўзларининг хусусиятига кўра инфекцион ва инвазион касалликларга бўлинади.

Инфекцион касалликлар турли микроблар, замбу-

руғлар, вируслар ёрдамида тарқалади ва улар озиқ, ҳаво, яра ёки қирилган ердан организмга ўтиши мүмкін. Инфекцион касаллуктарни тарқатувчи майды организмлар ҳайвон танасини тезда жароҳатлади ва нобуд бўлишига (агар унинг олди олиимаса) олиб келади. Айрим юқумли касаллуктар тез тарқалиши ва қисқа вақт ичидаги бутун подадаги, хўжалик, туман ва вилоят миқёснадиги молларни нобуд қилингага олиб келиши билан жуда хавфли ҳисобланади. Шу сабабли бирорта ҳайвон касалланса, уни касаллик хусусиятига кўра соғлом моллар подасидан ажратиб олиш ва тезда даволаш тадбирларини амалга ошириш керак бўлади.

Куйдирғи. Бу касаллик тез тарқалиши ва одамга ҳам ўтиши мүмкін. У тупроқ таркибида бир неча йиллар мобайнида ўз фаолиятини сақлаб қолади ва спораларни вужудга келтирувчи микробларининг организмга тушиши натижасида юз беради. Бу касаллик жуда тез пайдо бўлиши ва бир неча соат мобайнида ҳамма соглом молларга юқини билан характерли ҳисобланади. У турли усуlda — озиқлар билан, қон сўрувчи ҳаниаротлар ва сув орқали тарқалишини мүмкін.

Касалликнинг асосий белгилари қўйнадигилардан иборат. Тананинг ҳарорати кўтарилади, иштаҳа бўғлади, нафас олини қийнилашади, ҳайвони буқчайиб қолади ва унда титроқ пайдо бўлади. Ҳайвоннинг танаси шишиб кетади, оғиз ва бурнидан, орқа чиқарувчи теннигидан қон кетади ва нобуд бўлади. Бу касалликдан нобул бўлган ҳайвон териси шилинмайди, чуқур ўрага кўмиб юборилади. Ўлмай қолган мол касалликка қарини эмланади ва барча эҳтиёткорлик чоралари кўрилади.

Қорасон. Бу касаллик билан оғриған сигирнинг ҳарорати кўтарилади, ўзи бўшашади, буқчайиб қолади. Соң ва бошқа сергўшт ерлари шиншиб кетади. Бу шиншлар пайнаслаб кўрилса, ундан ғижиллаган овоз эшистилади. Орадан ярим сутка ўтгач, шини совийди, терисин қаваради, лекин ўша ери оғримайди. Бу касалликдан кўплаб сигирлар нобуд бўлади. Ҳалик ҳайвоннинг териси шилинмай чуқурга кўмиб юборилади. Соғломларни эса касалликка қарши эмланади.

Оқсим касаллиги. Бу тез тарқалувчи касаллик ҳисобланиб, одам организмини ҳам жароҳатлаши мүмкін. Оқсим касаллиги фильтрланувчи вируслар таъсиридан вужудга келади. Касалланган ҳайвоннинг ҳарорати кўтарилади, оғзидан сўлак оқади, иштаҳаси йў-

қолади; тилида, мүлкінде, елініңда, оёқ терісінің юза қысемларіда ичи суюқлик билан тұлған пұфаклар пайдо бўлади. Баъзан оёқнинг туёққа туташган ерида ҳам жароҳатланиш излари пайдо бўлиб, у ҳайвоннинг оқсоқ бўлишига олиб келади. Қасал ҳайвон соғломларидан ажратиб кўйилади, карантин қилинади. Молхоналар формалин ва ўювчи натрий эритмаси билан дезинфекцияланади. Соғлом моллар касалликка қарши вакцина билан эмланади.

Бруцелләз. Бу жуда хавфли касаллик бўлиб одамга ҳам юқиши мумкин. Бруцелләз билан оғриған молларни асосан бола ташлаганидан сўнг аниқланиши мумкин. Бу касалликка чалинган сигирларнинг сутини қайнатилиб ёки пастеризациялангандан кейингина ишилатилади. Бруцелләз билан оғриған ҳайвон сўйиб юборилади. Одамга бу касаллик қасал сигир сутини қайнатмай ичинш ва ҳайвонга қўл теккизиб, гигиена талабларига риоя қилмаслик натижасида юқали. Бруцелләз билан оғриған кишилар озиб кетади, дармонсизланади, иситмалайди, бўғим ва мускулларидаги оғриқ пайдо бўлади. Агар касалликнинг олди олинимаса, одам ишга яроқсиз бўлиб қолади.

Қутуриш. Ҳайвоннинг қутурини касаллиги одам учун ҳам жуда хавфли ҳисобланади. Уни фильтрланувчи вируслар келтириб чиқаради ва касаллик ҳайвон сўлати орқали тарқалади. Қутурган мол нобуд бўлади. Соғлом ҳайвонлар бу касалликка қарши эмланади. Касалликни олдини олиш учун дайди ит, мушук, сичқон, каламушлар йўқотилади.

Сил (туберкуләз). Бу касаллик микроби ҳайвондан одамга ҳам ўтиши мумкин. Қасалликни тарқатувчи микроб «Кох таёқаси» деб аталади. Бу микроб организмдан ташқарыда ҳам узоқ вақтгача ҳаётчанлигини йўқотмайди.

Сил касаллигига чалинган сигирлар ориқлаб кетади, маҳсулоти пасаяди, нимжон бўлиб қолади. Қасалланган сигирларнинг киприк ости қизаради, кўзидан йиринг аралаш ёш оқиб туради. Қасал сигирнинг сутидан қайнатилган ёки пастеризация қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин. Қасалликни олдини олиш учун сигирлар тоза ҳавода кўпроқ яйратиб боқилади ва барча зоогигиеник тадбирларга риоя қилинади.

Инвазион касаллайлар

Инвазион касаллайларни қўзгатувчи организмлар турли паразитлар бўлиб, улар мураккаб биологик циклда ривожланиш хусусиятига эгадир.

Инвазион касаллайлар турига ва хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Масалан, қон паразити касаллайлари (гемоспоридиозлар), гижжа касаллайлари (гельминтозлар) ҳамда қанотли ҳашаротлар (бўка) томонидан вужудга келтириладиган касаллайлар шулар жумласидандир.

Қон паразити касаллайлари. Бу паразитлар ҳайвон қонида ва унинг қон ҳосил қилувчи органларида кўпаяди. Касаллик фақат қон сўрувчи каналар ёрдамида тарқалади. Касаллик кўпроқ қорамолларда ёз ойларидага жиддий түс олади. Касал сигирларнинг тана ҳарорати кўтарилади, сийдигига қон аралашган бўлади, иштаҳаси йўқолади, дармонсизланади. Касалликнинг олди олинимаса ҳайвон нобуд бўлиши мумкин. Маҳаллий моллар бу касалликни ёш вақтида енгил даражада ўтказганлигига кўра зааррланмайди. Лекин бошқа ўлкалардан келтирилган маҳсулдор қорамоллар кўпроқ бу касаллик билан оғрийдилар ва уларнинг талай қисми нобуд бўлади. Бу касалликни олдини олиш учун каналар ва уларнинг личинкаларини йўқотиш мақсадида молхоналар дезинфекция қилинади, яйловлар кимёвий дориворлар билан ишланади, зоогигиена ва санитария қоидаларига қатъни риоя қилинади.

Кўтирилган касаллик. Бу касаллик жуда майда, фақат микроскоп ёрдамида кўриш мумкин бўлган каналарнинг ҳайвон терисида ривожланиши натижасида вужудга келади. Касал молнинг териси қичииди, қизаради, тери устида тутунча ва йирингли пардачалар пайдо бўлади. Ҳайвоннинг жуни тўкилади, ўзи ориқлаб кетади. Кўтирилган касалликни олдини олиш учун касалланган мол подадан ажратилиб даволанади. Шунингдек, ҳайвонлар зоогигиеник қоидаларга эътибор берган ҳолда сақланади.

Гижжа касаллиги. Бу касалликни ҳар бир тур ҳайвоннинг ўзига хос бўлган паразити келтириб чиқаради. Гижжа тухумлари соғлом организмга сув ва озиқ орқали ўтиши аниқланган.

Республикамиз шароитида гижжа касаллигидан кўпроқ диктиокеаулёз ёки ўпка гижжалари, фасциолёз

ёки жигар гижжаси, ичак гижжалари, эҳинококкоз (у ҳам кўпроқ жигарда ва ўпкада учрайди) кабилар учраб, улар чорвачиликка катта заар етказади. Бу касалликни олдини олиш учун яйловлар ўз вақтида кимёвий дориворлар билан дориланади. Бунда бу паразитнинг тухумлари ва личинкалари қирилиб кетади. Касал ҳайвонлар ветеринария ходимлари томонидан даволанади.

Фасциолёз. Бу касаллик чорва ҳайвонлари орасида кенг тарқалган. Касаллик қўй, эчки ва қорамолларда кўпроқ, шунингдек, от, туя, чўчқа, буғу, кемирувчилар ва одамлarda камроқ учрайди. Касалликка чалинган ҳайвонларнинг жигари ва унинг ўт (жёлч) йўллари жароҳатланади. Овкат ҳазм қилиш органларнинг фаолияти пасаяди. Бу касалликдан асосан қўйлар, айниқса қўзиляр кўп нобуд бўлади.

Фасциолёз касаллигини қўзгатувчи организмлар асосан настқам, нам, ботқоқ ва серсув ерларда кўп учрайди. Бунга асосий сабаб ўша ерларда шу паразитларнинг оралиқ хўжайини, яъни майдага чиғаноқли шилиққуртларнинг кенг тарқалган бўлишиданadir. Бу оралиқ хўжайнининг тана узунилиги 10 мм, эни 5 мм атрофида бўлади.

Касалланган ҳайвонларнинг интаҳаси бузилади, ганаси ориқлайди, лармонизланади, баъзан ичи кетади, сигирларда сути камайиб кетади, бўғоз бўлса, бола ташлайди. Бу касалликни аниқлаш учун ҳайвон ахлати (ѓиги) лаборатория шароитида текширилади.

Касалликни олдини олиш учун комплекс тадбирлар олиб борилади. Масалан, фасциолёз борлиги гумон қилинган ҳайвонларнинг гўнги кимёвий дориворлар билан ишланади. Шунингдек, яйлов, ўтлоқ, сув ҳавзлари кимёвий воситалар ёрдамида тозаланади. Сўнгги вақтларда бунинг учун гексахлорэтан ва карбонат тетрахлориддан фойдаланилмоқда.

Булағдан ташқари, фасциолёзининг оралиқ хўжайини бўлган сувла яшовчи майдага чиғаноқли шилиққуртларни қириб ташлани керак бўлади. Бу шилиққуртлар чуқурлиги 10—20 см бўлган оқар сувларда, ботқоқ ва тўпланиб қолган ҳалиқоб сувларда кўпроқ учрайди. Ўларни йўқотишда физик, кимёвий ва биологик усуллардан фойдаланиш мумкин. Энг қулай усули ўрдак ва гозлар ёрдамида моллюскаларни қириб йўқотишдан иборатдир.

Бўка касаллиги. Бу касаллик жуфт қанотли ҳашарот личинкаларини соғлом ҳайвон танасида ривожланиши ва унинг ҳисобига паразитлик ҳаёт кечириши натижасида вужудга келади.

Тери бўкаси кўннинг иссиқ вақтида ургочи бўкаларнинг ҳайвон жунига кўйган тухумидан чиққан личинкаларан сингир терисини тешиб унинг ички қисмига жойлашиб олиши натижасида вужудга келади. Бу личинкалар ҳайвон териси остида 6—7 ой мобайнида ривожланади, шунингдек ёғ қаватида яна 2,5—3 ой ўз тараққиётини давом эттиради. 9—10 ойлик личинкалар учун ҳаво талаб этилиши сабабли улар терини кемириб ўзларига ҳаво йўли очиб оладилар. Бу йўлнинг ичи йиринг билан тўлади. Бу эса улар учун озиқ ҳисобланади. Мол терисида бўртмалар ҳосил бўлади. Бўка личинкалари ҳайвон танасидан ташқарига чиқиб туроқнинг 2—3 см чуқурлигига жойлашиб олади ва 2—3 кундан сўнг ғумбакка айланади, 25—40 кун бу даврни ўтайди. Сўнгра улардан этилган бўкалар ташқарига чиқади. Ургочиси уруғланган тухумларини ҳайвон танасига кўяди. Шу тарика бу паразитлар ўз тараққиётини давом эттиради. Бундай паразитлар республиканизминг жанубий туманларида кўпроқ учрайди.

Касалликни олдини олиш учун ветеринария ходимлари томонидан турли замонавий тадбирлар ўтказилиши талаб этилади. Бу соҳада дезинфекция ва зоогигиена қонда ҳамда тадбирларига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

XV б о б. ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Ҳазбекистон Марказий Осиёда энг йирик, қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари халқ хўжалигининг ана шу соҳасини муттасил ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Республиканизминг ҳамма вилоятларида чорвачиликни жадал ривожлантириш ва унинг иқтисодий самараадорлигини юксалтириш учун кўплаб муҳим тадбирларни амалга ошириши талаб этилади. Масалан, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган чорвачилик фермаларини янада кенгайтириш, чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларининг лойиҳадаги қувватини тезроқ ўзлаш-

тириш, наслчиллик ишларини янада тақомиллаштириш, бу тармоққа истиқболли, ҳозирги замон технологиясини ва илғорлар тажрибасини көнг жорий этиш, ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, барча меңнат жараёнларининг механизациялаштириш даражасини ошириш, чорвачилик учун билимли кадрлар тайёrlаш ҳамда уларнинг малакаси ва маҳоратини ошириш борасида кўргина тадбирларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Чорвачиликнинг муҳим, салмоқли ва етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчиликни жадал ривожлантириш ва бу соҳадаги барча омиллардан самарали фойдаланиш ҳалқимиз учун кўп, сифатли ва арzon чорва маҳсулотларини етиштириб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Молларни жадал усуlda гўштга семиртириш ишлари ҳам ҳар бир молбоқар ва чорвадорнинг дикқат марказида бўлмоғи лозим. Бунинг учун гўштга семиртиришга ажратилган молларни ёши, жинси, ориқ-семизлиги, вазни ва физиологик ҳолатига кўра маҳсус гуруҳлар ташкил этилиб, уларни етарли миқдорда тўйимли ем-хашак билан узлуксиз таъмин этиш лозим.

Республикамиз вилоятларида **қўйчилик ва паррандачиликни ривожлантириш** борасида муайян ишлар қилинаётган бўлса ҳам, лекин ҳали бу соҳада кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришни жиддийлаштириш, барча имкон ва омиллардан унумли ва тўла фойдаланиш лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва шу йўл билан маҳсулот сифатини яхшилаш, таниархини камайтириш соҳасида қишлоқ хўжалиги техника таъминоти ходимлари куч-ғайрат сарфлашга даъват этилгандирлар. Умуман, хулоса қилиб айтганда, ҳалқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун республикамизда етарли имкониятлар бор. Илғорлар тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан ишнинг кўзини билган ҳолда тадбиркорлик билан унумли фойдаланишдадир.

Чорвачиликни ихтисослаштириш ва марказлаштириш тадбирлари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғри ва рационал ихтисослаштириш ҳамда жойлаштириш маҳсулот бирлигига кам маблағ ва меңнат сарфлаган ҳол-

да кўплаб турли хил арzon ва сифатли маҳсулотлар этиштиришнинг муҳим шартлариданdir.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш айни вақтда уни бир жойга марказлаштирасдан ёки йириклиштирасдан туриб яхши натижа бермайди.

Йирик хўжаликларда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш, ишлаб чиқаришга янги такомиллашган технологияни жорий қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш ва ниҳоят ошиқча харажатларни камайтириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан **марказлаштиришни** муштарак равишда бирга олиб бориши эса пировард натижада таннархни камайтиради, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражасини оширади.

Чорвачилик тармоқларини марказлаштириш йирик фермаларни ташкил қилиш ва шу соҳани ихтисослаштириш масалалари билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ўз ўрнида уни интенсивлаш (жаддлаштириш) жараёнлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Чорвачиликни ихтисослаштириш ва марказлаштириш илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шунда маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат асосига кўчириш, фан ютуқлари ва илфорлар тажрибаларини жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, муайян тармоқни бошқаришни такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Чорвачиликни ихтисослаштириш кўп жиҳатдан хўжаликлараро ва давлат муассасалари билан жамоа хўжаликлари ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этишга боғлиқдир.

Давлат ва жамоа хўжаликлараро ишлаб чиқариш кооперацияларини вужудга келтириш, замонавий технологик жараёнларни жорий этиш алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун фақат кўплаб чорвачилик маҳсулотлари этиштириш билан чекланиб қолмасдан, уларни йил мобайнида бир меъёрда, сифатини пасайтиргаган, озиқ турларидан унумли фойдаланган, меҳнат самарадорлигини оширган ҳолда стишириш талаб этилади.

Республикамиздаги бир қанча давлат ва жамоа хўжаликларининг чорвачилик фермаларида барча технологик жараёнлар тўла ихтисослаштирилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги 2—3 марта юксак бўлгани

ҳолда 1 ц гўштнинг таннархи 35—40% га ва 1 ц сутнинг таннархи 22—38% га арzonлашганигини кўрсатниш мумкин.

Қўйчиликни ихтисослаштириш. Республикамиздаги иқтисодчи олимлар гавсиясига кўра барча вилоятларнинг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда қўйчилик фермалари ҳажмини белгилашда яйловларнинг ҳажми, уларнинг жойлашган ўрни, қўйчиликда фойдаланиш учун ажратилган ем-хашак майдони, яйловларнинг ҳосилдорлиги кабиларни ҳисобга олган ҳолда жамоа хўжаликларидағи қўйчилик фермалари ўрта ҳисобда 6—10 минг бош қўйга мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунда олиб борилган тажриба ва кузатишларга қараганда, қўйчилик маҳсулотларини этиштириш самарадорлиги бирмуича юқсан даражада бўлар экан. Бу масалалар маҳсус адабиётларда ўз аксини топган.

Паррандачиликни ихтисослаштириш. Республикамиз давлат ва жамоа хўжаликларидағи барча турдаги паррандачилик фермаларининг минимал ҳажми З минг товуқ, 6 минг жўжа ва ферманни тўлдириш учун ажратилган З минг макиён жўжадан ташкил топган бўлса, у кўп жиҳатдан ижобий натижалар бериши аниқланган. Шунингдек, паррандачилик фермаларининг мўътадилил ҳажмида, бу кўрсаттич 6 ва 12 минг бошни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар айрим туманларда хўжаликлараро паррандачилик фермалари ташкил этилган бўлса, унинг ҳажми 40—50 минг она тоvuқларга мўлжалланган бўлиши юқори натижаларга олиб келиши аниқланган. Бу тўғрида барча маълумотлар маҳсус адабиётлар саҳифаларида баён этилган.

Шундай қилиб, чорвачилик тармоқларини ихтисослаштириш ва марказлаштириш, қўлда бажариладиган ишларни механизациялаш, замонавий технологик жараёнларни тўғри жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини арzonлаштириш билан рентабеллик даражасини ошириш имконига эга бўлинади.

Чорвачиликни интенсивлаш тадбирлари

Чорвачилик маҳсулотларининг салмоғи республикамизда пахтачиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Шунга кўра унинг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш, аҳолига кўплаб

сифатли чорва маҳсулотлари етказиб бериш муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга.

Ўумуман, қишлоқ хўжалик тармоқларини интенсивлаш деганда асосан ишлаб чиқариши тўла механизациялаш, химизациялаш ва мелиорациялаш тушунилади. Лекин бу биргаликда, муштарак ҳолда олиб бориладиган барча тадбирлар ниҳоят катта муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Масалан, механизациялаш ишларида замонавий машина ва механизмлардан тўғри фойдаланиш, меҳнат жараёнларини автоматлаштириш ва электр энергиядан унумли фойдаланиш ва уни тўғри сарфлаш муҳам ўрин тутса; химизациялашда — деҳқончиликда гербицид ва минерал ўғитлардан фойдаланиш, чорвачиликда синтетик моддалар, биологик препаратлар, антибиотиклар ва бошқа микробиологик синтез маҳсулотларидан, витамин ва микроэлементлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мелиорация ишлари ҳам кенг маънога эга бўлган жараёнлардан ҳисобланади. Масалан, экин майдонларини сугориш, ҳосилдорликни ошириш, ҳайвонларни сув билан таъминлашни яхшилаш кабилар шулар жумласидандир.

Маълумки, меҳнат жараёнлари механизациялаштирилмаган майда чорвачилик фермаларида хизматчилар жуда оз миқдордаги ҳайвонларни пárваришилаш ва боқиши ишлари билан шуғуллансалар, йирик ферма ва комплексларда ҳар бир ишчи кўплаб молларга қарайди, лекин бажарадиган технологик жараённи ниҳоят тор донрада бўлади.

Республикамиз хўжаликларида чорва моллари ва парранда маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштиришга фермаларда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилининг янги, истиқболли технологиясини жорий қилиш, кўп меҳнат талаб қиласидиган иш жараёнларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини ихтинослаштириш туфайли эришилади. Лекин чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантиришда эришилган ҳозирги даражага халқ ва замон талаби даражасида эмас.

Қорамолчилик республикамиз чорвачилигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Барча хўжалик фермаларидан келадиган ялпи даромаднинг деярли 55% и шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Лекин шунга қарамасдан қорамолчиликни жадал ривожлантириш борасида ҳали камчиликлар мавжуд. Масалан, баъзи хўжаликлар-

да барқарор ем-хашак базасини яратиш соҳасида мавжуд бўлган омиллардан унумли фойдаланиш суст бормоқда, сигирларни қисир қолишига йўл кўйилмоқда, молларнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга етарли эътибор берилмайди.

Чорвачиликнинг барча тармоқларини жадал ривожлантиришда энг муҳим ва асосий йўл ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаш ҳисобланади. Бунинг натижасида барча фермаларда ишлаб чиқариш самародорлигини ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришин мумкин.

Чорвачиликни интенсивлаш иқтисодий, ташкилий ва зоотехника муаммолари билан бевосита боғлиқдир. Бу учала муаммони ҳал қилиш чорвачилик тармоқларини бутун республика вилоятларида жадал ривожлантириш имконини беради.

Чорвачилик тармоқларини икки йўл билан, яъни **экстенсив** ва **интенсив** тарзда бошқариш мумкин.

Экстенсив усулда бошқарилганда моллар ва паррандалар сони кўпайтирилмайди, катта ҳажмдаги мослаштирилган чорва ва парранда бинолари қурилмайди, ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар томондан тўла механизациялаштириш учун маҳсус аппарат ва машиналар соғиб олинимайди, наслчилик ишлари, молларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини кескин ошириш ишлари олиб борилмайди, уларни боқиш, семиртириш, сақлаш ва асраш ишлари хонаки усулда, илғор хўжаликлар тажрибасидан фойдаланилмаган ҳолда олиб борилади. Шунга кўра, бу усул билан чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва сифатини яхшилаш анча қийин бўлади.

Чорвачиликни **интенсив** усулда бошқарини эса асосий ишлаб чиқариш фондларини кўпайтира бориш, ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлаш, шу асосда ҳаво бош мол ҳисобига олинадиган ялпи маҳсулот ва соф даромад миқдорини мунтазам равишда ошира бориш назарда тутилади.

Чорвачиликни интенсивлаштириш, ишлаб чиқаришини йириклиштириш, мол боқиш ва парвариш қилишнинг илғор, ҳозирги замон усулларини жорий қилишини тақозо қиласди.

Ҳозирги вақтда республикамиз чорвачилигининг барча тармоқлари интенсив усулда ривожлантирилмоқда.

Интенсивлаштиришнинг муҳим омиллари

Интенсивлаштиришнинг муҳим омилларидан **биринчидан** техника тараққиёти — чорвачиликда машина ва техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқариша энергетика, электрлаштириш ва автоматлаштириш ишлари муҳим ўрин тутади.

Чорвачилик тармоқларини интенсив ривожлантиришнинг **иккинчи** муҳим омили — ишлаб чиқариши химиялаштириш ҳисобланниб, бунда асосий эътибор ҳайвон озиқларидан унумли фойдаланишга қаратилган бўлади. Масалан, омихта ем, биологик стимуляторлар, аминокислоталар, озиқбоп ачитқилар, антибиотиклар, витаминлар, микроэлементлар, шунингдек, карбамид ва бошқа воситалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоқларини интенсивлаш омиллари ишлаб чиқариш жараёнларининг сифат жиҳатларини акс эттиради ва тармоқларни ривожлантиришга нималар таъсир этади, деган саволга жавоб беради. Интенсивлаштириш кўрсаткичлари эса ривожлантиришнинг миқдор жиҳатини кўрсатади.

Чорвачиликда интенсивлаш тадбирлари ўз ичига ниҳоят кўп масалаларни қамраб олгани ҳолда уларни шартли равишда учта катта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гурӯҳ қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Ҳар бир бош ҳайвон учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни пулга (пул қийматига) айлантирган ҳолда моддий ва меҳнат сарфларининг умумий миқдори.

2. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (амортизация харажатлари бундан чиқариб ташланади) билан ишлатилган жами маблағлар миқдори.

3. Ҳар юз гектар ерга тўғри келадиган ҳайвонлар миқдори.

4. Бир ёки юз гектар ер ҳисобига чорвачиликда сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари.

Иккинчи гурӯҳ кўрсаткичлари:

1. Бир ёки юз бош ҳайвон ҳисобига етиштирилган ялини маҳсулотнинг пулга айлантирилган миқдори.

2. Ҳар юз гектар ер майдони ҳисобига етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари (барча турлари бўйича ва умумийси).

Учинчи гуруұқ күрсаткычлари:

1. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига олинадиган ялпи даромад, пул ҳисобида.

2. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига олинган соф даромад.

3. Ишлаб чиқарышынг рентабеллик даражаси.

Республикамиз вилоятларида ўз фАОЛиятларинің давом эттираётган күплаб чорвачилик комплексларыда ва йириклашған фермаларда күп мөхнат талаб қыладиган технологик жараёнларни юқори даражада механизациялаштирилши натижасыда хизматчи-ходимлар сонини бирмүнча камайтириш имкониятига эга бўлindi. Шунга кўра, ҳозирги вақтда, ҳар бир кишига бириктирилган молларнинг сони мөхнат жараёнлари тўла механизациялашмаган фермаларнинг қараганда 2,5—3 марта кўпроқдир. Бунинг натижасыда икки сменали иш кунига ва ҳафтасига бир кун дам олиш имконига эга бўлиш мөхнатни илмий асосда ташкил қилиш ҳамда ҳар бир ёки юз бош мол ҳисобига бўладиган турли харажатларни қисқартириш имконига эга бўлindi.

Сут етиштиришга ихтисослашган, бир қатор давлат ва жамоа ҳўжаликларида сут қорамолчилигининг интенсивлиги кўп жиҳатдан поданинг таркибига боғлиқдир. Масалан, кўплаб тавсияларга қараганда, подадаги сигирлар салмоғини 35% дан камидаги 65% га етказиш талаб этилади. Бунда агар ўртача ҳар бир сигирдан 3000 кг дан сут соғиб олинса, интенсивлик ва самара-дорлик 44,6% га ортиши мумкинилги тажрибаларда синааб кўрилган. Бунга асосий сабаб, пода таркибida сигирлар салмоғи ортиши билан сарфланадиган ем-хашак эвазига олинадиган маҳсулот ҳам кўпая боришидир.

Республикамиздаги кўплаб илғор давлат ҳўжаликларида сигирларни сифатли ва тўйимли озиқлар билан бокиши ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, бир бош сигир учун сарфланган ем-хашак миқдори ортиб бориши билан бирга сигирлардан соғиб олинаётган сут кўпаймоқда, сифати яхшиланмоқда. Юқорида номлари қайд этилган давлат ҳўжаликларида ҳар бир бош сигир учун 25,8—28,5 ц озиқ бирлиги сарфланган ҳолда ҳар бир говмушдан қўшимча 1503—1825 кг сут соғиб олинмоқда. Бунинг натижасыда ҳўжаликлар катта иқтисодий самара-дорликка эришмоқдалар.

Сўнгги йилларда республикамиздаги кўплаб илғор

хұжаликлар чорвачиликни интенсив ривожлантиришга астайдыл киришгандар. Бу борада сигирларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик, ҳар бир говмушдан йилига биттадан соғлом бузоқ олиш муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб, чорвачилик фермалари ва комплексларида, паррандачилик фабрикаларида кўплаб маҳсулот етишиши, уларнинг таннархини пасайтириш жуда муҳимдир.

Хўжаликларда замонавий чорвачилик биноларини қуриш, оғир қўл меҳнати талаб этадиган ишларни тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнат ва маблағ харажатларини камайтириш, барча технологик жараёнларни илмий асосда бошқариш, маҳсулот етишишида меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самародорликни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун барча чорвачилик тармоқларини интенсивлаштириш, мустаҳкам ем-хашиб базасини барпо этиш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, молларни боқиш ва парвариш қилиш ишларини яхшилаш, касалликлардан сақлаш каби тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Шундагина чорвачиликнинг барча тармоқлари тез ривожланади, маҳсулотнинг сифати яхшиланиб, таннархи арzonлашади ва халқнинг тобора ўсиб бораётган талабини тўла таъминлаш имконияти яратилади.

XVI б о б. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ САНОАТ НЕГИЗИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Чорвачиликни саноат асосида ривожлантириш деганда ишлаб чиқариш жараёнларини юқори даражада комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда уларга мос равишда хизмат кўрсатувчи шахслар меҳнатини ташкил этишида, маҳсулотни белгиланган суръат билан ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи барча (технологик, муҳандислик ва ташкилий) тадбирларни амалга ошириш тушунилади.

Чорвачилик маҳсулотларини саноат негизи асосида ишлаб чиқаришда янги техника воситаларидан, такомиллаштирилган замонавий машиналар системасидан унумли фойдаланиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Чорвачилик тармоқларини саноат негизи асосида ривожлантириш, кам маблағ ва меҳнат сарфлаб кўп миқдорда маҳсулот — сут, гўшт, жун, тухум, қоракўл

тери етиштиришни тақозо қиласы. Шунингдек, чорва моллари ва паррандаларини озиқлантириш усуллари, боқиши, парваришлиш, ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини тұла механизациялаشتариш, меңнатин илмий асосда ташкил этиш, илфор техника ва фан ютуқларини жорий этиш талаб этилади.

Чорвачиликни саноат негизи асосида ривожлантириш учун чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариши жадаллаشتариш, фойдаланиладиган жиһозларни оптимал иш билан таъминловчи тегишли ишлар ҳажмини бир жойга тұплаш — марказлаشتариш, ундан тегишли тежамкорлик билан фойдаланиш, ем-хашакни сарғлашда истрофтарчиларга йўл қўймаслик лозим.

Чорвачиликда комплекс механизация жорий этиш билан меңнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини арzonлаشتаришга ва унинг сифатини яхшилашга эришиш мүмкін. Бу эса қўйидаги тадбирларни амалга оширишини тақозо этади:

1. Чорва моллари ва паррандаларидан кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш учун мустаҳкам ва барқарор ем-хашак базасини яратиш.

2. Стационар машина ва механизмларни ҳаракатга келтириш мақсадида электр таъминоти ва мобил типидаги машиналарни бошқариш учун зарур энергетика воситаларига эга бўлиш.

3. Йирик чорвачилик фермалари ва комплексларида ишлаб чиқариш жараёнларини тұғри бошқара олиш учун механизаторлар, операторлар ва барча соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш.

4. Чорва моллари ва паррандаларни боқиши, асраш ва сақлаш учун замонавий, механизация воситалари билан тұла жиһозланган биноларга эга бўлиш, шулар жумласидандир.

Чорвачиликни саноат негизи асосида ривожлантиришда наслчиллик ва зооветеринария тадбирларини тұғри ва тегишли йўлга қўйиш, шунингдек, чорва молларини саноат негизи асосида комплексларда боқишига мослаштириш, машина технологияси талабларига жавоб берса оладиган, сарфланган озиқ қийматини ортиғи билан қоплай оладиган сермаҳсул моллар етиштириш жамики селекционерлар олдида турган масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Саноат негизи асосида сут етиштириш

Чорвачилук маҳсулотлари орасида сут ва сут маҳсулотлари муҳим ўрин эгаллади. Барча вилоятларда сут етиштириш ишларини тўғри йўлга қўйиш ва бу муаммони ҳал қилишнинг асосий йўлларидан бири барча хўжаликларда сут етиштириши саноат негизи асосида ташкил қилиш ҳисобланади. Бунинг учун барча фермалар замон талабига жавоб бера оладиган янги техника ва механизация воситалари билан таъминланган бўлиши керак. Сут етиштириш технологиясини тақомиллаштириш, жаъми мөҳнат жараёнларида автоматизацияни тўла жорий қилиш, маҳсулдор чорва моллари туёғини кўпайтириш ва мөҳнат унумдорлигини оширишда муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Сут ишлаб чиқаришни саноат негизи асосига кўчириш учун энг муҳим тадбирларни комплекс ҳолда баҷариш талаб этилади. Жумладан, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, озиқ таркибидаги **оқсил** моддаси етиш-маслигига барҳам бериш, сигирларни сифатли **озиқ турлари** билан тўйдириб боқиц зарур. Бундан ташқари, омухта **ем** тайёрлайдиган, ҳамда **микробиология** саноати ишларини жадаллаштириш, ем-хашак таркибидаги тўйимли моддалар (протеин, витамин, мой, аминокислоталар, минерал элеменлар) нинг исроф бўлмаслигини таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунингдек, **пичанбоп** ўтларни ўз вақтида агротехника қоидалари асосида йиғишириб олиш, **силос ва сенаж** бостириш, донадор ва брикет озиқларни кўпроқ тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сут етиштиришда янги технологияни жорий этилиши натижасида сигирларни машинада **соғиши устаси — оператор-соғувчи** касби вужудга келди. Шунингдек, барча турдаги қисқа технологик жараёнларни бошқариш учун ҳам янги касблар — механик-оператор, мол боқувчи-оператор, энергетик, слесарлар звеноси, транспортчи механиклар жорий этилди, бир қанча ёрдамчи ишчилар гуруҳи ҳам барпо этилди.

Хўжаликлардаги барча иш жараёнларига раҳбарлик қилиш масаласи эса юқори малакали, ишбилармон, ташкилотчи мутахассисларга топширилди. Хўжаликларнинг катта-кичиклиги, ўлка шароити ва ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда мөҳнатни тўғри ташкил қилини борасида ҳам катта ўзгаришлар

юз берди. Масалан, хизматчиларнинг икки сменада ишлашини жорий этилиши иничиларни маданий ҳордиқ чиқарини, дам олиши, уй-рўзгор ишлари, жамоатчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланишига имконият яратди.

Шундай қилиб, сут етиширишини саноат негизи асоси га кўчириши кўплаб сифатли сут ва сут маҳсулотлари етказиб беришида энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бунинг учун юқорида қайд қилиб ўтилган технологик жарабайлардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини опириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кадрларни ўз ўринига қўйиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, маҳсулот таниархини арzonлаштириш, раҳбарлик ва бошқариш ишларини яхши уюштириш муҳим ўрин тутади.

Сут етиширишга мослашган комплекслар. Республикаизда кўплаб 400, 600, 800 ва 1200 бош соғини сигирга мўлжалланган чорвачилик комплекслари қуроришиб ишга тушган ва ҳозирги вақтда ҳам уларни қурориши ва фойдаланишига топнириши ишлари давом этмоқда. Бу комплексларнинг катта-кичикилиги биринчи галда хўжаликларни қуввати, ем-хашак базасининг ҳажмига қараб белгиланади.

1993 йилга қадар республикамиздинг барча вилоятларида 118 та чорвачилик комплекси бўлган бўлса, уларнинг 64 таси 400 бош сигирга, 28 таси 600, 20 таси 800 ва 6 таси 1200 бош сигирга мўлжалланган. Кузатишлардан маълум бўлинича, 600 бош сигирга мўлжалланган комплекслар маҳсус машиналар системаси, асбоб-ускуналар, технология ва меҳнатни ташкил қилинб бўйича мақсадга мувофиқ келмади. Кўплаб хўжаликлар бундай комплекслар қуришдан воз кечдилар ва унинг ўринига 400, 800 бош сигирга мўлжалланган комплекслар қуришга киришдилар.

1200 бош соғини сигирга мўлжалланган барча комплекслар орасида Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг тажриба хўжалигидаги кўрсаткичлар бирмунча юқори даражада ҳисобланмоқда. Бу хўжаликда 17 киши 1200 бош сигирни машиналар ёрдамида соғишиади. Бунда, бешта «Тандем» ва иккита «Молокопровод» типидаги қўрилма ишлайди. Комплексда жами бўлиб 62 киши хизмат қиласади. Ҳар бир ходим ҳисобига етишириладиган сутининг миқдори 80 т га тўғри келади.

Республикамизда күплаб сифатли, серқаймоқ сут етишириб берәётган чорвачилик комплекслари күплаб топилади. Уларда хизмат қилаётган чорвадорлар тадбиркорлик билан иш тутмоқдалар. Шунга күра бирмүнча комплексларда наслчиллик ишлари тинмай такомиллашмоқда, молларни парвариш қилишда илғор усуллар дадил жорий этилмоқда, зооветеринария хизматлари яхшиланмоқда, сигирларнинг маҳсулдорлиги оширилмоқда, ем-хашак базаси бутун чоралар билан мустаҳкамланмоқда.

Саноат негизи асосида гўшт етишириш

Гўшт етиширишни саноат негизи асосига кўчириш, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон технологиясини жорий этишини ва ихтисослаштирилган йирик хўжаликларни барпо этишини тақозо қиласди. Бунда чорва молларининг биологик хусусиятлари, ем-хашакка бўлган талаби, семиришга мойиллиги, кўп жиҳатдан уларни асраш ва сақлашга, парваришлашга, озиқланишига ва бошқа шароитларга мослана олиш хусусиятларига боғлиқлиги ҳисобга олиниши лозим. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, марказлаштириш, ём-хашак ва уни едириш учун ишлаш, молларнинг маҳсулдорлиги, ёши, жинси ва физиологик ҳолатига қараб пода гуруҳларини ташкил қилиш, фойдаланишига қулай бўлган машина ва механизмларни танлай билиш — гўйит етишириш ишларини жадаллаштиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Гўшт етишириш борасида йирик бўрдоқичилик базалари, фабрика ва комплексларни ташкил қилиш, уларнинг самаралорлитини ошириши қўйидаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлади:

1) гўйитга семиришини ва кухоналарга жўннатиш учун комплекс бўрдоқичилик базаларини йил мобайнида гўштга ажратилган бузоқлар билан узлуксиз бир меъорда таъминлаш;

2) комплексни бузоқлар подаси билан комплектлаш ўзига хос даврлар асосида цикличик хусусиятига эга бўлиши, уни қатъий график асосида бузоқлар билан таъминлайдиган ҳўжаликлар билан келишиб олиш;

3) бир вақтда четдан келтирилган эркак бузоқларни маҳсус ишлаб чиқариш бирлиги сифатида алоҳида секцияларга жойлаштириш, озиқлантириш ва парварицлаш;

4) ҳар бир гуруҳдаги молларни семиртириш жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтказишда уларни тарқатиб юбормаслик ва маълум *тасдиқланган* график асосида меҳнат жараёнларини амалга ошириш;

5) тенг ёшдаги бузоқлар гуруҳини боқиши жараёнида уларнинг боқиши технологиясини бир босқичдан иккинчи босқичга кўчирнишда турли кўрсаткичлар (семизлиги, физиологик ҳолати, иштаҳаси, саломатлиги ва бошқалар) га эътибор бериш;

6) комплексдаги барча ҳайвонларни узлуксиз ҳолда дағал озиқлар, концентрат (ем) лар ва озиқ-овқат саноати чиқинидилари билан таъминлаш. Бунинг учун емхашиак тайёрлашга ихтисослаштирилган хўжаликлар бўлса, улар билан қатъий келишувчилик асосида иш олиб бориш;

7) комплексларда озиқ тайёрлаш ва унга дастлабки ишлов бериш цехларини бўлиши, унда юқори сифатли омухта ем ишлаб чиқариш ва бузоқларни боқиши даврига қараб режа ва график асосида тарқатиш;

8) барча сут-товар фермаларидан ва турли хўжаликлардан келтирилган эркак бузоқларни 400 кунлигигача боқиши ва уларнинг вазнини камидан 400 кг га етказиб гўштга топшириш шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган шарт-шароитларни ўз вақтида амалга ошириш кўплаб гўшт этиштиришида муҳим омил хисобланади.

Бўрдоқичилик базалари ва комплексларининг ҳажми гўни учун боқиладиган молларнинг миқдори ҳар бир бўрдоқичилик базаси ёки комплексининг ҳажми, жойлашиши, ихтисослашганлиги, зонанинг табиий ва иқтисодий шаронти, техника воситаларидан фойдаланиш даражаси, комплекснинг лойиҳаси, семиртирилиши лозим бўлган ҳайвонлар билан таъмин этилишига қараб белгиланади.

Бундай хўжаликлар ўзларининг турли хусусият ва шароитларига қараб бир вақтнинг ўзида 1000, 3000, 6000, 9000 ва 12000 бош молни боқиши ва семиртиришига мўлжалланган бўлиши лозим. Ана шу хўжаликлар ўзларининг имкониятидан фойдаланган ҳолда, ўз фермаларида туғилган бузоқлар ҳисобига 1000 бош бузоқни семиртириб гўштга топшириши меъёр даража ҳисобланади. Лекин хўжаликлараро бўрдоқичилик базаларида эса 3000 бошдан 6000 бошга қадар; туманлараро

бүрдоқичилик комплексларидан бир вақтнинг ўзида 9000—12000 бош ҳайвон гүштга боқилиши керак. Бунда семиритириш учун талаб этилган моллар билан таъминлайдиган репродуктор хўжалик фермаларининг маъсулити янада оширилади.

Гүштга семирилидиган гуруҳларни ташкил этиш. Ҳайвонларни гүштга семиритириш гуруҳларини ташкил этиш ишлари барча ихтисослашган хўжалик ва комплексларда қуидагича олиб борилади.

1. Бузоқларни эмизикли давридан гүштга семиритириш. Бунда 15—20 кунлик бузоқларни тирик вазни 35—45 кг бўлгани ҳолда қабул қилинади.

2. Сутдан ажратилган 4—8 ойлик бузоқлар, вазни 120—200 кг га етганда қабул қилинади. Улар турли зот ва маҳсулот йўналишидаги пода ва фермалардан келтирилган бўлиши мумкин.

3. Ёни 10—12 ойликдан ошган ҳамда катта ёшдаги моллар ҳисобига пода ташкил этилади. Бунда бичилмаган буқачаларнинг вазни 280—300 кг, бичилганлариники 260—280 кг ва танаачаларнинг вазни 240—260 кг бўлиши керак

Хўжаликнинг ўзида ем-хашак этиштириш имкониятига эга бўлган комплекслар бўрдоқига ажратилган молларни етарли миқдорда силос, сенаж, пичан, дона-дор озиқ, брикет ва аралаш озиқлар билан боқмоқдалар.

Ишлаб чиқариш технологияси талабларига кўра бўрдоқига боқиладиган моллар гуруҳи ёши, вазни ва жинсига қараб бир хил бўлиши самарадорликнинг асосий омили ҳисобланади.

Турли хил маҳсулот (сут, сут-гўшт, гўшт-сут ва гўшт) йўналишидаги фермаларда маҳсулот йўналишидан қатъи назар, ёш молларнинг наслий ҳусусиятлари яхшиланиши, жумладан гўшт маҳсулорлигининг генетик потенциалини кўтариш, уларни саноат асосидаги чорвачилик комплексларидан гўштга боқиш ишларини анча енгиллантиради. Бу борада гўштдор зотли моллардан этиштирилган бузоқлар тез семириши, этилувчанлиги билан фарқ қиласди. Шу билан бирга, кам сут берадиган сигирларни гўштдор зотли буқалардан қочиришдан вужудга келган бузоқ ва дурагайларнинг тутган ўрни анчагина салмоқлидир. Умуман, яқин келажакда гўшт этиштириш учун биринчи навбатда гўшт йўналишидаги маҳсус зот (санта-гертруд, aberдин-ангус, қозоқи оқ

бош, қалмоқи, герефорд шароле, шортгори ва бошқалар) ларни кўпайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг илгор хўжаликларида гўшт етиштириш

Ўзбекистон шароитида гўшт етиштириш ҳамма турдаги чорвачилик фермаларида, бўрдоқичилик базалари ва комплексларида олиб борилади. Кейинги йилларда гўшт етиштиришни жадаллаштириши, ихтисослаштириши ва марказлаштириши ишлари кенг авж олмоқда. Бунда биринчи навбатда ҳар бир йирик жамоа ва давлат хўжалиги ўзининг бўрдоқичилик базасига эга бўлса, иккинчидан хўжаликлараро пункт ва базалар, айниқса йириклиштирилган туманлараро бўрдоқичилик базалари ва комплексларининг вужудга келишин муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиздаги барча жамоа ва давлат хўжаликларида бузоқлар 6 ойлигидан бошлаб бўрдоқинга боқиласди. Айрим вақтларда 7 ойлик бузоқлар хўжаликлараро бўрдоқичилик базаларига гўшта семиртириши учун жўнатилади.

Молларни семиртириш усуллари. Ўзбекистон вилоятларидаги кўплаб хўжаликларда ўша зонанинг географик, иқлим ва экологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда молларни уч хил усулда гўштга семиртириш ишлари олиб борилади.

Биринчи усулда моллар фақатгина қуни ойларидагина, яъни совуқ ва ёғнигарчилик пайтларда молхоналарда сақланса, қолган вақтда яйлов ва ўтлоқларда боқиласди. Масалан, Жиззах вилоятининг «Бахмал» давлат хўжалигига бу усул ижобий натижка бермоқда.

Иккинчи усулда моллар боғланган ҳолда молхоналарда боқиласди. Ем-хашиб эса уларнинг охурларига солинган ҳолда тарқатилади. Бу усул Самарқанд вилоятидаги Каттақўрон давлат хўжаликлариаро бўрдоқичилик пунктида қўлланилиб бирмунча ижобий натижалар бермоқда.

Учинчи усулда ҳамма моллар йил мобайнида очиқ майдонда сақланади ва улар учун маҳсус молхоналар курилмайди. Шунга кўра етиштирилаётган гўштнинг таннархи аинча арzon ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Бу усул Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг тажриба хўжалигига қўлланилмоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида молларни гўштга семиртириш соҳасида илфор ва мақташга арзийдиган хўжаликлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида Каттакўрғон бўрдоқчилик хўжалигини келтириш мумкин. Хўжаликда бир вақтнинг ўзида 4500 буш мол боқилади.

Хўжаликда жами меҳнат жараёнлари механизация ёрдамида бажарилади. Хўжаликнинг катта ҳажмли озиқ цехи бўлиб чида ҳайвонларга едириладиган барча турдаги ем-ханик дастлабки ишловдан ўтади. Масалан, иккита С-12 маркали озиқ машинасида шелуха концентрат озиқлар билан араплаштирилди ва РКС-8000 маркали механизм ёрдамида қиска вақт ичиди барча молларга (380 молга 10 минутда) тарқатилиб чиқилади. Молхоналар бир-биридан 10—30 м масофада жойлашган. Бу ерда ҳайвонларнинг яхши семиртишига имкон берувчи хлорелла тайёрланади ва сув автоматик усулда молларнинг сувдонларига қўйилиб турилади. Дағал озиқ молларга ДКУ-1 маркали машина ёрдамида майдаланиб берилади.

Ўзбекистон чорвачиник илмий текшириш институтининг тажриба хўжалигига қорамолларни бўрдоқига боқиб семиртиришда катта ютуқларга эришилмоқда. Хўжалик чорвадорлари ҳар бир молни 18 ойлигигача 550—600 кг семиртиришгани ҳолда ҳар йили давлатга 237—240 т ва ундан ҳам кўпроқ гўшт сотмоқдалар.

Шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Чиноз» хўжалиги, Сирдарё вилоятидаги «Малик» давлат хўжалиги молларни гўштга семиртиришда ажойиб меҳнат самародорлигини қўлга киритмоқдалар. Улар ҳар бир мол вазнини 500—550 кг га етказмоқдалар. Молларни жадал семиртириш бўйича ихтиослаштирилган бригада ва гурӯҳлар тузилган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, гўшт ва гўшт маҳсулотларини янада кўпроқ етишириш учун республикамизда катта имкониятлар мавжуд. Илфорлар тажрибаси бунга яққол мисол бўла олади.

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Кириш</i>	3
Чорвачиликнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти	3

Б и р и н ч и б ў л и м УМУМИЙ ЧОРВАЧИЛИК

I б о б . Чорва молларининг биологик ҳусусиятлари (морфологияси ва физиологияси)	
Ҳайвонлар ҳужайрасининг тузилиши ва вазифаси	7
Ҳайвон аъзоларининг тузилиши ва вазифаси	9
Ҳаракат аъзолари системаси	9
Юрак-қон томир системаси	14
Айриш аъзолари системаси	16
Нафас олиш аъзолари системаси	18
Овқат ҳазм қилиш аъзолари системаси	20
Моддалар ва энергия алмашинуви	21
Нерв системаси	22
Ички сектреция безлари	24
Жинсий аъзолар системаси	26
II б о б . Чорва молларини озиқлантириш технологияси	
Ем-хашакнинг кимёвий таркиби, биологик қиммати ва тўйимлилiği	29
Ем-хашак турлари ва уларнинг ҳусусиятлари	31
Ем-хашакни дастлабки қайта ишлаш	33
III б о б . Чорва молларини озиқлантириш асослари	
Молларни рацион асосида озиқлантириш	35
Софин сигирларни озиқлантириш	44
Бўғоз сигирларни озиқлантириш	46
Бузоқларни озиқлантириш	49
Лаборатория иши	53
Амалий машғулот	53
Амалий машғулот	54
Молларни бўрдоқига боқиш	54
Амалий машғулот	57
IV б о б . Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини кўпайтириш асослари	
Ҳайвонларнинг ўснши ва ривожланиши	58
Ҳайвонлар конституцияси	59

Хайвонлар экстеръери	65
Амалий машгулот	66
Хайвонлар интеръери	66
V б о б. Чорвачиликда наслчиллик ишлари	
Чорвачиликда танлаш	68
Саралаш тадбирлари	69
Зот тўғрисида умумий тушунча	70
Хайвонларни бонитировка қилиш	72
VI б о б. Чорва моллари ва паррандаларни урчишиш усуллари	
Чорва молларини қочириш усуллари	78
Лаборатория иши	80
Лаборатория иши	80
Амалий машгулот	81

Иккинчи бўлим

ХУСУСИЙ ЧОРВАЧИЛИК

VII б о б. Қорамолчилик

Қорамолларнинг асосий йўналишлари	84
Ўзбекистондаги серсут қорамол зотлари	84
Ўзбекистондаги гўштдор қорамол зотлари	90
Ўзбекистондаги икки йўналишдаги қорамол зотлари	95
Сигирларни боқиши	96
Бузоқларни боқиши ва парварии қилиши	100
Бузоқларни 6 ойлигидан 2 ёшгacha боқиши	102
Наслдор буқаларни боқиши ва парвариши қилиши	104
Наслдор буқаларни қиши ойларида боқиши	104
Наслдор буқаларни ёз ойларида боқиши	105
Қорамоллардан олинадиган маҳсулотлар	105
Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги	106
Сифатли сут соғиб олиш ва уни ташкил этиши	112
Амалий машгулот	116
Амалий машгулот	117
Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги	119
Молларни гўштга семиртириши	121
Турли ёшдаги молларни гўштга боқиши	126
Молларни яйловда боқиши	127
Амалий машгулот	129

VIII б о б. Қўйчилик

Қўйларнинг маҳсулот йўналиши	131
Қўйлардан олинадиган асосий маҳсулотлар	132
Қўй зотлари	135
Қўйларни урчишиш ва кўпайтириши	144
Қўйларни боқиши	146
Қўйларни гўштга боқиши	150
Эчкичилик	151
Амалий машгулот	153

IX б о б. Паррандачилик	
Паррандаларнинг биологик ҳусусиятлари ва махсулдорлик кўрсаткичлари	155
Паррандалар классификацияси	157
Парранда зотлари	157
Инкубация	166
Паррандаларни боқиш	168
Жўжаларни боқиш ва парваришилаш	171
Амалий машгулот	173
Амалий машгулот	175
X б о б. Йилқичилик	
От зотларининг классификацияси	178
От зотлари	180
Отларниң гўни ва сут махсулдорлиги	185
Отларни боқини ва парвариш қилиш	186
Ўзбекистонда йилқичилик	189
XI б о б. Туячилик	
XII б о б. Куёнчилик	
Куёnlарни маъдэулотига кўра асосий йўналишлари	196
Куёнчилик фермаларини ташкил этиш	199
XIII б о б. Зоогигиена	
Чорвачилик биноларини қурнила унинг махсус- кисмларига бўлган зоогигиена галаблари	204
Ёргулукнинг гигиеник аҳамияти	205
Ҳаво муҳитининг ҳайвон организмига таъсири	207
XIV б о б. Ветеринария	
Юқумсиз касалликлар	215
Молларнинг бола туғинингчагча ва ундан кейиниги ка- салликлари	219
Юқумли касалликлар	222
Инвазион касалликлар	225
XV б о б. Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш тадбирлари	
Чорвачиликни ихтисослаштириш ва марказлашти- рни тадбирлари	229
Чорвачиликни интенсивлаш тадбирлари	230
Интенсивлаштиришнинг муҳим омиллари	233
XVI б о б. Чорвачилик тармоқларини саноат негизи асосида ривожлантириш	
Саноат негизи асосида сут етиштириш	237
Саноат негизи асосида гўшт етиштириш	239
Ўзбекистоннинг илтор хўжаликларида гўшт етиш- тириш	242
Мундарижа	244

Талъат Хатамович Икромов

ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўрта таълим билим юртлари талабалари
учун дарслик

Toшкент — «Ўқитувчи» — 1996

Муҳаррир *P. Авазов*

Муқова рассоми *Г. Жирков*

Бадний муҳаррир *Ф. Некқадамбоев*

Тех. муҳаррир *С. Турсунова*

Мусаҳҳих *З. Содикова*

ИБ № 6870

Теришга берилди 01.11.95. Босишга рухсат этилди 2.02.96. Бичими 81 × 105^{1/32}.
Тип. көғози. Кегли 10 широнсиз. Литературная гарнитураси. Юкори босма усули-
да босилди. Шартли б. л. 13.02. Шартли кр.- отт. 13.125. Нашр л. 13.55.
2000 нусхада босилди. Буюртма № 2814.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоний кӯчаси, 30. Шартнома 19—132 — 93.

Ўзбекистон Республикаси Даъват матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати,
Тошкент, Навоний кӯчаси, 30. 1996.

И134

Икромов Т. Х.

Чорвачилик асослари. Ўрта таълим билим юртлари ўқувчилари учун дарслик. Т., «Ўқитувчи», 1996 248 б.

46я722